

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Абдулла Орипов – кенгаш раиси

Бобур Алимов

Эркин Воҳидов

Толибжон Мадумаров

Тўра Мирзаев

Ғофуржон Муҳаммедов

Хўжакул Муҳаммадиев

Сувон Нажбиддинов

Хайриддин Султонов

Шарап Уснатдинов

Ғайрат Шоумаров

Рустам Қосимов

Охунжон Ҳақимов

Хол Муҳаммад Ҳасан

Бош муҳаррир

Сирожиддин Саййид

Бош муҳаррир ўринбосари

Икром Отамурод

Масъул котиб

Муҳаммаджон Аҳмедов

Наср бўлими мудир

Асад Дилмурод



МУНДАРИЖА

ЎҚТИРОМ

Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Юртимиз юраги 3

ШЕЪРИЯТ

Жуманиёз Жабборов. Диёрим чехраси. *Шеърлар* 13

Анвар Юнус. Нур эди кўксимда меҳринг. *Газаллар* 17

Комил Аваз. Огаҳий. *Муסיқий достон* 83

Назира Ёроқова. Юрагимдан тўкилар бир сас.
Шеърлар 105

Носиржон Тошмагов. Ўтаётган кунлар. *Шеърлар* 108

НАСР

Илҳом Зойир. Рақобат. *Қисса* 20

Жўра Фозил. Уфқ ортидаги манзил. *Ҳикоя* 94

Иброҳим Мухаммад. Унутилмас янги бил кечаси. *Ҳикоя* 112

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Ортиқбой Абдуллаев. Матонат тимсоли 130

ГУЛКЎН ЧАМАН КЎП

Соғинч тонглари. *Мушоира* 134

ЖАҲОН ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИДАН

Луис Борхес. Вақт мўъжизаси. *Ҳикоя* 141

ҚУТЛОВ

Раҳматулла Баракаев,
Бахшунло Ашуров. Болақалб ижодкор 146

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳакимжон Каримов. Янги йўналишдаги романлар
ҳусусияти 152

Юсуфжон Ҳамдамов. Матбуот ва замонамиз
кахрамонлари образи 158

Пардабой Нуржонов. Мустақиллик даври қорақалпоқ
наsrининг ривожланиш йўналишлари 163

Розия Хобохонова. Миллий ва умуминсоний қадриятлар
ифодаси 168

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Нафас Шодмонов. Унутилган бир шoir 171

САНЪАТ

Ойдин Раҳимова. Шарқ мусика маданияти жаҳон
тумаддунида 175

ТУТАН РИШТАЛАР

Дилшода Муборақова. Рухий саёҳат номалари 181

ГУЛҚАЙЧИ

Ҳабиб Сиддик. Мустақил фикр.
Ҳомий кидиряпман. *Ҳажвиолар* 185

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2009

1-сон

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Саҳифаловчи:

Эля Ким

* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайдн.

* Обунага монельлик кўрсатилса Тошкент – 100000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Маъзилымиз:

100129 Тошкент шаҳри.

А. Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар:

244-20-64, 244-20-94,

Босишга рухсат этилди
30.03.2009 йил.

Қоғоз бичими 70x108^{1/16}.

Оффсет босма усулида тип.

№1-қоғозга босилди.

Босма табағи 12.

Шартли босма табағи 16,8.

Нашриёт ҳисоб табағи 18,4.


Адади 1200 нусха.

Буюртма № 148.

Муқовадаги суратлар муаллифи Аҳам Сулаймонов.

Ғафур Ғўлом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили:
100128, Тошкент ш.,
Шайхантаҳур кўчаси, 86.



Абдуқаххор Иброҳимов,
Ўзбекистон санъат арбоби

Юртимиз юраги

Тошкентимиз бош кентимиздир. Бу шаҳри азим ва қадим, қаерда туғилган бўлганлигидан ва қаерда яшаётганидан қатъий назар барча ўзбеклар ва ўзбекистонликлар учун баббаравар тегишли бўлиб, бир хил мақомда – пойтахтлик мақомидадир. У – юртимиз юраги.

Тошкент – она шаҳрим, ота шаҳрим, бобо шаҳрим. Аждодларимдан етти пуштининг киндик қони шу тупроққа тўкилган, хоки туроблари шу тупроққа қўшилган, улар ўз хилхонамизга дафн этилган. Бу ҳақда ҳужжат – шажарага ҳам эгамиз.

Тошкент икки минг икки юз йилдан ортиқ тарихга эга. Бизгача етиб келган ёзма манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Тошкентнинг энг қадимги номи «Чоч» бўлган. Милодий саккизинчи асрнинг бошидан бошлаб, араб манбаларида «Шош» деб аталган. Аслида, «Шош» дегани ҳам «Чоч» деганидир. Чунки, араб алифбосида «ч» ҳарфи йўқдир. Илк ўрта асрларда Тошкент «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадина аш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» деб ҳам номланган.

Шаҳримиз «Тошкент» номи билан даставвал, Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида тилга олинган. Тошкент дегани тошдек мустаҳкам шаҳар деганидир.

Тошкент географик жиҳатдан қулай, мўътадил иқлимли ерда – Чирчиқ дарёси воҳасида, савдо карвонларининг йўли устида жойлашган. У Чирчиқдан қазиб олиб келинган Бўзсув ва унинг irmoқларидан сув ичади.

Тошкент асрлар мобайнида бутун Туркистоннинг маданият, илм-фан, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва диний марказларидан бири бўлиб келган. Фикримизнинг исботи учун X асрга оид иккита мисол келтирамиз. «Худуд ал-олам» («Оламнинг чегаралари») китобида ёзилишича, Тошкентда камон ва ўқ-ей ясалган, камони шошийлар бутун дунёга жуда машҳур бўлган. Марҳум шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисовнинг тадқиқотларига кўра, Тошкент ўша олис замонлардаёқ кўз шифокорлари – офтальмологлари билан ҳам донг қозонган. Улар «каҳҳол» деб аталган бўлиб, ҳозирги тиббиётда



катаракта (кўз қорачиғини парда қоплаши) деб аталувчи хасталикни операция усули билан даволай олиш маҳорати ва малакасини эгаллаган юсак билимли шифокорлар бўлишган. Кўз дардига чалинган кишилар олис-олис юртлардан Тошкентга келиб, даво топиб қайтишган.

Тошкент кўплаб табаррук зотлар таваллуд топган ёки бўлмаса шу ерда униб-ўсиб, камолотга етган кўплаб буюк зотларга ватан бўлган қадамжолардандир. Муҳаддис ва муҳандис имом Шоший, Шайх Зайниддин бобо, шоир Бадр Чочий, Шайх Хованди Тоҳур ва бошқалар шулар жумласидандир. Бобур мирзонинг онаси қутлуғ Нигор ойим ҳам шу ерда таваллуд топган (ва Кобулдаги «Боғи Бобур»да дафн этилган). Нафақат Тошкентнинг ўзи, балки унинг тўрт томони ҳам Аллоҳ таоло азизу мукаррам қилиб яратган улуғ зотларга макон бўлган. Булар Аҳмад Яссавийнинг авлодлари ва издошлари бўлмиш валий зотлардир. Ғойиб ота, Қўшчи ота, Саид ота, Ваққос ота, Қўйлиқ ота, Занги ота, Сузук ота ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тошкентнинг диний марказлардан бири бўлиб келганлиги унда кўплаб мадрасалар, жоме ва маҳалла масжидлар, хонақо ва қорихоналар, буюк уламолар дафн этилган мақбаралар бунёд қилингани билан ҳам аёндыр. Рус тарихчиси А. Добросмисловнинг 1912 йилда Тошкентда рус тилида чоп этилган «Тошкент кеча ва бугун» деб аталувчи китобида ёзилишича, 1911 йилда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 333 та, янги шаҳар қисмида 16 та масжид бўлган. Шаҳарда жами 26 та мадраса фаолият кўрсатган. Уларнинг кўпчилиги шўролар замонида бузиб ва суриб ташланган. Эндиликда ўша 26 мадрасадан фақат 3 таси – Кўкалдош, Бароқхон ва Абулқосим мадрасалари сақланиб қолган. Абулқосим мадрасасида Абдулла Қодирий сингари кўп улуғ зотлар таҳсил кўришган. Бу мадраса дастлабки йилларда «Мўйи муборак» деб аталган, чунки, унда ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак соч толаларидан сақланиб келган.

Шўролар замонида масжидларга ҳам қирон келтирилган, тўқсон фоизга яқини буздириб юборилган. Бузилмаганларининг аксариятидан эса бошқа мақсадларда фойдаланилган. Масалан, «Тўхтабой» жоме масжиди шампан виноси ва пиво сақланувчи омбор қилиб қўйилган эди. Форобий кўчасидаги Миродилбой масжидида керосин сотувчи дўкон очилганди ва ҳоказо. Буздириб юборилган жоме масжидлардан бири (унга туташ мадраса ҳам) камии-

нанинг бобоси Иброҳимхожи Каримбой ўғли томонидан 1903 йили Тошкентнинг Чорсу бозорига яқин жойлашган Кўнчилик маҳалласида бунёд этилган.

Ўқувчи эдим. Эллигинчи йилларнинг ўрталарида бу масжид ва мадрасанинг бузириб ташланаётганига тишимни-тишимга қўйиб шоҳид бўлиб турганман. Баҳайбат экскаваторнинг каттакон чўкичи гурс-гурс этиб масжид хонақосининг баланд ва улкан гумбазига урилганида гўё зилзила бўлаётгандай ер титраб кетарди. Бу ўтмиш хотираларини шунинг учун эслаяпманки, яхшиям истиқлолга эришдик, динимиз, масжид ва мадрасалар – имиз халқимизга қайтди. Эътиқод борасида ҳам дориломон даврон бошланиб кетди.

Янги-янги қурилишлар бобида Тошкент республикаимизнинг барча шаҳарлари учун ўрнак бўлмоқда. Чунки, барчамиз учун баббаравар тегишли бўлмиш пойтахтимиздир. Пойтахтлик мақоми унга ўзгача ёндошишни тақозо этади. Деҳли дейилганда, бутун Ҳиндистон кўз олдимишга келади. Лондон деганда, Англияни тушунамиз. Париж деганда, Франция намоён бўлади. Эндиликда Тошкент деганда, бутун Ўзбекистон ҳақида таассурот олинадиган даражага етишиб бормоқдамиз. Бу фикримизнинг тасдиғи ўлароқ, пойтахтимиз кўчалари ҳақида ҳикоя сўзлаймиз, хаёлан бирга сайру саёҳат қиламиз. Зеро, фалончи шаҳарни кўрганман, фалончи шаҳарда бўлганман дейилганда, шу шаҳарларнинг кўчаларидан олинган таассуротлар назарда тутилади. Кўчаларига қараб, шаҳарга баҳо берилади. Кўчалар кенг бўлса, шаҳар улкан бўлиб туюлади, чароғон бўлса, йўловчи кўнглида қуёш чарақлайди, дили равшан тортади, хоотири жам бўлиб, бемалол сайру саёҳат қилаверади.

Тошкент кўчалари – тунларда ҳам кундузгидайин чароғон, омонлик-эсонлик, хотиржамлик мавжуд, халоватли ва гўзал кўчалардир.

Тошкент кўчаларини унинг катта-кичик қон томирларига қиёс этса бўлади. Ҳар бирининг ўз ўрни, ўз вазифаси ва, албатта, ўз аҳамияти бор, улар одамлар учун хизмат этади. Йўловчилар эса турли-туман – ёшу қари, бирлари пиёда, бирлари транспортда. Киши мақсадсиз остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Ҳаммани ўз нияти кўчага отлантиради. Кимдир ишга, кимдир ўқишга шошилади, яна кимдир кўча айланиб, ҳордиқ чиқаради. Кўчалар – даҳлсиз, умумхалқ мулки – барчага баббаравар хизмат қилаверади.

Тошкентда илк кўчалар пайдо бўлганига икки минг йилдан ошган. Бироқ, шўро замонида, етмиш йил давомида шаҳарнинг кўҳна қисми ўз ҳолига ташлаб қўйилди, қаровсиз қолдирилди, на газлаштирилди, на коммуникация тармоқлари бунёд этилди, аҳолининг замонавий даражада турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиб берилмади. Бунга қўшимча Эски шаҳарнинг тақдири Тошкент бош режасида узил-кесил белгилаб берилмади. Бу – дард устига чипқон бўлди. Эски шаҳарликлар «ана бузармиш, мана бузармиш», деган шубҳалар оқибатида ўз ҳовли жойларига қарамай, ота-боболаридан қолган иморатларни таъмирлашга, янги бинолар қуришга қўллари бормаи қўйди. Натижада, Эски шаҳар қиёфаси XIX асрда қандай бўлса шундай ҳолича қолаверди. Гўё бу ерда тарих тўхтаб қолгандай эди. Эски шаҳардан путур кетди. Истиқлол арафасида Тошкентнинг кўҳна қисми анча харобала-

шиб қолган эди. Ўзбекистондай бой ўлканинг марказида шундай ҳолатнинг юз бериши номуносиб бўлса-да, бундай аҳволни яхшилаш учун саъй-ҳаракат қилувчи бирор жонкуяр ва мард инсон – қўлидан иш келувчи, ватан-парвар раҳбар топилмасди.

Истиқлолнинг ҳаётбахш эпкини Эски шаҳарга ҳам кенглик, ободонлик, фаровонлик, замонавий турмуш олиб келди. Эски шаҳарни ободонлаштириш бошлаб юборилди. Бундан лоақал тўрт-беш йил аввал Форобий, Сағбон, Қорасарой кўчаларига йўли тушган одам, бугунги кунда бу кўчаларни таниши амри маҳол. Эндиликда, уларни шоҳкўчалар деса арзийди. Пиёдалар учун ҳам, шахсий ва жамоат транспортида юрувчилар учун ҳам барча шароит муҳайё – йўллар кенг ва равон.

Тошкент кўчалари кундузлари йўловчилар билан гавжум, кечалари эса сийрак. Зотан, халқимиз тунни ором вақти деб билган ва азал-азалдан шунга амал қилиб келади.

Тошкент халқи – саҳархез халқ, барвақт уйғонади, субҳи содиқни ризқ-рўз улашиладиган, барака ато этиладиган пайт деб билади.

Тонг маҳали Тошкент кўчаларининг файзи, таровати, кўриниши ўзгачадир. Бу пайтда биринчи йўловчилар масжидларга йўл олган ота-хонлардир, десак янглишмаймиз. Улар невараларию эваралари бўлмиш қизларимизу келинчаларимиз супириб-сидириб, сув сепиб ораста қилиб қўйган Тошкент кўчаларидан ёшлар ҳақиға дуо қилиб ўтадилар.

Тонг маҳали саф-саф бўлиб, Тошкент кўчаларини тўлдириб, наҳорги ошга бориб келишларнинг ўзгача гашти бор. Шу куни руҳингиз тетик, кайфиятингиз чоғ, ишингизда унум бўлади, чунки, наҳорги ош баҳона дўсту ёрлар, қадрдонлар, кўпдан бери кўришмаган меҳрибонлар билан учрашасиз, дейдорлашасиз. Одамлар орасида одамлардек яшаётганингиздан, атрофингизда суянчиқларингиз борлигидан қувонасиз, кўнглингиз тоғдек ўсади.

Ҳавозалар, кранлар – тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик, маъмурчилик, сиҳат-саломатлик, омонлик ва, албатта, келажакка комил ишончингиз яққол белгиларидир. Шу омиллар бўлмаса, бунёдкорлик ишлари қайси кўнглига сиғарди, дейсиз. Истиқлол Тошкентни улкан қурилиш майдонига айлантириб, кўчаларимизнинг бир чиройига ўн чирой қўшди, энига ҳам, бўйига ҳам кенгайтириб, яшнатиб, ёшартириб, гўзаллаштириб, равонлаштириб ва, албатта, қўлайлаштириб юборди. Тошкентнинг бирор гузари, маҳалласи, даҳаси, мавзеи ва тумани йўғки, унда мустақиллик йилларида катта-кичик турар жойлар, жамоат бинолари қурилмаган бўлсин. Тошкент кўчалари янги қиёфа касб этди ва касб этмоқда.

Тошкент гулистон мамлакатимиз ичида бир бўстон – шаҳри азимдир. Уни шимолдан жанубга, шарқдан ғарбга Тошкент кўчалари бўйлаб яёв босиб ўтмоқчи бўлсангиз, камида бир кунлик иш вақтингиз кетади. Назарбекдан Дўрмонгача, Ҳасанбойдан Бектемиргача бўлган масофани бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Бироқ, замонавий транспорт воситаларининг барча турлари – трамвай, троллейбус, автобус, миниавтобус, такси тошкентликларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Тошкентнинг равон ва сербар кўчалари транспортнинг тез ва бетўхтов қатнаши учун жуда қўлай.

Кўча ҳаракатларининг хавфсизлиги ва узлуксизлиги ишончли ва хушёр по-сбонлар назоратидадир.

Аэропорт, темир йўл вокзаллари, автовокзаллар Тошкентнинг дарвоза-ларидир. Четдан келган кишилар учун Тошкент кўчалари, аслида, ана шу жойлардан бошланади.

Тошкент азалдан боғ шаҳар бўлиб келган. Шу боис, баҳордан кузгача бўлган даврда осмони фалакдан назар ташласангиз, Тошкент кўчаларининг сатҳини аниқ кўролмаслигингиз ҳам мумкин. Чунки, уларни азим чи-норлар, бошқа манзарали ва мевали дарахтлар тўсиб туради. Бу иссиқ иқлимли шаҳар учун жуда зарур бўлиб, микроиқлимни мўътадиллаштириб, мулойимлаштириб туради. Тошкент кўчалари соя-салқин кўчалардир. Кўча ёқаларидаги, йўлак ёнларидаги ариқларда жилдираб, шилдираб ва шарқираб сув оқиши кўзни қувнатади, дилни яшнатади, танга ором бахш этади.

Тошкент катта-кичик сойлар шаҳри ҳамдир. Бўзсув ҳамда унинг ирмоқлари бўлмиш Золариқ, Қорасув, Салор, Кайковус, Анҳор, Қичқириқ, Қорақамиш ва бошқалар оби ҳаёт наҳрлари ҳисобланиб, шаҳримиз ва унинг кўчаларига такрорланмас қиёфа бахш этади. Анҳорбўйи, Соибўйи, Соҳилбўйи деб аталувчи кўчаларимизга ўхшаш кўчалар дунёнинг ҳеч қаерида бўлмаса, ажаб эмас. Истиқлол йилларида қурилган янги кўприклар, қирғоқларнинг мустаҳкамланиши Тошкент кўчалари чиройига-чирой қўшиши бараварида, йўловчилар ва транспорт қатновига кўп қулайликлар туғдирди. Янги бунёд этилган остки ва устки йўллар, айланма йўллар, тоннеллар ҳам аҳолига ўнғайлик яратади, транспорт қатновини тезлашишига, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда омиллардан бири бўлди.

Тошкент кўчаларига энг ярашиб тушадиган дарахт – бу чинор Қомати азим, асрлар бўйи яшайди, бир чинорни одамзот наслининг нафақат етти пушти, балки, етмиш пушти ҳам кўра бориши мумкин. Чинор – аждодлар хо-тирасини авлодларга етказувчи азамат дарахт.

Тошкент ва унинг кўчаларига фавворалар алоҳида файз бахш этади. Эндиликда, шаҳримизда олтмишдан ортиқ катта фавворалар мавжуд. Бу-ларнинг бири иккинчисига ўхшамаслиги дидимизнинг ўткирлашувига хизмат этади.

Тошкент кўчалари – гулзор кўчалар. Уларда оромгоҳлар кўп.

Тошкент – меҳмондўст шаҳар. Янги-янги меҳмонхоналар унинг кўчаларига кўрк бериб турибди.

Ҳар фаслнинг ўз фазилати, ўз зийнати бор. Тошкент кўчалари кумуш қишда ҳам, зумрад баҳорда ҳам ям-яшил, ёзда ҳам ва олтин кузда ҳам ўз ҳуснига эга. Лекин Тошкентда яна битта фасл борки, буни рамзий қилиб айт-сак, тўй мавсуми дейиш мумкин. Айниқса, ёз ва куз ойлари, халқ ибораси билан айтсак, пишиқчилик маҳалида тўйгарчилик қизиб кетади.

Ўзбек никоҳ тўйлари «ёр-ёр»ларсиз, карнай-сурнайларсиз ўтмайди. Тош-кентда куёвнавкарларнинг келинникига кўча тўлдириб боришлари азалий удум.

Тошкентда бунёдкорлик ишлари жадал суръат билан давом этмоқда.

Йил сайин, балки ой сайин Тошкентда қурилишлар кенг кўламда олиб борилмоқда, суриб ташланган эски иморатлар ўрнида янги турар жой мавзелари бунёд этилмоқда, ерости йўллари очилмоқда, бозорлар кенгайтирилмоқда, янги кўприклар қурилмоқда, оқар сув ҳавзалари ободонлаштирилмоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари Тошкентнинг барча туманларию даҳаларида – Эски шаҳарнинг Навоий, Форобий, Фурқат, Сағбон, Қорасарой, Бешёғоч, Каттабоғ кучаларида ҳам, Юнусобод, Паркент, Буюк ипак йўли, Амир Темур кўчаларида ҳам, Салор, Анҳор, Бўржар сойлари бўйларида ҳам олиб борилмоқда. Бундан атиги уч-тўрт йил аввал бунда бўлган одам, эндиликда, бу жойларни танимай қолиши ҳеч гап эмас.

Транспорт воситалари ва йўловчиларга енгиллик яратиш учун, бетўхтов ҳаракатни таъминлаш мақсадида Буюк ипак йўли чорраҳалардан тиккасига олиб ўтилди.

Олой бозорининг ёнида бунёд этилган икки қаватли йўл аҳоли учун яна бир қулайлик яратди. Тошкентликлар яхши эслайдиган Қоратош маҳалласи бугун ўзгача чирой очди.

Тошкентдан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига қатновчи транспорт воситалари Отчопардан ўтади. Ана шу йўлларга ҳам катта аҳамият берилди. Юнусобод кўприги – махсус, янги технология бўйича қурилган кўприқдир. У – қуйма кўприқ. Бир неча ярусли бўлиб, ундан транспортнинг барча турлари – метро, трамвай, троллейбус, автобуслар, енгил ва юк ташувчи автомобиллар бетўхтов ўтиб кетаверади, бир-бирига ҳеч халақит бермайди. Бу кўприқ Аҳмад Дониш ва Амир Темур кўчаларидаги транспорт қатновининг узлуксизлигини таъминлади. Қўйлиқдаги янги кўприқ – йиғма кўприқ бўлиб, у қисқа муддатда бунёд этилди. Натижада, Тошкент ҳалқа йўли билан Фарғона йўли кесишган жойда транспорт қатнови тартибга солинди.

Равон йўллардан хоҳ пиёда, хоҳ транспортда юриш мароқлидир. Истиқлол йилларида Тошкентнинг деярли барча кўчалари қайта таъмирланди. Кўчаларга асфальт ётқизиш ишлари янги технология йўсинида амалга оширилди.

Тошкент кўчаларининг янги сатҳи жазирама ёз иссиғига, қаҳратон қиш совуғига бардош бера олади. Кўчаларни ёритиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Тошкент кўчаларининг бири иккинчисига ўхшамайди. Бу – меъмору қурувчиларнинг, ишчи ва муҳандисларнинг юксак диди, моҳирлиги, ўз касбига садоқатидан дарак беради.

Қайта бунёд этилган Ўзбек Миллий академик драма театри ва Консерваториянинг янги бинолари пойтахт қиёфаси – миллат қиёфаси, деган фикрнинг тўғрилигини тасдиқлашига ишончимиз комил. Ўтган йили фойдаланишга топширилган Ўзбекистон тасвирий санъат галерияси пойтахтимиз кўркига кўрк қўшди.

Пойтахтимиз Мустақиллик шарофати билан таниб бўлмас даражада ўзгашиб кетди. Бу Мустақиллик йилларида қўлга киритган катта ютуқларимиздан биридир.

Тошкент кўчалари – яхши ният кўчаларидир.

Тошкент кўчалари – бахтли ҳаётга, порлоқ келажакка олиб боради.

Маълумки, Тошкентнинг қадим тарихга, ўзига хос қиёфага эга бўлган, аҳоли зич яшайдиган Эски шаҳар қисмини Мустақиллик йилларида ободонлаштириш, унга замонавий кўрк ва чирой бахш этиш, эски тузум даврида ечилмай келган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун кўп ишлар қилинди.

Хусусан, даставвал Сағбон, Қорасарой, Чимбой, Фафур Фулом, Форобий каби эгри-бугри, тор кўчалар кенгайтирилиб, равон магистрал йўллар барпо этилди. 167 гектардан ошиқ ҳудуд кўкаламзорлаштирилди. Қарийб етмишта маҳалла гузари, кўплаб савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари, таълим масканлари, маданий-маиший иншоотлар қуриб, ишга туширилди.

Бугун Эски Жўва майдониға қадам қўйган одам бу ерда ана шу мақсад йўлида катта ишлар амалға оширилганиға гувоҳ бўлади. Хусусан, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, Зарқайнар ва Сағбон кўчалари бошланадиган ҳудуд, Эски Жўва бозори тартибға келтирилди, бу ерда кенг кўламдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалға оширилди.

Жумладан, транспорт қатновини яхшилаш учун автомобиль йўллари янада кенгайтирилди, ён-атрофда яшил майдон ва гулзорлар барпо этилди, жазирама иссиқдан сақлайдиган дарахтлар ўтқазилди, бу жойларнинг пастбаланд ерлардан иборат эканини ҳисобға олган ҳолда, алоҳида меъморий ёндашув ва ечимлар топилди.

Айниқса, бозорға келадиган аҳоли учун ҳар томонлама қулайлик яратилди, Эски Жўва майдонида транспорт оқимини бошқариш ишлари оқилонга йўлга қўйилди, шу борада ёгингарчилик пайтида бозор ҳудудига қор-ёмғир сувларининг оқиб тушиши оқибатида, юзага келадиган антисанитария ҳолатларига барҳам берилди, савдо ва овқатланиш шахобчалари иши замонавий асосда ташкил этилди, бир қатор бинолар тарихий қиёфаси сақланган ҳолда таъмирланди.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг тарихидан муносиб ўрин олган анъаналари, миллий қадриятлари билан биргаликда, машҳур меъморий обида ва ёдгорликлари, маъмурий бинолари ҳамда бош майдонлари бўлади.

Мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони ҳам ана шундай тарихий аҳамиятга эга маскандир.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан эътиборан, кўплаб тарихий, сиёсий, ижтимоий воқеаларнинг гувоҳи бўлган бу майдонга янгича маъно-мазмун бахш этиш, унинг қиёфасини тубдан янгилаш бўйича кўп ишлар қилингани халқимизга яхши маълум.

Ана шу ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалға оширилди.

Мустақиллик майдонини қайта таъмирлашда яхлит меъморий ва ғоявий ечим топилди.

Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлмиш Сенат биноси фойдаланишга топширилди.

Сенат биноси ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ифода этади, халқимизнинг ғурури-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади. Кўплаб ривожланган мамлакатларда бўлгани каби бу майдон, ундаги Сенат биноси юртимизнинг узоқ-яқин шаҳар-қишлоқларидан пойтахтимизга келган юртдошларимиз учун зиёратгоҳ бўлмоқда. Бу ерга қадам қўйган одам истиқлолимиз руҳини, эркинлик нафасини янада теран ҳис этмоқда.

Бош майдонимизда, Анҳор соҳилида амалга оширилаётган кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишлари ҳам ана шу мақсадга қаратилмоқда, яъни, одамлар учун, уларнинг хордиқ чиқариши учун шароит яратиб берилмоқда.

Мустақиллик майдони таъмирланиб, бу ердаги маъмурий бино майдоннинг умумий меъморий қиёфаси билан мутаносиб ҳолга келтирилди, майдоннинг рамзий дарвозаси – арка яратилди, бу ишларда замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарининг уйғунлигига, қурилиш ва безак материалларининг сифатига жиддий эътибор қаратилди.

Бутун юртимиздаги каби азим пойтахтимиз – Тошкентда олиб борилаётган улкан қурилиш ва ободончилик ишлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос тимсоли бўлиб, ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Бизким, ўзбекларнинг бошқа халқларга ўхшаш жиҳатларимиз нималардан иборату фарқларимиз нималарда кўринади? Муштараклигимиз шуки, бошқа халқлар каби бизлар ҳам шу она сайёрамиз – ернинг фарзандларимиз, тупроғимиз шу заминдан олинган, зуваламиз шу тупроқдан қорилган.

Маълумки, ер юзида қанча халқу элат бўлса, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Халқимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири – она-заминга қаттиқ боғлиқлигидир, Ҳуда-беҳудага у жойдан-бу жойга кўчиб кетавермаймиз, бир парча ерни ҳам қаровсиз қолдирмаймиз, обод қилиб, боғ-роғ яратиб, яъни, туп қўйиб, палак ёзиб, муқим яшашга одатланганмиз.

Бизким, ўзбекларнинг бошқалардан яна бир фарқимиз шуки, ўзбек маҳаллаларимизнинг озодагарчилигу ободончилиги учун ҳамма масъул. Жамоа туйғуси бўлмаган халқда сахийлик ҳам бўлмайди. Вақти-вақти билан ҳашар ўтказиб туришимизнинг негизда ҳам халқимиздаги азалий сахийлик фазилати ётади. Ҳашарда ҳеч бир таъма, ҳеч қандай ғараз йўқ. Унда жамоа манфаати устувордир.

Шоҳиди бўлиб турибмиз, Мустақиллик йилларида мамлакатимиз, шу жумладан, пойтахтимиз – Тошкент улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди. Истиқлол туфайли халқимиз қалбидаги яратувчанлик булоғи кўз очди. Халқимизнинг ҳар йили Наврўз айёми арафасида юртимизнинг барча жойларини саранжом-саришталаш, кенг миқёсда кўкаламзорлаштириш ва

ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида ҳашар уюштириши замирида ҳам ана шундай яратувчанлик нияти ётади. Ўлкамизда вақти-вақти билан ўтказилаётган ҳашарларда халқимизнинг жамоа туйғусига мойиллиги ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Бешоғоч (шундай ёзилиши ва аталиши мантиқан тўғри, халқимиз гуркираб ўсиб, осмонга бўй чўзиб турган дарахтни оғоч дейди, қуриб қолиб ёқилғи – ўтин ўрнида ишлатиладиган, кесилиб, иморат қуришда фойдаланиладиган дарахтни ёғоч дейди) майдони азалдан салқин, баҳаво жой бўлган. Кейинги йилларда пойтахтимизнинг бошқа ҳудудлари қатори бу ернинг қиёфасини тубдан янгилаш борасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Унинг атрофидаги бино ва иншоотлар, анҳор ва ариқлар, кўприк ва йўллар, дарахтзор ва гулзорлар ўзаро яхлитлик, уйғунлик касб этиши муҳим эканига эътибор қаратилди.

Пойтахтимизнинг ҳар бир майдони ўзининг алоҳида меъморий ечими, ранг-беаги ва кўринишига эга. Шу маънода, Бешоғоч майдони Хадра, Эски Жўва ёки шаҳарнинг бошқа майдонларидан ажралиб турадиган ўзига хос манзара касб этди. Майдон ҳусн-чиroyини очишда ҳар бир деталга алоҳида эътибор берилди, дид ва нафосат билан ёндашилди. Атрофдаги кўприклар ҳам санъат асари даражасида тайёрланди. Ҳар бир бино беагию бўёғигача майдоннинг яхлит жамолини очишга хизмат қилди.

Шаҳарни, унинг ҳар бир майдонини бу тахлит безатишдан мақсад пойтахт аҳли ва меҳмонлар, айниқса, ёшларимизнинг баҳри дили очилиб, ҳордиқ чиқаришига қаратилган. Шундай экан, пойтахтимизнинг келгусида қандай тароват касб этишини белгилашда ҳамшаҳарларимизнинг хоҳиш-истагига кўпроқ таяниш мақсадга мувофиқдир.

Бешоғоч майдонига туташ Ўзбекистон Миллий боғида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Мазкур боғнинг умумий майдони 112 гектарни ташкил этади. Унинг қоқ ўртасидаги кўл доираси 2200 метрдан иборат.


Илгари кўлни тўлдириш механизми пухта ишлаб чиқилмагани туфайли суви лойқа бўларди. Энди бу борадаги вазият тубдан ўзгармоқда.

Боғни тўла шакллантиришнинг беш йиллик режаси тузилди. Қаерда қандай дарахт ва гул экилади, қайси жойда қандай чаманзор ва аллея барпо этилади – ҳаммаси ана шу режада ўз аксини топган. Наинки, қандай кўчат ўтқозиш, балки уни қачон экиш ҳам муҳимдир.

Эски шаҳарда амалга оширилаётган ишлар шу даҳа аҳолисининг оғирини енгил қилишга, муносиб турмуш шароити яратиш ва ободонлаштиришга қаратилган.

Дарҳақиқат, қисқа муддатда лойиҳачилар, қурувчилар, йўлсозлар, транспортчилар ва бошқа касб эгаларининг ҳамкорлигида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Тор кўчалар ўрнига кенг, равон йўллар, кўприклар, аҳолига замонавий хизмат кўрсатадиган ижтимоий объектлар барпо этилди, тегишли коммуникация тармоқлари ўтказилди.

Абдулла Қодирий номидаги боғ Эски шаҳар ҳудудида истиқомат қиладиган аҳолининг, айниқса, болаларнинг энг севимли гўшаларидан би-




рига айланди. Бу боғ ўтмишда Жанггоҳ деб аталган. Бундай аталишига сабаб шуки, бу ерда халқ сайиллари ўтказилган, сайиларда эса кўчқор уриштириш, хўроз уриштириш, кураш мусобақалари, дорбозлар, қизиқчилар, кўзбойлоғичлар, сеҳргарлар, қўғирчоқбозлар, аскиячилар, ҳофизлар ва воизларнинг чиқишлари бўлган. Ўтган асрнинг ўрталарида ҳам Жанггоҳ анча обод бўлиб, унинг ҳудудида ўнлаб чойхоналар, ошхоналар, биллиардхоналар, ёзги концерт зали, кураш майдони, ёзги кинотеатр, академик театрининг ёзги бинноси, каттагина кўл бор эди. Ҳа, айтгандай, севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг бобомерос шаҳар ҳовлиси Жанггоҳнинг шимолигарбий тарафида бўлиб, у кишининг киндик қони шу ерга тўкилган. Бу билан айтмоқчимизки, мазкур боғнинг Истиқлол шарофати билан яна халқининг бағрига қайтган ва эъзоз топган Абдулла Қодирий номи билан аталиши бежиз эмас, албатта.

Тошкент кундан-кунга янада чирой очиб бормоқда. Шаҳар қиёфаси давр талабларига тўла жавоб берадиган даражада янгиланмоқда, дунёнинг энг гўзал ва замонавий шаҳарларидан бирига айланмоқда. Бу борада, Тошкентнинг ташқи ва ички халқа йўлларининг тўлиқ фойдаланишга топширилиши пойтахтимиз ҳаётида йирик воқеалардан бўлди.

Оқариниб оппоқ тонг отмоқда! Тошкент тонги!

Юртимиз юраги – Тошкент кўчалари завқли меҳнатга, ўқишга, қизгин ижодга чорлайди, Истиқболга, эзгу ишларга ундайди. Истиқбол Истиқлолдан бошланди.



ШЕЪРИЯТ



Диёрим чехраси...



Шодиёна

Жуманиёз Жабборов,
Ўзбекистон халқ шоири

Диёрим чехраси қувончдан гулгун,
Меҳрдан, фахрдан бағримиз бутун,
Истиқлол, ўн саккиз ёшдасан бутун,
Юртим, олтин тўйинг муборак бўлсин,
Жаҳоний обрўйинг муборак бўлсин!

Қалби кенг, феъли кенг шухратли диёр,
Жисмингда, исмингда илоҳий виқор,
Жаҳонга етгулик ғазналаринг бор,
Сўнгсиз саховатинг муборак бўлсин,
Мангу саодатинг муборак бўлсин!

Сен жаҳон уфқида мардсан, мардона,
Қучоғингда минглаб шаҳру қошона,
Асил фарзандларга онасан, она,
Юртим, ўн саккиз ёш муборак бўлсин,
Соф осмон, шан қуёш муборак бўлсин!

Бағри кенг Ватансан, орзуларинг мўл,
Дўстларга очиқдир чехраю кўнгул,
Сарбонинг кўрсатар сенга ойдин йўл,
Юртим, ойдин йўлинг муборак бўлсин,
Ғиротинг, Дулдулинг муборак бўлсин!

Боғларингда шарбат, тоғларингда бол,
Ҳаётбахш чашмалар кўксингда зилол,
Бағрингда барқ урди буюк Истиқлол,
Бу улўғ озодлик муборак бўлсин,
Бу мангу ободлик муборак бўлсин!

Хуш келдинг

Хуш келдинг,
Хуш келдинг боғимга,
Бахтимга, бағримга хуш келдинг.
Бўстондек ярашиб ёшлик чоғимга,
Гўёким бир ширин туш келдинг,
Бир жаннат сафоли қуш келдинг!

Хуш келдинг,
Дуч келдинг севгимга,
Меҳримга, қувончим, сеҳримга,
Бир дунё севинчлар бахш этиб,
Кўнглимга муҳаббат нақш этиб,
Гўзаллик саҳнида рақс этиб,
Садоқат, севгидан дарс этиб,
Ёруғлик бахш этиб зеҳнимга,
Авж бериб куйимга, шеъримга,
Ишқ майин айлабон нўш келдинг!

Айт менга, айт менга борингни,
Дардингни, аҳдингни, зорингни,
Наҳот соғинмадинг ёрингни,
Айт менга, айт менга, дил изҳорингни!

Таманно, табассум, тарона –
Барчаси ўзинга ярашгай.
Тасанно, тасанно, тасанно
Айтишиб ошиқлар қарашгай.

Бу висол – энг нозик пайт менга,
Пайт сенга,
Аҳдингни, жонгинам, айт менга,
Айт менга!..

Келажак орзуси

Синфдош дўстим
Хушбоқ Қўйбоқаров хотирасига

Сен зироат бобида шуҳрат қозонган чоғлар,
Илму меҳрингдан ривож топгай неча тармоғлар,
Бир томон минглаб сурув ҳам бир томон чорвоғлар,
Меваю гўшт бир томон, бир ён ёғу қаймоғлар,
Офарин айтур сенга минг шаҳру минг қишлоқлар.

Мўл бўлур файзу барокат элни дастурхонида,
Гуркираб хайру саховат даштию майдонида,
Ҳам самовий бир гўзаллик барқ уриб осмонида,
Ўлтирардик иккимиз ҳам юртни бахт айвонида,
Жам бўлиб дўсту кадрдон, акрабо, аймақлар.

Бир томон Эшқулбек эрса, бир томонда Хўжамиз,
Яхши бўлса меҳнатинг, кузда саналгай жўжамиз,
Ўртада ошу, кабобу, тобга етган гўжамиз,
Яхши суҳбатларга ҳам бўлгай ўшанда фуржамиз,
Майли айрону қимиздан олса завқ чанқоқлар.

Бўлмагай асло унутиб дўстимиз Нусратни ҳам,
Бирга ўтган ўтли давра, дилрабо фурсатни ҳам,
Бирга ўргандик тарих, жуғрофия, физматни ҳам,
Жобажо айлаб ҳамиша иззату хизматни ҳам,
Энди қайтмас ул ажиб даври азиз ўртоқлар.

Ўтди ёшликнинг замони очлигу тўқлик аро,
Имтиҳон айлаб хаёлу кўнглимиз оқу қаро,
Аммо дилда соф тутиб олий ниятни мутлақо,
Термулиб доно китоблар мағзига шому сабо,
Қандайин соз эрди дилда ишқ ниш урган чоғлар...

Яхшиям дунёда бордир нурли олам – хотирот,
Яхшилардан бу жаҳонда қолгай эркан яхши от,
Янги авлод оталарнинг дарсидан олгай савод,
Элу юртга кўрсатиб мангу садоқат, эътиқод,
Яхшилар номин ҳамиша кўксида ардоқлар.



Бордир ҳар бир касбнинг ўз иштиёқи,
Ўз завқи, ўз гашти, ёниқ чироғи.

Дейлик, бирор уйга ўт кетди ногоҳ,
Ёнгин ўчирувчи шу лаҳза огоҳ.

Ҳамма уйдан қочар алғов-далғовда,
Ўтбоз ўзин урар боқмай оловга.

Кўмир қатламлари шахтёр учун хуш,
Фазогир самони доим кўрар туш.

Қилни қирққа ёриб, ўйлайди олим,
Мироб хаёлида канал лиммо-лим.

Қурувчи фикрида янги иморат,
Олам кўрки унга шундан иборат.

Боғбон боғни эса, деҳқон пахтани –
Ўйлар, шунга боғлаб орзу-бахтини.

Агар шу хислатдан кимки маҳрумдир,
Тирик мурдаликка мангу маҳкумдир.



Умрини ғафлатда ўтказди биров,
Салқин саҳарларни қутмади бир ров.

Зилол чашмалардан баҳра олмади,
Юлдузлар жамолин дилга солмади.

Қалбин титратмади севгидек туйғу,
Унга ҳаёт бўлди маишат, уйқу.

На кудди бировнинг тўйида лаҳза,
На туйди бировнинг дардидан ларза.

Шундай келиб-кетди беному нишон,
Бору йўқлигини сезмади жаҳон.



Яқинлар йироққа интиладилар,
Кечалар чироққа интиладилар,
Томчилар ирмоққа интиладилар,
Тўлқинлар қирғоққа интиладилар,
Мен сенга интилиб яшайман элим!

Шу юрту шу элга жон бўлсин нисор,
У бизга абадий қувонч, ифтихор,
Севгимни ўзинга этурман изҳор,
Тимсолдир шу юртга ой юзли нигор,
Гўзалим, ғазалим, танҳо севгилим!

Бу Ватан, бу севги Оллоҳдан тортиқ,
Не бордир дунёда бу бахтдан ортиқ,
У менинг жаҳоним, муқаддас борлиқ,
Олий ҳис, тафаккур, умримга ёрлиқ,
Барчасин акс этар бой она тилим!

Нур эди кўксимда меҳринг...



Анвар Юнус

Ватандин айру тушмасман

Диёрим қақраган даштин чаманларга алишмасман,
Бировлар юртида, асло, қилиб жанглар талашмасман.

Қилич ушлаб келар ёвлар, кетар боши қиличлардан,
Имоним юлдузим бўлса, бу йўлдан ҳеч адашмасман.

Тутиб гул, келса гар дўстим, очарман кўнглиму кўксим,
Агар дўстлик қуёш бўлса, нечун дарёча тошмасман?

Буюк сайёранинг меҳри яшар қалбимда гавҳардек,
Шу гавҳар ичра дурдона ерим бор дайди қушмасман.

Қароғим айламиш равшан ғуборинг тўтиё тупроқ,
Ки, жондин айру тушсам ҳам Ватандин айру тушмасман.

Дейдилар ошиқ бўлибсан

Дейдилар ошиқ бўлибсан, дил сўзин дилбарга ёз,
Кўрқаман, оҳим ўтидин, қул бўлиб қолгай қоғоз.

Тутса ёр исмин забоним тун билан кўксим ёнур.
Сўзима тақлид тутармиш чекса булбул тонгда роз.

Субҳидам қирларга чиқди ҳисларим ёлқинланиб,
Лолалар овозидур бу ер юзин тутган овоз.

Ки, муқаддас ўт аросинда қолибсан инжима,
Истасанг ёнмоқ қуёшдек, ол сўзимдин эҳтирос.

Кўкка етган илтижолар нурланур юлдуз бўлиб,
Ҳар сўзингни айла оташ, Анваро, тузсанг баёз.

Шоҳимардон гуллари!

Икки дарё тухфасидур бу кўхистон гуллари,
Қир билан сайхонни тутмиш лола, райхон гуллари.

Ок булут қирмиз шафақнинг қўйнида қолган мисол,
Солланур эпкинда боғнинг оқ, нафармон гуллари.

Чайқалур барги печаклар, қояларга чирмашиб,
Товланур офтоб нурида турфа, хандон гуллари.

Тоғда сунбул, қирда майса бир-биридин ранг олур,
Ё намоишга чиқибдур барча бўстон гуллари.

Сув парийсидек нилуфар бўйлашур тўлқин билан,
Кўрса ҳайрат, кўрмаган одамга армон гуллари.

Чўқкилар бошида дурдек чакнаган юлдуз десам,
Шуъла сочиб, ёғди тунда ерга осмон гуллари.

Бир саҳар нарғиз кўзига боқди Анвар лол бўлиб,
Ёқдилар жон ичра оташ Шоҳимардон гуллари.

Учрасанг шоҳи жаҳон

Учрасанг шоҳи жаҳон, сан моҳга арзим бор эди,
Бошимни пойингга қўймоқликда қарзим бор эди.

Кўзларим гавҳар тўкибдур йўлларингга не замон,
Демадинг: Бир қатлаким шу қулга нарзим бор эди.

Ер юзин тутди фиғоним, санга охим етмади,
Айлади барбод фалак бахт узра қасрим бор эди.

Нур эди кўксимда меҳринг, ганж эди жонимда ишқ,
Тоғни талқон эткали Фарҳодча тарзим бор эди.

Кўнглим ичра бир тикандек санчилур ҳар сорига,
Тонгги йўқ тунларда олган неча дарсим бор эди.

Дил навосин ҳам ўкинчин шарҳи изҳор айладим,
Эътиборингдин фаромуш назму насрим бор эди.

Анваро, келди баҳорим, гулда япроқ бутмади,
Ҳасрато, ишқ шўришидин дилда дарзим бор эди.

Бир пари-пайкар ўти

Бир пари-пайкар ўти икки жаҳоним куйдирур,
Айтмасам жоним куяр, айтсам забоним куйдирур.

Ул гули хандон саломин айтди булбул ҳар сахар,
Дўст инонмайдур десам, гар, меҳрибоним куйдирур.

Сарв каби қаддин кўриб, ё рабки, нолон қолмишам,
Қошидек қаддим букиб, қоши камоним куйдирур.

Ёққали ошиқни кўксин қора гулхандур сочи,
Қора кўзлар ёлқини тоза имоним куйдирур.

Толеимдек кечалар, толеи тонгга етмади,
Осмонимга барқ солиб, моҳи тобоним куйдирур.

Кезмишам сахрою чўл гўё самумдек бекарор,
Айлагач, ҳолим забун, руҳи равоним куйдирур.

Дилбарим ҳажрида оҳим ўтидин ўртанди кўк,
Кечалар юлдуз бўлиб, Анвар, баёним куйдирур.

Кўзларингни бир кўрарга

Кўзларингни бир кўрарга то сахар бедор кўзим,
Сени минг йил кўрмагандек соғинур дийдор кўзим.

Учрадинг боғлар ичинда фасли кўклам, дилбарим,
Бир нигоҳ ташлаб юзинга бўлди нурга ёр кўзим.

Елда кетди гул ифори, кетди булбулда наво,
Не замондур гавҳар афшон йўлларингда зор кўзим.

Дардларимдан ёнди юлдуз сочларингдек кечалар,
Ойни кўрсам тўлғанурман келди деб хумор кўзим.

Кўз ичинда оразингни сақладим элдин ниҳон,
Тил-ку маҳкам тутди номинг, айлади ошкор кўзим.

Анваро, бағрим қогоздур, хома бўлди кипригим,
Икки томчи ёш берибдур ёзғали ашғор кўзим.

Кўқон



Илхом Зойир



РАҚОБАТ

Қисса



1

Баҳор охирлаган бўлса-да, кечга бориб, Осмонни қуюн босиб, девона шамол кўтарилди. Атроф зимистонга айланди. Осмоннинг ранги ўзгарди. Қуёшни аждарҳо ютди. Бу шамол – аждарҳо кекириги эди.

Онам: “Бу нима балоси бўлди яна?!” деб жавради.

“Бало” эса ҳадеганда тинмади.

Ҳовлимизнинг сайхонлик томонидаги шиғил солган олма тўкилди.

Гўралаган узумлар ер билан битта бўлди.

Томга босиб қўйган боғ-боғ бедаларнинг титпители чиқди.

Тандирхона томидаги мўрининг тунукаси қўпорилиб тушиб, олая бошлаган саври сурхони гилос дарахтини қоқ иккига бўлиб юборди.

Томарқамиздаги маккажўхорини бир кун олдин суғорган эдик, “ухлаб” қолди. “Ухлаган” маккажўхори энди “уйғонмайди”, эртага ўриш керак.

Ҳаммасидан ўтиб тушгани: супага эгилган икки туп пайванди қандак ўрик тўкилиб, лойга қоришди. Баҳор бошида шу ўрикнинг гулини кўриб, отамнинг кўзлари яшнаб кетганди. Эртага чўлдан қайтса, хафа бўлиб кетади-да. Ахир Чуқуракдай жойдан нав излаб, новда олиб келиб, ўз қўли билан пайванд қилган. Учинчи йили ҳосил бериши, асал қандак эди-да. Акам ҳам ичи ачишиб, ўрикка термулиб, анчагача бошини қашиб турди-да, сўнг янгамга:

– Бўлар иш бўлди, данагини сиқиб олиб, турпини молларга беринглар, – деди бир дона ўрикни кўйлагининг енгига артиб, тиш ботираркан, юзи бир оз буришди. – Бир ҳафтадан кейин асал бўларди-да. Ҳузурини моллар кўради энди.

– Бу йил мевага зориқамиз чоғи, – деди янгам тарақлатиб тоғорани ерга қўяркан, бошини сарак-сарак қилганча ўрик терди. – Гилосдан кеча бир товоқча терганим, қаранг, томдан тушган тунука дарахтни яксон қилди. Ғўрани кўриб, бу киш узум оссак керак, деб эдим, шуниям худо кўп кўрди.

Тандирхона томондан онамнинг овози келди:

– Тандир ивибди-ку! Шамол ўлгур мўрининг устини очиб, ёмғир тандирни шундоқ ювиб кетибди. Тезроқ мўрининг устини ёпинглар. Осмон бўзариб турибди, яна ёғса, тандир ўпирилади.

Мен кичкина уйнинг деразасидан қараб тургандим, акам мени қидириб қолди.

Югуриб ташқарига чиқдим.

Иккаламиз томга чиқиб, мўрининг устини ёпдик.

Ҳар тугул, шу куни бошқа ёмғир ёғмади. Ерга яқинлашган қуёш, ер қуримай туриб ботди. Шомда ҳаво очилиб, атрофни муаттар ҳид тутиб кетди.

Намдан бўлса керак, ҳаво салқин тортиб, этни жунжуктирарди. Бир-икки кун бўлган эди, кечки овқатни ташқарида, ҳусайни остидаги кенг сўрида ердик. Бугун яна уйга кириб олдик.

Онамнинг томоғидан овқат ўтмади.

– Жилвонда ҳам ёққан бўлса, отанг бечоранинг ҳоли не кечди? – деди кенг енги билан ёшланган кўзларини артаркан, анча мунғайиб қолди. – Эрта-индин пенсага чиқаман деб турган кишига чўпонлик зарилмиди? Бинойидай мактабга қатнаб юрган эди.

Акам зарда билан маставадан бўшаган косани “тақ” этказиб нари сурди.

– Укангизнинг иши-да!.. Дадам ҳам қизиқ, бир оғиз гапга дарров хўп деб қўя-қолдилар. Мактабни қандай кўзлари қийди-я?..

Акамнинг “укангиз” деб маломат қилаётгани, бу – тоғам, шаҳарлик тоғамни айтяпти. Тоғам ўқишга бориб, ўшанақаси шаҳарда қолиб кетган. Ўзи ўқиган институтда дарс беради. Қишлоғимиздан кўп болаларни ўқишга киритган. Байрамми, таътилми ёки бирор маърака чиқиб, қишлоққа келиб қолса, қўлма-қўл бўлиб кетади. Айниқса, Жонпўлат раис тоғамнинг устида ўлади. Эшигимиздан кириб-кирмай, дарагини қаердан топади, дарров одам юбортириб, тоғамни хўжаликнинг катта боғига чақиртириб олади. Қарабсизки, тонготаргача базми жамшид.

Эртасига албатта Шоназар буғалтир тортқилайди.

Индинига районнинг катталари...

Онамнинг аччиғи чиқади:

– Ўзи, буёқдан келасан-у, буёқдан лип этиб кетасан, бизникуда одамга ўхшаб бирпасга ўтирмайсан! Дийдорингга қачон тўяман?

– Опа, кўриб турибсиз-ку, – дейди тоғам елка қисиб, – бормасангиз хафа бўлишади; бурни кўтарилиб кетган дейишади...

Онам бу важларга парво қилмайди:

– Майли, майли, сен ўша раис-у катталарингдан ортма! Қани, бир кун келиб кунингга ўша катталаринг ярайдими ёки опангу жиянларингми, кўрамиз! Эртага ўғлини олим қилдириб олганидан кейин раисга ҳам керак бўлмай

қоласан. Бугун кўлингдан иш келади, улар гирдингда гирдикапалак, шартинг кетиб, партинг қолганда...

– Қўйинг, – дейди тоғам гўё ҳеч қачон қаримайдиган кишидек кўкрагини ғоз кўтариб, – мен бу раисларингизсиз ҳам кунимни кўраман.

Тоғам замона зайли билан кооператив корхона очиб олган. Кўп вақти шу корхонада ўтади, институтга ҳафтада бир боради.

Олдин ҳаракат қилганлар ютди: корхонаси гуллаб кетди. Бозор ошна-оғайни билан обод бўларкан. Таниш-билишинг кўп бўлса, йўлинг доимо ўнда. Тўрт томонда ўзининг шогирдлари эмасми, ошиғи олчи бўлди тоғамнинг.

Тоғам институт билан бирга корхонасини ҳам бирдек юрғазди. Жонпўлат раис билан қалин эмасми, хўжалиқдан ер олиб, синфдоши Турди пучуққа берди.

Турди пучуқ қовун-тарвуз экиб юрди, ҳозир фермер. Даромад ўртада арра. Яна тоғамнинг бутун қишлиги шу ердан чиқади.

Келаётган кузда уч йил тўлади – отамни мактабдан олиб, икки юзта қўй билан Жилвон чўлига “бадарға” қилган ҳам шу тоғам бўлади.

– Язна, мактабнинг кесагини ялаб, кимнинг қорни тўйганки, сизники тўяди? – деди тоғам отамнинг ҳамиятини қўзғаб. – Ўша мактабдан оладиган маошингизга тўртта одамни чақириб, маъракача ўтказолмайсиз ёки эртага болаларнинг тўйига деб, кичкинагина бузоқча ололмайсиз. Сизга бир отар қўй-эчки қилиб берай, Жилвонга чиқиб, Баландқояда шуларни боқинг. Маошингизни мактабникидан зўр қилиб бераман. Ҳар ойда бир-иккита қўйни сўйиб есангиз ҳам майли.

Отам қош учириб, гарданини қашиди.

Тоғам қаттиқ ёпишди. Мактаб директорининг айтганларини ёдга солди:

– Шоди Шомуроднинг “Мен шу ерда эканман, биринг икки бўлмайди”, дегани ёлғонми?

– Бир пайтлар жаҳл устида айтган эди-да, ҳозир яхшимиз.

– Нимангиз яхши?

Онам бу можарога қатнашмади. Қатнашса, эртага бир гап чиқса, отам ундан домангир бўлишини биларди.

Тоғам амаллаб отамни ўз йўлига солди.

Отам Жилвонга чиқди.

Менинг-да бир оёғим Жилвонда бўлди.

Кўп дарсларга бормаи қўйдим.

– Ҳамма ўқийверса, подани ким боқади? – дея устимдан куладиган бўлди синф раҳбарим. – Таёққа зўр беравер, сенинг насибанг ўшандан.

Бу гапларни эшитиб, синфдошларимдан уялардим. Лекин шу қўйлар орқасидан рўзгоримизга қут-барака кираётганини кўриб, аста-секин уятни ҳам унутдим...

Акам ҳам ҳозир “укангиз” деб, ана шу тоғамга таъна тошини отаётган эди. Онамнинг фиғони фалакка чиқди:

– Аслида сен ҳам ҳозир отангни олдида бўлишинг керак эди! – деди жеркиниб. – Тоғанг сенларни ўйлаб ёмон иш қилдимиз? Сен ҳар куни районга бориб-келасан, қанча пул беради идоранг? Йўлкирангдан ортмайди-ку! Шу отанг бўлмаса, қозонинг қайнамасди.

Янгам акамнинг олдини олди:

– Ойижон, мен ҳам ишляяпман-ку. Ўғлингизни ерга урманг. Мухбир деган номлари бор, ахир.

Онам баттар тутақди.

– Номи улуг – супраси қуруқ. Мухбир бўлиб, вахтида Сотти Сувон яшади. Қаерга борса жойнинг тўри шуники эди. Раислар унинг ҳовлисига мошин-мошин нарса олиб келиб тўкарди. Мухбирликдан давру даврон сурган деб ўшани айтса бўлади. Сенгина боланинг даврида мухбирга нон қолмади. Жойинг ҳам пойгак. Аксига олиб, раислар ҳам йўқ бўлиб кетди. Фермер чиқди: хоҳласа ишлайди, хоҳласа – ишлатади. Пилонини тўлдиролмас, бозордан сотиб олиб тўлдирди. Устидан ёзаман де қани... Нон ейман десанг, ўшаларни фақат мақтайсан. Ундан кўра, бор отангни олдига, қаватига кир: ҳам номинг бутун, ҳам нонинг бутун.

Онамнинг гапига акам ҳам, янгам ҳам бошини ҳам қилди, бир-бирига ер остидан қараб-қараб қўйди.

Эрталаб онамга “шаҳарга ўқишга бораман”, деб эдим, шу гап бирдан онамнинг ёдига тушиб, акамни қўйиб, менга ёпишди:

– Мана бу тирмизак ҳам ўқишга бораман, деб ярамга туз сепяпти, – деди у. – Ўқиб, менга шаҳар олиб бермоқчидай гўё.

Ўзи эрталаб гапнинг каттасини эшитгандим, буниси ошиб тушди.

– Ҳа, шаҳар олиб бераман! – дедим.

Шу гапни айтаётиб, ўзимда аллақандай ишонч борлигини сездим. Овозим ҳам қандайдир бошқача эшитилди ўзимга.

– Пишт-э! – ёнбошлаб ётган акам оёғининг учи билан биқинимга туртди. – Отингни ёзолмайсан-у, яна ўқийман дейсан. Туя ҳаммомни орзу қилибди-да?

Акам мени ёқлайди, деб эдим, бу феълени кўриб, кўнглим оғриди.

– Ана, кўрасиз, – дедим аччиқ қилиб, – мен катта одам бўламан!

– Бўйигами, энигами? – масхара қилди акам.

Яхшилаб жавоб қайтармоқчи эдим, янгамдан истиҳола қилиб, индамадим.

Ўзим ётадиган хонага кириб кетдим.

Тахмондан кўрпача олиб ташладим-да, ёстиқни қучоқлаганча хаёлга берилдим.

Ташқаридан, онамнинг ёнимни олиб, акамни койигани эшитилди.

Акамнинг “бола-да, эртага эсидан чиқиб кетади” дегани эшитилди.

Янгамнинг “боланинг кўнглини чўктириб нима қиласиз?” деб жеркигани эшитилди.

Мен бу гапларга парво қилмадим.

2

Кўзим эндигина илинган экан, янгамнинг қичқириви ва унга қўшилиб онамнинг бўйиқ овозидан кўзимни очдим. Бошимни хиёл кўтариб, деразадан қарасам, ташқари қоронғи, ҳеч нарса кўринмайди, лекин ёмғирда “ухлаб” қолган маккажўхорилар шатир-шутур этади. Яна ёмғир ёғди, деб деразадан қўлимни чиқариб кўрсам, йўқ, ёмғир ёғмаяпти.

Супанинг чироғи ёқилди.

Онам билан янгамнинг сояси деворга урилди.

Акам сарпойчан югуриб чиқди.

– Нима гап, она?

– Кетингни кесиб кетишса ҳам ётавуаркансан-да?! – Онам бармоғини оғилхона томонга бигиз қилди. – Ўғри! Сигирни ечиб, етаклаб кетатурган экан. Хайрият ташқарига чиқибман, мени кўриб қочди. – Онамнинг овози титраб чиқарди. – Сигир макканинг ичига кириб кетди. Ушлаб, жойига боғлаб қўйинглар!

Акам қўлини пешайвон қилиб, қоронғилик қўйнига қаради.

Менинг қулоқларим ҳам динг бўлди.

Оғилхонадан бузоқнинг маърагани эшитилди. Боласига жавобан сигир ҳам калта-калта мўлашга тушди.

– Ана, сигир макканинг ичида юрибди, – деди онам.

– Шунақага ўхшайди, – тусмоллади янгам, – сиз у томондан боринг, мен сиз томонга ҳайдайман. Маҳкам бўлинг, кўчага чиқиб кетмасин.

Бир ўзи эплай олишига кўзи етмай, акам мен ётган хона томонга бақирди:

– Ҳой, сен катта одам, чиқ буёққа!

Ҳовлимизнинг кунботар томони симтўр билан тўсилган эди. Товуқларга катак яшаш учун шу симтўрни ечиб олган эдик. Акамнинг хавотири ўша очик томондан эди. Мени ташқарига чиққанимни кўриб:

– Фирқабибининг ҳовлисини кесиб ўт, сигир кўчага чиқмасин, – деди акам менга ишора бериб. – Кўчага чиқса, шўримиз қурийди: тутиш қийин.

Макка поялари шатирлади.

Сигир кўчага қараб ҳаракат қилди назаримизда.

Иккаламиз ҳам ўша томонга чопдик.

Онам билан янгам оғилхонага ўтиб, чироқни ёқишди, ўша томон ёришиб кетди. Ёруғлик кўзимга тушгач, ҳеч нарсани кўролмади қолдим. Тахминан акам ҳам шундай ҳолатга тушди.

Сигир бу пайтда маккани оралаб, кўча йўлига тушиб олди.

Қишлоқ кўчалари зим-зиё – ҳеч нарса кўринмайди.

Ҳаво очилмаган, бирорта юлдуз ҳам йўқдек кўкда.

– Ўб-бо, – деди акам сўкиниб, – ҳаром ўлгур, гузардаги дўконга қараб қочди-ку! Сен, олдидан кесиб чиқ, очик далага қараб қочмасин.

Акам қўшининг бостирмасини айланиб, олдинга қараб юрди: иккимиз сигирни ялангликда тутиб олмоқчи эдик.

Ариқдан сакраб ўтишим билан онамнинг овози эшитилди. Лекин нима деганини аниқ-тиниқ эшитмадим. Фикру хаёлим сигирда эди.

Жон-жаҳдим билан кўзлаган манзилимга чиқдим. Акам эса улгуролмади. Сигир катта кўчага тушиб, кунчиқарга қараб дукурлаб кетди.

– Э, ўласанми, тезроқ ҳаракат қилсанг, тамом бўлдик, – гўё мен айбдордай акам мени койиди.

Олимнинг дўкончаси пештоқидаги чироқ нурида кўрдимки, акам майкачан бўлгани етмагандай, оёғида ҳам ҳеч вақо йўқ. Буни ўзи ҳам сезди. Лекин орқага қайтишнинг мавруди эмас, далага қараб қочса борми, зимистондай қоронғиликда сигирни қандай тутиб оламиз?

– Шошма, – деди акам ўзича режа тузиб, – қувсак, чўчиб яна қочади. Ўзига қўйиб берайлик, бирор оралиққа кирса, шаппа тутиб оламиз.

Қадамимизни секинлатдик.

Сигирнинг ҳам қадами секинлашди.

Қўчқор бобо ҳовлисининг олдига чиққанимиздан кейин ҳафсаламиз пир бўлди. Энди уёғи пахтазор.

Сигир ўзини тўғри йўлга урди. Олдидан кесиб чиқайлик десак, пахтазор суғорилган, тиззагача лойга ботасан киши. Агар шу ерда тутолмасак, сигир каналнинг кўпригидан ўтиб, Қошиқчига кетади.

Айтганим бўлди. Сигир Қошиқчига юриш бошлади. Биз ҳам кетидан қолмадик. Илгари босганимиз сари нимагадир туртинардик, нимагадир қоқилардик ва шу йўсин сигирнинг орқасидан ҳаллослаб чопардик.

Жаҳлимиз кўзиди. Ростакамига қувишга тушдик, лекин бирор марта ҳам сигирга яқинлаша олмадик.

– Бўйнидаги ипи оёғига ўралганда эди, бир қадам ҳам юролмасди-ку, – деди акам ҳансираб. – Бунақада эрталабгача овора бўламиз чоғи. Сигир бўлмай, ҳаром ўл!

Буёғига бир югурамыз, бир секинлашамиз. Жонивор атайин қувлашмачоқ ўйнаётгандек, тутқич бермайди. Аксига олиб, атроф зимистон, оёқ остини кўролмаймыз. Бир-икки марта оёғимни уриб олдим. Аввалига менга билинмади, кейин оқсоқлана бошладим.

– Бўлди, – дедим ҳолдан тойиб, – йўқолса, йўқолсин! Менга деса, бўриларга ем бўлсин! Жонимда жон қолмади.

– Энди сенинг куйдиришинг қолувди, – деди акам парво қилмай. – Битта сигир неча пул туришини биласанми? Мен бир йил ишлашим керак. Юр энди, эрталабгача бўлса ҳам тутиб оламиз.

Бир-биримизга далда бердик.

Қошиқчи қишлоғи ортда қолиб, сигир зовур ёқалаб Мирзақишлоққа бурилди. Бу пайтда ҳаво очилиб, тонг ҳам ёриша бошлади.

Олдиндаги ҳовлиларнинг бири олдида чироқ кўринди. Чироқ биз юраётган тошлоқ йўлни ёритиб турарди.

– Тез юр, ўша чироқ ёруғида оёғингга қараб оласан, – деди акам ўзи ҳам оқсоқланиб бораркан.

Сигир ҳам чарчади: қадами секинлашди, биздан йигирма қадамча олдинда боряпти.

Чироққа ҳам оз қолди.

Сигир чироқ ёруғига бориб тўхтади.

Биз ҳам унга етмай, жойимизда тош қотдик.

Биз ҳалидан бери эргашиб келаётганимиз сигир эмас, эшак бўлиб чиқди.

Мен акамга, акам менга қарайди: кулишга ҳам, йиғлашга ҳам ҳолимиз йўқ...

Жимгина орқага қайтдик.

Тонг отиб, кўчада одамлар кўриниб қолди. Аҳволимиз афтода, бировга кўринишдан уяламиз.

Амаллаб уйга етиб олдик. Онам билан янгам ташқарида, сўрида ўтирибди. Аҳволимизни кўриб, янгам кулиб юборди.

– Ойижон орқаларингдан бақирдилар, нега изларингга қайтмадинглар? – деди янгам кулгидан тийилиб. – Нимани қувиб кетдинглар?

– Сигирни, – деди акам жаҳл билан.

– Сигирга бало ҳам урмаган экан, – деди онам, – оғилида ётибди экан. Сенлар кимнинг сигирини қувиб кетдинглар?

– Сигир эмас, эшакни қувибмиз, – дедим аччиқланиб.

– Ўчир! – деди акам жеркиб. – Бу гап кўчага чиқса, ўлдим деявер!

3

Минг жойидан тикиб-чатисак-да, бу ҳангома эл оғзида зарбулмасал бўлди. Турган гапки, акам буни мендан кўрди. Лекин, қасам ичман, менда айб йўқ эди. Эҳтимол, янгам бирортасига билмасдан... билмасдан бировни айбламоқ гуноҳи азим...

Акам энди менга тескари. Доимо истакларимга қарши. Ўтирсам – ўпоқ, турсам – сўпоқман.

Яна ўқишдан гап очилганида, акамнинг важоҳатини кўрсангиз эди.

– Гапни кўпайтирмай чўлга қайт! – деди у қатъий қилиб. – Шаҳар деб кўп хомтама бўлма. Мен олдин ҳам айтганман, ҳозир ҳам айтаман – сендан ҳеч нарса чиқмайди! Бекорга овора бўлганинг қолади.

– Сиз менга хўжайин эмассиз, – дедим мен ҳам бас келмай. – Отам чўлдан келсинлар, у кишининг айтганлари бўлади.

– Агар бу масалани отам ҳал этар эканлар, билиб қўй, масаланг ҳеч қачон ўз ечимини тополмайди. Отам ўз ёрдамчисини осонгина шаҳарга жўнатадиганлардан эмас.

– Кўрамиз!

– Кўрамиз!..

Отам чўлдан келди. Мен ниятимни айтдим.

Отам кулди.

– Ўғлим, ўқишга калла керак, бу – бир! – деди ўсмоқчилаб. – Лекин калланг бўм-бўш. Бўм-бўш калла билан нима қилмоқчисан? Ҳозир шаҳарда яшаш осон эмас, бир кунда бир қоп пул керак, бу – икки. Шу кунларда пулдан сиқилиб турибмиз. Кейин биласан, яккақўлман, бу – уч. Сен қарашмасанг, аканг қарашмаса, нима бўлади? Мени тўғри тушун, ўқишингга қарши эмасман, фақат озгина сабр...

Хўрлигим келди. Кўзимда ёш айланди.

– Акам сизни бураб қўйган, иккингишни ҳам тилингиз бир, – дедим қовоқ уйиб. – Нима, қўйларнинг қумалоғини санаб юравераманми?

– Санашни ўрганасан, ёмонми? – калака қилди акам.

– Сен аралашма, – отам акамни жеркиб берди, сўнг менга қараб, – шаҳарга бординг ҳам дейлик, – деди бармоғида бир нималарни ҳисоблаб, – ўқишга киролмасанг, нима қиласан? Сўппайиб қайтиб келаверасанми?

Акам яна оловга керосин сепди:

– Қайтиши турган гап-ку, лекин бунга сарфланган пул-чи?

– Э, бунча “пул-пул”лаб қолдингиз, – дедим. – Пулни ўзим топаман, бўлдимми?!

Турган гап, отам ишонмади: гапимга кулди.

– Қаердан толасан? – деб сўради акам. – Жойини айт, биз ҳам топайлик.

– Ишлайман.

– Қаерда ишлайсан?

– Рўзи Қурбоннинг қаватида туриб лой қораман, ғишт қуяман.

– Ғайрат қил бўлмаса.

– Ўқишга кирсанг, битта кастюм-шим мендан, – деди отам жилмайиб. – Афсус, ўқишга киришингга кўзим етмайди-да.

Бари ўзимга ҳам маълум. Лекин бир уришиб кўрай, зора бахтим чопиб, кириб кетсам. Ҳозир билим эмас, омад керак одамга. Ўтган йили Зуҳра амманнинг ўғли кирди-ку, бўлмаса у ҳам алифни калтак дерди. “Таваккалда гап кўп экан”, деганди.

Отамнинг олдидан нари кетдим.

– Шу боланинг ишга бўйни ёр берадимми-а? – деди акам орқамдан. – Ғишт қуяман, дейди-я! Ғишт қуйишни ланка тепиш деб ўйлаяптими бу? Нонни катта тишлашни билади. Индаманг, дада, бир таъзирисини есин, кейин ўқишга бориш ҳам эсидан чиқиб кетади.

– Шу болага адолатсизлик қилмаяпмизми, ўғлим, – деди отам. – Калласи бум-бум бўлса-да, интилиши бор. Интилганга толе ёр деганлар. Бахтини си-наб кўрса, эртага биздан домангир бўлмасди.

– Интилиш билан иш битганда-ку, ўзим бирорта институтга тиқиб келардим, – деди акам. – Қўйинг, ўзини билганини қилсин-чи, кейин кўраимиз.

Тишимни шундай ғижирлатдимки, муздек тарвузнинг орқасидан иссиқ нон егандек баданим увишди.

– Қўлимдан нима иш келишини кўрсатаман ҳали!..

4

Хаволар исиб, қуёш ерга яқин бўлиб қолди. Айниқса, пешин – қуёш тиккага келиб қолганда, иссиқдан кўнгил беҳузур бўлади. Бунақа пайтда салқингина уйга кириб, мазза қилиб ухлаш ёки Султонрудга бориб чўмилиш, ёки соя-салқинда чўзилиб, хаёл суриш керак.

Тепадан қуёш уриб турганда далага чиқиб бўлмаслигини ёш бола ҳам билади.

Қишлоғимиз ўртасидаги ҳовуз бўйида, кесилган тол тўнкасида хаёл суриб ўтиргандим, почаси шимарилган Ғулом муаллим яқинлашди.

Ғулом муаллим бизнинг мактабга келганига икки йил бўлди. Ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради. Биз ўқувчиларни ўз ўртоғидай кўради. Ўзи бизнинг ҳовлидан тўрт ҳовли нарида, Саъди дудуққа кўшни, уч ака-ука бир ҳовлида яшайди. Ғулом аканинг бир ўғил ва бир қизи бор – ҳали ёш; иморат учун канал бўйидан жой олган, уй тиклашга эса қўли калталиқ қилиб турибди.

– Жиққа пешинда бу ерда нима қилиб ўтирибсан? – деди у ёнимга чўқаркан. – Уйга кириб, мазза қилиб ухламайсанми?

– Э, – дедим қўлимдаги тошни ҳовуз ўртасига отиб, – пешинда ухлаёлмайман.

– Кайфиятинг чатоқ, башаранг тиришган?
– Уйдагилар билан уришиб чиқдим.
– И-я! Ким бор уйингда уришадиган?
– Ўқишга бораман десам, йўқ дейишяпти.
– Ким йўқ деди?
– Акам-да.
– Сенга аканг хўжайинми? Аканг ўқиган бўлса, сенга қарши чиқиши галати.

– Дадамни ҳам йўлдан уриб ўтирибди-да.
– Шаҳарда тоғанг бор, ўшаникига бор: таниши кўп, ўлибди энди бирор жойга жойлаб қўёлмаса.

– Гап унда эмас, шаҳарга етиб олишда.
– Умуман уйдан чиқаришмоқчи эмасми сени?
– Йўқ, ўзим катта кетдим. Ўзим пул топиб, ўқишга бораман дедим.
– Отанг иккита қўйни сотса, масала ҳал-ку.
– Каллам дуб эмиш, ўқишга киролмасам, пуллари бекорга исроф бўлармиш.

Ғулом ака пастки лабини тишлаб, “иҳ-ҳим” деди.

– Тўғри, сенинг билиминг билан шаҳарга бориб бўлмайди. Вахтида ўқиш керак эди. Масалан, Машрабдан бир сатр ҳам билмайсан. Ё биласанми?.. Билмайсан!

– Шоназар буғалтирнинг ўғли билармиди? Ўзингиз унга нуқул беш қўярдингиз. Ўша ҳам кеча дадаси билан шаҳарга кетди, юридическийга ҳужжат топшириб келармиш.

– Энди сен ўзингни буғалтирнинг ўғлига тенглаштира, у – бели бақувват одамнинг ўғли. Хўжаликнинг ярми буғалтирнинг қўлида, фермани таг-туги билан сотиб олган. Уни ўғли кирмаса, ким киради? Нима, пул топсанг, шаҳарга бормоқчимисан?

– Ҳа, бораман.

– Пулни қаердан топмоқчисан?

– Ҳамма гап шунда-да, – дедим ер чуқилаб, – бирор ой Рўзи тоғаннинг қаватида юрайми деяпман.

– Ғиштқолипни кўтаришга зўринг етадими?

– Акамнинг иморатининг ғиштини ким қуйган?

– Яхши! Ўзингни аравангни ўзинг тортсанг яхши-да. Эрта биров миннат қилмайди. – Ғулом ака бир оз ўйланиб, сўнг юзимга қараб турди-турди-да: – Мен Томди томонларга ишга бормоқчиман, хўп десанг, сени ҳам олиб боришим мумкин. Ҳозир у томонларда ғиштни пул дейишади.

“Ялт” этиб Ғулом муаллимга қарадим.

– Сиз ҳам ғишт қуясизми? – ажабланиб сўрадим. – Сиз ўқиган одамсиз.

Ғулом ака лабини чўччайтирди.

– Буёғи уч ой таътил – бекорчилик. Бекор юргандан кўра, ишлаш керак. Ишлаб, уч-тўрт танга топсак, зиён қилмас. Мехнатнинг айби йўқ. Иморатга деб, жой олганмиз, у ўзидан-ўзи тикланмайди. Ўқиганман, олий маълумотлиман, деб қўл қовуштириб ўтирсам, ким менга кўмак беради?

Ғулом муаллим билан йўлга чиқдик.

Ғиждувондан автобусга ўтириб, Конимехга, у ердан Томдига етиб олдик.

Муаллим бу ерларга биринчи бор келиши эмас экан, мени таниши Жаннат оғаникига бошлади.

Жаннат оға тўладан келган, қийиқ кўз, офтоб тафтида қорайиб кетган бошида мошгурунч сочлари тўзғиган, овози бўғзидан чиқади, гапирса, ҳансираб-ҳансираб нафас олади.

Оға кечаси билан гурунг берди.

Эрталаб ширчойни ичиб бўлгач, оға:

– Хўжалигимиз янги мактаб қуриш тараддудига тушган, ғишт керак, – деди ширчойдан бўшаган косаларни бир четга суриб. – Ҳозирга қадар сон мингтаси келиб, ишлаб кетди. Овул этагида катта майдон бор, келган ўзига маъқул жойдан хандақ қазиб, ғишт қуйиб, ҳақини олиб кетяпти. Хўжалик яхши ҳақ тўлайди. Қувониш оға ўзимиздан: ишбоши, айтсак, қарашиб юборади...

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Жаннат оға бизни ўша томонга бошлади.

Жаннат оға айтган майдон ҳақиқатан ҳам ғишт заводига ўхшарди. Ҳар жой-ҳар жойда ўйилган хандақлар, бир текисда терилган ва устидан оҳак сепилган ғишт уюмлари. Чекка-чеккада яна бир қанча одамлар бошига қийиқча танғиб, зув қатнаб ғишт қуймоқда.

– Ҳу, ана, оға, ғишт санаб оляпти, – деди Жаннат оға бизни ўша томонга бошлаб. – Тилла одам, ҳозир кўрасизлар.

Қувониш оғанинг “тилла”лиги кўринишидан билинаркан. Қорайган юзи қуёш нурида ярқирайди. Калла қисмида бир тук йўқ. Бир жуфт суйлоқ тиши ўзига ярашган. Олдинга уриб чиққан қорни устига бир чойнак чой бемалол туради.

Бир қозоқ йигит терилган ғиштларни оҳакламоқда.

– Ғиштни нега оқляпти? – деб сўрадим Ғулом муаллимдан.

Муаллим пичирлаб жавоб берди:

– Белгилаяпти. Бу уюмдан битта ғишт олинса, билинади.

Бизга бош ирғаб қўйган Қувониш оға ишини битиргач, Жаннат оға билан бағирлашиб, елкаларини сийпаланича кўришди.

– Бу йигитни танидингми, оға? – Жаннат оға ишбошининг қўлини қўйиб юбормай, муаллимни кўрсатди. – Бултур ёзда ҳам келган эди.

– Танидим. Кенагаснинг юмушини ишлаб берган йигит-да бу, шундайми?

– Яна келибди. Қарашасан-да, оға...

Ишбоши Жаннат оғани диққат билан эшитаркан, унинг қиёфасидан хайрихоҳлиги билиниб турарди. У мақсадни билгач, бир лаҳза тор пешанасини силаб, ҳукмини эълон қилди:

– Сен айтганингдан кейин қарашмайманми? Қарашаман! – деди у ва мени кўрсатиб, муаллимдан сўради: – Бу укангми?

– Ҳа, укаси, – муаллимнинг ўрнига Жаннат оға жавоб берди.

– Яхши, – деди оға ва қўлини кенг ёзиб кўрсатди. – Мана шу ерда ишлайсанлар. Ўзларингга маъқул жойни танлаб, лой қораберинглар. Тупроқ юмшақ, лойи сақичдай. Сув бир қадам, ариқда оқиб турибди, ичса-да бўлади. Томдитовнинг суви. Ётувга ўтов бор. Эт берамиз, емакни ўзларинг пишириб-куйдирасанлар. Бўз бераман, чоғроқ капача тикиб олсаларинг, кундан пана. Хоҳласаларинг кундузи лой қориб, кечаси ишланглар, хоҳласаларинг... буёғи ўзларингга ҳавола... Ҳозирча шу, яна гап чиқса, идорадаман, гаплашаберамиз. Ҳафтада бир ғиштларингни санаб олиб, ҳақ берамиз. Бизда ғирромлик йўқ. Ҳатто синганига ҳам тўлаймиз...

Шилдираб турган ариқчага яқин жой танладик. Ер ҳам текисгина экан, уч-тўрт минг ғишт бемалол сиғади.

– Маъқулми? – деди Қувониш оға ва мени кўрсатди: – Манув йигитча мен билан юрсун, омбордан кетмон, белкурак, челақ бериб юбораман... Ҳу, анув явшан ғарами остида қолиплар бор, маъқулини танлаб олаберасанлар. Лой етилгунча бир прицеп қум тўктириб бераман...

Кетмон, белкурак ва челақни кўтариб келсам, Жаннат оға кетадиган бўлиб турган экан.

– Дам олгани бизниқига ўтсаларинг ҳам бўлади, – деди у меҳрибонлик билан. – Уялманглар...

Жаннат оға бурилиши билан Ғулом муаллим чўнтагидан папирос чиқариб, лабига қистирди.

6

Асрга бориб тайёрлаган лойимиз ҳалимдай бўлди...
Юришмай-юришмай, ишимиз юришиб кетди. Муаллимдан қолишмаслик учун бирига бир бориб-келишга ҳаракат қилдим.

Тун ярмида ишни якунлаб, устига оқ бўз тортилган омонат капачада чўзилдик.

Лой иши оғир, бошимни ёстиққа қўйишим билан кўзим илинди.

Эрталаб уйғонсам, ҳамма ёғим зирқираяпти.

– Баданимга тикан санчилгандай бўляпти, – дедим белимни силаб.

– Ўрганасан, – деди муаллим кулиб, – биринчи куни шунақа бўлади. Тем боле. яқин орада оғир иш қилмагансан, тананг зўриққан-да. Бир-икки кундан кейин ўрганиб кетасан... Энди қумғонни оловга қўйиб юбор-чи...

Қумғоннинг ўзида чой дамлаб, қозонда қолган кечки макарон шўрвани ичиб, эрталабки салқинда тупроқ кўчириб, лой қориб қўйдик. Бу пайтда қуёш тандири ҳам анча қизиб қолди.

Қўл-бетимни ювмай, чўзилдим. Ғулом муаллим папирос тутатиб бошимга келди.

– Чарчадинг, а?.. Нон тишлаш осон эмас, укам... Тур, тушлик қилиб олайлик, кейин дам олсан.

– Овқат емайман, – дедим миқ этмай, – ётаман, ҳолим қолмади. Ўзингиз еяверинг...

Муаллимнинг ўзи дастурхон тузади, кейин мени суяб қапага олиб кирди.

Овқатландик.

Дастурхонни йиғиштириб, ёнбошладик. Анчагача жим ётдик.

– Қайси ўқишга бормоқчисан? – Аллақачон бериши керак бўлган саволни энди берди муаллим.

Мен ҳам шу пайтгача бу саволга жавоб тайёрлаб қўймаган эканман.

– Билмадим, – дедим, – бирорта осонроғи бордир. Менга барибир, кирсам бўлди.

– Демак, ҳавас бор, тайёргарлик йўқ экан-да? – Фулом муаллим бир қимирлаб олди. – Агар диплом учун ўқийдиган бўлсанг, ўқимай қўяқол. Ҳозир сон мингтада дипломли бор, лекин қўлида иш йўқ. Каллада ҳеч вақо бўлмаса, диплом бир пул.

– Нима, сиз ҳам ўқима демоқчимисиз? – дедим жойимдан нимхезланиб. – Бутун умр ғишт қуйиб юрайми?

– Мен-чи, – тутақди муаллим, – дипломим бор, яна ғишт қуйиб юрибман-ку!

– Демак, сиз ёмон ўқигансиз. Ўз касбингизни севмагансиз.

Орада бир оз жимлик чўқди.

– Йўқ, – деди муаллим овозини пастлаб, – адабиётни, ўқитувчиликни севман. Севганим учун ҳам шу ўқишни танлаганман. Ниятларим катта эди. Тўлиб-тошиб мактабга келсам, иш йўқ дейишди. Хўш, энди нима қилишим керак? Турди тоғамнинг олдига бордим. Биласан, тоғам фермер, мактабга унда-бунда ҳомийлик қилиб туради, директор Шоди Шомурод билан яхши. Тоғам илтимос қилгандан сўнг, бор-йўғи ўн икки соат дарс қилиб берди. Ўн икки соатга арзимаган маош оламан. Озига ҳам кўндим, бўлмаса, дипломим сандиққа тушиши мумкин эди.

– Охирги пайтларда бизларга яхши қарамай қўйдингизлар, Фулом ака.

– Чўнтагинг қуруқ бўлгач, жонфидалик ҳам жонга тегар экан... Бир-икки соат дарсни апил-тапил ўтиб, уйга шошамиз, ер чопамиз, мол боқамиз. Нимагаки рўзғорнинг ободлиги томорқа билан молдан. Агар эҳтиёжингни қондирса, сен бор кучингни, билимингни ўша ишга бағишлайсан. Қондирмаса-чи, фикру хаёлинг қочади.

– Тирикчилик одамни эътиқодидан ҳам қайтарар экан-да?

– Ирода бўшлик қилса... Баъзан атрофингдагиларга қараб, хулоса қиласан: Мана, Шоди Шомурод, бор-йўғи техникумни битирган – мактаб директори. Ҳолбуки, Сайфиев, Толибов, Мавлонов каби ўқитувчилар олий маълумотли, директор бўлишга ҳам арзийди, шунга лаёқати бор.

– А, буни катта раҳбарлар билмайдими?

– Билади, нега билмаскан?.. Лекин Шоди Шомуроднинг битта устунлик тарафи бор – айёрлиги! Кимга нима дейишни, кимга ялтоқланишни яхши билади. Яна бир мисол, физика ўқитувчиси Мавлонов ҳар томонлама кучли. Нима учун шу директор бўлолмаган? Нимагаки, у ақлли, билимли, тўғрисиўз, ҳақиқатпарвар, айёрликни билмайди. Катталарга эса бунақалар ёқмайди. Уларга ақл ўргатувчилар эмас, Шоди Шомуродга ўхшаган бажарувчилар керак.

– Айёрликни билмаганнинг иши оқсайверарканда-а?

– Э, тилимни қичитма...

Энди мен гап ковлашга тушдим:

– Юқори мартабага эришиш учун олий маълумотли бўлиш шарт эмас экан-да?

– Нега? Маълумот ҳамма ерда керак! Усиз тараққиёт бўлмайди.

– Унда, нега Шоди Шомурод директор бўлиб олган?

– Унинг ошна-оғайниси кўп, – деди муаллим.

– Фулом ака, сиз ҳам шеърлар ёзасиз. Район газетасига ҳам чиққансиз. Асфальт заводининг директорини биласиз, у ҳам шоир, яқинда китоби чиқибди.

– Қўштераклик Ҳасан Эшмуродни айтяпсанми?.. У шоир эмас-ку.

– Акам ҳам шунақа дейди. Унга бировлар ёзиб бераркан, шу ростми?

– Рост, мен ҳам шунақа деб эшитганман.

– Нима, шеър ёзишга ўзининг ақли йўқми?

– Бундай олганда, биз уларни ақлсиз деймиз, лекин аслида улар ақлли!

– Нега?

– Негаки, улар ақлсиз бўлсалар-да, ақлдиларни ишлата олади. – Муаллим бир оз тин олиб, давом этди: – Сен билмайсан-да, ҳақиқатнинг ҳам икки юзи бор: бири айёрлар учун, бири яхшилар учун.

– Бу ғирт иккиюзламачилик-ку? Мана, сизлар Ашур бобо ёпган нон билан болаларни алдаб, дўппида пахта тердириб, эвазига раиснинг зиёфатини ердингизлар, ё ёлғонми?

– Сен тирмизак буларни қаердан биласан?

– Ашур бобонинг нонини мен ҳам еганман-да! Булар бола, ҳеч балога ақли етмайди дегансизлар-да! Мен нимани билсам, бировлардан эшитиб билганман.

– Тўғри, ҳақиқатни эгиш мумкин, синдириб бўлмайди...

– Умримизнинг ярми пахта даласида ўтган: яганага ҳам, ўтоққа ҳам, чиканкага ҳам, пахта теримига ҳам – биз, шунча меҳнатдан кейин яна ўқимайсан деб маломат ҳам қилиб қўясизлар. Энди мақолларингиз ҳам ўзгарди. Ҳақиқатни синдириш мумкин, лекин эгиб бўлмайди!..

Мен муаллимни баҳсга тортганимдан хурсанд эдим, у-чи, хижолатдан толиқарди, ўзини оқлашга баҳона тополмай қийналарди.

– Ў, бунақа гаплардан фойда йўқ! – деди у ўрнидан даст туриб. – Ундан кўра, лойга уч-тўрт челақ сув сеп, кечгача қотиб қолмасин...

7

Фулом муаллим ўттизга бормаган ҳали, гапларини олтмиш ёшли оқсоқолники дейсиз. Дунёнинг у бурчагидан савол берсангиз, бу бурчагидан туриб жавоб беради. Унинг гаплари мени ўйга толдирди.

Ўқишга бориш-бормасликка иккиландим.

Тўрт йил ўқиб, яна лойга қорилиб юриш зарил келибдими?

Тушкун хаёллар оёғимга кишан солди. Муаллимга басма-бас бориб-келаётган эдим, энди оқсаяпман. У икки қатнаса, мен бир марта амаллаяпман. Муаллим буни сезиб-билиб юрибди, лекин нимагадир индамайди.

Бир ҳафта деганда, Қувониш оға ҳақимизни берди, ёрдамчиси эса санаб олинган ғишларни оҳаклаб кетди.

Муаллим оға берган пулни иккига бўлиб, бир қисмини қўлимга тутқазаркан:

– Ука, гап бундай, – деди истиҳола билан, – қарасам, пойқадаминг секинлаб қолди. Менинг ҳақим ҳам салгина сенга ўтяптими дейман. Ҳисобли дўст айрилмас, деган нақл бор. Эртага сан-манга бормасдан бурун, хандақларимизни бошқа-бошқа қилсак. Майли, бу хандақ сенга, мен ўзимга бошқа ердан қазиб оламан. Бугундан алоҳида-алоҳида ишлаймиз. Ҳар ким меҳнатига ярашасини олади...

Муаллимнинг айтганларига кўнмасдан иложим йўқ эди. Ундан кейин, бировнинг ҳақини еб кетиш ҳам инсофдан эмас.

Гап оҳангимдан “бу хафа бўлди” деб ўйладими, ғамхўрлик қилиб, кўнглимни кўтарди.

– Хандақдан лой чиқаришинга ёрдам бераман. Овқатни ҳам ўзим тайёрлайман, сен идиш-товоқларни ювсанг бас. Ё “уйга кетаман” десанг, майли, автобусга чиқариб қўяман.

Мен ҳолимга қараб ишлашимни, бундан ҳеч хижолат тортмаслигини айтиб, муаллимнинг кўнглини хотиржам қилдим.

8

Барибир муаллим хижолат бўлди. Ҳар овқатга ўтирганимизда, “хафа эмасмисан?” деб сўраб қўяди.

Ғулом ака меҳнаткаш одам. У қарийб бир гектар ерни “қорайтириб” ташлаганда, мен атига тўрт ёки беш юз дона ғишт қуяман. Шуни ҳам юз марта санаган бўлсам керак. Ҳар беш-олти бориб-келганимдан кейин қуйган ғишларимни бир санайман. Ўртада муаллимнинг бошига бориб сўрайман:

– Сизники нечта бўлибди, Ғулом ака?

– Санасам баракаси учади, – дейди муаллим қолипнинг кўзига тарсиллатиб лой ураркан. – Мен ишлагани келганман, ғиштни Қувониш оға санасин.

– У сизни алдаса-чи?

Муаллим бу саволга бир бориб-келгандан кейин жавоб беради.

– Анойи эмасман, бир қараганда чўғини оламан. Кўзим алдамайди мени...

Яна ўз иш жойимга келаман, қолипга лойни уриб, хаёлга бериламан: “Ғулом ака меҳнаткаш. Агар шу меҳнатини мактабда ишлатса борми, мактаб гуллаб кетарди. Афсус, озгина айёрликни билмайди-да!”

Тушлиқда, қўлида иккита нон ва қовун билан Жаннат оға келди.

– Ҳорманглар! – деди похол шляпаси билан елпиниб. – Баракалло сизларга, бу иссиқ темирни эритади-ку.

Биз қўл-юзимизни ювгунимизча, оға қовунни тилимлаб қўйибди.

– Бугун кечга дам олинглар, – деди у бир тилим қовуннинг сувини оқизиб еркан, ғижим рўмолчаси билан лаби ва бўйнини артди.

– Тинчликми? – Ғулом ака ажабланиб унга қаради.

– Қўшнимни тўйи, ўғилчасини хатна қияпти... Бизларнинг тўйларни ҳам бир кўринглар... Тўғри бизникіга боринглар, ўзим олиб чиқаман...

Ишни саранжомлаб, Жаннат оғаникіга чиқдик.

Жаннат оға бизни тўйхонага бошлади. Тўйхона табиий, бунақасини кўрмаган эдим: кенг маккапоя майдони, атрофи деворга ўхшатиб қўйилган, ўртаси ўрилиб ерга тўшалган. Ерга тўшалган макканинг ҳар жой-ҳар жойида кўрпача ташлаб, дастурхон ёзилган. Дастурхон атрофида олти-еттидан одам чордона кўриб ўтирибди. Ўртадаги ноз-неъматдан кўз қувонади, се-робчилик, айниқса, гўшт “тўкиб” ташланган. Ҳар бир даврада тоғарачада қимиз, косагул шопириб турибди.

Биз, Жаннат оға билан давра олдик. Қувониш оға ҳам икки ҳамроҳи билан бизга кўшилди. Ҳар давранинг ўз ҳангомаси бор, ўзлари билан ўзлари андармон. Ёш-яланглар бемалол ўйнаб-кулиб, бир-бирини қувиб-суриб юришибди. Улар билан бировнинг иши йўқ. Баъзида бир-бирини қувиб, маккажўхори “девор”ини ёриб, дастурхон устидан патирлаб ўтиб кетишади-ки, ўтакангиз ёрилиб, ўзингизни орқага ташлаб юборасиз.

– Ҳай-бўй! – деб қўяди катталар, лекин уришишмайди.

– Тўй болаларники-да, қўйинг ўйнасин! – дейди чоллар кулишиб.

Тўйбоши озғин, чуваккина киши экан, биз билан кўришиб, даврамизга бирпас ўтирди, сўнг “хуш келибсизлар!” деб кетди.

Бешбармоқ ширин бўлган экан, бармоқ ялаб, мақтаб-мақтаб едик.

Тўйбоши Жаннат оғани имлаб чақирди. Бир нималарни маслаҳатла-шишди.

Жаннат оға қайтиб келди.

– Меҳмонлар ўланга қалай, деб сўраяпти, – деди Жаннат оға муаллимга қараб. – Ўтган сафаргидай бир жирлаб берсанг-чи, иним.

Муаллим менга қош қоқди. Мен елка учирдим.

– Майли, – деди муаллим.

– Шундай қил, иним, меҳмонлар бир мириқсин.

Муаллим менга “тур” деганди, қалтираб кетдим.

– Мен ўлан билмайман, – дедим.

– Боланинг овози ширин бўлади, – гапга кўшилди Қувониш оға, – тур, аканга жўр бўласан.

– Тур, мен айтаман, сен такрорлайсан, – деди муаллим энгимдан тортиб.

Ўрнимдан туришим билан оёғим қалтираб кетди. Тўрга чиқиб боряпман-у, хаёлимда оёғим ерга тегмай боряпти.

Катта давранинг тўридан жой олдик. Ҳаяжоним ҳали ҳам босилгани йўқ, мўлмайиб муаллимга қарайман, у бўлса, тиржаяди.

Муаллим талабалик даврида қозоқ болалар билан ётоқхонада яшаб, ўшалардан дўмбира чертишни ўрганган экан, ҳозир дўмбирани қўлига олиб, созини тоблади ва менга “ликопчани кўлингга ол”, деб ишора берди.

Бўш ликопчани кўлимга олишим билан муаллим овозини ростлаш учун томоқ қирди.

Дўмбира узоқ чертилди. Чамамда, муаллим “қайси кўшиқни айтсам экан?” деб узоқ ўйлади-ёв.

Дўмбира овози пасайиб, кўшиқ янгради:

*Мен сени севдим, малак,
Ишқингда ёнган бандаман...*

– Ишқингда ёнган бандаман! – дея кейинги мисрани такрорладим.

*Рашким ёмон, сенга боққан
Кўзлар учун тўр, пардаман...*

– Кўзлар учун тўр, пардаман! – яна такрорладим.

Ён томонимда бир мўйсафид ўтирган эди, шеригига ўгирилиб:

– Жигитчанинг овози қаймоқдай экан, – деди. Шериги бўлса:

– Бу ўленде радиода айтмайди-ғў, – дея олқишлади.

– Ўлме, боврум! – дея қичқириб юборди бирови.

– Акенге-де рехмет! – унга жўр бўлди бошқаси.

Муаллим дўмбирани яна узоқ тинғирлатди. Менимча, у кўшиқнинг кейинги бандини тўқимоқда эди.

*Масаллиқ мўл, соз бўлса,
Мен чапдаст пазандаман...*

– Мен чапдаст пазандаман! – дея нола қилдим. Муаллим “яхши” дегандек кўз қисиб қўйди.

*Кундузи пойхандагингда,
Кечаси созандаман...*

– Кечаси созандаман!..

Кўшиқ авжига чиққанда, кимдир олдимизга белбоғ ёйиб қўйди ва ўзи намуна кўрсатиб, унга ақча ташлади. Ана шундан кейин муаллимнинг овози кўтарилди, меники эса майинлашди...

9

Монгда туриб, ўзим қуйган, офтобда тобланган ғиштларни эринмай ўтган ҳафта ҳисобидан санаб олиб, оҳакланган ғиштлар атрофига териб чиқдимки, оҳакдан ном-нишон қолмади.

Қувониш оға ёрдамчиси билан келиб, мени роса алқади.

– Ғайратли бола экансан! – деди ва тезда ғиштларни санаб, устидан оҳак септирди ва: – Пешана терингни ол, – дея бир даста пул берди.

Улар муаллим томон ўтишди.

Мен ҳам уларга эргашдим.

– Уканг сендан икки ҳисса кўп ишлабди, – деди Қувониш оға муаллимга пул бераркан.

Фулом ака кундалик ишимни кўриб-билиб юрган эмасми, кўзлари ўйнаб, ҳайрати ошди. Менга маъноли қараган эди, пинагимни бузмадим. У ичи қанчалар така-пука бўлаётган эса-да, ўзини хотиржам тутиб, юз ифодаларини заррача ўзгартирмай, шу зайл кўзимга тик боқиб тураверди. Қулоғига Қувониш оғанинг гапи кирмаётган эди гўё.

Аммо Қувониш оға кетиши биланоқ, сокин юзи рахи бузилган кўрпадек тўзғиди, бўйин томирлари бўртиб, кўзлари ола-кула бўлди.

У менинг ёқамга чанг солмоқчи ҳам бўлди: баҳона тополмади. Қозиғи атрофида айланган асов отдек кишнади:

– Сен нима иш қилдинг?!

– Иккинчи юзимни ишга солдим.

– Айёрлик қилдингми?

– Ўзингиз айтгансиз-ку: шунақа қилмасанг, биринг икки бўлмайди, деб.

Агар айёрлик қилмасам, қилган меҳнатим овқатимга ҳам етмасди.

Ғулом аканинг ҳам иккинчи юзи очилди:

– Агар мени рози қилмасанг...

– Сизники мунофиқлик-да, Ғулом ака, – дедим мен.

– Йўқ, – деди муаллим қатъий қилиб, – бу мунофиқлик эмас, ҳақиқатни ошкор этишдир! Мен бу ёлғончиликни ошкор этмасам, гуноҳи менга ҳам тегади.

– Демак, бировнинг айбини яшириш ҳам гуноҳми?

– Албатта!

– Унда мен сизнинг гуноҳингизни сотиб оламан, – дедим ва улушимнинг бир қисмини унга бердим. – Энди ягона гуноҳкор ўзим бўлиб қолдим. Мен нима қилай энди, Ғулом ака?

– Сен тавба қил! Гуноҳнинг офати – тавба...

10

Эрталаб катта жамадонни кўтариб, шаҳарга отланганимда, акам “қўй ўша ўқишингни” деб йўлимдан қайтармоқчи бўлди-ю, шаштимни кўриб:

– Яхши тайёрлан-да энди, – дея кўнглимни кўтарди ва билинтирмай шимимнинг чўнтагига бир нима солди. Онам билан хайрлашиб, “Ғиждувонгача обориб кўяй” деб, шай турган қўшнимизнинг машинасига чиқиб чўнтагимга қўл солиб қарасам, пул экан.

Машина кўзғалай деганда, онам машина эшигидан бош суқиб, насиҳат қилди:

– Ҳуда-беҳуда ташқарига чиқиб юрма! Шаҳар катта дейдила, ямон одамлар кўп, бохабар бўлиб юр! – Кейин мени бошлаб бораётган Мўминга ҳам тайинлади: – Сан кап-катта бача, ўшарда ўқиб юрибсан, укангдан бохабар бўл! Ўқиш жойига ўзинг олиб бориб, ўзинг олиб кел! Бир ўзини кўчага қўйиб юборма, хайми, бачам...

– Энг асосийси, қизларнинг орқасидан анқайиб юрмасин! – деди акам луқма ташлаб.

– Э-э-э, – деди Мўмин ишшайиб, – биринчи ўқишга кирсин... қизларнинг орқасидан... уёлтирманг-э...

Газ берилганда, онам яна мошинага ёпишди.

– Бўлди-да, – деди акам онамни четга олиб, ўзи олд ўриндиққа ўтираркан, – армияга боряптими, эрта-индин ўқишдан йиқилиб, яна бағрингизга қайтади, дийдоридан тўясиз...

– Совуқ нафас қилманг, – деди Мўмин, – ўқишга кирса ҳам қишлоққа қайтади. Мана, бизлар ҳам келиб-кетиб юрибмиз-ку.

Онам анчагача мошина орқасидан термилиб қолди...

Мўмин – уста Боймирза аканинг тўнғич ўғли. Техника институтининг кимё факультетида ўқийди: учинчи курсда. Мендан икки ёш катта-ю, лекин бир-биримизни сенсираймиз. Уни шаҳарда ижара уйи бор. Мен ҳам ўша уйда туриб тайёрланаман-да энди.

Қайси институтга ҳужжат топширишни билмайман ҳали. Акам: “Қишлоқ хўжалик техникумига топшир, мол дўхтири бўласан, қишлоққа керак соҳа”, деди, отам бўлса: “Текстильнига топшир, пахта соҳасига, битирсанг, пахта пунктига директор бўласан – Муҳиддин Назарга ўхшаб”, деди. Онам: “Тоғанникига бор, зўр ўқишга жойлайди”, дейди нуқул. Мен эса тоғам билан чиқишолмайман. Борайлик-чи, бир гапи чиқар, Мўмин билан маслаҳатлашармиз...

Хаёл билан бирпасда Ғиждувоннинг шоҳбекатига етиб борибмиз. Автобус тайёр экан, тезда жой олдик.

– Гапларимга хафа бўлма, ука, – деб акам мени бағрига босди, онамдек икки юзимдан чўлпиллатиб ўпаркан, овози қалтираб чиқди, – бари ҳазил. Омадингни берсин!

Шу пайт менинг ҳам акамга нисбатан меҳрим товланиб кетди, уни маҳкам кучоқлаб олдим.

11

Мелевизордан чиройли кўрингани билан, шаҳар чеккаси ўзимизнинг қишлоқдай экан.

– Хў, ана у уч қаватли кўк бино “Чевар” фабрикаси, – деб узоқдан кўрсатди Мўмин бир кўчага бурилганимизда, – ҳар хил кўйлақлар чиқади. Ана шу сенга аринтир, адашсанг, “Чевар” фабрикаси дейсан”, лубой одам йўлни кўрсатиб қўяди. Ҳозир нариги кўчага қайрилсак, бизани квартира...

Тор йўлакчани кесиб, айтилган кўчага кирдик ва тўрт-беш хонадон ўтиб, болохонали дарвоза олдида тўхтадик.

– Бу Ақром аканинг ҳовлиси, – деди Мўмин мени кичкина ёғоч эшикчадан ичкарига бошлаб. – Ақром ака бу ерда турмайди. Марказда коттежи бор. Болалари кўплиги учун давлат текинга коттеж берган – икки қаватли. Болалари ҳали ёш, хотини Эски Жувада хоним сотади.

– Хоним сотади? – ажабландим мен.

– Ҳа, бу ерда шунақа таом бор, номи – хоним, – деди Мўмин эшикни маҳкамларкан, – ўзимизнинг чалпакка ўхшаган нарса, хамир, ичида озгина картишкаси бор, усти томат. Ҳали бозорга тушсак, олиб бераман.

– Яхши нарсами ўзи?

– Озгина гўшт қўшса янаям яхши бўлади-да... Ҳа, Ақрам акага сен ҳақингда айтганман: бирга турамиз, деганман, хўп деган. Мен билан жингилдилик бир жўрам туради, у ҳам эрта-индин укасини олиб келади, иккаларингиз тайёрланаверасизлар. Ётоқхонада зўр-зўр каллалари болалар

бор, айтсанг, олиб келаман, билмаганингни ўргатиб қўйишади. Аввал пастки хоналарда турардик. ҳозир болохонага чиқдик. Болохона яхши, кўчани бе-малол кўриб турасан. Ёзда ғир-ғир шабада, жонни ҳузури...

Ёғоч зинадан болохонага кўтарилдик: шинамгина хона – ўртада чоғроққина хонтахта, икки томонида иккита симкаравот, пойгакда уринганроқ кийим жавони, бурчақда баланд стол, устида бир нечта китоб, оёқ остида йўл-йўл шолча. Учта дераза бор: бири кўчага, иккинчиси ҳовлига ва учинчиси қўшни ҳовлига қараган. Қўшни томонга қараган дераза бўй-басти баробар қоғоз билан тўсилган.

– Ана шу бизнинг кошона. – деди Мўмин барча тушунтиришларига якун ясаб, сўнг қоғоз билан тўсилган дераза олдига борди, қоғознинг бир четини хиёл кўтариб, қўшни томонга кўз қирини ташлади. – Каттаконнинг ҳовлиси, – Мўмин орзиқиб гапирди, – учта машинаси бор, бари иномарка. Бечоранинг биттагина қизи бор, ўзимизнинг Ҳоди тоғанинг Гуласалига ўхшаб кетади, фарқи – бу оппоқроқ: офтоб кўрмаган-да. Ким олса ҳам мазза қилади. Ҳамма бойлик ўшанга қолади. Умрини охиригача оғирлик кўрмайди.

– Гап отиб кўрмадингми? – беихтиёр шу гап оғзимдан чиқиб кетди.

– Бе, – деди Мўмин каравотга ўзини ташлаб, – қишлоққа ярамайди бу! Бўлмаса, секундда айлантириб олардим.

– Нимага ярамайди?

– Сигирнинг елинига кучи етмайди-да.

– Сен сигир соғдирмайсан-да.

– Э, қўй, ўзимизга бўлмайди... Энди битта чой ичиб, кейин ётамиз, жўра. Автобус тинкани қуритди. Бел тимтик қотди. Эртага дакументларингни топшириб келганимиздан кейин қимирламай ўқийсан.

– Мўмин, қайси институтга топширамыз?

– Қайсига топширмақчисан ўзи?

– Текстельнийга топширамызми, шуни осонроқ дейдилар-ку. Битирсам, текстельнийда ишлайман ёки пахта пунктига. Фаттоҳ акаларни қара, пахта пунктида оддий қоровул, тагида мошина, ямонми?

– Эрта бўлсин қани.

Мўминнинг ҳозир бу ҳақда бош қотиргиси келмади. Пойгакда турган электр плитка устидаги алюмин чойнакни кўтариб, пастга, сув олиб чиққани тушди.

Мен аллақандай қизиқиш билан қоғоз “парда”ни қиялатиб, қўшни ҳовлига қарадим. Ҳовли саҳни ёруғ. Чор атрофи ишкомли айвон, ўртада олтиқиррали ҳовузча, ҳовузчага ёндош нақшинкор сўри, сўрига бир туп дарахт соя ташлаб турибди...

Мўминнинг зинадан кўтарилаётган шарпасини сезиб, кузатишни бас қилдим...

Чойни алюмин чойнакнинг ўзига дамладик. Қишлоқдан олиб келинган патир, қайнатилган гўшт, тухумларни ўртага қўйиб, қорин арзини бажо этдик.

Институтга ҳужжатларни топшириб, ўша куни шаҳар айландик. Чиройли ва кўркам бинолар, турфа гулларга бурканган истироҳат боғлари, текис ва равон йўллар кўзларимни қамаштирса-да, бир кунда зерикдим.

– Бундан буён фақат тайёргарлик, бошқа нарсага хаёл чалғимасин! – деди Мўмин.

Узукун китоб варақлаш ҳам меъдага ураркан. Айниқса, ўзинг истамаган, тушунарсиз китобга термулиб ўтирсанг.

Мўмин эрталаб чиқиб кетади, кеч қайтади. Хонада бир ўзим. Баъзида кундуз куни бўлса-да, китоб устига бош қўйиб ухлаб қоламан. Баъзида хаёл сураман: китобни алюмин чойнакка солиб қайнатсанг, қайнаган сувни ичсанг, китобдаги бор илм ичингга кирса. Кейин кўрпага ўрансанг, терга ботиб ётсанг, ҳалиги ичингга кирган илм терга қўшилиб юқорига кўтарилса, яъни мияннга бориб ўрнашса...

Учинчи куни ичим ёришадиган бўлди. Мўминнинг жингилдилик жўраси Ёрлиқул – пачоққина бола, бўйи киндигимдан келади, ўзидай чимтомоқ укаси Бердиқулни олиб келди. “Энди икки киши ҳеч зерикмаймиз”, деб ўйлаган эдим, лекин унга қаттиқ тайинланган эканми, миқ этмайди, ўқигани-ўқиган. Гап сўрасанг, “ҳа-йўқ”дан нарига ўтмайди.

“Ҳамкорлик”нинг тўртинчи куни, Бердиқул чақиб берганми, акаси:

– Мўмин, хафа бўлмайсан, ҳамқишлоғинг укамга халақит бераётган экан, – деди кечки пайт овқатланиб ўтирганимизда. – Айт, камроқ гапирсин. Ё биттаси ҳовлидаги сўрида, иккинчиси болохонада дарс қилсин.

Мен болохонада, Бердиқул ҳовлидаги сўрида дарс қиладиган бўлди.

Яна зерикиб бошланди.

Бир куни хаёл билан “қоғоз парда”ни қиялаб, қўшни томонга қарасам, ажиб манзарага кўзим тушди. Олди очиқ айвондаги тошойнага бир қиз ўзини солиб ўтирибди. Эғнида оқ, олча гулли кофта билан жинси юпка, бир тўп сочи антенна мисол турмакланган. Қўлида қалам, ўз бетига бир нималар чизяпти.

Пардозни тугатиб, ўрнидан турган эди, мени ваража тутиб кетди. Қадди-қомат... оҳ-ҳо-ҳо-о-о...

Қизгина бошини бир силкитиб юборган эди, тим қора мажнун сочлар калта юпкадан ошиб, тақимга урди. Тўдасидан айрилган бир қатим соч енгил шабада қўйнига рақсга тушди.

Қизгина қиз эмас, бамисоли ҳурилиқо эди.

У мен томонга қайрилди-ю, кўзи менга тушди.

Мен тезда ўзимни орқага олдим.

Юрагим ўйнаб кетди.

Ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим, бўлмади. Унга яна бир бор қарашга жазм этдим.

Бу сафар кўзларимиз тўқнашди.

У бошини хиёл эгиб, жилмайди.

Мен унинг қарашларига дош беролмадим. "Қоғоз парда"ни ташладим, қайта кўтаришга журъатим етмади.

Шундан кейин ҳурилиқо тез-тез кўча супуришга чиқадиган бўлди.

Мен ҳам югуриб кўчага чиқаман-да, ёғоч курсичада ўтириб, уни кузатаман. У ҳам ўғринча менга қараб-қараб жилмаяди. Мен ҳам қараса қарагудек: буғдойранг юзли, қалин ва қора қошли, киприкларим узун ва кўзларим чақнаб турган, қадду қомати келишган йигитман-да.

Сўзсиз-сўроқсиз бу каби кўз уриштиришлар узоққа чўзилмади. Аммо-лекин қизнинг жилмайиши хаёлимда муҳрланиб қолди.

13

Аввало омади бўлсин экан йигитнинг. Омад келса, сичқон филни енгаркан, омад келмаса, қармоқдаги балиқ ҳам чиқиб кетаркан.

Омадим чопмади.

Биринчи имтиҳондан йиқилдим.

Қишлоққа қайтадиган бўлдим.

Шаҳарда қолмоқчи эдим. Мўмин "бошим балога қолади" деб йўл бермади.

– Жонингиз омон бўлсин, – деди янгам.

– Битта сенми, ўқишдан йиқилган? – деди отам.

Хўрлигим келиб, кўзим намланди.

– Ёмон йиқилмадингми? – деди онам бағрига босиб. Сўнг тезда бағридан бўшатди-да, хавотир билан ҳамма жойимни пайпаслаб кўрди: – Бирор жойинг лат емадимми?

Онамнинг соддалигидан ҳаммамиз кулиб юбордик.

– Ҳечқиси йўқ, бир-икки кун куйишиб, кейин ўтиб кетади, – деди акам.

– Ёмон йиқилмаган бўлсанг, бўлди, – деди онам хотиржам тортиб.

– Она, йиқилганим йўқ, ўқишга киролмадим, – десам, онам:

– Кирмаганинг яхши бўлибди, – деди онам яна ҳаммани кулдириб. – Ўқишга кирсанг, соғинтириб ўлдирардинг-да.

Содда онагинам-а, менинг кўнглим билан иши йўқ, боласи кўз ўнгида юрса бўлгани.

– Тўрт-беш кун дамингни ол, – деди онам, – кейин чўлга бор, отанг ёлғизланиб қолди. Сизни кўзим қиймади, қайтиб келдим де, хурсанд бўлади...

14

Ариқ бўйида, шаҳар ҳақида болаларга мақтаниб ўтирган эдим, бо-зордан қайтаётган Саъди дудуқ мени кўриб, эшагининг тизгинини тортди.

– Ҳа, чўпонди ули, ў-ў-ўқиш бў-бў-бўмадимми? – деди шилпиқ кўзларини пирпиратиб. – Ў-ўқиш но-нон ейиш эмас!

– Саъди тоға, бу ўқишдан йиқилмапти, атайин йиқитишипти, – деди мендан бир ёш кичик Собир ёнимни олиб. – Ҳамма саволларга жавоб берса ҳам, шаҳарлик домлалар бунга икки қўйишибди.

Саъди дудуқ ўрадек оғзидан кўпик сачратиб кулди.

– Се-сенларга лоф урибди-да! Ҳа-ҳамма ўқишдан йиқилганларди баҳонаси шу. Бо-бошида турмасанг, и-и-ишонасан-да!

Қулоғимгача қизариб кетдим.

Саъди дудуқ кулиб-кулиб йўлида давом этди.

– Бу кишининг ўзи сассиқғўй, – деди Султон қассобнинг ўғли Сайид. – Сенда алами бор-да бу тўқимдўзнинг, чаёндай чақиб олди.

Ҳа, бу чолнинг менда алами бор.

15

Саъди дудуқ аввал дудуқ эмас эди.

Панжшанба мол бозорида кўй жаллоб эди.

Тўқимдўзлик ҳунари ҳам бор эди.

Саккизинчида ўқийман.

Кўйлар кўзилайдиган пайт. Чўпоннинг кўли-кўлига тегмайди.

Отамга қарашиш учун чўлга келганман. Ўша йили совлиқ кўйлар роса кўзилади-да. Ҳар куни барракабоб. Икки амаким, Рисол холамнинг эри – Соатқул язна ҳам отамнинг қаватида.

Кечалари навбати билан кўраларни кўриқлаб чиқамиз. Бемаҳалда туғилган кўзичоқлар туёқлар остида қолиб кетмасин деймиз-да.

Тўғриси, кўй боқиш мактабда ўқишдан яхши. Мактабда тинмай савол беришаверишади. Чўлда-чи, мазза, тоза ҳаво, ҳеч ким сени сўроққа олмайди.

Рисол холамнинг эри – Соатқул язнам ўқимишли, ўқиганларни ҳурмат қилади. Кечқурунги ҳангома мактабга бориб тақалганда, у мендан нечанчи синфда ўқишимни сўради, мен жавоб бердим.

– Унда бу ерларда нима қилиб юрибсан? Эрта-индин имтиҳонлар бошланади-ку!

– Отасига қарашгани келган, – деди отам.

– Биз-чи? – деб сўради язнам. – Биз нимага келганмиз?.. Сиз эртагаёқ бу болани жўнатинг, бориб ўқишини қилсин!

– Ҳозиргилар ўқийди дейсизми? – кулди отам.

– Унақа деманг, божа. Ўзингиз ўқитувчисиз, айтган гапингизни қаранг. Эртагаёқ жўнатинг! Ҳозир ҳеч нима, бир кун келади, ўқимадим деб пушаймон ейди, жойига тушмайди...

Шу баҳонаи сабаб қишлоққа қайтадиган бўлдим.

Соатқул язнамнинг ўзи катта йўлгача олиб бориб, Чилдухтарон томондан келган юк машинасига миндирди. Кабинада одам бор экан, мени бортга чиқаришди.

Бортга чиқиб, тик турган эдим, ҳайдовчи “ўтириб ол, юзингни шамол кесиб кетади” деди.

Ўтирганимни биламан, тобутга кўзим тушиб, сесканиб кетдим. Хайрият, тобут бўш экан.

“Қишлоқда кимдир қазо қилган, Чилдухтарон мазоридан тобут олиб кетишяпти”, деган хаёлга бордим ва миқ этмай ўтиравердим.

Тепада қора булут пайдо бўлиб, шаррос ёмғир қўйди. Устим юпун, нима қилишимни билмайман. Машина бирдан тўхтади. Ҳайдовчи кабинадан бо- шини чиқариб:

– Тобутнинг ичига кириб ол, бўлмаса, ивиб, эртага шамоллаб қоласан, – деди менга. Менинг анқайишимни кўриб: – Қўрқма, бор-йўғи тахта-да. Ҳарна ёмғирдан пана жой, – дея қўшиб қўйди.

Ҳайдовчининг далдаси билан ноилож тобутнинг ичига кириб олдим.

Машина жойидан кўзғалди.

Тепадан шатирлаб ёмғир урмоқда.

Тошариқ йўли тугаб, Аллот қишлоғига бурилганда, машина тўхтаб, яна юриб кетди.

Ёмғирнинг шашти пасайди. Тобутдан чиқсам ҳам бўлади. Лекин ав- вал ёмғирнинг тинган-тинмаганини аниқлаш учун бир қўлимни тобутдан чиқарганимни биламан, кабина томи тақиллаб, машина бирдан тўхтади. Мен қалқиганча тобутдан чиқиб кетдим. Шунда кимдир бортдан ерга са- кради ва орқасига қарамай, бийдай далага қараб югурди. Бошқа бирови қаршимда, менга термилганча қалтирайди: тили танглайига ёпишгандай. Уни танидим – Саъди тўқимдўз.

Кейин билсам, машина қишлоққа қайрилиш йўлида тўхтаганида, бу икки киши чиқиб олган, мен қўлимни тобутдан чиқарганда, “тобутда майит бор экан, тирилиб кетди” деб ўйлашганми, машинани тўхтатиб, саросимага ту- шишган...

Шу-шу Саъди тўқимдўз дудуқ бўлиб қолди. У қаерда кўрса, мени бир чақиб олади. Мана, ҳозир ҳам бигизини бир суқиб ўтди.

16

Эз адоғида йиғим-терим бошланади.

Турган гап, терим декабрга бориб тақалади.

Терим ҳамманинг қўлини “боғлаб” қўяди.

Терим бошланмасдан тўй-маъракаларни ўтказиб олиш керак.

Сентябрь боши Жонпўлат раис ўғли Тошпўлатни уйлантирадиган бўлди.

Тошпўлат ака номзодлик ишини ёқлаб, тоғамнинг қўлида, институтда қолган. Унинг ёши ўттиздан ошган, қотмагина, бўйи теракдеккина йигит. Кўрганлар “ўқиш эзиб қўйган-да” дейишади. Баъзилар раисга гап ташлаб қўяди:

– Ўғилни яна қанча эзасиз?

– Қирқида сурнайчи бўлса, қачон чалади?

– Қирқ йилда бир эшак ўйинми?

– Қариганда чақалоқ қўлтиқлаб юрадими?

Тўйнинг ўзидан “бўлади-бўлади”си қизиқ.

Ҳамма Тошпўлат аканинг тўйини кутади.

– Отаси раис, дунёни нарсасини тўкиб ташласа керак, – деган гаплар ҳам чиқибди.

Чўлда эдик, борганлар айтди: келаси шанбада базм.

Шу тўйга ишқибоз эдим, келганлар билан қишлоққа қайтдим.

– Тўйга тоғанг келармиш, – деди онам.

Гапга янгам қўшилди:

– Тоғамга тўн ёпишармиш, раиснинг хотини айтди.

– Нега энди тоғамга? – деб сўрадим мен.

– Тошпўлатни олим қилган тоғам эканлар-ку! – деди янгам.

– Бировни олим, бировни чўпон қилишга уста тоғам, – дедим мен.

Онам пичингни илғаб:

– Уни бир кўрай, – деди, – айтаман: “жиянингни ўқишга жойламасанг, аф-тингга қарамайман!”

– Бундай илтифотнинг менга кераги йўқ!

– Нега кераги йўқ экан?

– Энди менга ўқиш керак эмас!

– Тоғанга қилган зардангми бу?

– Йўқ! Одамлар ўқимаса ҳам катта-катта ишларда ишляпти-ку.

Тўнни тескари кўриб, онам муросою мадора йўлига ўтди:

– Ё яхшироқ иш топиб берсинми? Айтаман, топиб беради, топиб бермасин-чи! Тоғанг келсин, отангни чўлдан олдирамиз, муштни бир жойга урамиз!..

Тонг отардан карнай-сурнай янгради. Эшитган борки, раисникига ёпирилди.

Раиснинг ҳовлиси кенгина эди. Ўртадаги томорқа текисланиб, катта жой қилинган, атрофига бир хил рангли гилам билан “девор” урилган. Шу атрофда ўзини таниган борки, қамишдан бел боғлаб – хизматда, раиснинг имосига маҳтал.

Пешинда ош, кечга бориб – базм.

Тоғам ошга тақаб етиб келди.

Шахсий “Волга”сида келди.

Тўғри бизникига тушди.

Раисникига сал ҳаяллатиб чиқди.

Ҳаяллаб чиқишининг сабаби бор экан. Тоғамни раис қандай кутиб олишини ҳамма кўриши керак экан.

Янгамнинг гапи бўлди. Тоғам тўйхонага қадам қўйиши билан раис тоғамнинг елкасига ургутча чопон ёпди. Ҳамма қарсак чалди.

Келин-куёвга яқин қилиб, нозик меҳмонлар учун алоҳида жой ҳозирланган эди, тоғам шу жойнинг тўрига ўтди. Ҳамманинг кўзи ўша томонда. Чунки ўша дастурхон атрофида йиғилган кишиларга қараб, тўйнинг, тўйчининг мавқеи белгиланар эди.

Даврани ҳар доимгидай район газетаси муҳаррири Жамол Жўшқиний очди. Раис шаънига, келин-куёв шаънига, қишлоғимиз шаънига яхши гаплар айтди.

Биринчи табрик сўзи, албатта, тоғамдан бўлди, кейин бошқалар...

Куз оёқлагач, эрталаблар салқин тортиб қолди.

Янгам ширчайни айвондаги сўри устидаги хонтахтага тортганида, дарвозахонага туташ меҳмонхонадан, елкасида акамнинг маъракаларда киядиган чопони – тоғам чиқиб келди. Югуриб бориб, қўлига сув қўйдим, сочиқ тутдим.

Тоғам артина-артина сўрига чиқди.

Тоғам ғўлабур, қорамағиздан келган, серҳаракат, кўзлари кулиб турадиган одам. Ёшликларидида кўп ҳуснбузар тошганми, юзлари апельсин пўстига ўхшайди. Гапиришлари мулойим, чойга солинган қанддай эритади одамни.

Тоғамни кам кўрамиз.

Меҳр – кўзда бўлгач, бир-биримизга меҳримиз ҳам шунга яраша.

Кооператив корхона очиб, бойиб кетганми, димоғларидан қурт ёғилади. Мана, ҳозир ҳам дастурхонимизга димоғ билан кеккайиб қаради. Авваллари онамни сизлаб ўларди. Энди кулги-кулги билан сенсирайди:

– Булар шаҳарда сут кўрмайди, бир ширчай қилиб берай дебсан-да, а! – тоғам косаси билан сут симирди. – Сут бизда ҳам сероб. Керак бўлса, эшигимизга келтириб беришади.

– Сенлар сигирни кўрмай сут ичасанлар-да, – деди онам кулгига олиб, – бизники ёғи ўзи билан...

– Олиб қоч-а, – деди тоғам, – бу дунёда ҳеч ким молим ёмон демасканда.

– Ҳа, баланд охўрдан сув ичсанг, пастдаги сутни писанд қилмаскансанда? Кечагина палаги қуриган бодрингдай эдинг, томирингга сув теккач, гапсўзларинг ҳам ўзгарибди.

– Шунақа гапларингни соғинаман-да, опа. Гапир, гапир, қишлоқдан оёғимиз узулгандан кейин гуноҳқормиз-да...

Мен, тоғам гапига эмас, онамни сенсирашига ғашландим. Тез-тез кўришиб турмаганимиз боис, ҳозир қоратортиб ўтирибман. Пучуқ обдастага ўхшаб гапга аралашмаяпман.

– Укагинам, бунақа қилигинг йўқ эди-ку, – деди онам бирдан.

Тоғам нохос шапалоқ еган боладай анграйди:

– Қанақа қилигим?

– Кечаси бозингарга қанча қистирдинг?

Тоғам “гап буёқдами” дегандек, жилмайди.

– Шуюм қистиришми? Қистирган бўлсам, беш-олти пар калишнинг пулини қистиргандирман-да. Шунга кўзинг қаро кетдими?

– Пулнинг ҳам уволи бор, ука! Беш-олти пар калўш қанча пул бўлишини биласанми?

– Қанча?.. Гапир, қанча?

– Битта қишлоқ эркаги бир ой ер чопади.

– Агар калиш шунча турса, бирор машинасини келтириб тўкай – сотинглар!

– Нима, калўш заводинг борми, оғзингни тўлдириб гапирасан?

Тоғам елкасини учириб-учириб, қорнини силкитиб-силкитиб, бақбақасини ўйнатиб-ўйнатиб кулди.

– Ҳали билмасмидинглар, кичик корхонамда калиш ишлаб чиқарилишини?

– Айтмасанг, қаёқдан билай? Мен ҳали ҳам домлачилик қилиб юрган бўлсанг керак, деб ўйлабман-да.

– Озгина домлачилик ҳам қиламан, – деди тоғам обрўни сақлаб. – Шу домлачиликни баҳридан бутунлай ўтайми деб турибман. Рағбат бўлмагач, ёшлар ҳам илм қилмай қўйди. Шогирдларнинг кўпи ўзини бозорга урган. Замон сени ўқитар, таёқ билан сўқитар, сабоғингни билмасанг, дўконда бўз тўқитар деганлар. Замонига яраша – амали, деб мен ҳам тадбиркорликка ўтганман.

– Хай, ман қайдан билай?

– Ҳа, опагинам-а! Хонанишин одамнинг қулоқ-бурни кесилган бўлади, ҳеч гапдан хабарсиз ўтираберади. Сен ҳам шуларни биттаси! Дармиёна қўшнинг Савроннинг Қўшработга тушган қизи ҳар ҳафта қатнаб, йигитларимдан тўрва-тўрва калиш олиб, бу ерда – Ғиждувоннинг бозорчиларига кўтарасига ўтказди-ку.

– Иби, – алданиб юрганини ҳозиргина билиб қолган кишидек онамнинг ҳайрати ошди, – Ойпопук олиб келаётган калўшларни ман чиқоробман де?

– Мен бўлмай, ким?

– Вой, мангина ўлай, укам калўш чиқоротганини билмай юрган эканман. Билганимда, ман ҳам калўш сотайдим.

– Одамлар ўтирган жойида бойиб кетяпти, сен ҳам қимирласанг сазанг ўлмайди! – Тоғам менга қўлини бигиз қилиб, онамга қараб яна давом этди: – Мана бу олиб келиб берсин, сен ўтириб сот! Бегонамиман сенларга, мандан фойдаланинглар!.. Бунинг нечанчи синфда ўқийди?

Кечаси тўйда яхшигина ичганми, юзлари буришиб ўтирган акам суюнчилади:

– Бу жиянингиз шу ёзда ўқишга кираман, деб сиз томонга борди-ку.

– Биз томонга? – тўйга айтилмай қолгандек кўзлари чақчайди тоғамнинг.

– Ҳа.

– Нима бўлди, кирдими?

– Ўзидан сўранг.

Тоғам “гапир-чи” дегандек, менга қаради.

– Бўлмади, – дедим бошимни ҳам қилиб, – йиқитишди.

– Ўша ерда мен бор, бир оғиз айтмайсанларми! – деди тоғам акамни қойиб. – Декани ўзимизнинг шогирд, айтсак, йўқ демасди. – Қолган гапни онам эшитди. – Мандан хафа бўлма-ку, болаларинг менга нисбатан бемехр чиқди! Тошкентдай жойга борибди-ю, шу ерда тоғам бор деб, меникига кирмабди. Борса, кўкрагидан итарармидим? Келининг шаҳарлик бўлса-да, меҳмон деса, борини тўкади...

– Ман бор дедим, – ўзини оқлади онам, – уёлган.

– Одам ўзининг тоғасидан уяладими?

– Қўй, – деди онам мухтасар қилиб, – энди бефойда. Лекин бир гап: жиянларингга меҳринг товланган экан, бир иш қил, ука.

Тоғам жиддий тортди:

– Хўш-хўш?

– Кўриб-билиб юрибсан, қишлоқларда таъби дил иш йўқ, – деди онам дилидагини очиб. – Шу боланинг умри чўлда ўтмасин... Неча вақтдан бери шаҳардасан, ошноларинг кўп... Бирорта иш топиб бер, ишласин... Ана ундан кейин, ўқийман дейди, кўлидан келса – ўқисин. Ўқимаса ҳам майлига, ўз но-нини ўзи топиб еса бўлди. Қишлоқда қолса, лойхандақдан чиқмайди.

Мен бу гапни эшитиб, тоғамнинг елка томири тортишади, дегандим, йўқ, аксинча, чеҳраси ёришиб, кўзлари ял-ял ёнди.

– Опа, шу ўғлингни менга беряпсанми? Шаҳарга олиб кет деяпсанми?

– Нима, шаҳарга ярамайдими?

– Нега? – хурсандлигидан тиззаларига шапатилади тоғам. – Жоним билан олиб кетаман! Цехим катта, мол кўп, уни саришта қилиш керак. Битта ўзимни одамим бўлиши лозим. Агар шу ўғлинг ёнимда бўлса, қайга борсам кўнглим хотиржам. Ҳар ҳолда, ўзимники ўзагимдан урмас... Бора-бора иш ўрганса, тоға-жиян аравани бирга-бирга тортиб юраверамиз-да.

Шу ерга келганда, акам қайнаб турган қозонга совуқ сув қуйиб юборди:

– Сиз гапираверарсиз-да, – деди у онамни жеркиб, – отам нима дейдилар? Қанотимни қайрибсанлар-да демайдиларми?

– Сен ташвиш қилмай қўяқол, – деди тоғам кафтида ўйнаб турган пиёлани акам томонга думалатиб юбораркан, – Жонпўлат билан гаплашиб қўйганман, чўлга, язнамнинг олдига борамиз. Ҳали Жонпўлатнинг ўзи ҳам “тўйга келмадилар, улушларини обориб берамиз-да”, деган гап қилганди. Бир йўла “жиян масаласи”ни ҳам ҳал қилиб келамиз. – Тоғам ўрнидан тураркан, елкамга қоқиб, ишонч билан деди: – Сен, жиян, тайёргарлигингни кўравер, эртага йўлга чиқамиз!..

18

Оёгининг тагидан шамол ўтиб турса-да, тоғам кўп қаватли уйда, тўрт бўлмали хонада хотини Дилором – Диля янгам билан яшайди. Арзанда қизи водий томонларга турмушга чиқиб, ўзидан тинчиб кетган. Йилда, имкон топса, ота-онасидан хабар олиб кетади. Кўпинча тоғамнинг ўзи сўроқлаб туради.

Диля янгам, ҳў ўша, Катта театрда ишлаган – балерина, онамнинг таъбири билан айтганда, “оёқ учида ўйнайдиган келин”. У ҳозир ишламайди, уй бекаси. Қадди-қоматини сақлаган: хипча бел, нозик, сочлари эркакча – калта, сурункали бўянишдан бўлса керак, юзлари шўр урган ерга ўхшайди – оппоқ.

Тоғам Қорақалпоққа хизмат сафарига борган.

Янгам ижодий сафарга борган.

Иккиси учрашиб, севишиб... кейин турмуш қуришган.

Янгамнинг қўли ҳам тили ширин: меҳмон деса, жонини беради. Айниқса, дастурхоннинг бекаму кўстлигига қаттиқ эътибор қаратади.

Мен борганимда, ёрдамчи келди деб қувонди. Лекин кечаси қорувулчилик, кундузлари корхона юмушлари билан андармон бўлиб, унга таъби дил ёрдамчи бўлолмадим.

Тоғамникида яйраб ўтиролмасдим. Қизи – Гулмира опам турмушга чиқиб, бу уйдан бола ҳиди кетган: чалдивордай сокин. Тоғам ҳам, янгам ҳам бунга кўникишган. Баъзида салгина шовқин ҳам асабларига таъсир этади.

Тўғри гап, янгам анча йиллардан бери хонанишин бўлиб, селгиб қолган – бир оз эринчоқ. Диванда ялпайиб ўтиришни хуш кўради. Тоғам эшикдан кириши билан оёғи зирқираётгани, бели қақшаётгани, егани ошқозонига ботмаётгани ва ҳоказо-ҳоказолардан нолийди.

– Бу кам ҳаракатсизликдан, – дейди тоғам. Янгам нозланади:

– Ишлай десам, қўймадингиз, энди чидайсиз-да, – дейди.

Тоғам баъзида менга насиҳат қилади:

– Қишлоқдан уйлан! Бегона жойнинг одами барибир бегоналигига боради. Ўзингники сенга қайишади. Қишлоққа боришга ундаб туради. – Тоғамнинг дарди ичида, бу дардни ташига чиқармайди, алаmidан гапирди. – Шу уйнинг маъракаси янгангни қариндошлари билан ўтади, қишлоқдан, биз томондан ҳеч ким келмайди, гўё мен ғирт етим, мени сўроқлайдиган одам йўқдай, яккамаховман. Ана шунақа пайтда қишлоқнинг бир қадам узоқлиги панд беради-да...

Хўш, бунақа пайтда мен тоғамга нима дейман?

Айб ўзида. Онамнинг йўлига юрмаган. Онам: “Ўқишни битирсанг, сенга Ойша холамнинг қизи Қурсияни олиб берамиз”, деганида, буёқда Диля янгам уккичасидан уриб турганми, кўнмаган. Ана энди “азоб”ини тортиб юрибди. Ҳали ҳам янгам инжиқ, ҳар нарсага хархаша қиладиган эмас, тоғам бунга шукур қилиши керак.

Баъзида тоғам нолишни ўтказиб юборарди. Унинг нолишлари беморнинг қорнини босиб-босиб, касалини аниқлашга ҳаракат қилаётган нўноқ дўхтирнинг тутуруқсиз савол-жавобига ўхшаб кетарди. Шунда бошим шунақанги ғовлардики, гўё калламнинг ичида Турғун Алиматов танбурини созлаётгандек бўларди.

Аслида, ўтмишни қанча тафтиш қилаверсанг, унга бўлган ҳурматинг шунчага камайиб кетаверади. Шунинг учун ўтганга саловат дейиш керак. Ўтиб кетган булутдан ёмғир кутишдан не наф?

19

Шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтадиган анҳор бора-бора жарликлар ҳосил қилиб оқади. Худди шу жарлик бошланадиган жойда шаҳарнинг катта боғи, боғ билан жарлик ўртасида бир гектарлик сайхонликда эски ғиштин бинолардан иборат тери ошлаш заводи бор. Тоғамнинг хусусий корхонаси ана шу заводнинг қапталида, тўғрироғи, шу заводнинг бир бўлаги.

Ташқаридан қараганда, завод салобатли ва чиройли кўринади, ичкарасига кирса, ишқорга бўктирилган чарм, ошланган тери, куйдирилган резина ва сунъий елимнинг қўланса ҳиди гуп этиб димоққа урилиб, кўнгилни айнитиб юборади. Бунақа пайтда қорнинг тўқ бўлса, қайт қиласан. Бу ерда ишлайдиганлардан ҳам худди шундай ҳид анқиб туради.

Мен жуда ҳам ичкарига кириб бормайман. Шундоққина бўсағадаги хоначада ўтираман. Биринчи куни тоғамнинг ўзи ичкари билан таништириб чиққанида, қарийб бир ҳафтача иштаҳам бўғилиб, овқат емай қўйганман.

Одамзоднинг табиати қизиқ-да: шовқинда ишласа, бора-бора шовқин қулоғига кирмай қоларкан, қўланса ҳам шундай, бора-бора димоғингга ўтириб, ҳидга ўрганиб кетаркансан.

Мен ҳам ўрганиб кетдим.

Ҳа, айтганча, ўша биринчи бор корхона цехларини айланиб, қўланса ҳиддан сархуш бўлганимда, тоғамдан “бу ниманинг ҳиди?” деб сўрасам тоғам кулиб:

– Пулнинг ҳиди, жиян! – деб жавоб берганди.

Шу-шу пулнинг ҳидини ҳис қилсам, бурнимга ошланган терининг ҳиди урилади.

– Хоначани кўряпсанми? – деганди ўшанда тоғам мана шу қоровулхонани кўрсатиб. – Ҳозирча шу хоначада ўтириб, кирган-чиққанга кўз-қулоқ бўласан.

– Қоровулчилик қиламанми?

– Ҳозирча! – деди тоғам тишларини қайраб. – Сен билмайсан-да, бу ерга фаррошликка жойлашишни орзу қиладиганлар қанчалигини!

Тоғам бу гапи билан ғуруримни сўндириб, менга тўқим урмоқчи эди.

Нима дердим, ноилож хўп дедим...

Уч ойдан ошди, тунларни шу қоровулхонада ўтказаман.

Кундузлари ҳам шу ерда айланишиб юраман.

Бу бошқа қоровулларнинг ғашига тегади.

Билсам, сабаби бор экан. Ичкаридан кимдир белига калиш қистириб чиқса, фойданинг учдан бири қоровулники бўларкан. Мен уларга халақит бераётган эмишман...

20

Қанчалик одми ёки сипо кўринма, атрофдагилардан асл башарангни яширолмаскансан. Айниқса, ўзингни ҳалол-поқ, виждонли, ақлли кўрсатишга уринма, тирикчилик дардида ўзини ўтга-чўққа урганлар сенинг устингдан кулишаркан. Ўзи емас, ўзгага бермаслар ҳамма замонларда кулгига қолган. Атрофингдигилар нима иш қилса, сен ҳам шуларга тақлид қилмасанг, тўдадан ажралиб қолишинг мумкин.

Мен жамоага қайишдим. Битта-яримта калиш олиб чиқиб кетаётганларини кўрсам, кўрмаганга солдим ўзимни.

Сахий булут боққа ёмғир қуяди.

Ёмғир кўрган боғ албатта кўкаради.

Сахийлигимга жавобан ўтган-қайтганлар чўнтагимни “хўллаб” қўйишди.

Мазахўрак бўлиб қолдим.

Беришмаса, сўраб оладиган бўлдим.

Катта-кичикни бирдек сенсирайман. Бирови эътироз билдирмайди, чунки ҳаммасининг айби бор-да. Айбларини яширганим учун индашмайди, тиллари қисқ. Айби борнинг тиззаси қалтирар.

Ҳаёт – энг яхши устод. Бир йилда одамларнинг ичидагини кўзидан биладиган бўлдим. Бўйнида айби бори сўроқ белгисидай букчайиб келади, айби бўлмаса, ундов белгисидай олдиндан кеккайиб ўтади.

Баъзида ўйга ботаман. Қанақа ўй?

Ўйда бор-у, бўйида йўқ.

“Ойида палондан йиғиб борсам, палонгача бунча бўлади. Олдин кичкинароқ машина сотиб оламан, кейин қишлоқда (нега шаҳарда эмас?) шаҳардаги уйлардан андаза олиб, ҳашаматли иморат солдираман: пойдевори бир-бир ярим метр, биринчи қаватида ошхона, меҳмонхона, ваннахона ва яна хоналар, иккинчи қаватида ётоқхона, катта хона, кичик хона ва яна хоналар бўлади... Учинчи қаватида тўрт томони очиқ шийпонча – ёзда, ғир-ғир шабадада мазза қилиб дам оласан киши... Дарвозахона болохонаси билан – айвончаси ҳам бўлади. Дарвоза чўяндан, очилиб-ёпилиши салобатли кўринади. Кириш йўлагини кенг қилдираман, кейинчалик “Мерседес” бемалол кириб-чиқади-да...”

Бир уни хаёлим бузилди. Машина миниш, данғиллама иморат тиклаш, уйланиш, еб-ичишу яна бир қанча майда-чуйдаларга битта қоровулнинг машиши етмаскан.

Нима қилиш керак?

Кечаси қоровул бўлсам, кундуслари деярли бекорчиман.

Бекорчидан эл безор...

Соч-соқолини олмаса боши жунли тухумга ўхшайдиган Мискин ака мендан саккиз ёш катта, ҳанузгача уйланмаган. Шаҳарлик бўлгани билан юриши ғалати: кийган кийими ғижим, тўғри келган жойда ёнбошлаб кетаверади. Аммо-лекин, китобхон, бунақасини кўрмаганман. Етти йилдан бери ўқишга киролмасмиш, “барибир юридическийга кираман” дейди.

У бу ерда экспедитор бўлиб ишлайди. Иши оддий: тайёр молни дўконларга тарқатади, қўшма корхоналардан керакли хомашёни олиб келади. Бошқа пайт ҳеч ким билан иши йўқ, китобини ўқиб ётаверади.

Чекмайди, ичмайди, фақат ўқийди. Кўп ўқиганини кўриб, кўзлари тешилиб кетмаганига ҳайрон қоласан. Масалан, мен, ҳозир китобни кўлимга олсам, уйқум келади.

Хуллас, Мискин акани кўз остимга олдим.

Менга экспедиторлик иши жўн кўринди.

– Тоға, бунингизнинг фикру хаёли китоб, – дедим тоғамга маслаҳат солиб, – эртага ўқишга кирса, ташлайди-кетади. Агар ўшанга берадиганингизни ярмини менга қўшиб берсангиз, ҳар икки ишни бирдек уддалайман. Шунда сиз ҳам хотиржам, мен ҳам. Кам сарфлаб, кўп топсангиз ёмонми?

Тоғам менга узоқ термилиб туриб алланималарни ўйлади, сўнг иккилангандек:

– Уддалай олармикансан? – деб сўради. – Чарчаб қолмасмикансан?

– Қоровул бўлиб, кетмон чопаманми, чарчасам? Ўтириб-ўтириб дам оламан-ку. Экспедиторлик ҳам қийин эмас, тагимда машина, катайса қилиб юраман.

– Гапинг тўғри, мен бу томонини ўйлаётганим йўқ, – деди тоғам.

– Қайси томонини ўйлаяпсиз бўлмаса?
– Паралаб санашни билмайсан-да!
– Нега? Бинойидай санайман-да. Чўлда қўйларнинг оёғини санаб, тўртга бўлардим, шунда уларнинг умумий сони чиқарди. Бу ҳам шундай-да.

Тоғам барибир иккиланди, лекин:

– Ўзингга қара, бола, – деб қўйди.

Бу масала бир ойдан сал ўтиб, тўғриси, Мискин ака институтга ҳужжат топшириб, таътилга чиққанда ҳал бўлди.

Ана энди мен ҳам қоровулчилик, ҳам экспедиторлик ишини бажаришга киришдим. Мендек далатоб, кўча чангитиб чарчамаган болага бу ишлар чи-
кора?

21

Вақт ақчадур, гофил бўлсанг қочадур.

Вақтни қочирмай, уни ақчага айлантираётганимга бир йилдан ошди.

Шаҳарга ўрганиб қолдим.

Ўқиш ҳақида ўйламай қўйдим. Агар ўқиш – катта маош олиш бўлса, менга кераги йўқ, мен шундай ҳам катта маош оляпман.

Шанба – дам олиш куни эди. Мўминни кўргим келди. Унинг ижара уйига бордим. Улар энди уч киши эди: Мўмин, Ёрлиқул ва унинг укаси Бердиқул.

– Э, кел қани, – деди Мўмин мени бағрига босиб. – Сени бир йилдан бери шу ерда деб эшитаман, бир қорангни кўрсатмайсан?

– Давлатни иши билан...

– Қўй-э, давлатнинг ишини ким тугатибди? – Мўмин Бердиқулга юзланди.

– Буни танидингми?.. Ҳа, ўша... Қани, битта чой қўйиб юбор...

Бердиқул чой қўйди. Ёрлиқул билан Мўмин мен олиб борган “бозорлик”ни ўртага тўқди.

– Ўқишга ҳаракат қилмай қўйдинг? – Мўмин каллагўштини тўғраб туриб менга савол берди. – Ҳаракат қилсанг, бу йил кириб кетармидинг.

– Сен ўқишни битириб нима қилмоқчисан? – саволга савол билан жавоб бердим.

– Ишлайман, халққа фойдам тегади, – деди Мўмин.

– Мен эса ишляпман.

– Ўқисанг яхши-да.

– Менга шундай ҳам яхши.

– Сен, ошна, тор ўйлама-да, – гапга қўшилди Ёрлиқул. – Ўқишда гап кўп.

– Тор ўйласам-да, чўнтагим кенг, – дедим керилиб.

– Бу топишинг вақтинча, эртага диплом керак бўлади.

– Қуруқ диплом нима беради?

– Математикани билмасанг, ҳисобдан адашасан.

– Икки карра икки ҳамиша тўрт бўлган, бунинг нимаси қийин?

– Математика бўлмаса, одамзод космосга чиқолмайди, юлдузларни кучолмайди!

– Э, жўра, космосга чиқиб нима қиласан?! “Юлдуз” ерда ҳам бижғиб ётибди, хоҳлаганини қучишинг мумкин.

– Физикани билмасанг, техникадан беҳабарсан.

– Физикани ўқиб, ернинг тортишиш қонунини қайта кашф этаманми? География умуман керак эмас менга, поездгами, самолётгами чиқсанг, айтган жойингга обориб қўяди. Адабиёт нафосат илми эканлигини биламан, шеър ҳам ёзишим мумкин, лекин костюмни елкага ташлаб суратга тушишни қойиллатолмайман.

– Сен ҳамма фанларни нолга чиқариб қўйдинг-ку? Барибир ўқиган яхши, ҳаётинг фаравон бўлади.

– Кулгимни қистама. Мен ҳаёт мактабида ўқияпман. Бу мактабдаги сабоқни институтларингда ўргатишмайди. Институтда билганларингга риоя қилсанг, ёқанг оқармайди. Ҳаёт мактабидан ўрганиш керак, ҳамма нарсага эришасан.

Ёрликул қизариб-бўзариб кетди. Чунки мен оғзидан чиққанини ёқасига ёпиштираётган эдим-да. У қўл силтади:

– Қўй, ошна, баҳслашмайлик, жанжаллашиб қоламиз.

Мўмин хижолат тартади. Кимнинг тарафини олишни билмай қийналади.

– Қўйинглар энди, ундан кўра дастурхонга қаранглар...

Кейинги ташрифимда, Мўминнинг бир ўзи экан, иккита ёпилган ноннинг орасида тўрт кишилик кабоб олиб борган эдим, иккаламиз бурнимиздан чиққинча едик.

– Ёрликулдан хафа бўлма, – деди Мўмин ўтган сафарги гапни қўзғаб, – у яхши бола, фақат “беш”га ўқийди. Ўқишни ёмонлаганингга аччиғи келди-да. Бўлмаса, пашшага ҳам озор бермайдиган бола. Укаси ҳам шунақа: калласи бигиз! Шу муштдеккина бола математикадан халқаро олимпиадага қатнашиб, иккинчи ўринни олди. Бунақа болалар мингтадан битта чиқади...

“Хафа эмасман” демасам, Мўмин эрталабгача гапирмоқчи.

– Мўмин, хафа бўлганнинг боши кал, – дедим. – Шу гаплар керакми энди? Ўтди-кетди... Ўша жингилдиликнинг кўнглига қараб, мени ерга урмоқчимисан?.. Эшитдингми, Ҳоди тоғанинг Гуласали Бойлар қишлоғига тегибди-ку!

– Кимга? – кўзлари чақнаб кетди Мўминнинг. – Юрадиган йигити бор эди-ку!

– Билмадим, куёв банкда ишларкан.

– Гуласал барибир зўр эди...

Гуласални эслаб, хаёлим қўшни қизга қочди.

Секин ўрнимдан туриб, сарғайган “қоғоз парда”ни кўтариб, қўшни ҳовлига мўраладим, хурилиқо кўринмади. Мўминдан сўрашга истиҳола қилдим, гап кўпаймасин дедим-да.

Ўзи нега шу ҳовлига мўралайвераман, ўзим билмайман. Шунчаки бир қизиқиш бўлса, ажабмас. Қиз бўлгандан кейин қизиқасан-да!..

Инсонга иккита кўз берган – яхши-ёмонни кўриш учун.
Иккита қулоқ берган – рост билан ёлғонни фарқлаш учун.
Иккита қўл берган – бир-бирини ювсин деб.

Иккита оёқ берган – тап-тап этмаса, оғиз шап-шап этмайди.

Тишни ўттиз иккита қилиб берган – оғизга қалъа бўлсин учун.

Тил эса битта – у бол ҳам бало келтиради. Лекин тилни бол қилсанг, бошингга бало йўламайди. Бунга менга, ишни доимо тил билан бажарадиган Темирпўлат деган акахоним ўргатган. Шунинг учун қаерга бормай, ишим силлиқ битади. Айниқса, экспедиторлар учун тил энг асосий қурол ҳисобланади...

Тил бало ҳам келтиради дедик. Бунга бир мисол: Тоғамнинг кўлида Асрора деган қизми, аёлми ишлайди. Нега “қизми, аёлми” деб иккиланиб айт-тяпман? Қиз десам, ёши катта, аёл десам, ҳали турмушга чиқмаган. Қачон қарама, тўртта кишини оғзига қаратиб, бўлмаган жойдан ваҳима кўзғаб турган бўлади.

Асрора – кадрлар бўлими инспектори, бир пайтлар жуда чиройли бўлган, ҳозир ҳам ўша чиройнинг нуқси бор: қош, кўзи қоп-қора, сочи қўнғир, қадди тик, йўғон овозли, ўзига ишонган, мағрур қиёфали қиз-аёл. Унинг бор давлати шу чиройи, кеча-кундуз унинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш билан овора. Бўш қолди дегунча, ўзига оро беради.

– Қалайсиз? – деди у бир куни мени хонасига бошлаб. – Тоғангиз ажойиб мужик. Мы его очень уважаем. – У столга бир-икки уриб қўйди. – Кўз тегмасин, жуда яхши ишларни қивоттилади. Понимаеш, мен ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз яшайман. Ока-укаларимни бари богатий, ўзларини собствениий участкалари бор, котта-котта ишларда ишлашади. Ўшаларнинг соясида ялло қилиб юрсам бўлаверади, но, сиқилиб кетаман. Мен коллектив билан живойман. Спинам до бўйнимгача оғрийди, давлениям борми нима. Осень и весна келди, менга непрятна бўлаверади...

Унинг хонасидан қандай қочиб чиқишни билмайман.

– Сизни чўпонга бериш керак, дарддан фориг бўласиз, – дейман ҳазиллашиб. – Чўл, тоза ҳаво.

– Ҳамма эркаклар шунақа совет беради, – кулади у. – Лекин ўзлари менадан қочишади. Қани энди бирорта марди топилса...

– Майли, мен шошиб турибман, – эшикка йўналдим мен. У мени тўхтатди:

- Постой, постой.
- Яна нима дейсиз?
- Уммат Полвоновични эшитдингизми?
- Йўқ, нима бўлибди? – дея қизиқдим.
- Ишдан кетганмиш! Нимага кетибди?
- Билмадим. Ким у Уммат Полвонович?
- Обществомизнинг раисида.
- Танимайман.

– Неужеле?... Ну, ладна...

Амаллаб хонадан чиқдим-у, тўғри тоғамнинг олдига кирдим:

– Тоға, шу отделкадр нима иш қилади?

– Асрорахонми? – деди тоғам.

– Гап сотишдан бошқа нарсани билмас экан.

– Нега? – ажабланди тоғам. – Ишга кирган, ишдан бўшаганларни рўйхатга олади. Табел тўлдиради. Давомадга қарайди... Нима эди?

– Бошқа пайтларда-чи?

– Қизиқиб қолдинг, тинчликми?

– Энди, ҳар куни одамлар ишга кириб, ишдан бўшамайди, тўғрими?

– Хўш, хўш?

– Шунингизни ишини менга олиб беринг, беш секундда бажариб ташлайман. Ойлик бермасангиз ҳам майли. Нима қиласиз, ортиқча нонхўрни. Шунга кетадиган маошни ишлаб чиқаришга сарфласангиз, ҳарна фойда.

– Балосан-ку!

– Тўғри-да, бидир-бидир гап, бир гапга олса, қочиб қутилолмайсиз. Жавобини берсангиз, ноиложликдан бирортасига тегиб олармиди. Бу ерда юрса, юраверади...

Тоғам елка учириб:

– Очкўзлик қилма! – деди. – У керакли кадр!..

Бир куни тоғам унинг хонасидан хушчақчақ чиқиб кетаётганини кўриб, Асрорахоннинг “керакли кадр”лигига ишонч ҳосил қилдим ва бу ҳақда тоғамга бошқа оғиз очмадим.

23

Корпорация таркибидаги етакчи корхонада қарийб бир ой аудиторлик текшируви олиб борилди. Ҳамма юрагини ҳовучлаб юрган эди, йўқ, ҳужжатлар жойида экан, раҳбарларнинг юзлари оқ бўлиб чиқди. Шу муносабат билан Уммат Полвонович жонлик сўйдириб, кўнгилтортарларга зиёфат берди.

Тоғам зиёфатга мени ҳам етаклади.

Мен шу пайтгача Уммат Полвоновични кўрмаган бўлсам-да, ҳовлисини кўрган эканман.

Машина Ёнғоқдан Тақачи маҳалласига қайрилганда, юрагим шув этиб кетди.

Таниш жойлар. Мўмин турадиган ижара уй ҳам шу томонда эди-да. Мўмин бу йил ёзда институтни битириб, қишлоққа кетди. Жонпўлат раис уни хўжаликка бош зоотехник қилиб олибди. Қишлоққа борганимда, табриклар келгандим. Пахта терими тугагандан кейин тўйи бўлади. Синфдоши Моҳирага уйланапти. Моҳира педтехникумни тамомлаган, икки йилдирки, қишлоқ мактабида бошланғич синфларга дарс беради. Ёрлиқул – жингилдилик бола ўқишни тамомлаб, шу ерда қолган, “кимё институтида асперант”, деди Мўмин, эсимда йўқ. Укаси Бердиқул ўқишни чет элда давом эттираётган экан, буни ҳам Мўмин айтди. Агар мен ҳам ўқишга кирганимда...

Худди шу пайт машина болохонали уйнинг ёнбошидаги ҳашаматли дарвоза олдига келиб тўхтади.

Машинадан тушаяпман, оёғим қалтирайди.

Ана, қоғоз парда тортилган дераза. Ўша деразадан бу ҳовлига кўп бор қараганман. Демак, бу таниш деразадан Уммат Полвоновичнинг қизини кўрган эканман-да! Қизиқ, ақл қилиб, Мўминдан қизнинг исмини ҳам сўрамаган эканман. Сўраганимда нима? Ҳозир биттасига тегиб кетгандир. Бунақа қизларнинг бозори чаққон бўлади.

Йўлакда қатор турган йигитларнинг бири бизни ичкарига бошлади.

Мен шу йигитлар қаторига турмоқчи бўлган эдим, “одам етарли” деб, тоғамга кўшиб катта уйга жойлашди. Катта уйдагиларнинг бари калон димоғ кишилар. Бунақаларнинг олдига ўн кун турсанг ҳам, гап ололмайсан киши.

Тоғам билан ёнма-ён ўтирдик.

Калласи катта, елкаси букчайганроқ киши тоғамнинг ҳурмати учун мен билан ҳам бош тебратиб кўришди. Унинг қиёфаси хотирангизда тез ўрнашиб қоларкан: сочи оппоқ, қоши эса қоп-қора – гўё пешанага чиқиб олган бўялган мўйлов дейсиз.

– Уммат Полвонович дегани шу, – мавруди келганда кулоғимга шипшиди тоғам. – Ҳали таништириб қўяман.

Зиёфат тўкин бўлди. Бу қадар кўп ноз-неъматни кўриб, қай биридан ейишни билмайсан. Есанг тишинга киради, емасанг – тушинга.

Даврада ҳазил-мутойиба қизиди. Мавзунинг қаҳрамони албатта Уммат Полвонович эди. Мақтовларнинг бари уники бўлди...

Қайтишда ўша таниш деразага кўз ташладим, қоғоз парда ҳали ҳам турибди. Юрагим орзиқиб кетди. Шу деразадан бу ҳовлига қарагим, ўзини кўзгуга солиб ўтирган ҳурилоқони яна бир бор кўргим келди. Ҳақиқатан ҳам ўша ҳурилиқони шу ҳовлида кўрган эдимми? Эҳтимол, у фариштадир! Ўшанда бир кўзимга кўринган-у, энди ҳажрида куйдириб юргандир мени?

Йўлда, орқа ўриндиқда ўтирган тоғам кекириб-кекириб, олд ўриндиқда ўтирган мени елкамга қоқиб:

– Уммат Повоновични текинга кўрдинг-а? – деди.

Мен ҳам тап тортмай:

– Кўрманасини кимга беришим керак эди? – дедим.

– Менга-да, яна кимга бўларди? – деди тоғам кулиб.

– Савлати ҳам бор экан, от ҳуркади-я!

– Савлати давлатига яраша-да, жиян.

– Давлати шунча кўпми? Нечта боласи бор?

– Давлатдан худо берган, лекин боладан қисган, – деди тоғам тишини сўриб. – Ёлғизгина қизи бор буни ҳам менга ўхшаб. Жуда ақлли қиз, “дода, дода” деб устимда ўлади. ТошМИни битирса керак яқинда. Исмиям гулдек чиройли – Энагул!

– Исмини энасидан қарзга олган экан-да?

Тоғам гапимни эшитмади, ўзича менга тегишди:

– Энагулни сенга олиб берайми? – Кейин тоғам ўйланиб қолди. – Сенга тегмаса керак, отасининг кўзлагани бордир: ўқиганга беради. Сен ҳам бирор жойда ўқимадинг-да! Ўқиганингда, таваккал совчи қўярмидик?

– Э, – дедим мен ишшайиб.

– Э-лама, ҳали ҳам кеч эмас, ўқи! – деди тоғам. Бу гап “ўқисанг шу қизни олиб бераман”, дегандай эшитилди қулоғимга. – Ҳозир уч ойлик курслар бор, бирортасига кир. Ҳеч бўлмаса, буғалтирликни битириб қўй, эртага керак бўлади. Замонни кўряпсан-ку, энди буёғига ой туғса ҳам, кун туғса ҳам, буғалтирларга туғади, жиян!..

24

Еабр таги сариқ олтин.

Бировлар бутун умр сабр билан шу олтинни босиб ётади. Бир кун керак бўлиб, қараса, олтин йўқ, кимдир олиб кетибди.

Хўжалик мудирини шу қўйга тушди-да.

Кўриниши озғин, қора сочларини юқорига тараб юрадиган бу киши тери ошлаш заводида узоқ йиллар ҳисобчи бўлиб ишлаган Ҳожи Бакировнинг ўғли. Тоғам корхона очганда, “сени ўзимга ўринбосар қилиб кўтараман” деб ўзига оғдириб олган. Ўшандан бери у тоғамнинг хўжалик ишларини юритади. Корхонага қарашли мол-мулк, асбоб-ускуна, ашё-анжомлар шунинг қўлида. Баъзи бир корхоналарнинг хўжалик мудирлари туяни ютиб, думини ҳам кўрсатишмайди деб эшитганман, лекин бизники битта нинани, тоғамнинг рухсатисиз бировга бермайди.

– Ишига пишиқ, – дейди уни билганлар. – Хўжалик ишлари бўйича ўринбосар бўлади бу ҳали! Таги бақувват. Отаси шу тери ошлаш заводида қирқ етти йил буғалтир бўлиб ишлаган.

Мулойимгина, чўмолига ҳам озор бермайдиган, лекин билганини ташига чиқармайдиган фазилатларга бурканган хўжалик ишлари мудирини ҳали ҳам сабр тагидаги “сариқ олтин”дан умидвор эди. Буни тоғамга бўлган муомаласидан билса бўларди.

– Тоға, бу Мастон аканинг нияти нима ўзи? – деб сўрадим бир куни тоғамдан.

– Завхўзни айтяпсанми?

– Ҳа-да! Ишчиларингиз ҳадеб кўтара-кўтар қилади, қўлидан нима иш келади?

– Яхши одамнинг фарзанди у, отаси шу заводда анча йиллар бош буғалтир бўлиб ишлаган. Ҳозир ҳам бизларга маслаҳатларини бериб келади. Мастонжоннинг ўзи тартиб-интизомли, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайдиган, одамохун. Қўлидан нима иш келишига келсак, корхонадаги барча ашқол-дашқолларни кўз қорачиғидек асрайди. Шу ердан битта пиёла йўқолса ҳам, шу жавоб беради. Тозэс, унда жавобгарлик масъулияти бор.

– Битта йўқолган пиёла учун, керак бўлса, мен ҳам жавоб бера оламан!

– Бу билан нима демоқчисан?

– Шунини ишини менга юкланг! Бор-йўғингизни билдирмайман. Қачонгача майда ишларга ўралашиб юраман? Унга раҳмингиз келса, майли, жойида қолдиринг, менга ўринбосарликни беринг ё.

– Бало чиқиб қолдинг-ку сен, – деди тоғам ўрнида қимирлаб қўйиб. – Ўринбосарлик оғирлик қилмасмикан?!

– Бирор марта нолидимми, тоға?

– Нолиганинг йўқку-я, лекин ғайратингни кўриб тўлқинланиб кетяпман. Билмадим, бирорта институтни битирганингда министр бўларкансан-да?!

Тоғам минг ақлли бўлса-да, супрадаги унга қарамай тандирга ўт қалайдиганлар хилидан. Ҳозир тоғамнинг тандирдек қизиб турган юзи-да илиқ бир табассумни кўриб, мен ҳам нонимни ёпиб олмасам, кейин кеч бўлади, деган хаёлга бордим.

– Шундай экан, беринг менга ўша ўринбосарликни! Ўша мулойим супур-гини бошингизга урасизми? Эртага уни кўтарсангиз, кейин ўрнингизга кўз олайтириши ҳеч гап эмас. Бунақалар ичидан пишган бўлади, тоға.

– Тўғри, ўзимники бўлганинг учун қайишасан, – деди тоғам жиддий тор-тиб. – Ёшсан, ғайратинг ичингга сиғмайди. Лекин битта “но”си бор. Бирорта кичкинароқ бўлса ҳам, дипломинг йўқ. Сен мен айтган гапга кир: уч ойлик бирорта курсни тамомла, шу ўринбосарлик жойи сеники, келишдикми?

– Келишдик...

25

Моғамнинг ваъдасини олгандан кейин, кушдек енгил бўлдим.

Қайси томонга қараб учсам экан?

Тоғамнинг уйда туриш ноқулай, деб яқинроқ жойдан ижара уй топган-ман. Уй соҳибаси Татьяна Николаевна етмишларни қоралаган, хушмуо-малали кампир. Биттагина қизи бор, у ҳам бўлса Чимкентда, эри билан темирйўлда ишлайди. Кунора онасига қўнғироқ қилиб туради. Татьяна Нико-лаевнанинг эри вақтида шаҳар коммунал идорасида ишлаган, вафот этга-нига ўн беш йилдан ошган.

Кампир уч хонали уйда кун бўйи куймаланиб юради. Газета ўқишга ўч. Билмадим, қариганда бунча газета ўқиш унга нимага керак? Яна дунёнинг ташвишини қилади. “Палон жойни сув босибди, палон жойда ишчилар бош кўтарибди”, деган гапларига ҳайрон қоламан. “Мазза қилиб ётмайсанми, – дейман ўзимча, – куйинганинг билан ўшаларга ёрдам бера олармидинг? Сенга нима?”

Хуллас, ижара уйга қараб учдим. Йўл-йўлакай кампирга дўкондан бир даста газета сотиб олдим. “Ҳозир бориб, бирпас мизғиб оламан-да, кейин ишга югураман”, деб хаёл қилдим.

Уйга келиб, газеталарнинг бирини ўзимда қолдириб, бошқаларини Татъяна Николаевнага бердим-да, ўз хонамга кириб, каравотга чўзилдим, лекин уйқум келмади.

Хаёлим Энагулга қочди. Ҳозир қанақа бўлиб кетган экан?

Аслида, тоғамдан исмини билиб олганимдан буён Энагулни ўйлайдиган бўлиб қолганман. Нимага шундай, билмайман. Наҳотки, се-виб қолган бўлсам? Севги нима у? Кўрган кишингни кўргинг келса, севги бўлаверадими? Тўғри, мен Энагулни кўрганман, ҳозир кўрсам, танимасам керак. Лекин унинг жилмайиши хаёлимда муҳрланиб қолган.

Газета эсимга тушди. Уни қўлимга олиб варақладим: тенг ярми теледа-стурлар. “Телевизор сотиб олиш керак!” дедим ўзимча. Охирги бетида талайгина эълонлар бор экан, ҳафсаласизлик билан кўз югуртирдим.

Нохос бир эълонга дуч келдим: унда “Ойсарабегим” ўқув маркази 9 – 11-синфни битирган ўқувчиларни турли курсларга ўқишга таклиф этиши маълум қилинган эди.:

Эртаси куни ўқув марказига бориб, шарт-шароитларни билиб келдим. Тоғам билан гаплашдим: корхона ҳисобидан тўловни амалга оширадиган бўлди.

Ишим бошимдан ошиб ётган бўлса-да, ўқишга вақт топдим. Қоровулхонада Мискин акадек (айтганча, Мискин ака ниятига етди, институтда, ҳуқуқшунослик факультетида ўқияпти. Қари талаба!) китоб варақлайман. Баъзида ҳисоб-китоб бўлимига кириб, Алфия опадан билмаганларимни сўраб оламан.

Бир куни Алфия опанинг олдида ўтирган эдим, тоғам кириб, кўлидаги бир даста қоғозни опанинг столида ташлаб, “кўз борми ўзи!” деганча чиқиб кетди.

Билсам, ҳисоботда хато ўтиб кетган экан.

– Оддийгина ҳисоботни тайёрлашни билишмайди булар! – деди тоғам Дилля янгам пиширган покришкаси қалин оширма мантини еб ўтирганимизда, Алфия опанинг ишидан нолиб. – Ўн тўққиз минг пар сотилган калишни “ҳисобот”га ўн икки минг қилиб киритибди! “Нега бўнақа бўлди?” десам, “Машинистка ошибка қилган” дейди-да. Буям қарамаган, бошбух ҳам қарамай қўл қўйиб бераверган. Нима дейсан буларга, жаҳлинг чиқмайдими! Битта яхши буғалтир керак ўзи.

– Мана мен-да! – дедим ҳазилга олиб. – Бир ойдан кейин ўқишни битираман. Ҳисоб-китоб бўлимининг ишига қўлим ҳам келишиб қолди. Алфия опа биладиган нарсани мен ҳам биламан. Устига-устак, ёшман, куч-қувватга тўлган пайтим. Жиянингизман, ишлайсан деб, бу ерга ўзингиз олиб келгансиз. Бир йигитга етмиш икки хунар кам деган. Қолганини ўзингиз ўргатасиз...

Тоғамнинг томоғига манти тикилди.

– Битта жонингга шунча азоб? – менга ачинган бўлди тоғам. – Эплай олмайсан.

– Бирдан икки яхши, иккидан – уч, – дедим буёғини чинга олиб. – Эплаганда қандоқ! Менга пулингиз керак эмас, иш ўргансам бўлди... Ўринбосар бўлганимда бу менга мактаб бўлади. Бир азобнинг бир роҳати бор...

– Майли, айланишиб юр-чи, Алфиянинг яна бир айбини топсам, ўрнига сени қўямиз-да, – деди тоғам...

26

Эртага якшанба деган куни эди. Келмай-келмай, уч кун деганда Татьяна Николаевнадан хабар олиб, энди кетай деб тургандим, нохос эшик қўнғироғи жиринглаб қолди.

Очсам, кўлида иккита халта билан Мўмин, орқасида хўжалик бош ҳисобчиси Шоназар буғалтир, ичкарига олдим.

– Шоназар ака қўймади, – деди Мўмин ўтирганимиздан кейин, – мени Сергели мошин бозорига олиб бор дедилар. Мошин олмоқчилар. Якшанбада бозор яхши бўлади, деб бугун чиқиб келавердик. Эртага бўшмисан?

– Бу ерни қаердан топдинглар? – Шоназар буғалтир билан сўрашиб бўлгач, Мўминдан сўрадим.

– Акангдан адресингни олдим, – деди Мўмин кўтариб келган халтасига ишора қилиб. – Ана у халтани оч, мазорбости нарсалар бор, ўрис кампирга ҳам бер, дуо қилади... Бугун нима қиласан?

– Ҳозир ишга бораман, эртага сенинг ихтиёрингдаман-да, жўра.

– Унда бизлар бугун бозорни бир разведка қилсак, нима дедингиз, Шоназар ака? – Мўмин менга гапириб, Шоназар буғалтирдан жавоб кутди.

Шоназар буғалтир, гўё “мен бу ерларни билмайман, ихтиёрим сенда” дегандек:

– Сен нима десанг, шу, – деди.

Кўчага бирга чиқдик: мен ишга, улар машина бозорига кетишди.

Бугун қоровулчиликда қолмайдиган бўлдим. Ўрнимга кундузги қоровулни қўйиб, уйга келдим: Шоназар буғалтир хонамда ухляпти, Мўмин ошхонада Татьяна Николаевна билан чақчақлашяпти.

Мени кўриб, Шоназар буғалтир уйғонди. Уйқуси чала бўлгандек, деразадан ташқарига қараб, ҳузур қилиб керишаркан, оғзини катта очиб эснади:

– Офтоб ботай дебди-ку, – деди.

– Шоназар акани хоним билан меҳмон қилмаймизми? – деб қолди Мўмин.

– Э-э, – деди Шоназар буғалтирнинг кўзлари ўйнаб, – қўйинглар шу ишларингни, янгаларингни қулоғига бориб етса, қиёмат қилади.

Аввалига мириқиб кулдик, кейин мен:

– Бу ерда мантига ўхшаган, сал ялпайган таом бор, номи “хоним”, – дедим. – Мўмин олдин мени ҳам сизга ўхшаб туширмоқчи бўлган. Яхшиси, мен сизларга димлама қилиб берай.

Шоназар буғалтир шошиб қолди:

– Майли, майли, лекин бозори мендан бўлсин. Қуруқ келиб қуруқ кетмай. Мўмин қишлоққа гап тарқатиб юрмасин: Шоназар ака қурумсоқ экан деб.

– Қўйинг, сиз меҳмон, – дедим мен, – сиз қишлоққа борганимизда димлама қилиб берасиз, ҳозир эса мендан бўлсин...

Шоназар буғалтир кўнмади. Бойлиги белида экан, белбоғни ечиб, ундан пул олиб бераётган эди, хонага Татьяна Николаевна кириб қолди ва стол устидаги белбоққа кўзи тушиб, “богатий мужик” деганча чиқиб кетди.

Шоназар буғалтир ўрисчага нўноқ эди:

– Кампиринг нима деди? – деб сўради.

– “Аканг бой экан, шунча бойликни белига тугиб юргани кўрқмайдими?” деяпти кампир, – деди Мўмин.

– Ўб-бо! – деди Шоназар буғалтир белбоғни қайта белига боғлаб. – Ишқилиб, бу кампирнинг кўнгли бузуқ эмасми?..

– Мошина бозордан чиқиб, ўшанақаси қайтамиз! – деди Мўмин димламани еб бўлгач. – Қишлоқда иш қизиб ётибди. Жонпўлат раисдан бир кунга деб сўраганмиз, бормасак, қонимизни ичади.

– Бу қанақаси бўлди? – дедим мен норози бўлиб. – Шоназар акага шахарни кўрсатмайсанми? Кино-пино, театр дегандай...

– Бошқа сафар, – Мўминни қувватлади Шоназар буғалтир. – Ҳали, пахта-лар тугасин, бир келамиз.

– Унда турунглари, ҳозир кинога борамиз, – дедим ўрнимдан туриб, – охириги сеансга улгурамиз. Шоназар ака битта кино кўриб кетсинлар. “Панарама”да зўр индейский кино кетяпти, бир мазза қилайлик.

Шоназар буғалтирнинг кўнглидан нимадир ўтди чоғи, таклифга кўнмади.

– Сизлар бафуржа бориб-келаверинглари, мен дамимни олай.

Кинога боришга Мўминнинг кўнгли кашал бўлиб турибди, лекин Шоназар буғалтирни ёлғиз қолдиришга кўзи қиймаяпти.

Менинг Мўминга айтадиган гапларим кўп эди. Амаллаб уни кинога боришга кўндирдим. Шоназар буғалтир қолди, биз кинога кетдик...

Қайтиб келиб, эшик кўнғироғини босамиз, қани энди эшик очилса.

– Мўмин “кампирининг кўнгли бузуқ эмасми” деган буғалтирни кўнгли бузуқ эмасми, ишқилиб? – деб сўрадим Мўминдан.

– Жиннимисан, хазайканга ириб-чириган кампир бўлса, ўлибди энди!

Яна кўнғироқ босдик – жимлик. Охири бўлмади, эшикни қаттиқ-қаттиқ тепиб, Мўмин ичкарига овоз берди:

– Шоназар акў, ҳой, Шоназар акў, эшикни очинг! Бу мен, Мўминман!

Уч-тўрт бақир-чақирдан кейин эшик очилди.

– Намунча, Шоназар ака, уйқунгиз шунча қаттиқми? – деди Мўмин. – Сал қолди эшикни бузишимизга... Кампир қотиб қолган бўлса керак?

Йўлакнинг қоронғи томонида бир нима шитирлади, қарасам, Татьяна Николаевна, қалт-қалт титраб турибди.

– Нима гап, Татьяна Николаевна? – деб сўрасам, Шоназар буғалтирни кўрсатиб, баттар қалтиради. – Мени бўғди! Ўлдираман деди!

– Кечиринг, хола, – деди Шоназар буғалтир изза бўлиб. – Мен билмабман, узр!

Бирпасдан кейин ҳаммаси аён бўлди.

Бунини Шоназар буғалтирнинг ўзи айтиб берди:

– Ярим соат олдин кампир кимгадир телпон қилди...

– Чимкентдаги қизига қилган бўлса керак, – дедим мен. – Бошқа телефон қиладиган одами йўқ.

– Билмадим энди, кимга қилганини билмайман, – дея давом этди Шоназар буғалтир. – Кел деди ўша кишига. Ўзимча ўйладим: бу шум кампир ҳали пулни кўрган эди, энди ёлғиз қолганимни кўриб, шерикларига сим қоқяпти, ҳозир шериклари келиб, мени шип-шийдон қилиб кетишади... Кўнглим тақапука, бир нарса тиқ этса, эшикка қарайман... Озгина ўтмай, эшик кўнғироғи жиринглади. Мен, сизлар эканликларингни қайдан билай? Кампирни шериклари деб ўйладим-да. Кампир эшикни очмоқчи бўлган эди, шаппи қучоқлаб олдим. Кампир қучоғимда типирчилади.

– Тиш-ш, эшикни очмайсан! – дедим. Гапимга тушунмади чоғи, “милиса” деб бақирди. Шартта оғзини ёпдим. У юлқиниб, қўлимдан чиқмоқчи бўлди:

– Ўзинг оч, – деди бир пайт ўзбекчалаб.

– Очмайман! – дедим. – Мени алдаёлмайсан, шерикларим келмагунча эшикни очмайман! Шу пайт ташқаридан овоз келди. Қулоқ тутсам, сизлар экансизлар...

– Кинонинг зўри бу ерда бўлибди-ку! – деди Мўмин кулгидан ўзини зўрға тийиб. – Бориб, раис бобони кулдирадиган бўлибмиз-да, а?

– Балонгни олай, акангни шарманда қилма энди, – деди Шоназар буғалтир ялинишга тушиб. – Қишлоққа борайлик, катта ҳақ бераман сенга...

Эрталаб машина бозорга бориб, маъқул машина тополмадик. Маъқул келгани Шоназар буғалтирга қимматлик қилди...

27

Зувалам бошқача узилган.

Тоғам ҳам “зуваланг пишиқ сени” дейди. Бу гапни Уммат Полвоновичга ҳам айтган. Турган гап у мен билан қизиққан.

– Борасан. Мен боради деганман, – деди тоғам.

– Нима деб бораман? Мени яхши билмайди-ку!

– Баҳона бор, – деди тоғам стол тортмасидан қоғозга ўроғлиқ нарса олиб, мен томон суриб қўйди. – Яқинда унинг туғилган куни: тоғам бериб юбордилар дейсан. У сени гапга солади, уялма, бурро-бурро жавоб бер. Чайналма, чайналган одамни ёқтирмайди у...

– Яхши одамми ўзи? Бир нима денг?

– Бўри эмас, сени еб қўйса, – деди тоғам. – Сен билан менга ўхшаган одам... кўргансан-ку! Кўринган тоғнинг йироғи йўқ...

Тоғамнинг ҳайдовчиси Бандакул ака мени катта хўжайиннинг идорасига олиб борди. Идора ҳашаматли, думалоқ андазадаги ойнаванд бино, ичига кирса, адашиб кетади киши.

Одам уйида бошқача, ишхонасида бошқача кўринаркан.

Уммат Полвоновичнинг салобати босди. Лекин, тезда ўзимни қўлга олдим. Менга бир пиёла чой қуйиб берганидан кейин унинг камсуқум эканлиги билинди. У гапираркан, мен бу гапларни қаердадир эшитгандайман. Эътибор бериб эшитсам, эски гапга янги тўн кийдириб гапираркан.

– Тоғангни этагини тутиб яхши қилибсан, – деди у салмоқлаб, – маҳкам тут. Ўринбосарликни бераман деяпти, мен беринг дедим. Ўқишини битирсин – кейин деди, мен битиради дедим... Тоғанг яхши одам, яхши раҳбар, соҳамизнинг ривожига ҳиссаси катта!.. Уйланганмисан?.. Уйлантириб қўямиз...

Биринчи учрашувимиз қисқа ва илиқ ўтди. Мен ўзимга “маънавий ота” топгандай бўлдим.

Шу ўринда Уммат Полвонович ҳақида икки оғиз гап: отаси деҳқон ўтган, ўзи Шўрқишлоқнинг шўрини ювиб катта бўлган. Қўлидан китоб тушмаган. Қишлоқдошлари “бу боладан катта олим чиқади” деб башорат қилишган. У халқ хўжалик институтини битириб, шаҳарда қолган. Аввал чарм-галантерия фабрикасида ҳисобчи, кейин тери ошлаш заводига катта ҳисобчи, бир йил ишлар-ишламай завод директорлигига кўтарилган.

Яхши ишлаб, обрў-эътибор қозонган. Қайта қуриш даври бошланиб, ёмғирдан кейинги қўзиқоринлардек тўрт томонни кооператив корхоналар босиб кетгач, у ҳам ғимирлаб қолади. Тезда завод худудидан жой ажратиб, калиш ишлаб чиқарувчи кичик корхона очади. Ишлаб чиқаришнинг бу тури давлат ишхоналарига нисбатан бир қатор устунликларга эга эди: меҳнатни рағбатлантиришнинг пировард иш натижаларига боғлиқлиги, ўз-ўзини молиялаштириш ва таъминлаш, бошқарувнинг демократик шакллари...

Таваккалчилик бор жойда андишага ўрин йўқ...

У андишага бормай, ё устидан, ё остидан қабилида иш тутади. Ҳам заводни, ҳам кичик корхонани бирдек тортади.

Бойиб, уч-тўртта дўкон очади.

Мулкчилик шакллари тинимсиз ўзгариб турди. Бозор ислохотлари давомида мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида давлат корхоналари хусусий корхоналарга ёки акционерлик жамиятларига айланди. У тери ошлаш заводини таг-туғи билан сотиб олади. Жойларда агентлар ёллаб, аҳоли қўлидаги, қушхоналардаги териларни йиғиб, уни қайта ишлади, гоҳ тайёр, гоҳ ярим тайёр маҳсулот сифатида маҳаллий ва чет эл бозорларида сотади. Айниқса, чарм камзуллар урфга киргач, унинг иши юришгандан юришади. Даромадни кўпайтириш мақсадида ҳиссадорлик тамойилига биноан уюшган шерикчилик жамияти бўлмиш “Чармгар” ҳиссадорлик жамиятининг ўн фоизлик акциялар пакетини қўлга киритиб, унинг таъсисчиларидан бирига айланади. У майда пулини йирик, яъни капитал бўла оладиган пулга айлантира бошлади. Аста-секин жамият директорлар кенгаши аъзоси бўлади. Унинг эндиги мақсади акциядорлик жамиятининг йиғилишида ҳал қилувчи овозга эга бўлиш ҳуқуқини берадиган каттароқ акциялар назорат пакетини қўлга киритиш ва жамият хўжайинига айланиш эди.

Унинг мақсади олий эди.

Унинг тоғам билан қанақа яқинчилиги бор эди?

Умнат Полвоновичнинг қўлида мулк, давлат бор, аммо-лекин, ишлаб чиқаришдан беҳабар. Қаватида мутахассис бўлмаса, эртага синиб қолиши турган гап эди. Тасодифми ёки тақдирми, уни тоғамга рўбарў этди. Тоғам кимёгар эмасми, тери ошлаш корхонасини юргизиб юборди. Аввалида институтдан ажралмай, кейин олимларга бўлган рағбат сўна бошлагач, тамоман ишлаб чиқаришга ўтиб кетган...

28

Уссиқ жон иситмасиз бўлмас.

Татьяна Николаевнани Чимкентга, қизиникига олиб бориб келаман деб ўзимга ташвиш орттириб олдим. Юпқа кийинган эканман, қайтишда совуқ бўлиб, тинмай ёмғир қўйди.

Бир-икки кун йўталиб-нетиб юрдим, учинчи куни бўлмади, бошим қаттиқ оғриб, иситмам қирққа чиқиб, жиққа сувга ботдим. Татьяна Николаевна “тез ёрдам” чақирган эди, оёғимни ерга тегизмай касалхонага олиб кетди.

Кейин билсам, биринчи куни фақат алаҳсирабман. Эртаси куни кўзимни очсам, тўртинчи қаватдаги кенггина хонада ётибман. Хонада мендан бошқа яна тўрт киши бор. Уларни ҳали танимайман.

– Қалай, полвон, ўзингга келдингми? – деб сўради биринчи бўлиб пойгак томондаги каравотда ёнбошлаб олган сарғиштоб киши. Мен жавоб беришга ҳам улгурмай, унинг қўл телефони сайраб, йўлакка чиқиб кетди.

– Ҳа, шўринг курғур! – деди унинг орқасидан менинг ўнг томонимдаги каравотда ётган киши кулиб. – Касалхонада ҳам тижорат. – Кейин менга қараб: – Бозорчи, юраги санчиб бу ерга келган, яна телефонни қўлидан қўймайди. Телефонда бировдан бир нима сотиб олади ва уни бошқа бировга сотади. Бир минут тиними йўқ. Келганига бир ҳафта бўляпти, тўртта гурунг беролмайди. Гапирди, телефони жиринглайди. Э, қўйинг, ўзингиз қалай, калла жойига тушдими? Кеча олиб келишганда ёмон эдингиз, оналаб чиқдингиз.

– Раҳмат, – дедим синиққина қилиб, – дурустга ўхшайман-ку. Ўзингизга нима қилган?

– Бизники юрак, ука, – деди у чап кўксини беозоргина уриб-уриб қўяркан, – виждонли бўлсанг, яшагани қўйишмаскан. Редактиримиз тўнка одам, ҳар куни жиққилашамиз. Ўлиб-тирилиб командировкага бориб келасан, шунча қилган ишингни бир тийин қилади. Сен редакцияга етиб келгунингча, қаҳрамонинг билан гаплашиб, ёзилмаган мақолани йўққа чиқариб ўтиради-да. Охиргиси ёмон бўлди, ёқалашишгача бордик. Ўшанинг хонасидан бу ерга олиб келишибди...

– Мухбирмисиз? – деб сўрадим. – Акам билан ҳамкасб экансиз.

– Акангиз ҳам журналистми?

– Ҳа, район газетасида ишлайди. У ҳам сизга ўхшаб куйинчак. Нима, ҳамма мухбирларга теккан касалми бу?

У саволимга ё жавоб бергиси келмади, ё мени аядими:

– Сизга кўп гапириш мумкин эмас, – деди қўлида бир қути папирос билан гугурт, ташқарига йўналаркан, – дармонга кириб олинг, ҳали гаплашамиз, мен ақлни пешлаб келай.

У чиқиб кетди. Хонада бир ўзим қолдим десам, чап томонимдаги каравотда биттаси гумбаз бўлиб ётибди. Кўриниши чолга ўхшайди. Тўртинчи шерикни ҳали кўрганим йўқ, кўчага чиқиб кетгандир, ўрни бўш.

Бирпас шифтга термилиб, сўнг кўзимни юмдим...

Кўзимни очсам, тоғам мухбир билан гаплашиб ўтирибди.

– Ана, кўзини очди, – деди мухбир тоғамни туртиб. – Қаранг, анча тиниқиб уйғонди.

– Ҳа, шайтон, сенга нима бўлди? – деди тоғам бошимга келиб, қўлимни оларкан, ёнимда ўтирди. – Икки кундан буён излайман, йўқсан. Хайрият, квартирангни Бандақулга кўрсатган экансан, кампирингдан сўрасак, шунақа деб қолди... Ётаверма, эртагаёқ чиқ бу ердан! Кап-катта йигит ҳам касал бўладими?

– Касаллик ёш танламайди-да, домла, – деди мухбир.

– Муҳаббат каби экан-да?

– Топдингиз, домла, муҳаббат ҳам бир касаллик.

– Ҳазил, тезроқ тузалиб кетинглар...

Тоғам жўнади.

Телефони жиринглаган эди, тоғамнинг кетидан тижоратчимиз ҳам йўлакка чиқди.

Чол хурракни бошлаган эди, мухбир уни туртиб қўйди.

– Ким бу? – деб сўрадим мухбирдан чолни кўрсатиб. – Уйғонганини ҳеч кўрмадим-да. Ҳамширалар ҳам уйғотмай, уколини қилиб кетаверади.

– Бобой, бир умр ахрайник бўлиб ишлаган экан, – тушунтирди мухбир, – ишқи-бишқи уйқу.

– Ана у жойда ким ётади?

– У жой бўш ҳозирча, икки кун олдин биттаси бор эди, жавоб беришди. Тижоратчини кўрдингиз...

– Мухбир ака, фақат мақола ёзасизми?

– Унда-бунда шеърлар машқ қилиб тураман. Бир нечта шеърларим қўшиқ бўлган.

– Зўр-ку! Сиз билан яхшироқ танишиб олиш керак экан. Шеърларингизни бари севги тўғрисида бўлса керак, а?

– Аслида шеър севгидан туғилади. Лекин Ватан, ота-она, табиат ҳақида ҳам кўп ёзганман. Насим Фаттоҳ деган шоирни эшитганмисиз?

– Тирикми у?

Мухбир хижолатпазлик билан:

– Албатта тирик, – деди зўраки жилмайиб, – у менман!

– Кечирасиз, мендан сўраганингизга... Айтинг-чи, севги нима ўзи?

– Нима десам экан, – бир оз ўйланиб қолди мухбир, – унинг нималигини бошидан ўтказган билади. Масалан, мен сизга “севги мана бунақа” ёки “мана бундай севинг” десам, сиз барибир мен айтганимдай севолмайсиз, чунки мен бошқа, сиз бошқа. Бу шунақанги нодир туйғуки, одамни тамоман бошқа дунёга олиб киради... Энг тўғри жавобни юрагингиздан сўранг...

– Сиз ҳам севганмисиз?

Саволим ё ноўрин, ё қалтис бўлдими, мухбир хаёлга толди.

– Севгандим, – деди у охири чуқур уф тортиб, – биз жуда бахтли эдик. У синфдошим эди, кейин университетда ҳам бирга ўқидик. Бир-биримизсиз туrolмасдик. Кейин...

– Ўлдими?

– Нега ундай дейсиз?.. Кейин бошқасига турмушга чиқиб кетди.

– Номард қиз экан! Унақаларни...

– Билмаган одамнингиз ҳақида ёмон сўз деманг! – хафа бўлгандай бўлди мухбир. – У тилла қиз! Мен ундан ҳеч ҳам хафа бўлганим йўқ, чунки у ташлаб кетмаганида, мен шоир бўлолмасдим. Бунинг учун ундан бутун умр миннатдорман. У ҳақда бир сандиқ шеър ёзганман. У ҳозир бахтиёр, эри прокурор, оиласи тўқис, зориқадиган жойи йўқ... У менга текканида нима бўларди? Қийналарди, унинг қийналганини кўриб, мен эзилардим.

– Эрини танийсизми?

– Таниганда қандоқ?! Битта районни еб ётибди!

– Нега, сиз шоирлар дунёдан бунчалар нолийсизлар? Прокурор деса, тепа сочларингиз тикка бўлади, тижоратчини-ку олиб-сотарга чиқариб қўйгансизлар...

– Ёшсиз, ука, – деди мухбир чеккиси келиб, бир дона папиросни ҳидлаб-ҳидлаб қўяркан, ўрнидан туриб кетди. – Шоир адолат куйчиси! У ўз жонини азобга қўйиб, ўзгаларга роҳат бағишлайди.

– У эса бундан хурсанд?

– Ҳа, ўзгаларнинг бахти – унинг бахти!

– Шу бахт учун унга қанча тўлашади?

– Мана, сиз ҳам ҳамма нарсани пул билан ўлчаяпсиз. Гап пулда эмас.

– Нимада ахир?

Шоир тутақди, чунки бу саволга жавоби йўқ эди.:

– Бу масалада хотинимга ўхшаркансиз, ука. У ҳам икки гапининг бирида пул дейди. Билмадим, танглайини пул билан кўтаришганми, нима бало.

– Ана, кўрдингизми, хотинингиз ҳам сизнинг кимлигингизни билган экан.

– Тилимни қичитманг... Қўйинг, баҳслашмайлик...

Мухбир ака овозини бир парда кўтарган экан, чол безовталанди:

– Оталарингдан қолган молни талашяпсизларми, бунча шовқин?!

Шоир асабийлашиб, йўлакка чиқиб кетди.

29

Девор томонга ўгирилиб ётардим, хона эшиги очилиб, қиз боланинг кўнғироқдай овози эшитилди:

– Мен сизларга янги меҳмон олиб келдим, қабул қилиб олинглар.

– Э, Энагул, келинг-келинг, бунақа узоқ кетманг-да, – деди тижоратчимиз.

Мен қизнинг исмини эшитган заҳотим, эшикка қарадим. Эгнида оқ халат, дуркунгина ҳамширами, врачми, мен томонга орқа қилиб, тижоратчига гап қотмоқда, унинг кетида касаллар киядиган кўк патли халатда, қўлида елим-ли халта билан узун бўйли, қорамағиз, боши чўзинчоқ қирқ-қирқ беш ёшлардаги киши.

– Имтиҳон топширдим, шунга уч-тўрт кун кўринмадим, худо хоҳласа, энди шу ердаман. Ўзларингиз қалайсизлар, яхши бўлиб кетдингизларми? – деди қиз ва янги меҳмонга бўш каравотни кўрсатди. – Мана шу жой сизники, жойлашиб олинг, бирпасдан кейин анализга чақирамиз.

Юрагим дукурлаб кетди. Ҳозир у менга қарайди.

Ана, қаради.

– Ассаломалайкум, – дедим у қараши билан.

– Ассаломалайкум, – деди у ҳам кўзларини пирпиратиб. – Сиз қачон келдингиз?

– Ўтган куни кечаси олиб келишган эди, бугун кўзини очди, – менинг ўрнимга мухбир жавоб берди. – Шамолни ҳам тоза еган экан. – Кейин мухбир менга қизни таништирди. – Бу қизимизнинг исмлари Энагул. Яқинда ТошМИни битирадилар, бўлажак врач. Практикалари шу ерда, баъзида навбатчилик ҳам қиладилар. Тилло қиз.

Юрагим баттар дукурлади. Энди мен тамом бўлдим.

Бу – ўша, мен билган Энагул! Ҳусн ўша-ўша, сал тўлишганга ўхшайди, ё кўзимга шундай кўриняптими? Йўқ, бу – ўша! Бир жилмайганида эди, дарров таниб олардим.

Қиз ҳам кўнгли бир нимани сезиб турибди. Лаблари қимтиняпти, кўзларимдан маъно излаяпти, лекин иккиланмоқда.

– Мен борай, ҳали обходга кирарман, – деб чиқиб кетди.

Қиз кетиши билан тижоратчимиз гап қотди:

– Ҳаҳ, шўрпешана, эрта уйланиб қўйганмиз-да! – деди пешанасига уриб.
– Бу қизга ким уйланса ҳам мазза қилиб яшайди-да. Кимсан, Уммат Полвоновичнинг қизи! Отаси битиб кетган. Ёлғиз қиз, топгани шу билан куёвига қолади...

Тижоратчи шундай деб, янги меҳмон билан кўришмоқчи бўлган эди, телефони жиринглаб, гапи чала қолди.

Кўнгил алдамабди.

Энагул!

Оёқларимда куч пайдо бўлди. Ўрнимдан туриб, йўлакка йўналдим. Энагулни яна бир бор кўргим келди. Йўлақдан юриб, балконга чиқсам, Энагул турибди. Мени кўриб жилмайди.

– Мен бу жилмайишни кўрганман, – дедим гапиришга куч топиб.

– Вой, қачон?

– Тўрт йил бурун.

Энагул бирдан жиддий тортди ва аллақандай ҳаяжон билан кўзларимга тикилди:

– Сиз ўшами?!

– Ақром аканинг болохонасида Мўмин билан ижарада турганмиз.

– Нега ўшандан кейин кўринмадингиз?

– Ўқишга киролмай...

Тижоратчимиз шу ерда ҳам тинч қўймади. Шундоққина рўпарамизда, қулоғида телефон, жиғибийрон бўлиб гапириб-гапириб, сўнг нари кетди.

Иккимиз ҳам жимиб қолгандик, тижоратчимиз нари кетгач, Энагул:

– Мен кейин ҳам у деразага кўп қарадим, – деди кўзини мендан олиб қочиб...

– Уммат Полвоновичнинг қизлари экансиз-да?

– Адамни танийсизми?

– Адангизни ким танимайди? Тоғам билан уйларингизга маъракага борганман.

– Тоғангиз билан? Қайси тоғангиз билан?

– Калиш ишлаб чиқариш фабрикаси бошлиғи...

– Вой, додам, додажоним-ку у киши!.. Сиз жиянларимисиз?! Бу ерга қандай тушиб қолдингиз? Қишлоқдан келдингизми?

– Тўрт йилча бўлди, тоғамнинг қўлларида ишлайман. Чимкентга бориб-келгандим, юпун кийинган эканман, шамоллабман... Аслида, юрагим касал!

– Туғмами?

– Йўқ, тўрт йил бўлди. Аниқроғи, сизнинг биринчи бор кўрган кунимдан.

Энагул зийрак экан:

– Ёмон экансиз! – деди ширин жилмайиб. – Гапни ҳам топасиз, шоирмисиз?

– Йўқ, шоир палатада ётибди, мен ошиқман!

– Дадилгина экансиз, сиздан қўрқиш керак.

– Қўрқинчлиманми?

– Балосиз! – Энагул хавотир билан йўлак томонга қаради. – Бориб жойингизга ётинг, беморга ором керак, қолган гапларни кейин гаплашамиз...

Энагул ҳамширалар хонасига кириб кетди. Мен балконда қолдим.

Мен бахтиёр эдим.

Ҳеч қачон бугунгидай, ҳозиргидай бахтиёр эмас эдим.

Вужудимда аллақандай кўтаринкилик бор, юрагимнинг уриши аввалгидан тезлашгандай, руҳим улғайгандай, билакларимда куч жўшган, ур деса, тоғни талқон қиладигандайман.

Атрофга боқиб, фақат гўзалликни кўряпман, ҳар бир нарса гўзал кўринмоқда кўзимга! Имтиҳондан ўтиб олган талабадай хурсандман, ирғишлагим, қувончимни ҳаммага айтгим келяпти...

30

«Я» нги меҳмон»имиз пластинканинг ўзи: бир гапни қайтараверади.
Исми Умар ака, бошқага гап бермайди.

Гурунг қизиганда бир хангомани айтган эди, бугун уйқучи чолнинг ўғли келганди, ё тўртинчи ё бешинчи мартами, унга ҳам айтиб бераётганда, хонадагилар қочиб кетди. Мен ҳам қочмоқчи эдим, осма укол боис қимирламай ётибман.

Чолнинг ўғли мўмингина йигит экан, қўлини иягига тираб, Умар аканинг гапини маъқуллаб ўтираверди.

– Мана, булар ҳам эшитган буни, – мени кўрсатиб хангомасини бошлади Умар ака. – Бу гапни бир танишим айтиб берганди, пединститутда дарс беради... падарлаънатнинг исмини ҳеч эслай олмаяпман... Бўйи узун, қоп-қора, сочи оппоқ, репетиторлик ҳам қилади бир жойда... Ўша пединститутда битта домла бор экан. Пединститутдамикин? Менимча, текстильнида деди-ёв... Текстильнида ҳам инглиз тили ўтиладими?.. Эсладим, банк коллежида, тўппа-тўғри, банк коллежида замдиректор экан. Отиям қизиқ: Бакир ё Ботир, ёки Бадриддин, ишқилиб, исми “б” билан бошланади-да... Ҳа, топдим, Бойир. Айтдим-ку, исми қизиқ деб. Ўзи ҳаракатчан одам, кўрган бўлсангиз, коллежлар ҳақида кўрсатув берилса, у албатта телевизорга чиқади. Таълим марказида ҳам ишлаган. Зўр гапириб қўяди, гаплари менга ёққан... Йўқ-йўқ, мен бошқа кишини айтаётган эканман, телевизорга чиқадиган қишлоқ хўжалик коллежида ишлайдиган Тахтаўжаев деган домла-ку, адаштирган-нимни қаранг...

Чолнинг ўғли эснаб туриб сўради:

– Нима қилган экан у киши?

– Сиз буёғини эшитинг, – давом этди Умар ака, – домла болаларини йиғиб... биттаяммас, бешта ўғли бор экан, ҳаммаси етилиб қолган, ҳали би-

портасини ҳам уйли-жойли қилмаган денг. Болаларни йиғиб... хотини ҳам олдида экан... Нима қилсин энди, мажбур-да шунга. Ҳозир битта болани уйли-жойли қилиш осонми? Квартираларнинг нархи кескин кўтарилиб кетди. Тўртта кишининг олдига битта дастурхон ёзаман десангиз, қанча нарса кетади. Қизимни чиқарганимда, битта ошнинг ўзига... эҳ-ҳе... Бу икки-уч йиллик гап, ундан кейин неча марта ойликлар ошди... Қисқаси, бешта ўғилни йиғиб, олдида хотини ҳам ўтирган экан... битта ўзи ишларкан, хотини олдин боғчада мудира бўлганми, боғчани биттаси хусусийлаштириб, супер-маркетга айлантирганидан кейин бечора аёл уйда ўтириб қолган. Бешта ўғилнинг бирортаси бир сўм ҳам олиб келмайди, отанинг битта ўзи ишлайди, битта одамнинг топгани шунча кишига нима бўларди, пўстакнинг урвоғи бўлармиди? Битта буханка нон ҳозир палон... Кийим-кечак-чи, битта болани кийинтираман деб иппадромга борсангиз, борингизни ташлаб келасиз ё ёлғонми?..

Чолнинг ўғли бу сафар икки марта эснади.

– Бешта ўғлини йиғиб, олдида хотини ҳам бор... Хотини ўтирган бўлса, нима? Бешта болани уйли-жойли қилиш осонми? Мана, менда ҳам иккита ўғил бор, уларни уйлантириш керак. Бутун йиққанимизни қизга сарфлаб бўлганмиз, ўғиллар институтларни битирди, лекин ҳали бирор тийин топиб келганлари йўқ. Каттаси банкда ишлади, арзимаган маош, бориб-келишига етмайди, ташла бу ишингни дедим, ташлади. Ҳозир давлатни ишхонасида ишлаб, кимнинг ёқаси оқарган? Тўғри, йўлини топганлар еб ётибди, бошқалар нима қилсин?..

Мен Умар аканинг гапига эмас, чолнинг ўғлига қарайман: кетишга баҳона тополмай, илондек буралади.

– Домла хотинининг олдида ўғилларига очиқчасини айтибди. Айтишдан олдин хотини билан келишиб олган бўлса керак-да, бўлмаса, хотин юмма талайди-ку эрини. Хотин ҳам мажбур бўлиб, эрининг айтганига юрган-да. Ҳозир хотинларга шунақа денг, олдига солиб ҳайдайти ёки шармандангизни чиқаради. Тем боле, у аёлнинг бўйи етган бешта ўғли бор...

Хуллас, “Болаларим, – дебди домла, – оналаринг билан ажрашмоқчимиз!”

Бешта ўғил – тараша. “Дадам эсини еб қўйганми?” деб ўйлашган-да. Оначи, у бошини ҳам қилиб ўтирибди.

“Нимага, дада? – деб сўраган катта ўғил. – Нимага ойим билан ажрашмоқчисиз? Бизларни ким уйлантиради?”

Домланинг ўзи шу масала учун ўғилларини йиғган-да, ўғиллар бунини билмайди.

“Сенларни уйли-жойли қилиш учун оналаринг билан ажрашмоқчиман, – дебди домла. – Мен чет элга кетмоқчиман – ишлагани, лекин у ерда ҳам пулни супуриб олиб бўлмайди...”

Тўғри-да, чет элда ҳам меҳнат қилиш керак. Энди битта одам ўлибтирилиб ишлагани билан қанча топарди? Ана, боринг, бир ойда мунча топсин, ахир ўзининг ҳам еб-ичиши, ётиб-туриши бор, бир ойда қанча орттирарди?

– Ўғилларини ҳам олиб кетса бўларкан, – деди чолнинг ўғли.

– Қайси пулига олиб кетади? – завқланиб кетди Умар ака. – Четга чиқиш текинми?.. Болаларнинг ҳайрон қолдиргани – оналарининг жим ўтиргани. “Буёқдан борган одам ўша давлат фуқаросига уйланса, бир этак пул бераркан, – дебди домла. – Ёш оилани тиклаш учун. Мен ҳам оналаринг билан ажрашиб, уёқда биттасига уйлансам, шунча беради. Бу ҳазилакам эмас, бизни пулга чақса, бир қоп бўларкан. Бу пулга бешалангни уйлантирамиз. Сенларнинг проблемаларинг ҳал бўлгач, мен у аёл билан ажрашиб, қайтиб келаман ва яна оналаринг билан фаровон яшайверамиз...” Қаранг, домланинг калласи ишлаганини?! Қойил қолиш керак. Масалан, мени калламга бунақа фикр минг йилда ҳам келмаса керак...

Шу жойида чолнинг ўғли сал жонланди.

– Билмадингизми, ўша домла чет элга кетибдимиз?

– Билмадим, – деди Умар ака, – шу хангомадан кейин пединститутда ишлайдиган танишимни кўрмадим. Керак бўлса, суриштириб бераман. Ҳаммага айтавериб, ўзим ҳам бунга қизиқиб қолдим. Қизиқ-да, янги оилани тиклаш учун палон пул беришса, зўр давлат экан-да... Яна биттасини айтиб берайми, оғзингиз ланг очилиб қолади, буниси жудаям қизиқ.

– Йўқ, раҳмат, – деди чолнинг ўғли ўрнидан қўзғалар экан, “хайр” дегандек, ухлаб ётган отасининг елкасини беозоргина сийпаб қўйди, – сиз менга шу хангоманинг нима билан тугаганини аниқлаб берсангиз, бошим осмонга етарди. Ибрат олса арзийдиган иш экан. Менда ҳам бўйи етган тўртта қиз бор...

Чолнинг ўғли жуда оғир қадамлар билан чиқиб кетди.

31

Энагул билан қалин бўлдик.

Учрашишга ваъдалашдик.

Мен касалхонадан чиқиб, ишга киришдим.

– Тоға, – дедим маврудини топиб, – айбга буюрмайсиз, мустақил ишламоқчиман. Мени ташлаб кетяпти деб ўйламанг яна, сизни ёлғизлатмоқчи эмасман.

– Нима қилмоқчисан?

– Сиздан миннатдорман. Отам қилмаган яхшиликларни қилдингиз. Битта тоға етти отанинг ўрнини босади деганлар. Яна бир оталик қиласиз.

– Хўш, хўш?!

– Корхона очиб берасиз, ўзимни синаб кўрмоқчиман. Қачонгача сизга юк бўламан?

– Қанақа корхона?

– Ўзингизникига ўхшаган корхона-да.

– Юрита оласанми?

– Бир оз қўлим келди-ку, оқсасам, суяб юборарсиз...

Бунақа пайтда тижоратда, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчилар бири-бирига рақобатчи, бир-бирига йўл бермайди. Чунки бозорда бир хил

маҳсулот кўпайса, нарх тушади, фойда камаяди. Лекин тоғам бегонасирамади, ён босди.

Оёғим қўлда, тўрт томонга югурдим.

Янги корхонанинг ҳужжатларини тоғам тўғрилади.

Жой ҳам топилди – бозорга дош беролмай тўхтаб қолган пойафзал фабрикаси биносининг бир қисмини ижарага беришди. Уммат Полвоновичнинг ҳиммати билан корхонани жиҳозладик.

Иш бошлаб олиш учун тоғам ишчиларидан бериб турди.

Бошланиши осон кечмади, елиб-югуриш эвазига ишлар оёқлади.

Тоғамга ёмонлик қилмоқчи эмасдим. Бирдан шундай бўлди.

Бозор айланиб, калиш харид қилаётганларни кузатдим. Қарасам, харидор калишни олиш билан унга патак излашга тушмоқда.

Қизиқ топилма!

Бир харидор билан суҳбатлашдим.

– Калиш яхши нарса, – деди у, – лекин ёгин-сочинда таги юпқалик қилади. Патак солса, жоннинг ҳузури. Қани энди калиш чиқарадиганларнинг бирови ақл қилиб, патакли калиш ишлаб чиқарса, харидор патак излашдан кутуларди.

Бу ғояни маҳкам тутдим.

Тезда эски аскар шинеллари ва наматларни йиғиб, патак цехи очдим, камига жун титиш корхонаси хомашё етказиб берадиган бўлди. Тез кунда патак солинган калишларни бозорга чиқара бошладик.

Ишимиз яхши самара берди. Маҳсулотимиз бозоргир бўлди. Қўл қўлга тегмай қолди, бош қашишга вақт йўқ.

Беш панжамни оғзимга тикмадим. Даромадга яраша ишчилар маошини кўтардим, уларга яхши шароитлар яратиб бердим, чунки манфаатдорлик бор жойда иш унуми ошади. Кейин ишлаб чиқаришни ривожлантирдим, корхонани кенгайттирдим: маҳсулот кўпайса, таннарх пасаяди. Таннархнинг пайиши пул айланишини оширади. Пул айланса, фойда кўп келади.

Корхонани кенгайттиргач, ишчи кучига эҳтиёж сезилди. Етук мутахассис, турган гап – бозорда сотилмайди.

Мен бошида гўшт, мижозларни тўплаб олгач, пиёзга зўр берган сомсапазларнинг йўлидан бориб, ўзим ишлаган, яъни тоғамнинг ишчиларига қармоқ ташладим: юқори маош ваъда қилиб, уларни ўзимга оғдириб олдим.

Аввало чиқарган маҳсулоти касодга учради, иккинчидан, тажрибали ишчилардан ажралган тоғамнинг корхонаси аста-секин оқсаб, чиқарган калишлари омбордан жой олди.

Тоғам охириги кунларини кабинетида кечирадиган бўлди: корхонасининг дебиторлик, кредиторлик қарзларини ҳисоблаш билан банд. Уйида ёхуд ишхонасида учрашганимизда, аввалгидан очиқ чеҳра билан қарши олмас, арпасини хом ўриб қўйганманми, ёвқараш қилиб, тил учида сўрашади.

Мен ҳаммасига ўз ақлим билан эришдим, ҳеч ким менга ўргатгани йўқ. Лекин мен тоғамни ора йўлда ташлаб кетмоқчи ҳам эмасман. Унга ёрдам беришга доимо тайёрман.

– Тоға, сизга ёрдам бермоқчиман, – дедим бир куни.

– Ёрдам бериб бўлдинг! – деди тоғам қовоғидан қор ёғиб. У бу гапни, мени олдинлаб кетганимни назарга тутиб айтди. Кейин озгина алами ҳам бор эди.

Мен астойдил, чин юракдан айтдим:

– Ишонинг, сизга ёрдам бермоқчиман.

Тоғам ишонмади, устимдан куляпти деб ўйлади:

– Тириклайин ерга кўймоқчимисан?

– Йўқ, омборингиздаги ҳамма калишларни сотиб олмоқчиман.

Тоғамнинг чеҳраси очилди.

– Ростданми?

– Рост!

– Ҳаммасиними?

– Ҳаммасини.

– Розиман, – мени бағрига босди тоғам, – сенга йигирма фоиз арзонига бераман, мен солиқларни тўлаб олсам бўлди.

Омборда катта миқдордаги мол бор эди, йигирма фоизли чегирма билан барча калишларни олдим ва уларга патак солиб, ҳақиқий баҳосида сотиб, беҳисоб фойда қилдим. Тоғам мен берган пуллар ҳисобига солиқларини ёпиб, яна бир оз вақт корxonани юргизиб турди. Шунда ҳам у маҳсулотини мен орқали сотарди. Куни воситачига қолган корхона кун келиб, синиши турган гап.

Уч ой ўтиб, тоғамнинг корxonаси синди.

– Тоға, обрўйингизнинг борида, корxonани менга сотинг, – деган таклифни бердим. – Харажатларни ўзим қоплайман. Сиз ўйиндан силлиққина чиқиб кетасиз. Яна мукофот ҳам бераман, бунга бемалол қарилик гаштини сура-сиз.

– Мен хўп дейман, – деди тоғам дарров рози бўлиб, – лекин бу синган корxonани нима қиласан?

– Маҳси ишлаб чиқарадиган корхонага айлантираман, – дедим, – ишчиларингизни иш билан таъминлайман, бирортасини ҳам бурнини қонатмайман. Ахир, уларнинг бари менинг қадрдонларим-ку.

Мен шундай ҳам қилдим.

Маҳси пайтава билан кийилади, лекин ҳанузгача бирор жойда пайтава алоҳида ишлаб чиқарилмаган. Одамлар уни эски-тускилардан ясаб олишади. Мен эса пайтавани ишлаб чиқаришга олиб кирдим. Пайтава цехи гуриллади. Маҳсига пайтава қўшиб сотдик. Таркибининг озгинаси пахта, қолгани сунъий толадан иборатлиги боис, пайтава унчалик кўп маблағ талаб қилмасди, шунинг учун пайтавани текинга берсак ҳам биз зарар кўрмасдик. У биз учун маҳси сотишга бир восита эди, холос.

Бу кашфиётимиз, бошқа маҳси ишлаб чиқарувчиларни довдиратиб қўйди ва улар тезда бизларга қўшилишди.

Энагул ҳам давлат имтиҳонларини топширишга киришди. Ҳадемай олий маълумотли шифокор деган дипломни қўлига олади.

Ҳар бир имтиҳонни топширганидан кейин учрашиб, унинг муваффақиятини бирга нишонлаймиз.

Баҳонада бир-биримизга анча яқинлашяпмиз.

– Диплом тўйини никоҳ тўйимизга қўшиб юборсак-чи, – дея ҳазиллашсам, у жилмаяди, лекин эътироз билдирмайди.

Хаёлимда, бечорани олти йиллик ўқиш эзиб юборган (ТашМИда ўқиш осонми?), энди ёр бағрида яйрагиси келиб тургандай. Бўлмаса, тўйдан гап очганимда, елкамга бош қўйиб, эркаланармиди?..

Навбатдаги учрашувда, охириги имтиҳонни топширган кунида уйига со-вчиларни юборишимни айтсам, яна жилмайди.

Демак, рози!

33

Умнат Полвоновичнинг “ҳиммати” оёғимдан тортарди. У катта қўшма корхонанинг раҳбари, бойлиги ошиб-тошиб ётган бўлса-да, мен топаётган даромадга ҳам шерик эди. Бундан оғринмасдим, у Энагулнинг отаси, ана шу менга таскин берар ва олганлари бир кун ўзимга қайтиб келишига ишонардим.

Бошим айланиб тоғамникига борсам, у ўтган кунларини эслаб тўлиқди ва кўзига ёш олди. Тўғри-да, мисқоллаб йиққани бир лаҳзада қўлидан кетди. Нега кетаркан, менга ўтди, мен эса унга бегона эмасман. “Шу одам бўлсин” деб қишлоқдан ўзи олиб келган, мен эса ўзим билмаган ҳолда унга кўрнамаклик қилдим. Аммо-лекин, мен бу ишни атайин қилмадим ва атай қилган тақдиримда ҳам, бу айбимни хаспўшлайдиган сабаб бор, у – бизнес. Бизнесда ота ўғилни, ўғил отани танимамайди. Бизнеснинг мақсади – ғолиб чиқиш, тамом-вассалом!

Тоғамга раҳмим келди.

Институтга қайтай деса, ёши бир жойга бориб қолган. Бир умр иш билан овуниб юрган одам бирдан хонанишин бўлса, тез қарийди.

Тоғам охириги ярим йил ичида чўпга айланди.

– Тоға, – дедим нам тортган эшикдек очилса ёпилмай, ёпилса очилмай қолган кўнглига қараб, – сизни ўзимга маслаҳатчи қилиб олсам, нима дейсиз? Чиройли хона, тагингизга битта машина қилиб бераман, кўнглингиз тусаган пайтда бориб-келиб юрасиз.

– Сенга нима маслаҳат бераман? – деди тоғам кулиб.

– Қари билганни пари билмас деганлар, тоға. Ҳали мен билмаган нарсалар кўп. Ундан кейин мен ҳали узоқни кўзлаганман, маслаҳатингиз керак, тоғажон.

– Уйланишни ҳам ўйлайсанми?

– Келин дипломини олган куни тўйни ҳам бошлаб юборамиз.

- Келин тайёрми?
- Тайёр, совчиликка ўзингиз борасиз.
- Қишлоқданми?
- Сизга йўлни яқин қилганман, – дедим ва бир оз тин олгач, қўшиб қўйдим. – Уммат Полвоновични ўзингиз кўндирасиз-да.
- Нега?
- Келин ўшанинг ҳовлисида-да.
- Энагулгами?!
- Топдингиз.
- Ўб-бо, шайтон, уни қандай кўндира қолдинг?
- Сизга айтдим-ку, мен узоқни кўзлаганман деб. Хўш, совчиликка борасизми?
- Йўқ десам, қўймайдигансан, – деди тоғам елкамга қоқиб, – аммо, ота-онанг нима дейди? Уларни чақир, келинни кўришсин, оқ фотиҳа беришсин. Ана ундан кейин совчиликка бориш қочмас.

34

- О**там билан онамни чақиртирдик, келишди.
- Отам – мен қишлоқдалигимда, тўй-маъракаларга кийиб борадиган, эскича фасондаги костюм-шимда.
- Онам – виллурдан тикилган халатда, бошида пешанабоғ, устидан гилам-нусха катта рўмолни ўраб олган.
- Уларнинг бу туриши менга эриш туюлди.
- Тоға, буларни бу аҳволда қуданикига олиб борсангиз, уят қилишмасмикан?
 - Тоғамнинг қошлари чимирилиб, кўзлари қисилди.
 - Сиз шаҳарлик бўлиб қолдингизми? Қишлоқилигингиздан ор қиялпсизми? Одам ҳам ўз ота-онасининг кийинишидан уяладими?
 - Бошим икки елкам орасига кириб кетгандай бўлди.
 - Отам шундай ўқрайдики, кўзлари тешиб юборгудай.
 - Онам “ёш-да” дея мени ёнимни олди.
 - Уччалалари совчиликка кетишди.

35

- К**елишганимиздек, диплом тўйини никоҳ тўйига улаб юбордик.
- Ота-онам, акам, янгам, қариндош-уруғ... менга яқинлар шу ерда, тоғамнинг ўзи бош. Ҳа, айтганча, отам боқиб юрган қўйларни ўзим сотиб олганман. Жамоа хўжалиги барҳам еб, Мўмин ишсиз юганда, қўйларни унинг қўлига топширдим, боқиб юрибди. У қўйларни кўзи қиймай тўйга келолмади, табриклаб телеграмма жўнатибди. Одамгарчилиги бор-да. Фулом муаллим ҳозир фермер. Бир кун олдин тўйга деб, бир мошин мева-чева юборибди, ҳимматига балли!

Даврани кенгроқ олдик, Уммат Полвонович шуни истадилар.

Тўйга бутун шаҳар келди, хаёлимда.

Энагулнинг дугоналари ҳам бити тўкилгунча ўйин-кулги қилишди ўзиям.

Ҳамма бизни табриклади.

Энагул менга, мен Энагулга термулиб тўймасдик.

Биз бахтли эдик.

Менинг бахту тахтимни кўриб, онамни ҳам, отамни ҳам оғизлари ланг очилди-ёв.

– Бахту тахтинг ўзинга буюрсин, болажоним, – деди онам.

– Бахтинг ўзиники, лекин тахтингга шубҳам бор, – деди отам...

36

Мижорат ҳаракатни ёқтиради.

Ҳаракатда – баракат деган.

Баракат бозорда. Бозор кенгми, яйраб савдо қиласан, савдо яхшими, даромад ҳам шунга яраша бўлади.

– Корпорацияга қўшил, – деди Уммат Полвонович, – катта бозорга чиқасан, ишлаб чиқаришда монополияга эришасан. Корпорация капиталнинг марказлаштиради, илмий-техника тараққиётини, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва ҳаётийлигини таъминлайди.

Тоғам ҳам шу маслаҳатни берди:

– Корпорацияда манфаат кўрасан, бу манфаат товар ёки хизмат бозорига кириб бориш, унда ўз ўрнини топиб, мавқеини мустаҳкамлаб, рақобат курашида ғолиб чиқиб, фойдани ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, маҳсулот сифатини кескин яхшилаш имкониятига эга бўласан.

– Бу манфаатдорчилик менга нима беради? – деб сўрадим мен.

– Кўп нарса беради, – деди тоғам. – Кам харажат эвазига кўп маҳсулот ишлаб чиқарасан, маҳсулотнинг таннархи камаяди, хомашё, материал, энергия, ёқилғи ва пул маблағларини тежайсан, фойда ва даромадинг ортади. Акциялар пакетини қўлга киритсанг, корпорация бошқарувчиларидан бирига айланасан. Қайнатанг корпорация раҳбари Бек Турсунович билан яқин, сенга менежерликни берса, қўлинг узун бўлади. Ўқиганинда-ку, олий тоифали менежер бўлардинг, сенга ўрта тоифа ҳам етади. Ҳамма нарса-нинг ўртаси ширин бўлади.

Биринчидан, бу гапларнинг бари илмий, институтларда ўқитилса керак, унчалик тушунмадим, иккинчидан, мен ҳар қандай маслаҳатни тўғридан-тўғри қабул қилиб, ўлчамадан кесаман. Буни мен ҳаёт мактабидан ўрганганман.

Хўш, корпорация таркибига кирсам, нимага эришаман?

Бу саволни тарозининг у палласига, кейин бу палласига қўйиб ўлчадим ва корпорация таркибига киришга қарор қилдим.

Қайнатамнинг ижрочи директор эканлиги мавқеимни анча кўтарди.

Бек Турсуновични яқиндан бўлмаса ҳам, уни яхши танирдим. Нуфузли давраларда кўп кўрганман. Савлатли, аммо анча босиқ, муомаласи иссиқ, суҳбатдошининг кўнглини эритиб юборади. Менга ёқмайдиган томони: биров

гапирса, бошини ҳам қилиб эшитади, гўё ҳамма нарсани биладигандай. Бу эса, хаёлимда нописандликдай туюлар ва ҳар доим ғашимни келтирарди. Нима бўлганда ҳам, қайнатам боис тақдир мени унга анча яқинлаштирди.

Доимо ўз ҳаракатим ва ғайратимга ишониб келганлигим боис, бу яқинлик менга зиён қилмасди ҳар ҳолда.

– Ўз корхоналарингизни бошқариш билан бирга, корпорациянинг ўрта бўғин қатламини назорат қиласиз, – деди Бек Турсунович жимжилоғини қисирлатиб. – Ишлаб чиқариш, сотиш, нарх белгилаш, меҳнатни ташкил этиш сизнинг ихтиёрингизда...

Айримлар “бошқаришни кишилардан нафли самаралар олиш санъати” деб билади. Мен уч ойлик буғалтерлик малакам нуқтаи назари билан ишга киришиб, бошқарувнинг хос белгилари: фаолиятга, изланишга тарафдорлик, оддий тузилма ва кам сонли ходимлар, истеъмолчиларга яқинлик, унумдорликни таъминлашда инсоннинг ҳал қилувчи ўрни, тадбиркорликни рағбатлантирувчи мустақил идора қилиш ҳуқуқи, асосий фаолият турига бирламчи эътибор, ҳаммадан кўра яхшироқ таниш бўлган соҳага киришиш, эркинлик ва кучли назоратни биргаликда қўллашни юзаки бўлса-да, ўргандим. Айниқса, корпорация таркибидаги акциядорлик жамиятларига қарашли корхона, уюшма ва бирлашмаларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга эркин нарх белгилаш менинг қўлимда эканлиги айтиш муддао эди. Чунки мен асосий бинога қайси эшикдан кириб боришни яхши билман.

37

Энагул ҳомиладорлик таътилига чиқди-ю, ишга кириши ора йўлда қолди.

Тўғри, у ишлаши мумкин, лекин унинг бунга муҳтожлик жойи йўқ. Егани – олдида, емагани – кетида бўлгандан кейин ишлашининг нима кераги бор? Мен у беморлар ёнида эмас, менинг ёнимда бўлишини хоҳлайман. Унинг битта бемори бўлишини истайман, у ҳам бўлса – мен.

Унда нега олти йил институтда ўқиди демоқчимисиз?

Қизининг институтда ўқиши отасининг орзуси эди, у отасининг орзусини амалга оширди. Энди ҳеч ким отасига “қизингни институтда ўқитмадинг” деб таъна қилолмайди.

Энагул энди менинг орзуларимни рўёбга чиқариши ва ҳурматимни жойига қўйишини истайман. Ҳа, у шу хонадоннинг бекаси: эрталаб мени хушнуд кузатиб, кечқурун очиқ чеҳра билан кутиб олсин, ширин-ширин фарзандларга оналик қилсин. Бу хонадон ҳаммиша саранжом-саришта, бекаму кўст бўлишини хоҳлайман...

Ўғилчамиз бир ёшга тўлгач, Энагул бирорта шифохонада ишламоқчи бўлди. Бу истак, албатта, собиқ курсдошлари, ҳозирги кунда доридармонларнинг ҳидидан лаззат олаётган дугоналарининг қистови ва гиж-гижлашидан туғилганини билардим ва ўша дугоналарини уйимизга таклиф қилишини Энагулдан сўрадим.

Шоҳона дастурхон устида уларни кутиб олдик.

Зиёфат охирида яқин дугоналаридан бири:

– Энагул, сенга ишлашни нима кераги бор? – деди завқланиб. – Менда ҳам шундай шароит бўлса, мазза қилиб уйда ўтирардим.

Бошқа дугоналари унинг гапини маъқуллашди.

Мен шундай гап-сўз бўлишини олдиндан билардим.

Шу-шу, Энагул уйда ўтириб қолди.

38

Масодиф-да, бир куни шоир Насим Фаттоҳни бозорда кўриб қолдим.

Икки томони бўз мато билан ихоталанган чоғроққина ясама дўкончада тикмачоқдан келган, кўзларига сурма тортилган, калта сочи товукнинг тожига ўхшатиб турмакланиб, бош айланасига ялтироқ рўмол ўралган, ҳар замонда бир жуфт тилла тишини ялтиллантиб, бозорчи хотинларга хос қақилдоққина аёл ва бамисоли парникнинг бодрингидай ингичка-узун бўлиб шоир ака турибди.

У аввалига мени танимади. Харидор деб ўйладими, қўли кўксида, “нима керак” дегандек им қоқди.

Ўзимни таништирганимдан кейин, қўл олиб сўрашди:

– Тоғ тоғ билан учрашмас, одам одам билан учрашар экан... Яхшимисиз, ука?... Кўринишингиз яхши, танимабман, бой бўлар экансиз... Медсестра нима бўлди? Ўрталарингда бир нималар бормиди-ей?

– Нима бўларди, ҳаммаси яхшилик билан тугади, у ҳозир хотиним. Сизнинг шеърларингиз билан ўзимизга қаратиб олгандик-да.

– Э, қойил! Бахтли бўлинглар!

– Раҳмат... А, бу ердасиз, газета нима бўлди?

– Мана бу қўймади, – деди у ёнидаги аёлни кўрсатиб. – Келинойингиз. Буёқда болаларнинг бўйи етилиб қолди. Уларнинг уволига қолмайлик деб...

– Буни олдинроқ бошлаш керак эди.

У аёлга мени таништирди.

– Ҳў, касалхонада ётганимда... медсестрага бир касал йигит ошиқ бўлиб қолганди, деб айтгандим-ку, бу ўша йигит. Кўриб, танимабман...

Аёл мен билан сўрашиш баробарида:

– Окангизга минг марта айтгандирман: шеър билан гўр бўласизми деб. Окангиз бўлса, билганидан қолмади, – деди жавраб. – Охири кўзлари очилди.

Аёлга эътибор бермай, шоирдан сўрадим:

– Жонни қийноққа қўйиб, одамларга ором бағишлаш ҳузури қаёқда қолди?

– Ҳа, энди... – мужмалланди шоир.

– Одамлар текин роҳатдан айрилиб қолибди-да?

– Қўйинг бу гапларни, ука, – деди шоир хижолат тортиб, мавзуни буриб юборди. – Қаердан сўраймиз?

– Савдо корпорациясида ишляяпман.
 Шоир шошиб қолди:
 – Керакли одам экансиз-ку!
 – Одам одамга ҳамиша керак, – дедим кулиб. Мендан мол сўрайдими деган хаёлга боргандим, у хаёлимни тўзгитиб юборди.
 – Бизни шеърларни чиқаришга ҳомийлик қилсангиз-чи! Зўр шеърлар ёзиб қўйганман-да, талаш бўлиб кетади. Керак бўлса, устига қўйиб сотсангиз фойда ҳам кўрасиз.
 – Яна хаёлингиз қочдими?! – аёл уни силтаб ташлади. – Сизнинг ўша шеърларингизни пишириб ейдими ҳозиргилар? – Кейин менга қараб: – Эътибор берманг окангизнинг гапларига, бу киши гапираверадилар-да, – деди.
 Мен аёлга парво қилмай, шоирдан яна сўрадим:
 – Ўша шеърларни сотиб оладиган борми?
 – Топамиз, – деди у ишонч билан.
 – Топинг, топганингизда айтарсиз, – дедим унга ташриф қоғозимни бериб.
 – Мана шунга кўнғироқ қилсангиз, мени топасиз.
 Шоир ташрифномага қараб елка қисди ва:
 – Топамиз, – деди аёлига бир қараб қўяркан.
 У билан хайрлашиб кетар эканман, йўл-йўлакай ўйладим: “У топаман деганда кимни назарда тутди экан: меними, харидорними?.. Майли-да, ҳамма қидирганини топсин!”

39

Бек Турсунович минг қилса ҳам, Уммат Полвоновичдек менга яқин эмас эди.

Ҳамманинг ўз қозони бор.

Қозонга қараган – қариндош эмас.

Қозонга яраша қопқоғи.

“Корпорацияни бир қозон десак, унинг қопқоғини янгилаш керак”, деган тўхтама келдим.

Қозон қайда – сув шунда, сулув қайда – кўз шунда.

Очиғини айтай, орзу-истакларимни амалга ошириш учун соҳага чуқур кириб боришим шарт эмасди. Лекин “қора китоб”ларда ёзилган қонун-қоидаларни билардим ва шунинг ўзи менга кифоя эди.

Тегишли қоидаларнинг бари бирлашиб битта санъат – олғирлик санъатини ташкил этади.

Мен ушбу санъатни амалда намоён этиш учун икки томонни бирдек ўргандим.

Амалга интилиш ҳар бир кишининг табиатига хослигини ҳам билардим.

Амалга ўтириш яхши, аммо-лекин унга интилиш ёмон.

Бек Турсунович амалга ўтирган.

Уммат Полвонович унга интилади.

Демак, бири бепарво, бири қизиқувчи.

Бепарво – ғафлатда қолади.

Қизиқувчи – доимо хушёр.

Мен эса ҳар икки томонни ҳам ғафлатда қолдиришим, тепага ўзим чиқиб олишим мумкин. Лекин бу бошоғриқнинг менга нима кераги бор? Мен учун ҳам бошқалар ишласин-да! Уммат Полвонович корпорация раҳбари бўлган тақдирда ҳам, куёш нурининг кўпи менга тушади, буни ўзингиз ҳам билиб турибсиз.

Фурсат топиб, Уммат Полвоновичнинг хонасига кирдим.

Унинг димоғи чоғ экан. Чоғ димоғини бир гап билан янада чоғлайки, бу гапни етти ухлаб тушида эшитмаган.

– Сизнинг фойдангизни кўзлаб бир иш қилсак, – дедим, гапимга сирлилик тусини бериб. У шошиб, томоғига бир нима тикилгандек ўқчиди ва олдидаги совиган ярим пиёла чайни симириб юборди-да, палағда овозда:

– Хў-хўш?! – деди тоқатсизланиб. У, ҳозир мен кетиб қоламан-у, менинг сирли гапимдан қуруқ қоладигандек, мени қисталангга олди. – Нима гап?

Унинг ичини қиздириш учун атайин гапни чўздим.

– Билмадим энди, айтганим амалга ошармикан?

– Чўзмасангиз-чи!

– Сизни уддабурон, пешқадам, ушлаган жойини кесадиган инсон деб билламан. Қолаверса, менга бегона эмассиз. Сизнинг шуҳратингиз – меники ҳам.

Шуҳрат, обрў ҳақида гап кетганда, у болаларча шодонлик билан қийқириш одати бор эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Унинг кўтаринки кайфиятига мос таклифни ўртага ташладим...

У чойга тушган қанддек эриб кетди.

40

Корпорация ходимлари тез орада бирор янгилик бўлишини ҳаяжон ва интиқлик билан кутарди. Акция нархларининг кескин тушиб бораётганини кўрган инвесторларнинг патагига қурт тушган. Улар ва-зият ўнгланишига кўзлари етмас, нима қилишларини билмай довдираб қолишганди. Бозорларда пойафзал маҳсулотлари камёб бўлди. Айниқса, калиш, ковуш ва маҳси сотиладиган дўкон ва расталар ҳувуллаб қолди. Корпорацияда ҳар хил миш-мишлар оралади. Биров “Корпорация барҳам топармиш” деса, бошқаси “Раҳбарлар ўзаро келишолмай қолибди, вақт ғаниматида акцияларни сотиб қолиш керак”, дерди. Мен бу таҳликаларни диққат билан кузатиб, берилажак саволларга жавоб тайёрлаб борардим. Ўзимни ишчан қилиб кўрсатиш, мenden шубҳаланмасликлари учун кечакундуз турли ҳужжатларга кўмилиб юравердим. Сўраганларга, “биз кичкина одам, буёғини раҳбарлар билади”, деб жавоб бердим.

Кўпчилик бу можароларнинг асл сабабчиси ким эканлигини билолмай овора эди. Баъзилар бу борада Бек Турсуновичдан гумон қиларди:

– Бу – еган, емаса гуллаб турган корхона бирпасда касодга учрармиди?

– Охирги кунларда кеккайиб кетаётгани шундан экан-да!

– Бунақалар туянинг думини ҳам кўрсатишмайди.

– Ўзи хўжайин бўлгандан кейин сиз билан биздан сўраб ермиди?..

Хуллас, бу каби миш-мишлар кундан-кунга мадда бойлаб, фасод йиғиб бораверди. Ҳар куни янги гап чиқади. Аста-секин ҳамманинг наздида Бек Турсунович тап-тайёр текинхўр қаллобга айланди-қўйди. Ўзи аввал ёмон бўлма экан, ёмон бўлдингми, кейин минг яхши бўл, ўша ёмонингни ёполмай юравераркансан.

Кўзланган кун яқинлашмоқда эди. Баъзи майда инвесторлар Бек Турсуновичнинг эшиги олдида танда қўйиб, навбат талашларди. У эса даъвогарга нима деб жавоб беришни билмас, нуқул “ўрганияпмиз, вазият ўнгланиб қолиши керак”, деган мужмал жавобдан нари ўтолмасди. Унинг хонасидан тажанг бўлиб чиққанларнинг ярасига мен туз сепардим:

– Бу боришда акцияларнинг нархи тушадики, ўнгланиши қийин.

Бек Турсуновичга эса хомашё танқислигини баҳона қилдим.

Қўрқув баланд келди. Қўрққан одам майдалашиб қоларкан. Қўлида акцияси борлар харидор қидира бошлади. Мен уларга баҳоликудрат ёрдамимни аямадим.

Уммат Полвонович менинг ишорам билан акцияларни арзон-гаров сотиб олаверди.

Қарийб қирқ фоиз акция қўлга киритилди. Яна ўн бир фоиз акция ўзлаштирилса, марра бизники.

Шундай ҳам бўлди.

Инвесторларнинг чув тушиши ва уларнинг қаттиқ норозилиги, олдинги олди-қочди гаплар Бек Турсуновичнинг обрўйига таъсир қилмай қўймади. Унга бўлган ишонч сўнди ҳисоб. Сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолди. Ҳар нарсадан жаҳли чиқиб, хуноби ошар, асаби қақшар, ўзи билмаган ҳолда қабулига кирганларга бақириб берадиган одат чиқарди. Бу эса, бошқаларнинг ҳамиятига тегди. Вазиятдан фойдаланган Уммат Полвонович кўнгли задаларнинг кўнглини кўтариб, таскин берди. Киши ўзининг оғир кунда далдага муҳтож бўлади ва шунақа кунда биров далда берса, ўша кишига кейин ҳам ҳурмати ошиб, уни алқаб юради. Уммат Полвонович ана шунақаларнинг ҳурматига сазовор бўлишга улгурди. Кўнгли яримлар дарров у томонга оғди.

– Тезда акциядорлар йиғилишини ўтказиб, бу парокандачиликка чек қўйилмаса, ҳаммамиз хонавайрон бўлишимиз тайин, – деган қарорга келишди, қўлида оз-моз акция қолган инвесторлар. – Шу йиғилишда ташкилий масалани ҳам кўриб чиқиш керак. Ишбилармон, ҳаракатчан бирор кишини кўтармасак, ишлар пачава! Бек Турсунович асов отдек ўзига яқинлаштирмай қўйди. Куйишимизга бир баҳя қолганда, бизни олов ичидан олиб чиққан Уммат Полвонович аравани тортиш қувватига эга деб ўйлаймиз.

– Мен ҳам у кишининг номзодидан бошқасини кўрмайман, – деди молия директори Хушкелди Хушвақтов. – Биринчидан, у ишнинг кўзини билади, иккинчидан, ким бўлишидан қатъи назар ишни бажаришга қодир ҳар қандай ходим билан ўзаро муносабатда бўла олади, учинчидан, қўлида эллик фоиздан ортиқ акция бор, тўртинчидан, қарор қабул қилиш жараё-

нига бошқаларни ҳам жалб қилади. Хуллас, у ҳар томонлама корпорация раҳбарлигига лойиқ!

– Гапингизда жон бор, гапни чувалаштирмасдан тезроқ ростгўй, одамохун, ҳалол одамни кўтариш керак! – деди бошқаси. – Уммат Полвонович бу лавозимга кўтарилса, турган гап вазият анча ўнгланади, ишда жонланиш бўлади. Уммат Полвонович кўзи тўқ одам. Кўзи тўқ одам хазинага кўз олайтирмайди, ҳар хил қинғирликларга бормайди.

Албатта, бу гаплар мен орқали қайнатамнинг қулоғига бориб етди. Лекин у ўзини бу гаплардан тасодифан воқиф бўлганга солиб:

– Қўйинглар, мени қийнаманглар! – деди икки кўлини баланд кўтариб. – Бек Турсунович эшитсалар, бу ишларни шу уюштирган деган хаёлга борадилар. У киши устозимиз, ахир! Устозга қарши бориш отага қарши бориш билан баробар. Бу маломатларга мени дучор қилманглар, барака топгурлар.

Кўпчиликнинг гапи гап-да.

– Сафсатани қўйинг, – дейишди унга, – бунақа пайтда устоз шогирдга йўл бериши керак. Шундай қилса, биринчидан, ўзининг обрўйини сақлаб қолади, иккинчидан, корпорация шаънини. Сиз ёлғизман деб ўйламанг, биз қаватингиздамиз, – ишонч билдиришди улар. – Бек Турсунович ҳам буни тушуниши керак.

– Нима қилсаларингиз қилинглар, – ёлғондакам оёқ тиради Уммат Полвонович, – мен бунга қаршиман! Эртага бир гап бўлса, бошим ғавғодан чиқмай қолади.

– Андишанинг номини кўрқоқ дейдилар, – рostaкамига ҳужумга ўтди кўпчилик. – Ҳамма ўз жойини билиши лозим. Сиздайлар четда қолиб кетаётганларингиз боис, ишлар ўнгланмаяпти. Битта бизда эмас, бошқа жойларда ҳам аҳвол шу! Ноғорачиларга албатта сурнайчи раҳбар. Ахир, сиз ишни нолдан бошлагансиз, соҳамизнинг миридан-сиригача биласиз.

Мен камтарлик етар деган ишорани берганимдан кейин Уммат Полвонович кўнгандай бўлди.

– Э, ўзларингиз биласизлар, – деди у қўл силтаб. – Менга барибир, қаерда бўлса ҳам мен ишдан бошқасини билмайман...

Акциядорлар йиғилиши бошланганда, ҳаммаси ҳал бўлган, бу йиғилиш шунчаки расмиятчилик эди, холос.

Бек Турсунович бошини ҳам қилиб турар, унинг ҳорғин кўзлари ич-ичига чўккан. Бу ҳол қандай юз берганига ҳали-ҳали ақли бовар қилмас, ҳар замон-ҳар замонда шубҳали тарзда Уммат Полвоновичга ўгринча қараб кўярди. Уммат Полвонович эса, ғолиб саркардадай бошини орқага ташлаган, қарашлари тетик, қувноқ кайфиятда кўкрак кериб ўтирарди.

Номзодларга берилган овозлар эълон қилинганда, ҳамма қайнатамни табриклай кетди.

Бек Турсунович ҳам юзига мамнунлик тусини берди ва рақибининг қўлини сиқиб табриклади.

— Энди нима қиламиз? — деди қайнатам раҳбарлик курсисида чайқалиб.

— Режа режалигича қолади, — дедим мен. — Энди омбордаги молларни бозорга чиқариб, нархни ҳам озгина тушираман. Ана ундан кейин томошани кўрасиз. Харидорнинг оёғидан нам ўтган эмасми, ўзини бозорга уради. Олдинлари эҳтиёжига яраша олган бўлса, энди кўтарасига ёпишади. Чунки у “бир чиқди, яна чиқмай қолиши мумкин” деган хаёлга боради. Қарабсизки, бир ой ичида барча молларимиз сотилиб, даромадимиз минг чандон ошади.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Сиз-чи?

У бир оз кўзимга тик қараб турди-да:

— Сиз балосиз! — деди. — Бўпти, ишга киришинг! — Кейин эсига бир нима тушдими, мени тўхтатиб сўради: — Хизматларингиз эвазига мендан ҳеч нарса сўрамадингиз?

— Орамизда сеники-меники борми?

У менга иккинчи бор қойил қолди:

— Баракалла!..

Тоғам қароримни эшитиб тутақди:

— Нега ўзинг раис бўлиб олмадинг?! Одам ҳам ўз товоғидаги гўштни бошқага берадими?

Мен елкам билан кулдим:

— Э, тоғажоним-а! Ҳаққини бировга бериб қўядиган ландовурга ўхшайманми? Хўш, ўша қайнатамнинг топгани кимга қолади?

— Қизига.

— Ҳа, ўлманг! Қизи кимнинг қўлида?

— Сенинг.

— Шундай экан, яна менга нима керак?.. Кўрдингизми, ҳеч нарса ютқазганим йўқ. Шунинг учун ундан ҳеч нарса талаб қилмадим ҳам. Қайнатам мен учун жамғармадай гап!..

Тоғам ўйчан ҳолда жим бўлиб қолди. У шу лаҳзада нафақат қайнатам, балки ўзининг қисматини ҳам кўз ўнгидан ўтказди. Унинг кўзлари қисилиб, лаблари қалтиради:

— Мен бу томонини ўйламабман.

— Шунақасизлар-да, бир томонлама ўйлайсизлар.

Мен буни тоғамга ҳам тегишли қилиб гапирдим ва ичимда ўйладим: “Сиз ҳам, қайнатам ҳам сичқоннинг ўзи, қопқондаги емакдан бошқа нарсани кўрмайсизлар. Агар емакка тегинсам, қопқоннинг лаппаги жонимни олади-ку, деб ўйламайсизлар. Ўзларингни ақлли ҳисоблайсизлар, аммо сизлардан ҳам ақлли одамлар бор. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил деганлар. Ана шу шер — менман!”

Дежам иш бергандай бўлди.

Бошланишида маҳсулотларимиз бир маромда сотила бошланди-ю, кейин бирдан авжи пасайди.

Бозор ораладим. Бизникидан бошқача маҳси-ковушларга кўзим тушди.

Суриштираман, нархи бизники билан тенг бўлса-да, янги молнинг кетиши дуруст дейишди.

Рақобатчи корхонани синдириш учун маҳсулотларимиз нархини туширдим. Фойдани пул айланмасидан оладиган бўлдим.

Яхши натижа кутган эдим, акси бўлиб чиқди.

Маҳсулотларимиз умуман сотилмай қўйди. Сабаби – нархи тушганида дейишди. Тўғриси, бунга ҳайрон қолдим: одамларга арзон мол керак эмаскан-да?!

Ҳамкорлардан бири билан суҳбатлашдим.

– Харидорлар айниб қолди, – деди ҳамкор.

– Нега?

– “Бир балоси борки, нархини туширишган”, деб ўйлашяпти.

– Энди нима бўлади?

– Энди текин берсангиз ҳам олишмайди. Бозор қонуни – шу.

44

Майтавамга қурт тушди.

Турган жойимда зир югурдим.

Мен кирган кўчанинг боши берк экан.

Мен хатога йўл қўйдим.

Хатоим – билимсизлигим эди.

45

Мен ҳаётнинг гоҳ кенг, гоҳ тор сўқмоқларидан юриб, ҳар қандай одам орзу қилиши мумкин бўлган бир минора тикладим. Лекин мен тиклаган миноранинг пойдевори бўш экан, аста-кейин бир томонга оғди.

Қиш қуруқ, баҳор серёгин келди.

Қишлоқдан келган хабар нохуш эди.

Мўмин подани Баландқоя томон ҳайдаб, жалада йўлиқибди ва сел қўйларни дарага оқизиб кетибди.

Жала тингач, беҳуш Мўминни қўшни отар чўпонлари топиб олишибди.

Офат. Табиат офати, бир нима деб бўладими?

“Келган бало шунга урсин”, деб ўзимга таскин бериб турганимда, бу ёқда бошқа офат: харидор ва ҳамкорларимизни йўқотиб ўтирибмиз.

– Бу ёғи қандоқ бўлди, мулла? – деди Уммат Полвонович юзимга қарагиси ҳам келмай.

Мен, мурвати ишдан чиққан аппарат чироғидек – кўзларим пирпиради.

Кўчанинг гапидан нари ўтолмадим.

– Бузоқнинг юргани сомонхонагача экан-да? Сизга ишониб...

Уятдан бўзариб, ташқарига чиқдим.

Наҳотки шунча ҳаракатларим сомонга айланган бўлса?

Бу ҳолимга тоғам нима дейди?

Гуркираб кетганимга шубҳа билан қараган отам кулармикан ё йиғлармикан?

Бу гап қишлоққа етиб борса, неча пуллик одам бўламан?

Кўника бошлаган ҳаётимга яна қайта олармиканман?...

Бу саволлар қўйларни оқизиб кетган сел каби мени ҳам оқизадигандек. Саволлар тазйиқи остида ич-этимни еб, ўзимдан бошқага ёқмаган орзуларим ҳақида хаёл сурарканман, яхши кунлар ҳали олдинда, бу бир синов, дея ўзимга тасалли бердим ва хаёлимдаги тушкун фикрларни бемаъниликка йўйдим.

46

— **Б**из боши берк кўчага кириб қолдик, — деди Уммат Полвонович эр-таси куни яна чақириб. — Рақобатчи қўшма корхона раҳбари бизга ҳиммат кўрсатмоқчи.

— Қанақа ҳиммат? — деб сўрадим.

— Бизнинг бор-буд мулкимизни тасарруфига олмоқчи. Бу жон сақлаб қолишимиз учун бирдан-бир чора.

Бу таклифни қабул қилгани ғурурим йўл бермади. Ҳиммати баланд раҳбар билан учрашишга қарор қилдим.

47

Эшикдаги ёзувни ўқиб, юрагимнинг уриши тезлашди.

Ичкарига киргандан кейин юрагимнинг уришини ўзим эшитдим.

— Келинг, марҳамат! — дея менга пешвоз юрди бошлиқ.

Тилимга тугун тушди. Чунки... чунки қаршимда, Мўминнинг дўсти — математиканинг кучини жон-жаҳди билан исботлашга уринадиган жингилдилик Ёрлиқул турарди.

У ҳам мени таниди.

— Уммат Полвонович билан келишдик, — деди ўтиришга таклиф қилиб. — Молиявий аҳволларингни ўргандим ва сизларни ўз тасарруфимга олишга қарор қилдим.

Мен унинг қаршисида илон авраган бақадек сеҳрланиб қолгандим, тилимга тушган тугун ҳам ҳадеганда ечилмасди. У давом этди:


— Ҳисоб-китобда ҳикмат бор. Назария билан амалиёт қовушган жойда тараққиёт бўлади. Илм катта куч, илмсиз ҳаёт бир жойда тўхтаб қолади. Мўминни ҳам бу ёққа олдирмоқчиман, у қобилятли йигит. Сизга ҳам иш берардим-у... майли, ўйлашиб кўрармиз...

Ёрлиқулга эътироз билдира олмадим, унинг салобати босган эди.

Илмли одамнинг салобати бошқача бўларкан.

Бўйим Ёрлиқулникидан баланд бўлса-да, унинг олдида ўзимни жуда кичкина ҳис этдим. Гўё бўйим унинг киндигидан келарди.

ШЕЪРИЯТ



Огаҳий

МУСИҚИЙ ДОСТОН



Комил Аваз

Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўгли Огаҳий
таваллудининг 200 йиллигига бағишлайман.

Муаллиф

Огаҳийнинг уйи. Шамчирок ёғдусида шоир ёлғиз ўз хаёллари билан банд.
Танбур ижросидаги «Тани мақоми сеғох» куйи билан Огаҳийнинг «Ёлғуз» ғазали
олисдан эшитилмоқда.

Агар бу эрса ёлғузлик ғамиким ман чекибдурман,
Илоҳи бўлмасун олам аро куфр аҳли ҳам ёлғуз.

ОГАҲИЙ:

Олтмиш учдан ўтди ёшим, водариғ,
Сарҳисобга чорлар шуур туну кун.
Ёруғлиғинг фақирдан тутмағил дариғ,
Пажмурдайи аҳволдадурман бугун.

Қўшиқ баландроқ эшитилади.

Тааллуқ таркин айлаб эмди тутғил ўзни осуда,
Қачонга тенгру чеккунг, Огаҳий, мунча алам ёлғуз?..

ОГАҲИЙ:

Не замонлар ўтди зиндалиқ даври,
Мироб эрдилар Эрниёзбек отам,
Уч ёшда қолганман отадан етим.

Амаким Мунисга ўғил қилдило –
Шермуҳаммад отлиғ мироби Хива.
Эъоз айларди уни аҳли шуаро,
Аҳли уламою, аҳли фузало.
Забардаст шоири замон қўлида
Олганман тарбият, илми муаддаб,
Ихлосу эътиқод менга шан эрди,
Шоир хонадони ким ватан эрди.
Устим бут, меҳрга мойланган ноним,
Ваким, илк устодим, амаким-жоним.
Ўргандим муомала, адаб, ҳар нени,
Мадраса қатнадим, танидим илмни.
Дедимким: Умрнинг лаззати илм,
Донишлик, мартаба иззати илм.
Тафаккур махзанин ёритгувчи нур –
Илму урфон бамисли чироқ,
Илмдан фалак ҳам бўлар яқинроқ.
Ва, яна, дедимким: Чанқоқлиғимдан,
Э, келди фунуну илм таслим санга,
Қилмоқ манго лозим ўлди таъзим санга,
Гарчи йўқ эди қувват аёқимда, вале,
Келдим бош ила олғали таълим санга.
Оллоҳ бермиш илм нурун одамга,
Илм ёймиш юрт доруғин оламга.
Ал-Хоразмий, ал-Берунийга таълим
Берган азим муқаддас эл, замин бу,
Илмдан тараққий этмиш замон бу.
Илм олинг, илм олинг, эй бахтли авлод,
Шундан бўлғусидир бу маъво обод.

Муסיқа жарангдор янграб, пасаяди. Тубандаги мисралар речитатив¹ услубда айтилмоғи мумкин.

Илк ашъор битганим, ҳаяжонли, шавқли кунларим,
Шермуҳаммад амаким – Мунис Хоразмийга
Кўрсатишга ийманаман, уяламан.
Ва, ниҳоят, эгдим журъат.
То амаким ўқиғунича қайтиб турди
Нафасим буткул.
Кўриб турдим, нурланиб борди,
Юзу кўзи шоир замоннинг.
Матризо деб ном берганим битикларимга
Табассум ила:
«Алинг хўб галишиб қолибди болам,
Кўп ўқи, кўп машқ этгин.
Иншооллоҳ, шоир бўлув салоҳият,

¹ Речитатив – баъзи бир музика асарларининг, асосан, операларнинг муҳим бир қисми – кўй билан ёки қисқа оҳангда айтилаётган сўзлари.

Кўриниб турибди, тўхтатма зинҳор,
Рушд осорилиг бор ғазалларингда,
Рухингни туширма қўл келмай қолган
Маҳалларингда.

Оқ йўл тилади, таҳаллусим Оғаҳий айлаб.
Рухафзо сўзлари шоир замонинг
Рухъятул-қамару, шихоб, шамснинг
Шуаро сафига тортди фақирни...

Муסיқа кучаяди.

Ўн етти ёшимда сипоҳий бўлдим,
Ҳарб таълимининг гувоҳи бўлдим.
От миниш, қилич сермаш,
Ёвни енгмоқ хунарин олдим.
Огоҳ бўлдим сиёсату, не саваш,
Ватанни – шул азиз тупроқни севиш,
Ардоқлаш ҳикматин туйдим юракдан.
Фараҳли кунларга қадам-бақадам,
Мушибат юаркан ёнма-ён, ҳамдам.
Йигирма ёшимда синди қанотим,
Вабодин кўз юмди амакизодам,
Юрак тафтин берган Мунис ул отам.
Пири муршид кетди эллик бир ёшда,
Не кўргулик бор яна бу бошда?!
Дунё кўзларимга қоронғу бўлди,
Емишим заққум – захри оғу бўлди.
Эмди не ҳол бўлғай «Фирдавс ул-иқбол»
Илм маҳзанининг битмас давлати –
Одам Атодин то шу кунга қадар
Таворих не бўлғай, битик не бўлғай,
Итмомиға ким еткурур они,
Чиқарму ё яна илм султони?

Муסיқа жарангдор янграйди.

Ҳарбда юравердим янада жадал,
От чопдим то иков терга ботгунча.
Тез аро хон ҳазрат – Оллоқулихон,
Фармон ила этди менинг олий рутбам ҳал –
Мироб бўлдим Мунис дойим ўрнига.
Дағи Ҳазрат топширди чўнг вазифа:
«Тамом эт, «Шоҳид ул-иқбол»ни», деди.
Ҳам мироблиғ рутбаси, ҳам тарихга
Даъватидин хоннинг бошим кўк қадар
Юксалди. Бу янглиғ ишонч ҳар кимга
Насиб этмамишдур йигит ёшида.
Ўзинг қўлла, неки, тушса бошимга,

Тақдири Ҳақ, ёзғит ила бўлғувси,
Суянчим ҳам, юпанчим ҳам Ўзингсан,
Топмиш борлиғим ганжим ҳам Ўзингсан!

Муסיқа жарангдор янграб, пасаяди.

Замон тезоблиги, умр шиддати,
Ўз оқимиға тортди дамодам.
Бир ёнда мироблиғ, бир ёнда ижод,
Сув тошар, пасаяр, китоб муддати,
Никталаб чоптирар, ҳисоб сўрар хон,
Нафас ростлашгаям бермайин имкон.
Барибир, ҳаётнинг оқим қонуни,
Талаб, эҳтиёжи бисёрдан-бисёр.
Муҳаббат ағалмиш ҳукмдор ҳукми,
Қулок қўймас на қилич ва на дорға ҳам.
Муҳаббат юракнинг сирли сандиғи –
Армон бўлиб қолган олис муҳаббат.
Санамжон бу тунда келмиш ҳаёлға,
Сарвиқомат, гулбадан нилий ҳилолға.
Қандай жозиб муҳаббати бор эди унинг,
Нечоғ жасоратли қалби бор эди унинг?
Нурафшон матлаби, олам қувончи
Уфуриб турарди шалола янглиғ.
Юрак отабини буткул дард эрди,
Малакким, не малак, далер мард эрди.

Шу пайт, олисдан «Феруз-1» қўшиғининг авжи ва охири эшитилади.

Хоки танинг барбод ўлур, охир жаҳонда неча йил,
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуриб бод устина.

Не журъат ила Огаҳий очқай оғиз сўз дергаким,
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зори ношод устина.

Огаҳий хаёлида Санамжон гавдаланади ва речитатив услубда давом этади.

Уни хароб этди менинг андишам,
Ҳавлларим ўчирди дил ховурини.
Шошиб келди бир гал қайдан билибман
Охирги учрашув эканин, э воҳ?!
Ўзини ташлади бағримға шундоғ,
Тўхтатдим, дедимким, вазминлик ила:
«Никоҳ била етурмизким биз висолға».
Ҳайратдан лол қолди бир нафасгина жим
Ва суғурилиб қучоғимдан чиқди аста,
Бош солганча сингиб кетди шомнинг бағриға.

Ноҳақлик қурбони бўлдинг, Санамжон,
Бир гулинг очилмай сўлдинг, Санамжон!
Мен бахти қарони кечир!

Шу пайт, олис-олисдан Санамжоннинг куйлагани
эшитилади.

САНАМЖОН:

Токи тушди ишқ барқидин дили маҳзунга ўт,
Ҳар нафас оҳим шароридин тушар гардунга ўт.

Шеъринг ўлғой, Огаҳий, ишқ аҳлига муздин совуқ,
Дард ўтидин бўлмаса, махлут агар мазмунга ўт.

ОГАҲИЙ:

Речитатив услубда, ўйчан

Шеъринг ўлғой, Огаҳий, ишқ аҳлига муздин совуқ,
Дард ўтидин бўлмаса, махлут агар мазмунга ўт.

Санамжон! Мен ҳам шунда ўлиб кетсам,
Яхши бўлармиди муродга етсам?!

Қўллари қон келди отанг саройга,
Машварат расмини вас-вайрон этди,
Сенинг ўлимингдан дил хайрон этди.

Мени қотиликка босабаб этди отанг,
Мени беномуслиқда айблади отанг.

Ўша пайт, хон қароргоҳида бўларим бўлди,
Тик қарай олмадим сира Ҳазратга.

Қандай отилди дил сўзларим э воҳ:

Воҳким, яна зулмин аён этди фалак,

Бағримни ғам, ҳажр аро қон этди фалак.

Кўз йўлидин ул қонни равон этди фалак,

Охир манго кўрки, қасди жон этди фалак.

Сукунат, оғир жимлик

Даҳри дун айёрасиким, йўқ анго меҳру вафо,
Пешаси кину нифоку одати жавру жафо.

Йўқтурур асло ҳамул маккора қотил зотида,
Заррача раҳму мурувват, қатрача шарму ҳаё.

Қатл этар охир туман нокомлиг тийғи била,
Кимсаки бўлмиш онинг қайди ғамига мубғало.

Бу жаҳон вайронастиким, онда роҳатдур адам,
Маскан этмишдур они хайли ғаму фавжи алам.

Огаҳий, чиқ ондину фақру фано йўлига кир,
Даҳр аро бўлмай десанг гар мубғалойи банди ғам.

Речитатив услубда, ўйчан

Ўша кун саройда бўлди қиёмат,
Қон бўлди «Дишон қалъа» девори тархи,
Англиз элчиси ила машварат,
Сенинг ўлиминг-ла қоришиб кетди.
Муфти менга кўп ёмон тухмат этди,
У ҳам қонинг ила белади мени.
Фақат ҳақ жойини топди,
Равшан бўлди сенинг бегуноҳлигинг,
Менинг порсолигим этдилар аён.
Лекин, мен, айт, бошим урай қай томон?
Қаттиқ жазосини олди муфти ҳам,
Қушбеги бадкир ҳам бўлди зиндонбанд!
Барибир, ҳеч бири сенинг йўқлигинг
Ўрнини босолмас, токим, тирикман,
Виждоним азобда, воҳким, тирикман!

Сукунат, оғир жимлик

Дарвоқе, англиз элчиси Аббат,
Ўрислар йўлини кесайлик, деди,
Дўстликка шартнома тузайлик, деди.
Йиллар ўтиб хоннинг дудамоллигин
Англадим, англизми ва ёки ўрис,
Барибир, қай бири юртни олса ҳам
Ўтказар ўз забтиң, ўзин хоҳишин.
Офатнинг келувин англамоқ мушкул,
Билмассан, қай йўсин кулиб боқишин,
Нияти яхшидай савдо баҳона,
Кейин ҳар лафзида ул тона-тона,
Офат хилъатида келмишдур ёвуқ.
Барибир, ҳозир ҳам шу фикрим, фикр,
Исботи кундаин равшандир бугун.
Ўрис босиб олди табаррук элни,
Вайрон этди қалъа деворларини,
Энди не кечар ёблар, соқалар,
Вайрон бўлар шундайин ҳам вайрон ёқалар...

Речитатив услубда давом этади.

Хаёл ҳам кўп ажиб, тезоб воқуъдур,
Баякбор шу кунлар келди хотири хутуримға.
«Дишон қалъа» девори битказилган йил
Бақога кетганди Оллоқулихон.
Кўп закий, ишнинг хўп кўзин билгувчи
Фуқаропарвар эди раҳматли.
Ул Олий зот буйруғи ила биткарган эдим,

«Фирдавс ул – иқбол»ни Худоба шукур.
Ва, яна шукурким, кўп вақт ўтмай,
Ул зотнинг даврига бағишлов бўлмиш
«Риёз уд-давла»ни ҳам этдим тамом,
Минг қатла шукур!

Қўшиқ оҳангида

Хонлар ҳам, хонлик ҳам турли-турлича,
Қон тўқар аямай кимлар тахт учун.
Он ҳазрат ўлган кун бўлди айрича,
Ўғиллари – Раҳимқули ҳамда Мадамин,
Бир-бирин сийлади, аркони давлату
Халойиқ тан берди оға-инининг,
Мураса-мадора, ҳурматлариға.
Ибратли хонадон ҳимматлариға –
Раҳимқули Мадаминни хон бўлсин деса,
Мадамин: «Йўқ, оғам хон бўлсин», деди.
Раҳимқули хон бўлди, катта фарзанд-да,
Умри қисқа экан уч йил ҳам ўтмай,
Кемада ғарк бўлди Амударёға.

Бировға

Озор бермай кетди ул чин дунёға...
Ўрнига укаси Мадамин хон кўтарилди,
Элга яна кўп файзу барокат инди.
Бирлашиб ободлиғ йўлида тинмай
Жонбозлик кўрсатдик, вале, қаршимда,
Билмабман, чўнг офат турғон эканин.
1845 йил... айна кучга тўлган вақтим,
Ёшим ҳам қирқ олтида эрди... Сув танқислиги,
Беҳаловатлиғ, уйқусиз тунлар... От ҳам беҳад
Ҳорғинлаганму экан... йиқилдим ёмон...

Бедов отнинг қаттиқ, оғриқли кишнагани эшитилади.
Муסיқа кучайиб, пасаяди. *Оғаҳий* речитатив услубда

Аввал унча билинмади. Кейин-кейин оғирлашди
Юришим. Синган оёғимга қўйди-да малҳам:
«Яхшиям омон қолибсан», дедилар,
Табиби ҳозиқ.
Шукурким, тугамаган экан насиба...
Э, несини айтай, кўп оғир эрди ул кунлар,
Оёқ оғриғи, боз уйқусиз тунлар...

Сукунат

Рухсат бермади хон ишдан мосуволикқа,
Шўнғиб кетдим яна сув – миробликқа...

«Зубдат ут-таворих» Раҳимқулихон
Тарихи битилган китобни ҳам рақам этдим.

Сукунат

Эсимда, икки йилдан сўнг хон ҳазратлари
Мадаминхон ила борганимиз Кўҳна Урганчга.
Хон бош-қош бўлди тоза ёб қазилишига.
«Хонобод» деб номладик, янги қазилган ёбни.
Узоқ ўйладик бул ёбнинг шаклу шамойилин.
Хивада кўрсатдик тархининг мусаввадасин.
Андин сўнг олганмиз хоннинг ризосин.
Кўҳнанинг ҳокими кўп яхши одам эрди.
Жонбозлик кўрсатди қазув чоғида
Ва бизга илтифот, марҳамат, иззат.
Анинг ҳам сайлари бежиз кетмади.
Ҳам тушди ўрнига хоннинг аъмоли –
Сарф-харажат аямади ҳазрати олий.
Бул ёбнинг шарафи ила Кўҳна жамоли
Очилмиш баайни – чун турфа мевали
Тоза боғлар барпосига ҳиссаси кўпдир.
Соҳиби сарир Мадаминхондан
Ёдгорлик қолмишдир қадим Кўҳнада.

Фараҳбахш мусиқа кучаяди.

Мироблиғим даврида янги каналлар қазилди,
Полвонёпнинг янги боши – Тошсоқа қурилди,
Дарёлиқ тўғони, Бўзёп, Шўраҳон ёбларининг
Қайтадан тикланиши ҳамда таъмири
Хоразмнинг суғорув истикболлари,
Келажаги ила боғлиқ не-не аъмоллар
Этилдиким, бундин менинг кўнглум тўқ,
Дилим нурафшон.

Фараҳбахш мусиқа кучайиб, пасаяди.

Йиллар ўз ҳукмини ўтказмиш, ажаб,
Хасталиғим кучайиши, баробарида,
Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарин,
Астрободийнинг «Тарихи Нодирий» тарихин.
Восифийнинг «Бадое ул-вақое» китобин
Таржима қилдим форсийдин...
Муҳаммад Аминхон ҳукмрон даври
Тарихи акс этган китобот битдим –
«Жомеъ ул-вақоети султоний».

Мусиқа ўзгаради.

Бахту бахтсизлик ҳам эгизак фарзанд,
Мисоли гоҳ шодсан, гоҳида маҳзун.
Худога нимамки ёқмаган экан,
Майиблигим етмаганидай, ё раб,
Шогирдим, дилбандим Ёқубхўжадин
Айрилиқ кўксимда чиккусиз дарддур,
Шул боис, фарёдим, нолам беададдур.
Шогирдмас, хушхулқ фарзандим эрди.
На фарзанд эрди, отадик раҳим,
Бу маъни бирла қолдим ман ятим...

Йиғлайди.

Билингирмас эрди... ўгилсизлигим...
Ўгилсизлик ичра... кўнгулсизлигим...
1857 да хасталигим авжланди анча,
Истеъфога чиқдим бош мироблиғдин.
Мутаржимлиғ, тарих битиш бўлди муяссар.

Речитатив услубда

Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоки Муҳсиний»,
Ғиждувонийнинг «Мифтоҳ ут-толибин» китобини,
Ризоқула Ҳидоятнинг «Равзат ус-сафо Носирӣ»,
Муҳаммад Юсуф Муншийнинг «Тазкираи Муқимхонӣ»,
Низомиддин Ҳиравийнинг «Табақоти Акбаршоҳӣ»,
Саъдийнинг «Гулистон» асарини таржима этдим...
1864 да Бобожон тўра – Муҳаммад Раҳим
хон бўлди, Муқаллабин Феруз деб эдим.
Оннинг тахт соҳибни бўлмиши боис,
Икки юз мисралик «Огоҳнома» бағишлов битдим.
Бир йил сўнг «Таъвиз ул – ошиқин» девонини тузиб,
Тугал ҳолга келтирдим ҳисоб.
Шу йили Ферузнинг отаси, марҳум хон ҳазрат –
Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлиги даври
Тарихи мужассам – «Гулшани давлат»ни
Ҳам рақам этдим.

Фараҳбахш мусиқа кучаяди.

Умрим биносида саккиз хон кўрдим.
Бариси ҳукмрон бўлган йиллари
Авжланди наволар, битилди абёт,
Қурилди нечалар мадраса, масжид,
Дағи миноралар этилди бунёд.
Юрт бўлди обод.
Улли Мадримхондан қолмиш ёдгорлик
Бир китоб саҳфига сиғмайди алҳол:
Паҳлавон Маҳмуднинг мақбарасини

Тиллар лол қолгудек кўп ҳашам этди.
Қалта кўк минора Мадаминхондан
Кўрк бўлиб қолди Хивага шундоғ.
Ва, ажаб, бобоси Мадримхондан
Полвон пир қабри эрсаким ёдгор
Анинг нақшин зийнатлари ҳазратга ихлос,
Оллоқулихон эътиқодин инъикосидур.
Ҳам улкан ёдгорлик «Дишон қалъа»нинг
Маҳобатли улкан девори қолди.
Ўзидан Муҳаммад Аминнинг эса
Кўк қалта минор қолди авлодларга мулк.
Мен яшаб келмишим асносидаким,
Феруз саккизинчи тахт ҳукмдоридир.
Хафтада икки кун саройга муқим
Тўпламиш соз аҳлин, аҳлин уламо,
Жаранглар «Феруз-1», «Феруз-2»лар,
Шуаро мушоирада бандурлар мудом.
Иншоолоҳ, элнинг маъни-маърифати
Юксалгусидур кўк тоқи қадар.
Бу сулола тавсифин этиб,
Келдим шундай хулосага ҳам:
Ҳукмдор нигоҳи худди шамчирок,
Оддий назарлардан фарқли ўларок,
Жуда узоқларни кўрмоғи лозим.
Мен кўрган хонларнинг фарзандлари ҳам
Аксари фозилу аржумандурлар.
Шунинг-чун дерларки, гар Тангри берса,
Ушбу уч нарсани мукамал берсун:
Фарзанд берса, саодатманд этиб берсун,
Бўлмаса бермасун.
Бойлик берса, ишлатмакка ал билан берсун,
Бўлмаса бермасун.
Илм берса, амали ила берсун,
Бўлмаса бермасун одам боласига.
Яхшилик тиласа Тангри қай халққа,
Анинг подшосига билим беради
Ва илм аҳлига юксак мартаба,
Амрини шоҳона этиб беради.
Ровийлар айтмиши ушбу ҳикматда,
Бир олам маъни бор, токи, раббил юрт
Оқил ва донолиги жуда улкан бахт,
Анинг-ла зеблидур ул ўлтирган тахт.

Мусиқа ўзгаради.

Умрим охирламай, толиқмай, алҳол,
Яна шўнғиб кетдим мутаржимликқа.
Кўникиб қолдимми ёлғуз, жимликқа,
Китоблар ҳамдамим, ҳамрозимдурлар,
Аларни санамок ҳам лозимдурлар.

Речитатив услубда

Муҳаммад Жузулийнинг «Далойил ул-хайрат»
Асарин усмонли турқдин таржима қилдим.
Муҳаммад Вориснинг «Зубдат ул-ҳикоёт» ин форсийдан,
Кайковуснинг «Қобуснома» син ҳам ўгириб,
Низомий Ганжавийнинг «Ҳафт найкар»ини ҳам
Таржима айладим баҳоли қудрат.

Муסיқа ўзгаради.

Кўп уруш, жанжаллар гувоҳи бўлдим,
Қолдим кўп тухматга, эътирозларга.
Шерик бўлдим кўп андиша, розларга.
Э Тангрим, бирор кун ҳаддимдан ошиб,
Ҳаромлиг йўлига солмадим бошни,
Дедим, бир ғазалда чидолмай гап-сўзларга:
Ер юзида, Огаҳий, чун йўқ санга бир кулча ер,
Барча умрингда на ҳосил айласанг мироблиғ.
Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра,
Қаноат айлаким ул рутба осори қаноатдур.
Ва лекин бу кунлар кўп оғирдурур –
Босқинчининг зулми, толон – яғмодурур.
Тўзим берсун элга, юртга илоҳим,
Яхши кунлар келмоғига уммедим бисёр,
Иншооллоҳ, эрклик, ҳурлик бўлғувсидур ёр.
Иншооллоҳ келар фараҳбахш кунлар,
Яшарсиз ҳурликда, доруломонда,
Билмайин қайғу не бахтли замонда.
Шунда мен фақирни айларсизлар ёд,
Рухим шод этарсиз эй бахтли авлод –
Ваким, мен сиз билан боқийдурман,
Сизларга бахт тилар Огаҳийдурман!

Муסיқа кучаяди.

Тамом



Жўра Фозил



УФҚ ОРТИДАГИ МАНЗИЛ

Ҳикоя



Ҳаво жуда иссиқ, шунчалар иссиқ эдики, димиқиб дод демоқчи бўларди.

Юраги эса жуда совуқ, шунчалар совуқ эдики, фарёд қилгиси келарди. Ва у дод-фарёд қилар, лекин ҳеч қандай акс-садо эшитилмасди.

Вафо иккита кўрпача ва бир болишдан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган нимқоронғу хонада қанча ўтирганини билмасди. Бир кунми, бир ойми, бир йилми?..

Ниҳоят, у кўчага чиқди. Кимнидир кўргиси, ким биландир суҳбатлашгиси келарди.

Чошгоҳ қуёши аямай олов пуркар, ҳар доим гавжум бўладиган катта кўча кимсасиз, ҳувиллаган эди. Кўчанинг икки четини тўлдирган дўкон, ошхона эшиклари ланг очик, лекин уларда бирор тирик жон кўринмас, ҳатто сув, писта сотувчилар ҳам қаёққадир ғойиб бўлишганди.

Вафо жуда ҳайрон бўлиб, нариги кўчага ўтди. Бу ерда ҳам турнақатор уйлар, расталар, гулзорлар бир қарашда тирикдек кўринса-да, ҳаёт шарпаси сезилмасди.

Вафо шаҳарнинг ҳамма кўча, хиёбон, боғларини кезиб чиқди. Ҳеч ким йўқ! Унинг юрагига ваҳима оралади. Бу не сир-синоат? Ҳатто бозорда ҳам, гарчанд барча расталар мева-чева, кийим-кечак билан тўла бўлса-да, одамлар кўринмасди. Бутун бошли шаҳар эгалари дарвозага қулф уришни унутиб, аллақайёққа чиқиб кетган-у, ҳадеганда қайтмаётган ҳовлидек ҳувиллаб қолганди.

Бирдан Қуёш юзини булут галалари тўсиб, гармсел эса бошлади. Қўланса ҳиддан Вафонинг димоғи ёрилгудек бўлди. Шундагина у шаҳар чеккасидаги ахлатхонага келиб қолганини англади. Ҳар доим тиланчи, лўли ва дайдилар изғиб юрадиган бу ер ҳам жим-жит.

Вафо нима бўлди экан дея, зўр бериб ўйлай бошлади. Демак, у уйдан чиқмай ўтирганида нимадир содир бўлган-у, ҳамма шаҳарни тарк этган. Ундай бўлса, тонгда қулоғига чалинган ола-ғовур қаердан эшитилган?

Осмонни қоплаган булутлар тобора қуюқлашар, ҳаддан ташқари дим ҳаво нафасни бўғар, атроф зулмат қўйнига ғарқ бўла бошлаганди.

Вафонинг уйга қайтгиси келди-ю, кейин яна ўйланиб қолди. Ахир, бутун шаҳар бўшаб қолган бўлса, уйда ҳам ҳеч ким йўқдир-да? Уйда одам бўлганида, уни огоҳлантиришмасмиди? Яна ким билади дейсиз? Кейинги пайтларда хотини ҳам, болалари ҳам унинг бор йўқлигини сезишмас, эҳтимол, сезишни исташмасди. Вафо бунга кўникиб кетганди. Шу тахлит у уйига қайтмасликка қарор қилди.

Ҳамма ёқни зулмат қоплаган, фақат Мағриб томондан ғира-шира нур кўриниб турарди. Вафо шу томонга интилди. У нурга интилиб, узоқ йўл юрди, йўл юрса ҳам, мўл юрди. Чарчоқдан оёқлари чалишиб, йиқилай-йиқилай дега-нида кўз ўнгида толлар қуюқ соя ташлаган салқин сарҳовуз пайдо бўлди. Узоқ вақт таъқиб этган қўланса ҳиддан халос бўлган Вафо яйраб кетди ва жуда чанқаганини ҳис этди. Ҳовузга энгашиб, ҳовучини муздек сувга тўп-дирди, хузур қилиб симирди. Ташналигини қондиргач, атрофга синчков на-зар ташлади. Бу ер ўша, ўзи туғилиб ўсган қишлоқ чеккасидаги дала шийпони-ку! Мана бу қари толлар, чинни тераклар унга жуда қадрдон...

У хаёлларини жамлаб олишга улгурмай, ортида шодон товуш эшитилди.

– Вафо! Наҳот сен бўлсанг?!

Майда гулли чит қўйлак кийган, бошига гилос рангидаги духоба дўппи кўндирган, сочлари қирқта ўрилган Муҳаббат шийпон айвонида кийқириб, чапак чаларди.

Вафо сесканиб, кўзларини юмиб-очди. Ё, Оллоҳ! Тушми бу, ўнгми?! Орадан ўтган шунча йиллар сурони наҳот Муҳаббатни қаритмаган бўлса? Ахир, у ҳозир неваралик бўлиши керак-ку!

– Муҳаббат? Бу ерда нима қилиб юрибсан? – талмовсиради Вафо. У ҳамон туш кўряпман деб ўйларди.

Муҳаббат секин оҳ чекди.

– Сен ҳамон ўша-ўшасан... Ахир, шийпон қоровулининг қизи эканимни унут-дингми?

– Унутганим йўқ. Ахир, сен Акрам бойваччага теккан эдинг-ку! – бу сўзлар Вафонинг юрагидан тирналиб, ситилиб чиқди.

– Ажаб бўпти! Хўп бўпти! Кеккаймаганингда сенга тегардим, севишимни билардинг-ку!

Муҳаббатнинг кўзлари кулиб турар, қирмизи ёноқлари буғриққанди. Вафо қизга тикилар ва ўзи қайси замонда, қайси маконда эканини ҳамон идрок этол-масди. Кейин у нима бўлса бўлар деди-да, қизга жавоб қайтарди.

– Сира кеккайганим йўқ. Сен ёлғон гапиришимни, хушомад, ялтоқлик қилишимни истадинг. Мен эса буни истамадим. Севгининг ўзи кифоя, хушомад ва ёлғонга ҳожат йўқ, деб ҳисоблардим. Ҳозир ҳам шу фикрдаман. Сен нафақат илк муҳаббатим, балки орзуим эдинг. Энг тоза, бокира орзуим! Мен бу орзуга Ҳақ йўл билан, Ҳақ йўли билан эришмоқчи бўлдим. Энди билсам, дунёи дуннинг барча гўзаллари ҳам хушомадни яхши кўришар экан. Наинки, гўзаллар, балки, хом сут эмган бандаларнинг барига хуш ёқаркан бу қилиқ.

– Ана, кўрдингми, – жонланиб кетди Муҳаббат, – мен барибир ҳақ эканман-ку! Ўшанда қайсарлик қилмаганингда, биз бахтли бўлармидик?..

– Йўқ! Ҳақ эмассан! Мен дунёнинг бошқа гўзалларига ҳам, ожиз бандаларига ҳам хушомад қилмадим... Ва қилмайман ҳам!

– Ҳа-а-а, – деди ўйчан алфозда Муҳаббат, – сенинг ёлғизлигинг сабаби менга энди аён бўляпти...

Бирдан атрофни яна зулмат қоплай бошлади. Муҳаббатнинг нурли чеҳраси, салқин сарҳовуз кўздан ғойиб бўлиб, Вафо ёлғиз қолди.

Момақалди роқ гумбурлаб, яшин тобора қуюқлашаётган қоронғулик қаърини бир зумгина чок этар, ўнқир-чўнқир, қаёққа олиб бориши номаълум йўл ўртасида туриб қолган Вафо нима қилишини билмасди.

Ниҳоят, яна Мағриб томонда, олис уфқда нур кўрингандек бўлди. Йўловчининг кўнгли ёришиб, ўша томонга қадам ташлади. Нур баъзи-баъзида «лип» этиб кўзга ташланар, сўнгра атроф яна зулмат қўйнига фарқ бўларди. Йўловчи эса қоқиниб-туртиниб, зўр-базўр йўл босар, нима еб, нима ичганини ҳам билмасди.

Шу тахлит узоқ йўл босди. Бир ойми, бир йилми, ўн йилми, буниси номаълум. Кунларнинг бирида атрофни қоплаган қоронғулик тарқаб, уфқда қирмизи баркашдек бўлиб Қуёш кўринди. Ажойиб, жуда фараҳли тонг отмоқда, лекин борлиқ ҳамон кимсасиз, бўм-бўш эди ва шу боис кун ёришса-да, Вафонинг кўнгли ёришмасди. У чор атрофни чароғон қилган Қуёшга қараб туриб хаёл сурарди. «Мана, Қуёш неча минг йиллардан буён нур сочади, ўз марҳаматини яхшидан ҳам, ёмондан ҳам дариғ тутмайди, олов нафаси билан асрий музликларни эритади. Лекин у ҳар қанча қудратли бўлмасин, инсоннинг муз юрагини эритолмайди. Бу музни фақат инсонгина эрита олади. Бошқа бирор жонзотнинг қўлидан келмайди бу иш!»

Вафонинг юрагидаги муз парчаси баҳайбат муз тоғига айланганига неча-неча йиллар бўлди. Лекин бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳатто энг яқинлар ҳам парво қилишмайди. Гўёки ҳеч нима содир бўлмаган, ҳамма-ҳаммаси аввалгидек, қулинг ўргилсин...

Йўловчининг кўнгли ёришмаган бўлса-да, чор-атроф мунаввар эди. Ниҳоят, олисда аввалига нуқтадек бўлиб бир нима ғимирлади ва у секин-аста шу томонга юриб келаётган одамга айланди. Хайрият-е, бу узундан-узоқ йўлда инсон зотини учратадиган кун ҳам бор экан-ку!

Йўловчи қадамини тезлатди. Ҳалиги киши танишдек кўриниб, юраги жизиллаб кетди. Ҳа, у адашмаганди. Рўпарасида дўсти, тўғрироғи, собиқ дўсти Содиқ турарди. Собиқ Содиқ Дўст!...

Кўз-кўзга тушди. Икковлари ҳам таққа тўхтадилар. Сўнгра совуққина ҳолаҳвол сўрашдилар. «Содиқ шунча йилдан бери қаерда юрган экан? Лоақал бирор марта йўқламади-я», – деган фикр кечди Вафонинг кўнглидан. Содиқнинг миясида ҳам шу хаёл чарх урарди. Йўл четидаги майсалар устига омонатгина чўкдилар. Содиқ хуржунидан нон, сув олди. Вафо шундагина у қаландар хирқасида эканини сизди, кўнгли алланечук бўлди. Ўзининг эгнида эса оқ кўйлак, нимдош қора шим, оёғида эски шиппак.

Улар жимгина нон кавшаб, сопол кўзачадан сув ичишар, суҳбат ҳадеганда қовуша қолмасди. Охири Вафо тилга кирди:

– Йўл бўлсин, Содиқжон? Қаерлардан сўраймиз? Ўзи сени кўрмаганимга ям юз йилча бўлди-ёв!

– Ҳе, шу, Машриқ томонга кетяпман. Бир куни тонгда уйғониб, кўчага чиқсам, ҳеч ким йўқ. Бутун шаҳар бўм-бўш. Ҳайё-ҳуйт деб йўлга тушдим. Неча

йил йўл юрдим, билмайман... Йўлда учратганим, биринчи йўловчи – сенсан... – чуқур хўрсинди Содиқ.

Вафонинг юраги орқасига тортиб кетди. Бу қанақаси? Ахир, улар бир кўчада яшашарди-ку! Наҳот бир-бирларини кўришмаган бўлса? У ҳам шаҳар бўшаб қолган куни йўлга чиққан экан.

Вафо хаёлига келган даҳшатли фикрдан чўчиб кетди. Бунда бир сир-синоат бор. Улар эҳтимол ёнма-ён юришгандир, лекин бир-бирларини кўришмаган. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. У ахир, Машриқ томонга кетяпман деди-ку! Мен, эса Мағрибга кетяпман. Демак, у кейинги йилларда бошқа шаҳарда яшаган бўлиши мумкин. Нима, бошқа шаҳарларда ҳам ҳеч ким қолмаганми?

У ўзини алдаётгани, юпатаётганини билиб турарди. Ҳа, улар бир умр ёнма-ён яшашди! Лекин кейинги йилларда кўришишни исташмади. Вафо дўстига яна бир муддат тикилиб турди, кўксининг олис бурчагида нимадир ғимирлагандек бўлди. Бу ачинишми, афсусми, ёинки бегонасирашми, номаълум. Ҳар-қалай, ўша муз тоғида қандайдир ҳаракат содир бўлгандек эди. Лекин бу биргина ғимирлаш улкан тоғни нима ҳам қила оларди? У аввалги лоқайд ҳолатига қайтиб, сўз қотди:

– Мен эсам Мағриб томон йўл тутяпман. Ўша, сен шаҳардан чиққан куни уй-имни тарк этгандим. Сен йўлда учраган иккинчи йўловчисан. Биринчиси ҳақида гапирмасам ҳам бўлади, мутлақо қизиги йўқ. Шунчаки, тасодифийми, хаёлийми бир мулоқот...

Шундан сўнг ҳар иккаласидан ҳам садо чиқмади. Улар хайрлашиб, ўз йўлларига равона бўлдилар. Вафо Мағрибга йўл тутди, Содиқ Машриққа. Иккови ҳам лоақал бир марта бўлсин, ортига қайрилмади...

Вафо ортига ўгирилмаган бўлса-да, собиқ дўсти ҳақида юраги қон бўлиб ўйларди. Улар орасига совуқчилик тушишига сабаб бўлган воқеа ҳамон ёдида турибди.

Ўшанда Содиқ ёғлиқина бир мансабга Вафо орқали ўтиб олишни мўлжалларди. Аслида, кимнингдир, қайсидир мансабга интилишини қоралаш жоиз эмасдир, эҳтимол. Лекин Содиқ мансабни эгаллаши учун Вафо виждонига хилоф иш тутиши – ёлғон гапириб, мунофиқлик қилиши керак эди. У дўстини ҳар қанча яхши кўрмасин, бундай қилолмасди. Чунки Содиқнинг рақиби ўша мансабга ундан кўра лойикроқ ҳисобланарди. Вафо дўстини эмас, уни қўллади. Содиқ мансабни эгаллай олмади ва дўстидан юз ўгирди. Тўғри, унга икки дўст ўртасида аччиқ суҳбат бўлиб ўтди.

– Наҳот ҳаётнинг оддий ҳақиқатини тушунмасанг? Ахир, гўр ёнса-да, қозон қайнасин деган нақлни эшитгандирсан-ку! – жиғибийрон бўлди Содиқ.

– Йўқ, эшитмаганман, – деди Вафо бамайлихотир.

Содиқ бўзариб кетди.

– Яхши. Сен билан ўз тилингда гаплашаман! Сен, ахир, файласуфсан, шу боис қулоқ сол: ғалаба, ғолиблик ҳар қандай йўл билан қўлга киритилиши керак! Тушунапсанми, ҳар қандай! Бу ёлғон бўладими, мунофиқликми, пора бериш йўли биланми, фарқи йўқ! Бу – ўша, ўзинг яхши кўрган, қайта-қайта ўқийдиган Чин-Мочин ҳикматларидан. Такрор айтаман, ғалабага эришиш учун ҳамма усул мақбул, гарчи у пасткашлик саналса-да! Ўйлаб кўр ахир, мен ман-сабни эгалласам, иккимиз ҳам ғолиб бўлардик-ку! Шунга фаҳминг етмадими, галварс?!

– Фаҳмим етади! Илтимос, менга ўшқирма! Бамайлихотир гаплашай-лик. Сенинг ҳар қандай йўл билан ғалаба қозониш ҳақидаги ақиданга тупурдим. Бу

Чин-Мочин ҳикмати эмас, сенинг мунофиқ фалсафангдир. Чин ҳикматида ай-тилишича, фикрлаш ва енгиб чиқиш орқали ғалабага эришилади. Эшитиб қўй, мен эҳтимол, Жамолунгма чўққисига чиқишни хоҳларман. Лекин дунёнинг энг баланд чўққисига алдов, хиёнат ва мунофиқлик йўли билан кўтарилишни истамайман. Мен ҳалол ўйин тарафдориман. Сирасини айтганда, табиатнинг буюк мўъжизаси Жамолунгмани алдаб бўлмайди. Инсониятнинг олий туйғу-лари ҳам худди шундай. Сен уларни топташинг, таҳқирлашинг мумкин, аммо алдаёлмайсан!

Ана шу суҳбатдан сўнг орадан кўп йиллар ўтди. Энди уларнинг бири Мағрибга, бири Машриққа қараб кетмоқда ва бундан кейин сира учрашишмаса керак. Яна ким билади дейсиз?

Кунлар, ойлар, йиллар алмашинар, Вафо босиб ўтмоқчи бўлган йўлнинг чек-чегараси, охири йўқ эди. Шундай пайтлар ҳам бўлардики, у Қуёшни энди кўролмасам керак деб ваҳимага тушиб қолар, лекин барибир олға юришдан тўхтамасди.

Эртасига яна Қуёш чиқар, сўнгра кун ботар, чархпалак айланаверарди. Бу – Коинотнинг ҳеч кимни, ҳеч нимани аяшни билмайдиган Вақт аталмиш шафқатсиз тегирмони эди.

Борар манзил-макони аниқ бўлмаган ғалати йўловчи учун оддий, аввалгиларидан сира фарқ қилмайдиган, хафақон кунлардан бири якунланди. Қош қорайиб келмоқда, ёмғир шивалаб турарди. Томчилар оғир ва совуқ, куз охирлаб қолганди. Йўл ёқасидаги яккам-дуккам, қартайган дарахтлар барги тўкилиб, сариқ-қизил япроқлар йўлни тўлдирган, уларни бир-бир босиб секин одимлаётган йўловчи хазон бўлган умри ҳақида хаёл сурарди.

Кун билан тун, ёруғлик билан қоронғулик алмашинаётган пайт. Вафо яланғоч шохлари тарвақайлаган қари тут тагида тўхтаб, бир оз тин олмоқчи бўлди. Мабодо ёмғир кучайса, минг ёшга кириб қолган улкан дарахт ковагида жон сақлаш мумкин.

У бир қучоқ шох-шабба тўплаб, гулхан ёқди, юмшоқ хазонлар устига ўтириб, оёқларини чўзди. Йиллар давомида неча минг қақирим йўл босган, одамлардан тобора узоқлашиб бораётган йўловчининг қавариб кетган оёқлари зирқираб оғирди.

Вафо чирсиллаб, аччиқ тутун чиқариб ёнаётган гулханга тикилганича пинакка кетган экан шекилли, бир маҳал чўчиб кўзлари очиб, атрофга аланглади. Тут ортидан аллақандай қадам товуши эшитилгандай бўлди. У сергак тортиб, ўрнидан сакраб турди. Соч-соқоли ўсган, қўлида асо, қирқ ёшлар чамасидаги киши гулхан томонга қараб келарди. У ҳам собиқ дўсти Содиқ сингари хирқа кийганди.

Нотаниш киши гулхан ёнига келгач, Вафога кўзи тушса-да, индамади, салом ҳам қилмади. У индамагач, Вафо «Ҳой оғайни, сени қаерлардан сўроқлай?» деган саволини беролмади. Нотаниш йўловчининг қирғийниқига ўхшаш нигоҳларида совуқ ёлқин бор эди. Бу ёлқин ҳар қандай тафтли юракни ҳам осонгина музлатиб юбора оларди.

Гулхан атрофидагилар гўё алангадан кўз узмаётган бўлсалар-да, бир-бирларини синчков нигоҳ билан кузатардилар. Бу табиий эди. Чунки улар юрадиган Йўқсизлик йўлида ойлаб-йиллаб бирор киши учрамасди.

Мўъжаз аланга нотаниш йўловчининг қотма юзини ғира-шира ёритар, лекин унинг лоқайд чеҳрасидан нимадир англаш мушкул эди. Шу тахлит сўзсиз суҳбат

анчагача давом этди. Ва ниҳоят, нигоҳлар тўқнашди. Нигоҳлар сўйлади. Гулхан атрофида озгина муддат сирли туюлган ҳолат фош этилган бўлса-да, ҳар икковидан ҳам садо чиқмасди. Вафо «Ўғлим!» деган нидо билан нотаниш йўловчини бағрига босмоқчи бўлди. Бироқ, якка-ю ягона ўғлининг, кўзининг оқу-қорасининг нигоҳларида яна ўша совуқ ёлқинни кўргач, миқ этмади, гулханга тикилганича ўтираверди.

Майда-майда томчилар энди баданни жунжиктирувчи кучли ёмғирга айланган, гулхан бурқсиб, тутун қайтарар, унинг атрофида ўтирганларнинг кўз ёшлари шашқатор эди. Сон-саноксиз биллур зўлдирчаларга монанд оғир томчилар қари тутнинг яланғоч, афтодаҳол новдаларини аямай савалар, бир-ярим узилмай қолган хазон япроқларнинг ҳолига вой эди.

Гулхан атрофидаги сукунат чўзилди. Бу зил-замбил сукунат ота-ўғил ўртасидаги жарлик тубсиз эканини кўрсатиб турар ва улар йўқсизлик йўлида яна минг йилдан сўнғ ҳам учрашмасликларига ишора қиларди.

Ёмғир борган сари кучаяр, олис-олисларда бойкушнинг хунук ку-кулагани эшитиларди. Эзгин товушга қулоқ солаётган Вафонинг кўнглидан тушуниксиз, қарама-қарши фикрлар кечарди. Бойкушнинг маскани вайрона дегувчи эдилар. Бу яқин орада ҳеч қанақа вайрона кўринмайди-ку... Ҳа, дарвоқе, ўз-ўзини инкор этди у, – вайрона – бу, ахир, менинг кўнглим-ку! Вайрона кўнгил!..

Вафо ўксинди, ўғлига раҳми келар, орамиздаги жарлик қачон пайдо бўлди ва у нега бунчалар чуқурлашиб кетди, дея зўр бериб ўйларди.

Шаррос ёмғир гулханни ўчириб қўйди. Атроф аччиқ тутунга тўлди. Ота-бола этакларини қоқиб, ўринларидан турдилар. Ўғил лом-мим демай ўз йўлига-Машриқ томонга равона бўлди.

Қоронғулик жуда қуюқ, ота ўғли кетган тубсиз бўшлиқ қаърига кўзлари йиртилгудек бўлиб тикилар, лекин оғир қадам товушлари-ю, ёмғир шо-вуллашидан бўлак ҳеч нимани илғаёлмасди. У ўғлидан мангу ажралганини ҳис этар ва ҳеч бўлмаса сўнғги марта кўриб қолгиси келарди.

Ўғил отасига вақтинчалик паноҳ бўлган қари тутдан тобора йироқлашиб борар, ортига бирор марта ҳам ўгирилиб қарамасди.

Бир маҳал Вафо юпунгина кийим-боши жиққа ҳўл бўлганини пайқади ва ўзини қари тут ковагига олди. Қўналға қуруқ, иссиққина эди. Гўё ташқарида кеч кузнинг шилта, совуқ ёмғири ёғмаётгандек.

У кўзларини юмганича ҳозир ўзига паноҳ бўлган қари тут неча минглаб йўловчилар жонига ора киргани ҳақида хаёл сурар, ўзини онасининг иссиқ кучоғида ётган гудакка ўхшатарди. Тут инсонларга худди онадек меҳрибонлик кўрсатарди. У одам танламас, меҳрини ҳаммага бирдек улашар, қавагида ўғри ҳам, тўғри ҳам, яхши ҳам, ёмон ҳам бирдек жон сақларди. Шу минг йил давомида у не-не сир-синоату воқеаларга гувоҳ бўлмади дейсиз? Лекин у ҳеч кимга хиёнат қилмади, азиат етказмади. Бу нарсалар бари инсонларгагина хосдир...

Иссиқ элитган Вафо ухлаётганини ҳам, уйғоқлигини ҳам англаёлмас, ёмғир шовуллашига қулоқ тутганича хаёл суришда давом этарди.

Ўғли чақалоқлигида қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Вафо ўшанда жуда қашшоқ яшар, хотини бола ташвиши билан бўлиб, ҳеч қаерда ишламасди. Эр-хотинда дори сотиб олиш, шифокор қўлига тутқазиш учун ҳеч вақо йўқ эди.

Чақалоқ тун билан йиғлаб чиқди. Унинг тепасида турган онаси ҳам хун бўлди. Вафо эса ўзини қўярга жой тополмасди. Боласи ва хотини қийналган тун хотирасига бир умрга муҳрланиб қолди. Ўғилнинг касали жиддий эди,

ҳадеганда тузалавермади. Ота қарз олишга мажбур бўлди. Ўғли тузалгач, ғарибона маошидан икки йил қарз тўлади. Қорни овқатга, эгни кийимга ёлчи-мади.

Ўғил улғайди. Отасининг ёрдами билан оёққа туриб, уйланди, топарман-тутарман бўлди. Сўнгра отасининг ҳар бир сўзи унга малол кела бошлади, аччиқ-тизиқ гаплардан ҳам қайтмади.

Улар бир ҳовлида яшасалар-да, бир-бирларини кўрмасдилар ва бунга эҳтиёж ҳам сезмасдилар. Тўғри, Вафо баъзан ўғли билан суҳбатлашмоқчи бўлар, лекин фарзанди чеҳрасидаги лоқайдликни кўргач, кўнгли чўкиб, фикридан қайтарди. Охир-оқибат бу лоқайдлик ота-болани тубсиз жарлик ёқасига олиб келди. Бу олдиндаги минг йиллик айрилиқлар жарлиги эди... Ўғлининг қадам товушларини қоронғи бўшлиқ ютиб юборгач, ота бунга узил-кесил ишонди.

У эртасига уйғониб, тут ковагидан чиққанида ёмғир тинган, чор-атроф тонг нурларидан мунаввар, Қуёш мўл нур сочарди. Бутун борлиқда бокира бир хотиржамлик, сукунат ҳукмрон, лекин Вафонинг кўнглида кеча ўғли билан учрашувдан сўнг қўзғалган афсус-надомат бўронидан кейинги аянчли ҳолат зоҳир эди.

У қўлини пешонасига соябон қилиб, узоқ-узоқларга тикилди. Кўзи тиниб, боши айлангунча тикилди ва ҳеч бир нима илғаёлмай, яна юраги қонланди. Лекин оёқлари ўз-ўзидан олға интилар, у ихтиёрсиз юриб борар, қадамлари аксадоси қулоғига гумбурлаб эшитиларди. Аслида эса чор-атрофда қабристон сукунати ҳукмрон, ҳеч қандай товуш, шарпа йўқ эди.

Йўл энди аввалгидек чағир тошли, ўнқир-чўнқир эмас, ойнадек силлиқ ва текис, бироқ секин-аста пастга эниб борар, йўловчи буни сезмас, ҳатто борар манзили хийла яқинлашиб қолганидан ҳам беҳабар эди.

Борар манзили хув, ана, уфқ ортида... Йўловчи қадамини тезлатар, уфқ чизиғи эса яна орқага чекинар, чархпалак ҳамон тинимсиз айланарди.

Вафо йиллар ҳисобидан аллақачон адашиб кетган, сирасини айтганда, бу санок унга керак эмасди. Чунки Вақт саноғи тириклар учун керак, у эса ўзи-ни аллақачон ўлиб кетганман деб ҳисобларди. Бу фикр ғалат эди. Зеро, у эрта тонгда кўз очганида Қуёшнинг заррин нурларини ҳис этар, оёқларини тунги шабнам ювса кўнглида қандайдир илиқлик пайдо бўларди. Демак, у тирик эди! Ва ҳамон олға интиларди.

Эртадан то кечгача уфққа тикилавериб кўзлари толиққан йўловчи ҳеч бўлмаса қандайдир тирик жон овозини эшитмоқчи бўлиб, сукунатга қулоқ тунтарди. Лекин сукунат ҳам жим эди.

Ниҳоят, куз охирлаёзган кунларнинг бирида қулоғига «Қ-о-р-р! Қ-о-р-р!» деган товуш эшитилди. У сесканиб атрофга аланглади. Йўл ёқасидаги каллакланган дарахтда биргина қарға шумшайиб ўтирар, қанотларини жон ҳолатда силки-тиб, учмоқчи бўларди. Тўллаган, қанотлари кесилган қарғани сўзсиз кузатаётган Вафонинг бадани жимирлаб кетди. «Эвоҳ, шунча вақтдан бери йўлида биргина жонзот учраса-ю, унинг ҳам қанотлари қирқилган бўлса?!» Лекин ҳар қалай, шу жониворнинг учрагани яхши бўлди. У ўзи ҳам тирик эка-нини яна бир карра ҳис этди. Ҳаёт ҳақида ўйлай бошлади. Қарға икки юз йил умр кўради дейишарди. Лекин унинг шунча йил яшаганини ким кўрибди дейсиз? Ахир, одам бунча яшамайди-ку! Бир-ярим яшагани ҳам қарғанинг кетидан юрмас, у неча ёшга кирди деб.

Бирдан йўловчи кулиб юборди. Қарға баҳона у Вақт сарҳисобига қайтган эди. «Хўш, – деди у ўз-ўзига, – мен ҳам ана шу мажруҳ қарға аҳволидаман. Қанотларим қирқилган... Мен, бандаи ожиз қанча умр кўрар эканман? Ўзи ҳозир неча ёшдаман?..»

У чўлтоқ қарға ёнида узоқ вақт қолиб кетди. Бояқиш жонивор ҳамон қанотларини қоқиб, учмоқчи бўлар, Вафога мўлтираб боқарди. У каллакланган дарахт ўзига сўнгги манзил эканига кўниколмасди.

«Қо-р-р!-Қ-о-р-р!» Бу товушда илтижо, афсус-надомат ва қандайдир ғазаб ҳам бор эди. Ким билади дейсиз, эҳтимол, у ҳам ҳозир ўзига сўзсиз тикилиб турган йўловчига ўхшаб бесамар ўтган умри учун афсус чекаётгандир?..

Йўловчи, жониворнинг қийналишларига ортиқ тоқат қила олмаслигига кўзи етгач, нари кетди. Текис йўл тобора пастга қараб борар, йўловчи буни ҳамон сезмасди. Дафъатан ўттиз-қирқ қадам нарида дўмпайган нимарсага кўзи тушди. Бир оз юргач маълум бўлдики, нимарса каттакон эски сандиқ экан.

Қулфланмаган сандиқ жуда оғир эди. «Мол-дунё илинжим йўқ, буни очиб нима қиламан», деб ўйлади. Лекин, тирик инсон барибир қизиқувчан бўлади, сандиқни очмай ўз йўлига кетолмади.

Вафо оғир қопқоқни секин кўтариб, кўзлари қамашиб кетди. Сандиқ тилла тангалар, олтин тақинчоқлар, қуйма ёмбилар, тахлам-тахлам қоғоз пулларга тўла эди.

Йўловчи хазина топиб олган айрим бандаларга ўхшаб, ҳушидан ажралмади, ҳаяжонга ҳам тушмади. «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?» деган нақлни яхши биларди. Ҳатто ҳеч қандай балоси бўлмаса ҳам, у хазинани бошига урармиди? Вафо ёшлигида қашшоқликнинг ҳамма жабру ситамини тотган, улғайиб, ўз эҳтиёжларига яраша даромад қила бошлагач, пулга қизиқиши мутлақо йўқолганди. Тўғри, яшаш, рўзғор тутиш учун доим пул зарур эди. Лекин у инсон пулга қул эмас, хўжайин бўлиши керак деб ҳисобларди. Ва яна шуни билардики, пул, агар ақли бутун одам кўлига тушса, яхшиликка хизмат қилиши мумкин. Ақли ноқис одам кўлига тушган кўп пул жаҳолат қуролига айланади.

Олис сафарга чиққунга қадар Вафо ана шу ақидага амал қиларди. Энди бу узундан-узоқ, эҳтимол, поёни бўлмаган йўлда унга хазина ҳам, пул ҳам керак эмас.

Вафо сандиқ оғзини бекитиб, уни шундоқ ташлаб кетмоқчи эди, бўлмади. Сандиқ ичидан аллақандай сас эшитилди. Диққат билан қулоқ солди. Ичкаридан йиғи овози келарди. Ҳайрон бўлиб қопқоқни кўтарди. Энди овоз эшитилмас, фақат тангалар, ёмбилар, пул тахламларида қотиб қолган қоп-қора қон излари кўзга ташланарди. Вафо сесканиб кетиб, қопқоқни қайта ёпди-ю, ўз йўлига кетди.

Яна ортидан йиғи овози кела бошлади. Лекин у ортига қарамай, қадамини тезлаштиради. Йиғи товуши борган сари кучаяр, гумбурлаб, акс-садо берарди. Йўловчи бу таъқибдан қутулиш учун оёғини қўлга олиб югура кетди. Югуриб борар экан, уфқ бир ёқда қолиб, йўл тобора чуқурлик томон оғиб бораётганини пайқамасди. У ҳолдан тойгунча югурди. «Энди бўлди, тўхтаман, тўхтамасам, йиқиламан», деганида бирдан парвоз эта бошлади. «Эҳ, қандай маза! Парвоз яёв юриш, югуриш дегани эмас экан!» У жар тубига қараб учиб борар ва беҳад ҳузур қиларди.

Йўловчи узоқ парвоз этди. У дарбадар ҳаётининг сўнгги йилларида руҳида ҳеч қачон бунчалик қониқиш туймаганди.

У қоронғу бўшлиқда учиб борар, ҳеч нимани кўрмасди. Бирдан кучли аланга «лоп» этди ва шундагина у энди ҳеч нимани ўзгартириб бўлмаслигини англади. Бу –ҳамма нарсани эзиб, янчиб ташлагувчи Коинот Тегирмонининг Вафо учун сўнгги айланиши эди.

Узундан-узоқ ҳаёт йўлининг энг охири бекатига етган йўловчи пастга қаради, кўнгли бироз таскин топгандек бўлди. У қоронғу жаҳаннамга эмас, алангалардан ёришиб турган жар тубига тушиб борарди.

Бирдан гурсиллаган товуш эшитилиб, Вафо чағир тошлар устига қулаб тушди. Таажжубки, ҳеч қаери лат емади. Ўрнидан сакраб туриб, қўл-оёғини ушлаб кўрди. Бус-бутун! «Ё, Оллоҳ, ўзинга шукур!» – пичирларди гезарган лаблари.

Жар туби кенг-мўл, ҳар ер-ҳар ерда гулханлар ёнар, турли ёшдаги эркак-аёллар кезиб юришарди. Унга ҳеч ким эътибор қилмади. Чамаси, у кўзга кўринмасди. Ўзи эса атрофдаги ҳамма нарсани аниқ-тиниқ кўриб турарди.

У оёқ-қўли бутунлигига ишониб-ишонмай, секин қадам ташлай бошлади. Гулханлар алангаси тобора баландга ўрлар, атроф кундузгидек ёришиб кетганди. Унинг кўзи қип-қизил чўғдек товланаётган улкан харсанг тошларга тушди. Улар тош эмас, олтин эди ва гулхан ёруғида кўзни қамаштирарди.

Харсангларни ўраб олган одамлар қип-яланғоч эдилар. Улар пайпасланиб дам харсангларга тирмашар, дам бир-бирларини юмдалашар, сўнгра ўзларини уриб, сочларини юлардилар. Улар ҳаракатлари кўр-кўрона – харсангга тирмашган бармоқлари қонга беланган ва овозлари оч бўри увиллашини эслатарди.

Вафо боши қизиб кетаётганини ҳис этиб, гулханлардан узоқлашмоқчи бўлди. Бироқ жар тубининг олов ёнмаган ери йўқ, ҳар қарич, ҳар қадамда аланга ловуллар, йиғи-сиғи кучайиб борарди.

Бирор сокинроқ гўша излаб, кўзлари олазарак эди, оғир сандиқ орқалаган мункиллаган чолни кўриб қолди. Сандиқнинг оғирлиги етмагандай, унинг устида қоп-қора сочлари ёйилган бир соҳибжамол ўтирар, қадди икки букилиб, оёқлари майишган чол тебрана-тебрана зўрға қадам ташларди.

Чолга раҳми келиб, нима қилишини билмай серрайиб турган Вафо бирдан қалқиб кетди. Чол инқиллаб кўтариб бораётган юк ўша, йўлда учраган сандиқ бўлиб, ундан ҳамон йиғи эшитилар, тагидан чак-чак қон томиб турарди.

Вафо олдинга беихтиёр қадам ташлади-ю, қотиб қолди. Сандиқ устида ўтирган соҳибжамол Муҳаббат бўлиб, чўлда худди туя устида кетиб бораётгандай ҳузурланар, зўрға қадам ташлаётган чолнинг майишган бели ҳали-замон синиб кетиши билан иши йўқ эди.

– Муҳаббат!!!– ҳайқирди Вафо ўзини йўқотиб.

Бу аянчли нидо ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборди. Бироқ чол ҳам, Муҳаббат ҳам ҳеч нимани кўрмас, эшитмасди. Вафо эса сандиқ ичидан келаётган йиғи сасини эшитиб турарди. У яна бақирди. Лекин бу гал ҳирқираган товуши шундоқ бўғзида текилиб қолди, ҳарчанд уринмасин овози чиқмади. Шунда у сездики, жар тубида юрганлар туппа-тузук одамга ўхшасалар-да, ҳеч нарсани кўрмайдилар, эшитмайдилар, ҳис этмайдилар.

Вафо даҳшатга тушди. Чунки, ўзининг ҳам овози чиқмай қолганди! Минг шукурки, у ҳали кўряпти ва эшитяпти. Агар бу сезгиларидан ҳам ажралса, ана ундан кейин, тамом!

Қизиқ, жарга қулаётганида у ҳамма бало-қазолардан қутулдим дея хурсанд эди. Энди бўлса, яшагиси келар, атрофда рўй бераётган сирли воқеалар юрагига ваҳима соларди.

У уввос солиб йиғлаётган оломон орасида сандиқ кўтарган чолни йўқотиб қўйди. Бир муддат саросималаниб, уни ахтарган бўлди. Сўнгра қўл силтади. Нима кераги бор? У барибир ҳеч нимани кўрмайди, эшитмайди-ку!

Гулханлар алангаси, оҳ-воҳлар саси тобора кучаяр, ҳамма ёқ ўтолов оғушида эди. У бошини қуйи солганича тентириб кетди. Қаёққа боришни, нима қилишни билмасди. Бир кўнгли ўша, харсангларни ўраб олиб, дод-вой қилаётганларга қўшилай ҳам деди. Кейин ўйлаб қараса, тўғри келмайди. Биринчидан, улар қип-яланғоч, иккинчидан, бор овозда дод солишяпти. Вафонинг эса, жулдур бўлса-да, кийими бор. Боз устига, тилдан қолди, дод сололмайди...

Шуларни хаёлидан ўтказган Вафо сал четроққа чиқмоқчи эди, бўлмади. Катта хуржун кўтарган икки киши диққатини тортди. Улар чехраси таниш эди. Хуржунда ўша, улкан харсангдан ушатиб олинган катта олтин бўлаги ярқираб турар, таниш чехралардан бири дўсти Содиқ, иккинчиси ўғли эди. Улар ҳам сандиқ орқалаган чол ва Муҳаббатга ўхшаб ёнгинасидан ўтиб кетдилар. Вафо, «Ўғлим!», дея ҳайқириб юборди. Бу гал ҳам овози чиқмади, доди бўғзида қолди.

Таниш чехралар олов селига фарқ бўшлиқ қаърига сингиб кетдилар. Вафо уларга эргашмади. У юксакликка парвоз қилишни ўйлар, олов тўрт томонни чулғаб олмоқда эди. Худди шу аснода момоқалдироқ гумбурлагандек бўлиб, кучли нидо эшитилди: «Ҳой, йўлини йўқотган инсон! Ўнг томонга қараб югур! Сен учун нажот йўли ўша томонда!»

Вафонинг тириклик нури сўниб, юмилиб бораётган кўзлари ярақ этиб очилди. У ҳамма ёқни эгаллаб олган оловга қарамай, ўнг томонга югуриб кетди.

Вафо узоқ югурди. Бир маҳал олов чекингандай бўлиб, кўксига шамол тегди. У югуришдан тўхтаб, бир оз тин олди. Оловдан қутулган, нафасни бўғиб турган димлик йўқолган бўлса-да, жар тубидан йиғи-сиғи, оҳ-воҳлар ҳамон эшитилиб турарди.

У яна олға юрди. Тўрт-беш қадамдан сўнг таққа тўхтади. Қаршисида ўша каллакланган дарахт ва чўлтоқ қарға турарди. Жонивор кесилган қанотларини ночор силкитар, парвоз қилиш илинжида эди. «Эвоҳ! Бу жонивор ҳамон учиб кетолмабди-ку! Нахот мен ҳам унга ўхшаб?.. Йўқ, йўқ, мен учиб кетаман! Мен албатта парвоз этаман!»

Худди шу аснода қандайдир кўзга кўринмас, бақувват қўллар уни озод кўтарди ва қушдай кўкка шўнғиди!

Парвоз аввалгисидан фарқ қилар, бу – тубанликка эмас, юксакликка учиш эди. Ҳур-ҳур шамол эсар, оппоқ парқу булутлар юз-кўзларини сийпаб ўтар, ложувард осмон тагин ҳам юксалиб борарди. Сўнгра бирдан кўз ўнгида гўзал манзара намоён бўлди.

Боғ-роғлар, гул-қўкатларга бурканган ям-яшил водий. Бир томонда мўйсафид тоғ чўққилари, бир томонда тошдан-тошга сакраб, сурон солиб оқаётган серсув дарё. Субҳи содиқ. Улкан чўққилар ортидан қирмизи олмадек Қуёш юз очаяпти. Дарё ёқасида ястаниб ётган буғдойзорда донга тўла бошоқлар тонг насимида оҳиста чайқалади, от кишнаши, сутга тўйган қўзичоқнинг эркаланиб маъраши эшитилади.

Вафонинг неча йиллар мобайнида нуқул дилгир манзараларга тикилиб чарчаган кўзлари чор атрофга тўймай боқар, юраги ларзага келарди.

У дарё бўйига қараб юрди. Бир кучоқ гул терди. Турли рангда товланаётган митти юлдузчалар мисол чечакларни маза қилиб ҳидлади, атрига ҳеч тўймади. Сўнгра гулларни маҳкам кучоқлаб, соҳилдаги ям-яшил майса устига узала ту-

шиб ётди. Тобора тиниқлашиб бораётган осмонга тикилди. Во ажаб, осмон тиниқлашгани сайин юксалиб борарди. Коинот бугдойзор, дарё ва боғлар ҳақида азалий, мангу барҳаёт қўшигини куйларди. Бу қўшиқ шунчалар гўзал, ҳаётбахш эдики, Вафонинг юраги ёрилиб кетаёзди. Наҳот – у шунча йиллар мобайнида ўзи туғилиб ўсган юрт гўзаллигини ҳозиргидек ҳис этолмаган бўлса?

Вафо соҳилнинг намчил ҳавосидан кўксини тўлдириб нафас олди, боши гир-гир айланди. Сўнгра бирдан жойидан туриб кетди. У оловга чулғанган жарликни эслаган, лаблари унсиз пичирларди. «Улар ҳоли не кечади энди? У гумроҳларни ким ҳалос этади?! Ким?!»

Вафо тоғнинг қорли чўққиларига тикилди, кўзлари тингандек бўлди. Шу аснода ўнгирлардан акс-садодек гумбурлаган овоз эшитилди:

– Улар ўзларини фақатгина ўзлари ҳалос эта оладилар! Фақатгина ўзлари! Илло, Ҳақ йўлни, Ҳақ йўлини танласалар бўлгани!

Бу товуш Вафо қалби, шуурининг энг олис, қоронғу бурчакларигача етиб борди. У майса устига чўкка тушиб, ёш боладек хўнграб йиғлай бошлади.

Йиғлагани сайин, кўнгли кин-адоват, гард-ғубордан фориг бўлиб борар, юзини илоҳий бир нур ёритиб турарди. Кўксидаги ўша баҳайбат Муз тоғи секин-аста эриётган эди...

Бухоро, 2008

Шарқ ҳикматлари

Гамгин қаро кунда ким сенга ёр,
Шодлик кунингда ҳам унутма зинҳор.

Фаридиддин Аттор

— —

Вафо кўрсанг бировдан қилма ҳайрат,
Вафо қилдинг, вафо бўлди мукофот.

Хусрав Деҳлавий

— —

Аёл, бил, лутфу ҳимматга сазовор,
Гўдакдек меҳру шафкатга сазовор.

Носир Хусрав

— —

Минг хил одобни ишқдан ўқир жон,
Уларни мақтабдан тополмас инсон.

Жалолиддин Румий

ШЕЪРИЯТ



Назира Ўроқова

Юрагимдан тўкилар бир сас



Баҳор келиб, гуллар мисол орзуларим гуллади,
Дилда қотган армонларим томчилади ёш бўлиб.
Муҳаббатнинг нигоҳлари қалбга нигоҳ йўллади,
Оташ ишқнинг садосидан борар қалб нурга тўлиб.

Кўзларимнинг қароғига яширинган соғинчлар,
Армонлари тўлғин юрак чок-чокидан сўкилар.
Умидларим риштасини кўклаб турган боғичлар
Муҳаббатим сирасинда қоғозларга тўкилар.



Кипригимда қотади ашқлар,
Соғинчларга йўғрилган бардош.
Ўзим ўзин унута бошлар,
Фақат хаёл бўлгайдир дилдош.

Гоҳо сени қўмсаб қолади
Юксакларга талпинган юрак.
Ўйинг дилга оташ солади,
Ўзингдирсан қалбдаги тилак.

Ҳисларингда ошкоралик йўқ,
Сирлардан яралгансан кат-кат
Дил катига ташлаб олов-чўғ,
Хаёл ўсиб боради фақат.



Синовларга тургин доим шай,
Интил олдга, шаштларинг синмай,
Юрагингга ҳеч ғубор қўнмай,
Эзгуликка жон фидо айла!

Меҳрибон бўл болаларингга,
Йўлингга зор лолаларингга,
Иншонма кўп бойлик, зарингга,
Эзгуликка жон фидо айла!

Яхшилиқ-ла ёзилса оти –
Ўчмагайдир хотира, ёди,
Ибрат бўлгай инсон ҳаёти,
Эзгуликка жон фидо айла!

Назира дер: Кўп экан алам,
Шодлик билан ёнма-ёндинг ғам,
Дунё, асли, доим бири кам,
Эзгуликка жон фидо айла!



Олис ҳали борар манзилим,
Юрар йўлим жуда ҳам йироқ.
Тунда порлар юлдузлар ҳам жим
Вужудимга солади титроқ.

Бўй чўзади қалбимда ҳавас,
Дилим ёқар ўтли муҳаббат.
Юрагимдан тўкилар бир сас –
Сен олислаб кетмагин фақат.



Аччиқ хотиротдан қоча олмайман,
Кўз олдимда турар кенг дала, ҳовли.
Дард тугган чигинни еча олмайман,
Гоҳ қўнган манзилим қорли, қировли.

Момоннинг ҳовлиси мунғайган, ғариб,
Уйнинг устунларин таянчи тоқат.
Қолган изларимни бордим ахтариб,
Дарчадан мўралар орзулар қат-қат.

Болалигим ўтди елган шамолдек,
Момом оғушида олганча ором.
Райҳонлар чайқалар чексиз саволдек,
Эгасин йўқлашар ҳар тонгу ҳар шом.

Қайноқ қалбим хисга чўмилиб ҳар дам,
Нигоҳим қотади ҳорғин бежирим,
Теграмда чарх уриб айланар олам,
Мен-чи, юлдузларга айтаман сирим.



Юракда бир ҳис яшар,
Англадим уни ўзим.
Унда меҳр муқаррар,
Исботи ҳар бир сўзим.

Қалбимда унар бир гул,
Буйларидан сармастман.
Шайдо – ошиғи булбул
Кетишин истамасман.

Янграётган қўшиқ, куй,
У – руҳимнинг овози.
Таратган муаттар бўй,
Муҳаббатнинг баёзи.

Карши





Носиржон Тошматов

Кўнглимни уйғотаман



Ташқарига чорлади кимдир,
Товуш берган бўлди чамаси.
Дарвозани очдимۇ ғир-ғир
Кириб келди кўклам нафаси.

Сўнг дафъатан хаёлга чўмдим,
Ярақлаган осмонга боқиб.
Қуёш гўё қилар табассум,
Ухлаётган ерни уйғотиб.

Чуғурлашиб бир гала қушлар
Қари ўрик бошин қотириб,
Бир-бирига ҳикоя қилар
Олис сафар таассуротини.


Нурлар кириб борган қавақдан
Учиб чиқар ҳашаротлар ҳам.
Ҳовлидаги жажжи кўлмакка
Ўз сувратин чизади кўклам.

Мусичалар «ку-ку»лашига
Куртакчалар бўлаяпти жўр.
Деразалар зар шуъласи-ла,
Кўзларимга ташлаяпти тўр.

Девор ошиб келган капалак
Ҳовлимиз ифорин кучди.
Титраб-титраб шодланди юрак,
Капалакдек кўксимда учди.



Дераза очилди,
Жаранглади тонгнинг овози:
Қушларнинг нағмаси, парвози,
Япроқларнинг япроқларга
Эрка бир нози.
Машинанинг йўлга ўшқирishi,
Хўрознинг дон сўраб томоқ қириши,
Челақдан сочилган сувнинг
Келинчакнинг бармоғин ўпиб
Шўх-шодон кулиши,
Ошиқ чигиртканинг оҳу фироғи,
Пошнанинг дўқидан
Зинанинг титроғи...
Яна...
Эҳ-ҳе...
Қулоқ илғамаган
Қанча-қанча саслар,
Туннинг тўшагидан
Айрилмаган нафаслар...
Ҳар тонг,
Ҳар саҳар эрталаб
Деразамни очиб аста
Кўнглимни уйғотаман эркалаб...



Шамоллар шовуллар,
Қалбимда энтикиш.
Чорлайди далалар,
Келақол, бояқиш.

Чучмома, қоқигул
Йўлимга мустардир.
Яйловлар кўкси хўл,
Интиқиб кутади.

Ҳойнаҳой, Ёлғизтол
Кетгандир ёшариб.
Мажнунтол қадди дол,
Шохлари бир ғариб.

Ариқлар сув келиб,
Тўлгандир қучоғи.
Майсалар эгилиб,
Қонгандир чанқоғи.

Соғиндим, толхивич
Куйлаган куйини.
Айниқса, бир ҳовуч
Тупроқнинг бўйини.



Ёмғир – аразлаган қизнинг кўз ёши,
Остонадан сулув кирмас ичкари.
Шовуллаб уззукун, келтирар ғашни
Тарновдан осилиб тушган сочлари.

Ҳовлига чиқаман, маъюс малика
Дўппослайди мени кўз ёши билан.
Майсалар титрашар хўп таҳликада,
Шўрлик дарахтлар-чи, шохларин эгган.

Қушчалар қайгадир гўё кечиккан,
Мўлтираб туришар уяларида.
Осмон ҳайдаб ўтар, сонсиз тешилган
Мешлар ортиб булут – туяларига.

Тинар ёмғир – кўз ёш, ёришар осмон,
Очилади ғамгин ёрнинг қовоғи.
Мени алқагандек туюлар шу он,
Дарахтлар рақсию қушлар сайроғи.



Қишнинг кетгиси йўқ,
Баҳор кечикар,
Тарновлар йиғисин
Эшитмас осмон.
Бир-бир сайраб қўяр
«Кўринмас» қушлар,
Далалар паришон,
Дарахтлар ҳайрон.
Қора сояларда
Қора изғирин,
Шамоллар додида –
Майса соғинчи.
Қуёш аранг ташлар
Ерга кўз қирин,
Лаҳзалик табассум –
Кўзлар овунчи.
Аммо, кўнгил сезар,
Яқиндир баҳор,
Қалбни қитиқлайди
Қадрдон ҳислар.
Ариқлар лабида
Нурга интизор,
Мушт тугиб ётибди
Хушбўй ялпизлар.



Турналар чорлаб ўтди
Қир-адирлар томонга.
Хайр, дўстларим, кетдим,
Мен қадрдон маконга.


Ялпизларнинг исини
Олиб келди шаббода.
Кетдим, дала қизини
Куттирмайин афтода.

Бу кеч кирди тушимга
Ўксиниб оқар дарё.
Йўқламасам, юзимга
Қайрилиб боқмас ҳатто.

Чуғурлади чумчуқлар,
Соғинганмиш Ёлғизтол.
Баргларини тўкворар,
Бормасам бўлар увол.

Отам ўксиб ҳар кеча
Юлдузларга боқармиш.
Мингта юлдуз айтинг-чи,
Битта ўғил бўларми?

Хайр, дўстлар, саҳарлаб,
Бугун шартдир бормоғим.
Йўқса, мени шаҳарга
Излаб келар қишлоғим.





Иброхим Мухаммад



Унутилмас янги йил кечаси

Ҳикоя



Хаёлга толган қўйи иягинга кафтингни босиб, деразадан ташқарига термилганча лайлак қорнинг ёғишини томоша қилиб ўтирган эдинг. Бир маҳал даҳлиздаги телефон жиринглаб, хаёлингни тўзғитиб юборди. Байрам тортини пишириб бўлган қизинг дугоналаримдан бири кўнғироқ қиляпти деган хаёлда тезгина даҳлизга чиқиб гўшакни кўтарди. Қизинг ўзингдек телефонда паст овозда сўзлашишга одатлангани учун гапини эшитмадинг.

– Ким билан гаплашдинг? – дединг қизинг ичкарига киргач, деразадан кўз узмай.

– Қўшнимиз Шоҳида опанинг ТошМИ да ўқийдиган қизлари Зухра опа билан. Зухра опа самолётга чипта олган эканлар. Куни бўйи тинимсиз қор ёққани учун самолётлари учирилмабди. Янги йилни Тошкентда тоғалариникида кутармишлар энди. Аямга айтиб қўй, хавотир олмасинлар тагин деб тайинладилар, – дея жавоб қилди қизинг ачиниш оҳангида.

Зухра... Бу исм тўсатдан бундан йигирма йил муқаддам кечган ўша унутилмас янги йил кечасини эсинга солиб юборди.

Дарвоқе, ўшанда, эски йилнинг сўнги кунида, худди Зухрага ўхшаб самолёту

автобусда юртинга қайтиш насиб қилмаган эди-ку. Бир эслаб кўр-чи, нималар содир бўлганди ўшанда? Нокулай об-хаво туфайли самолёт учирилмаслиги эълон қилинган, хафсаланг пир булганча чуқур хўрсиниб аэропорт биносидан кўчага чиқдинг. Энди нима ҳам қилолардинг? Тақдирга тан бермоқдан бошқа иложинг ҳам йўқ эди-да, ошна! Дамингни ичинга ютганча индамай ижаранга қайтасан. Бироз исиниб, ўзинга келиб олган, кўнглинга таскин бериш-чун чоғроққина байрам дастурхони безайсан. Айни чоғда дилинг хуфтон бўлиб турган эса-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандек ўзингни бамайлихотир хушчақчақ тутишга ўринасан. Эрталаб аэропортга кетишда уйдагиларга совга учун олган «Қуш сути» номли икки қуги тортингни биттасини очиб, уни дастурхон ўртасига қўясан. Иштаҳанг бўлмаса-да, нардан бери бироз танавул қиласан. Қуни бўйи қаттиқ толиққанинг таъсир қилиб, кўзларинг юмилиб пинакка кета бошлагач, ечинмасдан шу туришда ўрнингга чўзиласан ва тезда қаттиқ ухлаб қоласан. Янги йилнинг кириб келганини ҳам, янги тонг отганини ҳам сезмай қоласан.

Шу ғамгин хаёллар билан бошинг ғовлаб, метронинг «Ҳамза» бекатида тушиб, ташқарига йўл олдинг. Қатор турган телефон будкаларининг ёнидан ўтаркансан, бировнинг: «Майли, Маҳмуджон, саломат бўлинг, уйдагиларни байрам билан табриклаб қўйинг, янги йилни яхши кутиб олинг» – деган гапи қулоғинга чалиниб, икки хафта бурун Чилонзор савдо маркази ёнида учратган хизматдош дўстинг Маҳмуд дарҳол эсинга тушди. Ўшанда Маҳмуд сени учратганидан жуда қувонган эди.

Акаси билан янгаси олти ой бурун чет элга хизматга жўнаб, уни уйларига «қоровул» қилиб кетишганини, бир ўзи ёлғизликда чунонам зерикканидан зорланиб: «Менга қара, ошна, шу сафар янги йилни бирга, бизникида кутсак-чи, а?» – деганди у умидворлик ила. Узр сўраб, байрам олди юртинга қайтишингни билдирганинда, дўстинг бироз маъжус тортгандек бўлувди. Мабодо уйга кетиш ҳақидаги фикринг ўзгариб қолса, тортинмай келавер деб, телефон рақамларини ҳам берган эди.

Шу тобда кимсасиз ижаранга шумшайиб қайтишга юрагинг бетламай, дўстинга кўнгироқ қилишга қарор қилдинг. Овозингни эшитганидан хурсанд бўлган Маҳмуд: «Ўзи шу кеча тушимга кириб чиқувдинг, жўра», – деди шанғиллаб. «Ўша кунги таклифинга фаришталар бирваракайига овмин дейишган экан, ошна. Янги йилни бирга кутамиз шекилли», – дединг унга ҳов тунов кунги гапини эслагиб. «Бўлмасам-чи, кўнгли яқинларнинг тилаги доимо бекаму куст рўёбга чиқади-да ўзи», – деди у қулиб.

Кейин уй манзилни қайта тушунтирди: «Минг хил майда-чуйдалар» дўкони ёнидан анҳор бўйлаб кўприккача юрасан. Кўприқдан ўтсанг, қаршингдан 27-дом чиқади. Унинг ортидаги 26-си бизники-да. Иккинчи йўлак, учинчи қаваг, 8-хонадон».

Дўстингникига кетатуриб бир маҳаллар бу жойлардан кўкламу ёзда ҳам икки уч бора ўтганингни эсладинг. Чилонзорнинг сердарахт, соя-салқин, сокин гўшаларидан бири эди бу жойлар. Қадимий анҳор лайлак қорни бағрида эритганча бурунгидек бир зайлда тинчгина, сассиз оқиб ётар, унинг бўйидаги япроқларини тўкиб улгурган, улгурмаган дарахтлар аллақачон қордан қўйлак кийган, айниқса, ёш ниҳоллар қор юки остида сув томонга қаддини эгиб, ажиб манзара касб этган эди.

То Маҳмуднинг уйига етгунча қорбобога айландинг-қўйдинг. Усти бошингни қоқмай, шу туришда бир қизиқчилик қилай дея зинадан секин тепага кўтарилдинг. Маҳмуд сенинг бу алпозда келишингни сира хаёлига келтирмаганиданми, эшикни очгач, бир зум анграйганча афтингга тикилиб турди-да, сўнг қаққиллаб кулиб юборди. «Мана бу қорбобонинг совғаси», – дея ясама дуриллоқ овозда тортларни унга узатдинг.

«Менга қара, янги йилни икковгинамиз мана шундай шуппайиб кутиб оламизми энди?» – дединг қайноққина чой ичиб сал исинганингдан кейин.

«Нега энди, – дея эътирозли қошларини чимирди Маҳмуд. – Яна танишлардан икки йигит, икки қизни ҳам таклиф қилганман. Ҳадемай келиб қолишса керак. Зерикмаймиз, беш-олти киши бўлиб, чакчақлашиб мириқиб кутиб оламиз янги йилни».

«Хўш, тақсир бизга нима хизматлар бор?» – дея сўрадинг бекор ўтиришни ўзингга эп кўрмай.

«Хизмат шулким, тақсири олам, қизлар келгунча чиройли қилиб сабзи-пиёз тўграб берасиз-да, энди мусаввир» – дея жилмайди Маҳмуд. Шу халосми дея мезбоннинг ортидан ошхонага кирдинг. Уч-тўртта сабзини артиб бўлувдинг ҳамки, бир маҳал эшик кўнғироғи жириглаб қолди.

«Меҳмонлар келишди шекилли», – деб Маҳмуд йўлакка чиқди. Эшик очилгач, киз боланинг: «Ассалом, мана, биз келдик, Маҳмуджон ака», – деган жарангдор шухчан овози эшитилди.

«Хўш, қизлар, янги йил совғаси қани?», – сўради Маҳмуд эшикни ёпаркан ҳазил оҳангида.

«Маҳмуджон ака, сиз ёқтирган тортни тополмадим-да, хафа бўлмайсиз энди, – дея шухчан қулди ҳалиги қиз. – Шу қор-бўронда дўконма-дўкон юриб, роса сарсонимиз чиқди-да ўзиям. Ҳа майли, ўзим сизга ундан зўрини пишириб бераман, хўпми?»

«Совғасиз келдик деб хижолат бўлманглар, жон қизлар. Ёқтирган тортим алақачон олиб келинган!» – дея тантанали эълон қилди Маҳмуд.

«Вой, қанакасига? Менга ишонмай, ўзингиз олиб келиб қўйганмидингиз ҳали?» – деди қиз гинали оҳангда.

«Мен эмас, қутилмаганда уни расом дўстим Исомиддин Қурбонов келтирса бўладими», – дея қизларни ажблантирди Маҳмуд.

Бу қизлар ким бўлса экан дея қизиқиб эшик пардасини секин тортиб, йўлакка мураладинг. Келувчилардан бири қўлча юзли сарғиш қиз Маҳмуднинг ортидан залга кирар эди. Иккинчиси – бир тутам қоп-қора сочи пешонасига тушган қиз пальтосини илгакка илиб бўлиб, ойна олдида кийимларини текисларди. Шу қиз сенга жуда ҳам таниш кўринди. «Наҳотки-наҳотки бу ўша қиз бўлса?!» – дея юрагинг жизиллаб кетди.

Қиз секин бурилди ва сенга кўзи тушгач, бир зум ажабланиб турди-да: «Вой, Исомиддин ака, сиз ҳам шу ерда экансиз-да бутун!» – деди ҳажонли қувноқ оҳангда. Кўзларингга ишонмай, тилинг қалимага айланмай, жойингда донг қотдинг-қолдинг. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам ҳозиргина хаёлингдан ўтказган қизнинг айнан ўзгинаси эди!

«Яхши юрибсизми? Биз томонларда сира кўринмай кетдингиз-а? – деди у гина оҳангида – Сал аразчироқ экансиз-а? Сизни бир йилдан бери кута-кута, энди келмайсиз деб, тоқатим-тоқ бўлиб, умидимни узувдим».

«Ҳали сизлар танишмисизлар?» – дея ҳайрон бўлди ҳалиги дугонаси ичкаридан чиқиб. Шунда ёнингда турган қиз кўзларини сузиб, қувлик билан: «Бир пайтлар жудаям яқин таниш эдик-а, Исомиддин ака?» – дея сендан иқрорни кутди. Ноиложликдан ҳа шундоқ дегандай секин бош ирғаб кўйдинг.

«Нафиса, йўлакда туриб гаплашмаганлар, қани, ичкарига киринглар» – деб залдан чақирди Маҳмуд.

Шу маҳал ҳалиги қиз Нафисани четга тортиб, қулоғига шивирлаб ниманидир қатъий тайинлади. Унга жавобан Нафиса э, ҳа дегандай қошларини кўтариб, хўп, бўпти-бўпти, деди сўнг муғомбирона илжайиб.

«Маҳмуджон ака, сизга дугонамни таништирмадим-а, ҳали? – деди Нафиса ўртоғига айёрона кўз уриштириб олиб. – Менинг энг яқин сирдошим – Фотимахон. Биз комбинатда бошқа-бошқа цехларда ишлаймиз-у, аммо ётоқда бир хонада турамыз.

Фотима исмини эшитгач, унинг айнан ўша қиз эканлигига сенда заррача шубҳа қолмади.

Маҳмуд танишганидан хурсандлиги ифодаси сифатида мамнун жилмайди-да, ҳазил аралаш:

– Нафисахон, шундай дилбар дугонамиз бор эканлар-у, биз билмай юрар эканмизда а? – деди.

– Билсангиз нима қилардингиз? – қувлик ила чимиридди Нафиса.

– Аввалроқ билганимдами, яхши қиз тополмай, шуппайиб юрган дўстларимнинг бири билан – у боши билан сенга ишора қилди – мана, масалан, рассом дўстимиз Исомжон билан таништириб кўяр эдим-да.

Ҳазил тариқасида айтилган бу гапдан сўнг икки қиз ҳам мезбонга хо, бу кишини қаранг-а, дегандай норозилик ила боқишганди Маҳмуд:

– Нега менга мундай ёвқараш қиласизлар? Нима, мен ёмон гапирдимми? Бу ҳам бир савоб-да, ахир. Шундай эмасми? – деб кулиб кўйди.

– Биз Исомиддин ака билан сиз айтмасангиз ҳам анчадан бери танишмиз, – деди Фотима кўзлари чакнаб. Кутилмаган бу янгиликдан Маҳмуд анграйиб қолди.

– Вой, муғомбирлар-э, ҳали мени лақиллатиб ўтирибсизларми? – деди ҳайрати ошиб Маҳмуд. – Қачон улгура қолдиларинг танишишга?

– Икки йилча бурун, – дея сендан аввал шухчан жавоб қилди Фотима.

– Таниш экансизлар, жудаям соз, – дея қисқа хўрсиниб суҳбатга аралашди Нафиса. – Менимча энди кўп гап сотмай, байрам дастурхонига тайёргарлик кўрганимиз маъқул а? Биз кегунга қадар нималар билан шуғулланётувдинглар ўзи?

– Бизми, сабзи-пийёз туграб, ошга тайёргарлик дегандай, – дея чайналди Маҳмуд.

– Дурист, бўлмаса Фотимахон Исомиддин акага кўмаклашади, мен эсам сизга, – деб ишни узаро тақсимлади Нафиса. – Қани қилган бозорлигингизни менга бир кўрсатинг-чи?

Ортингдан ошхонага кирган Фортима:

– Сиз сабзини яхши тўғрайсизми? – дея сўради кўзларингга ғамзали бир қараб олиб. Сен нима эди деган саволомуз нигоҳ билан термилган эдинг у:

– Мен тез туғрайсизми ёки секин демоқчи эдим, – дея саволини ўзгартирди қувноқ оҳангда.

– Унчалик тез эмас-у, сал-пал эплаштириш қўлимдан келади, – дея жавоб қилдинг астагина.

– Бўлмаса мундай қилсак: сабзини сиз артиб турсангиз, мен туғрасам, қарши эмасмисиз? – дея таклиф қилди Фотима.

Секин бош ирғаб, рози бўлдинг. Фотима сабзини моҳир ошпазлардек бир текис чиройли қилиб шақиллатиб туғраганини кўриб, хайратинг ошиб қойил қолдинг. Қиз буни сизди шекилли, сиз ҳам шундай туғрай оласизми дегандай жилмайиб кўйди.

Бир йил ичида қизнинг бунчалар ўзгариб кетганидан таажжубинг ортиб, унинг Фотима эканлигига ишонгинг келмасди. Айниқса, унинг бугунги қувноқлиги-ю, сенга хайрихоҳлиги ажабланарли ҳол эди.

– Исомиддин ака, шу тобда кўнглингиздан нималар ўтаётганини айтиб берайми? – деди у бир маҳал юзингга қарамасдан мамнун овозда секингина. – Икки йил бурун ёнига яқинлаштирмаган, одам иси ёқмас, бадқовоқ бу қиз нега бугун гўё ҳеч нарса бўлмагандек чехрасини очиб, қувноқлик билан атрофимда гирди капалак бўлиб, қолди экан-а деб ўйлаяпсиз-а, шундайми, тўғри топдимми?

Ялт этиб унинг кўзларига боққанча ҳаммаси тўғри дегандек бош ирғаб иқрор бўлишдан бошқа иложинг қолмади.

Фотима билан илк бор учрашувинг ҳам ғалати бўлган эди ўшанда. Учинчи курсда ўқирдинг. Илиққина кўклам кунларининг бирида графикада сабоқ берадиган кекса домланг Аброр Азизович амалиётни ўташ учун сен ўқийдиган гуруҳни Тўқимачилар комбинатига бошлаб борган эди. Домла ёшлик кезлари иш фаолиятини шу комбинатдан бошлаган экан. Шу жойга айрича меҳри борлигиданми, у ҳар йили талабаларни амалиётга комбинатга олиб келар, узоқ йиллар муқаддам ўзи меҳнат қилган цехларни бирма-бир тамоша қилдириб, оддий ишчиларнинг сўратларини чизишни тайинлар эди.

Ўша кун иккинчи фабриканинг ип йигирув цехини айланиб юриб, узун станоклар орасида ишлаб юрган ниҳоятда сулув бир қизни учратиб қолдинг. Шу қиз эътиборингни ўзига тортгани боис унинг суратини чизишим керак дея кўнглингдан ўтказиб, у билан танишишга жазм қилдинг. Унга яқинлашиб ўзинг ким эканлигингни, не мақсадда келганлигингни аниқлашган эдинг, гўё гапларингнинг сира қизиғи йўқдек пинагнини ҳам бузмай нари кетиб қолди. Ишонмади шекилли дея ортидан бориб, талабалик гувоҳномангни кўрсатдинг. Шундай бўлса-да, қиз суратини чизишга изн бермай, боятдан беш бадтар қовоғини уюб олиб, ишни давом эттираверди.

Қизнинг чап билагидаги куйишдан қолган жароҳат изи негадир диққатингни ўзига тортди ўшанда.

Қиз рухсат бермаса-да, аммо сен ўз аҳдингдан қайтмай, четдан туриб унинг ҳар хил ҳолатдаги кўринишларини ўзингча чизишга уриниб кўрдинг. Шунча ҳаракат қилсанг-да, қизнинг чехрасини кўнглингдигидек чиқаролмадинг. Айнан ўзига ўхшатишинг учун у сенинг қаршингда ҳеч бўлмаса йигирма дақиқагина ўтириши жуда зарур эди-да, ахир.

Шу куни тушга довур комбинатда бўлдиларинг. Аброр Азизович бутунги меҳнатларинг маҳсулини кўздан кечириб чиқиб, эртага институтга бормай, соат тўққизда шу ерга етиб келишни тайинлаб жавоб берди.

Ётоқхонага келгач, ўзингча хаёлан ўша нотаниш қизнинг чеҳрасини қоғозга қайта туширишга анча ҳаракат қилиб кўрдинг. Чизганларинг айнан ўзидек чиқмаганидан хунобинг ошиб, аламингдан қоғозларни бурда-бурда қилиб ташладинг. Шу кеч ўтирсанг ҳам, турсанг ҳам ўша сулувнинг мафтункор жамоли сира кўз ўнгингдан кетмади.

Кеча дилинг хуфтон бўлганини сезган ҳамхонанг Салим эрталаб: «Фото суратига қараб чизсангиз, қалай булар экан?» – дея маслаҳат бериб фотоаппаратини тутқазди.

Қиз бүгун ҳам илтимосингга унамади. «Атрофимда кўп уралашманг, ишлашга ҳалақит беряпсиз, кетасизми, йўқми?» – дея сени хузуридан қувгандек бўлди. Гапларинг бир-бирига қовушмагач, хўрсингача сўнги чорани қўллашга мажбур бўлдинг. Сумкангдан фотоаппаратни чиқариб, қизни шаккиллашиб суратга тушира кетдинг. Қиз қутилмаган бу ҳолдан эсанкираб, аччиги чиқиб, қовоқларини бадтар уюб олди.

Салим тушдан кейин плёнкани ювиб, суратларни ишлаб берди. Туширган суратларинг яхши чиққанидан кўнглинг таскин топиб, хурсанд бўлдинг. Шу кеч алламаҳалгача бедор ўтириб, суратларга кўзларинг тўймай термула-термула жушқин иштиёқ билан қизнинг зебо чеҳрасини қалам ила ок қоғозга кучирдинг. Қиз барча суратларда жиддий, хафахол қиёфада боқиб турарди. Сен уни ҳар турли қиёфаларда тасвирлашга интилдинг. Бирида ўта жиддий, бирида хаёлга толган ҳолда, бирида чиройли жилмайган, бирида кўзларини сузиб ғамзали бокқан ҳолда, бирида сал хафахол, кимнидир орзиқиб кутаётган ҳолда, яна бирида эса сочларини ёйиб, лолазор оралаб кетаётган ҳолда, яна бирида эса маъсумлик ила атиргул ҳидлаб турган ҳолида тасвирладинг.

«Кеча сиздан сўрамасдан расмга туширганим учун узр энди, – дединг эртасига унинг яқинига боргач. – Кўринг-а, суратлар унчалик ёмон чиқмабди, шундайми?» Қиз суратларга бир қараб олди-да, ўша жиддий қиёфада пинагини бузмай: «Булар менгами?» – деди. Ҳа деб суратларни унга бердинг. «Мана булар эса мен чизган расмлар, – дея тунги ижодингни кўрсатиб мақтанмоқчи бўлдинг. – Қалай, сал-пал ўхшата олибманми?» Қиз расмларга бир кўз қирини ташлаб олиб, худди бепарво одамдек пинагини бузмай: «Булар ҳам менгами?» – деб сўради. Сен чизганларингни ҳозирча беролмаслигингни, булар ҳали эскизлар эканлигини, рангли қилиб яхшилаб чизсанг, бир нусха кўчириб беришингни айтиб, ундан узр сўрадинг. Фурсаддан фойдаланиб, исмини сўраган эдинг, бу унга кечагидек ёқмади шекилли, тумтайиб, тагин нари кетиб қолди. Бутун шу ердан унинг исмини билмасдан кетмайман деб аҳд қилиб, бошқа станокда ишлайдиган бир киздан унинг исмини сўрадинг. Ҳали киз бир нимани тушунгандек бўлиб, қувлик ила илжайди-да: «Менинг ҳам суратимни чизсангиз айтаман, бўлмаса йўқ», – деди. Унга жавобан кулиб бўпти дединг. Ундан қизнинг исми Фотима эканлигини билиб олдинг. Тушлик маҳали ўн беш дақиқада ҳалиги қизнинг суратини чизиб бердинг.

Фотима тўрт яримларда ишдан чиқиб, комбинат девори ёнидаги йўлақдан ётоқхонага пайтаётганида унга етиб олдинг-да:

– Келинг, икки оғизгина гаплашиб олайлик, – дединг умидвор оҳанда.

У сенга чимирилиб қараб:

– Расмимни чизган бўлсангиз, тагин нима керак сизга ўзи? – деди.

– Тўғриси айтсам, бир кўришдаёқ хаёлимни олиб қўйдингиз, – дединг дилинг орзиқиб. – Сиз менга жудаям кераксиз. Сиз билан икки оғизгина гаплашмоқчи эдим.

– Менга эса ҳақ ким керак эмас, билдингизми? – дея кескин жавоб қилди Фотима кутилмаганда гўё ҳақорат эшитгандек ҳансираб, ҳаяжонланиб алам билан. – Орқамдан бошқа келманг, мени тинч қўйинг! – Фотима култ этиб ютунди-да, ранги оқарганча ётоқхона томон югуриб кетди. Сен ҳеч нарсани идрок қилолмай, хайрон бўлганинча қаққайиб қолавердинг. Эртаси кунни унинг йўлини пойлаб, кўзларинг тўрт бўлди. Фотима турқингни кўришга тоқатим йўқ дегандай қовоғини очмай ёнингдан бешарво ўтиб кетди. Шу тариқа икки ой овораи сарсон бўлиб унинг ортидан соядек эргашиб юрдинг.

Изтиробли ўтган шу уч ой ичида сен Фотиманинг ҳар хил ҳолатдаги етгита суратини мойбўёқда жушқин иштиёқда рангли қилиб ишладинг. Картиналар кўнглингдагидан ҳам ажойиброқ чиқди.

«Ёшлик» ойномасида ишлайдиган рассом Рустам Акбаровнинг жияни Тўлқин сен билан ёнма-ён хонада турарди. Куз кунларининг бирида Рустам ака жиянини излаб, ётоқхонага келиб қолди. Бу пайтда жияни қайгадир чиқиб кетган экан. Рустам акани дарҳол хонанга олиб кириб, олдига дастурхон ёздинг. То жияни келгунча меҳмонни зериктирмай суҳбатлашиб ўтирдинг. Рустам ака сенинг картиналарингни диққат билан кўздан кечириб, сиз яхшигина рассом бўлиб қолибсиз-ку, ука, деб чин дилдан мақтаб қўйди. Фотиманинг суратларига ўйчанлик билан тикилиб туриб: «Булар бир туркум бўлибди шекилли. Жуда ҳам жозибали, ранглар ҳам анча тиниқ, айниқса, сурат билан сийрат уйғунлашиб кетибди. Менга жуда ёқди. Кўпдан бери мундай асарларни кўрмагандим, тўғриси», – деди. Бу мақтовлардан руҳланиб кетдинг.

– Менга қаранг, – деди бирпасдан кейин Рустам ака. – Шуларни бир туркум қилиб: «Хаёлимдаги малак» номи билан «Ёшлик»да эълон қилсам нима дейсиз а? Биз ёш талантларни излаяпмиз. Амминманки, бутун биттасини топдим.

Қандок буларкан дегандай ўйга толиб қолганингни кўрган Рустам ака:

– Э, сиз сира чўчиманг, – деди далда бериб. – Бош муҳаррир ҳам хурсанд бўладилар ишларингизни кўриб.

Эртасига тушдан кейин юрагинг гуппиллаганча таҳририятга йўл олдинг. Картиналаринг бош муҳаррирга ҳам, ўша жойда ишлайдиган шоиру ёзувчиларга ҳам маъқул келди.

«Ёшлик»нинг кейинги сонидан рангли суратинг ва ўзинг ҳақидаги қисқача маълумот билан биргаликда «Хаёлимдаги малак» туркуми босилиб чиқди. Журналда чиққан шу суратларини кўрса, эҳтимол, кўнгли ийиб кетиб, бу сафар мен билан очилиб сўзлашар деган илинжда эртасига соат тўртларга яқин комбинат эшиги олдида кўзларинг гирён бўлганча Фотиманинг чиқишини кутдинг. Ҳадеганда Фотимадан дарак

бўлавермади. Бир маҳал ҳалиги Комила деган қиз чиқиб қолди. Ноилож Комиладан унинг қаердалигини сўрадинг. «Фотима беш кун бурун энди ишламайман деб, Янгийўлга – уйларига кетдилар», дея жавоб қилди Комила. Бу гал ҳам омадинг чопмаганидан андуҳга ботиб, бўшашганча изингга қайтинг.

Мана бугун эса кутмаган, сира хаёлингга келмаган жойда уни учратиб, у билан ёнма-ён турибсан. Бу қандай гаройиб ҳол бўлса энди? Хайрон бўлардан ўзга чоранг йўқ.

– Менинг расмларимни чиройли қилиб чизганингиз учун раҳмат сизга, – деди Фотима артилган сабзини қўлингдан олар экан. – «Ёшлик»да кўрдим. Номини менимча «Хаёлимдаги малак» эмас, «Қалбимдаги малак» деб қўйиш керакмиди-ей. Ахир мен сизнинг юрагингиздан жой олганман-ку, шундай эмасми?

Нима деяришгени билмай, анграйганча эҳтиётсизликдан бошмалдоғингни кесиб юборганингни сезмай қолдинг. Фотима энтикиб, ачиниш оҳангида: «Қўлингизни кесиб олибсиз-ку, ахир, Исомиддин ака!» – дегандагина бошмалдоғингга қарадинг.

Шу пайт сизлардан хабар олгани Маҳмуд ошхонага кириб қолди.

– Ҳа, тинчликми ўзи? – деди у қўлингдан қон оқаётганини кўриб. – Э, ошна, ўтмас пичоқ қўлни кесади деган гап бор-ку, мундоқ кўзингга қарасанг бўлмайдими? – дея танбех берган бўлди. Тезда ичкаридан йод билан бинг олиб чиқиб, Фотимага тутқазди.

– Нега менга мунча термулавериб, хаёлга бериласиз? – деди Фотима қўлингни боғлар экан, мунисона оҳангда ним табассум билан. – Мен ўша бир йил бурун сизни роса қийнаган ўша бадқовоқ қизман. Биласизми, бутун кайфиятим аъло. Сизни учратганимдан қувончим ичимга сиғмаяпти. Мана шу ҳолатим сизни жуда ажаблантиряпти, тўғрими?

Сен иқрор бўлиб секин бош ирғаб қўйдинг.

– Кўркманг, бугун сизни дарров ташлаб кетмайман ҳам, ранжитмайман ҳам. Ўша қийналганларингизни, аламларингизни кўнглингиздан чиқаришга ҳаракат қиламан. Бу кеча то тонгга довури тўйиб-тўйиб гаплашамиз. Сизни жуда соғинганман!

Фотиманинг бу ажабтовур жонбаста сўзларидан кўнглинг орзиқиб, бошқача бўлиб пийиб кетдинг. Унинг елкаларидан ушлаб, энтикиш ила ўзингга қаратдинг. Шу гапларингиз рост-а, деган ёлқинли нигоҳ ила кўзларига боқиб, мастона дудоқларига лабларингни яқинлаштиринг. Фотима ютуниб олиб, кўрсаткич бармоғини қақраб турган лабларингга босди.

– Шошқолоқлик қилманг, – дея шивирлади у. – Бировнинг уйидамиз, яхшимас, уят бўлади. Тагин анавилар кўриб қолишса, қандай хаёлларга боришлари мумкин? Кўнглингиз қолмаслиги учун ҳозирча шу етади деб ўйлайман.

У товуш чиқармай, юзингдан секин ўйиб қўйди. Шу биргина сассиз ўпич ўнг юзингни қуйдириб юборгандек бўлди. Мабодо лабларингдан бўса олгандами, кун бўйи совуқда намиққан вужудингни оловлантириб юборган бўлармиди? Шу ёшга кириб, қиз болага биринчи бор ўптиришинг эди. Шу асно сенда ажиб бир ҳолат юз берди. Қалбингдаги бир йиллик қайғу-алам ва изроблар тумандек тарқаб кетиб, кўнглингни ажабтовур

ёруғ хуррамлик чулғаб өлди. Бир йил хажрида куйдириб, кийнаган севгилинг умидингни ўзган чоғингда етти ухлаб хаёдингга келмаган илтифотни кўрсатиб турса, йигит учун дунёда бундан-да ортиқроқ бахту саодат бормикин ўзи?!

Хайр энди, кадрдон қайғулар!

Меҳмонлардан дарак бўлавермагач, Маҳмуд уларникига телефон қилди. Бироздан кейин маълум қилдики, таклиф этилганлар узрли сабабларга кўра келишолмас эканлар.

– Ошши гуручинни ўн бир яримларда соласизлар, – деди Маҳмуд ошхонага қайтиб. – Янги йилни ош билан кутиб оламиз, бўптимми?

– Унгача данак чақиб, совуқ салат еб ўтирарканмиз-да а? – деди Нафиса норози оҳангда. – Мен ўн бир яримгача иссиқ овқат емасам чидолмайман. Ичим таталаб, ўлиб қоламан, сизларни билмадим.

– Сомса пиширсак-чи а? – деди шунда Фортима Маҳмудга юзланиб, сиз нима дейсиз дегандай қилиб.

– Бу жудаям зўр таклиф, мен қарши эмасман, – ўйлаб ўтирмасдан дарҳол рози бўлди Маҳмуд.

– Айтишга осон. Сомса учун гўшт қани, пиёз қани? – уф тортиб сўради Нафиса.

– Гўшт, ана музлатгичда. Пиёзни hozir қараб кўраман, – дея айвонга чиқиб, телевизор қутисини кавлаштира кетди Маҳмуд. – Ўн-ўн бешгача бор экан, стадимми?

– Опкелаверинг, этади-этади, – дейишди қизлар.

Шундай қилиб, учовлон сомса қилишга киришиб кетдиларинг. Маҳмуд бўлса пиёзнинг аччиғига чидолмайман дея баҳона қилиб, сен келтирган тортни кесиб, таксимчаларга жойлаб, дастурхонга қўйгани ичкарига олиб кирди. Тезда сомса тайёр бўлиб, дастурхонга тортилди.

Таом тагида қолиб кетар дея, хушнудлик ила бир пиёладан коньяк уриб олдиларинг.

– Жонларингга тегмадимми а шу? Ҳар кун кўрадиган телевизорга термилиб ўтираверамизми энди? – дея ойнаи жaxonни ўчириб қўйди Нафиса. – Магнитофон қўйиб, мундоқ ўйин-қулғу қилиб, яйраб хурсандчилик қилмаймизми ахир? Бугун йилда бир келадиган байрам бўлса.

– Магнитофонни қўйишга қўямиз-ку-я, бироқ бирортаям ўзбекча кассета йўқ-да, – дея айбдорона илжайди Маҳмуд. – Тунов кунни жиан барини олиб кетувди-да, ўтиришлари бор эканми-ей.

– Ё тавба! Бу қандай гап ўзи? Ўзбекнинг уйида ўзбекча мусиқа бўлмаса-я энди, – афсус ила бош чайқади Нафиса. Бўлмаса қанақасидан бор ўзи?

– Италиянча, французча, яна эрончами-ей, – дея кассеталарини бир-бир кўздан кечира кетди Маҳмуд.

– Анави эронча деганингиз Гўгуш эмасми а? – қизиқсиниб сўради Нафиса.

– Гўгуш бўлмаса керак. Америкада «Танин» деган студия бор экан-ку. Эрон эстрада юдузларининг қўшиқларини ёзадиган, – деди Маҳмуд. – Ўшаларнинг қўшиқлари-да.

– Хўп яхши, қўйинг бўлмаса ўшани. Бир мирикайлик! – дея жилмайиб сенга қараб қўйди Нафиса.

Зум ўтмай, магнитофондан эронча ажиб кўйга монанд ингичка ширали овозли хонанданинг дилни тўлқинлантириб ўйинга чорловчи хониши янграй кетди. Аввал Маҳмуд билан Нафиса куйга мос муқом килиб роса ўйнашди. Кейин Фотима билан сени даврага кўшишди.

Бир маҳал Нафиса Маҳмуднинг қулоғига бир нимадир деб шивирлаганди, дўстинг бу мусиқани ўчириб, бошқа кассетани кўйиб юборди. Бу итальянча, фақат севги ва висол ҳақида ўйлантирадиган майин мусиқа эди. Бу куйга йигит-қиз бир-бирининг пинжигга кириб, секин рақсга тушар эди. Ҳаётингда биринчи маротаба қиз бола билан бундай рақсга тушишинг эди! Фотиманинг белларидан ушлаганингда, ўз-ўзидан баданларинг жимирлаб, қўлларинг титраб кетди. Қиз эса сен билан аввал ҳам рақсга тушиб куниқиб қолгандек ўзини эркин тутиб, қўлларини елканга бемалол ташлаб, гўё шу нозик яқинлашувдан мамнун каби кўзларини юмиб олди. Сал ўтгач, нафис иягини елканга кўйиб: «Мен қайсарни жудаям соғингандирсиз-а?» – дея эҳтирос ила шивирлади. Унинг дуркун сийнаси кўксинга тегиб турар, бу нозик ҳолатдан сен ҳам бошқача бўлиб, аста-секин суйилиб борар эдинг. «Ҳа, жудаям соғинганман!» – дея шивирладинг унга жавобан. Мусиқа тингани ҳамоно бирдан хушёр тортиб, бир-бирларингдан ажралишиб, жойларингга бориб ўтирдиларинг.

Нафиса кулиб, зимдан сени кузатиб турарди. Худди бир ножуя ҳаракат қилиб кўйгандек унинг нигоҳларидан кўзларингни олиб қочдинг. Ичида намунча уятчан бўлмаса бу йигит деб кўйган бўлса ажабмас.

Маҳмуд билан Нафиса гоҳ жиддий, гоҳ кулишиб аллақандай ўтган воқеаларни эслашиб, сизларга унча эътибор бермай сўхбатлашиб ўтиришар, Фотима эса ширин жилмайганча сендан сира кўз узгиси келмасди.

Кун бўйи толиққанинг асар қилдими, қизга тикила-тикила мудрай кетдинг бир маҳал. Маҳмуд ҳолатингни тушуниб, бироз мизғиб олишни таклиф қилди. Унинг раъйини қайтармай, ётоқ бўлмага кириб, диванга чузилдинг-у, дарров ухлаб қолдинг.

Фотима ним табассум ила дарахтга суяниб турармиш... Сен ундан уч-тўрт қадам берида мольбертингни ўрнатиб, қизнинг суратини чизармишсан. Шундоққина яқин атрофдан бояги итальянчага ўхшаш одамга фақат ҳижрон ва висолни эслатиб турувчи ажиб бир мусиқа эшитилиб турармиш...

«Кўйинг шу расмингизни», – дермиш бир пайт Фотима яқинлашиб истиғно билан. «Кейин чизарсиз. Келинг, бир валсга тушайлик!» – ғамза ила бўйинингга осилиб олганмиш. Шу пайт дарахат шохидан туйқусдан устиларингга гуппилаб қор тўкилиб, сизларни энтиктириб юборганмиш...

– Ҳей уйқучи, турсангиз-чи, Янги йил яқинлашиб қолди-ю, бу кишимнинг ётишларини каранг, – дея кимдир елкангдан секин турткилай бошлади. Шундай ажойиб тушинг бузилганидан ғашланиб, истар-истамай кўзингни очсанг, тепангда ўшандоғ ним табассум билан Фотима турибди!

– Туринг энди, ошни сузаяпмиз, – деди ёлқинли нигоҳ ила.

Хушнуд жилмайганча қизни бағрингга босмоқчи бўлиб қўлларидан тортган эдинг, у ҳадиксираб:

– Вой, эсингиз жойидами ўзи? Нима қияпсиз, кўлимни кўйворинг. Хали мен сизга номаҳрамман-у, – деди ясама жиддийлик билан.

– Ундай бўлса, боя нега бўйнимга осилиб танца тушдингиз-? – дединг кўлини кўйгинг келмай.

– Боями, ха энди бир кўнглим кетди-да, – дея кулиб жавоб килди у.

Хозиргина кўрган тушингни сўзлаган эдинг, қиз ярими чин-у, ярими ёлғон дея чимирилди. Бир зум ўтар-ўтмай жилмайди-да:

– Расмимни чизишга жаа иштиёқманд бўлсангиз, мана шу ерда чизаверинг, – деди у хоҳиш билдириб.

– Бу жойда бўлмайди-да, – дея эътироз билдирдинг.

– Нима учун? – саволомуз тикилди у.

– Қалам, қоғоз, мольберт, бўёқлар, кистлар керак, – дея чайнадинг сен.

– Ижодхонангизга боришим керак экан-да бўлмаса, – деди Фотима афсус дегандай.

– Борсангиз, сизнинг ҳамма расмларингизнинг оригиналини кўрсатардим, – дединг умидвор бўлиб.

– Сиз уларни ҳалиям сақлаб юрибсизми? – бир оз ажабланиб сўради у.

– Бўлмасам-чи! – дединг бирдан энтикиб. – Суратларингиз мен учун қанчалик қадри эканини билсангиз эди?!

– Мен бўлсам, сизга рўйхушлик бермаганимдан кейин уларни йиртиб ёки ёндириб юборгансиз деб юардим, – деди у секингина.

– Мунча гурунг қилдиларинг, чиқмайсизларми энди? – дея шанғиллаб ичкарига кирди Нафиса. – Ошши сузиб бўлдим-ку, ахир, азизлар!

Махмуд ошнинг тагида қолиб кетсин энди деб, икки пиёлага коньяк кўйиб, қизларнинг қадаҳларини шампан билан тўлдирди-да, биринчи бўлиб янги йил табриги учун Фотимага сўз берди. Фотима мен нима ҳам дейман дегандай, сенга бир термилиб жилмайди-да, ўрнидан турди.

– Италияларда янги йил олди эски-туски нарсаларни кўчага чиқариб ташлаш одат экан. Мен уларнинг бу одагларини ўзимизда сал бошқачароқ кўллашни истардим. Яъни биз янги йил олди дилларимиздаги барча армонларни, гинаю кудуратларни, аламу изтиробларни қор гупилаб ёғаётган шу совуқ кўчага улоқтириб ташлайлик! Янги йилни эса беғубор оқ кўнгли билан кутиб олайлик. Бутун умр шу беғуборлик бизларни тарк этмасин, ишқилиб!

Яшанг дея қадаҳларни чуқиштирдинглар.

Девордаги чуғдек тиламга илинган зарҳал соат ниҳоят ўн иккига жом урди – янги йил кириб келди. Худди шу маҳал ташқаридан гўё тўп отганга ўхшаш гумбирлаган товушлар эшитилди. Тўртовлон бирдан сергакланиб, ҳайрон бўлганда пардаларни очиб, кўчага термилдиларинг. Ташқарида қорнинг ёғиши тўхтаган, тиник осмонда кўзни яшнатувчи ранго-ранг мушаклар жилоланиб сўнар эди. Шу ажиб ҳолни интиклик ила кутган ёшлар кўчаларга чиқишиб, осмонни бир лаҳза ёритган рангларнинг ажиб жилосини ташқаридан завқу шавқ билан қийқиришиб кузатишар эди.

– Вой, уни қаранглар, қандок чиройли а?! – деди Нафиса энтикиб.

– Юринглар, биз ҳам кўчага чиқиб тамоша киламиз, – деди Фотима.

– Гапингизга юз фоиз кўшиламан! – дея Фотиманинг таклифини қувватлади юзлари кизариб кетган Махмуд. – Одам уйда ўтиравериб кизиб кетди, ахир. Янги йилнинг тоза ҳавосидан бир тўйиб нафас олиб келайлик-да.

Апил-тапил кийиниб, кўчага отилдиларинг. Ташқарида қордан сўнг ҳаво унчалик ҳам совуқ эмасди. Қор учқунлари чироқ нурида нуқрадек ялтираб кўзга ташланар эди. Яна икки марта гумбурлаб отилган мушаклар осмону фалакни ранг-баранг жило ила ёритиб узидан оний из қолдириб сўнди.

– Юринг, бир айланиб келамиз, – дединг шунда Фотиманинг қулоғига шивирлаб.

– Қайга борамиз, шу кеча? – дея ажабланди у.

– Ижодхонамга-да, – дединг кулимсираб.

– Нима қиламиз у ерда? – ер чизиб сўради киз.

– Боя айтдим-ку: аввал чизган расмларимни кўрсатаман деб, – дея эсига солдинг.

– Ҳа-я, дарров ёдимдан кўтарилибди, узр, – деди Фотима. – Суратимни чизмоқчи эдингиз шекилли. Устахонангиз бу ердан унча узоқ эмасми?

– Уч бекачча нарида, – дея жавоб килдинг.

Фотима Махмуд билан Нафисага юзланиб қувноқлик билан:

– Биз очиқ ҳавода бир оз сайр қилгани кетяпмиз. Бирор соатларда қайтиб келамиз. Тагин эшикни кулфлаб ухлаб қолманглар-а, – дея таъкидлаб кўйди.

– Вой, мен ҳам сизлар билан бора қолай, – деди Нафиса ҳаваси келгандай ялинчоқ овозда.

– Учинчи киши ортиқча – дея кўзини қисиб муғомбирона кулимсиради Фотима. Махмуд ниманидир тушунгандай бўлиб илжайиб: «Яхши, айланиб келинглар, эшитимиз бу кеча очиқ туради», – деди Нафисани кўлтиқлаб.

– Ўшанда мен билан гаплашишни истамай кетганингиздан кейин ўзимни дунёдаги энг бахтсиз ва омадсиз одам ҳисоблаб тушкунликка тушиб қолдим, – дея дийдиёнгни бошладинг, анҳор ёқалаб катта йўлга чиқаркансизлар. – Айниқса, шу бугун эрталабдан сира омадим чопмаса бўладими!

– Тинчликми, нима бўлди ўзи? – қизиксиниб сўради Фотима.

Самолётинг учмай, уйга кетолмай қолганингни ўкинч ила сўзладинг.

– Яхши иш бўлмабди-да, – деди Фотима ҳамдардона оҳангда. – Уйга кетолмаганингизга ҳалиям хафамисиз?

– Тўғриси, сизни учратмагунимча хафа бўлиб турувдим. Энди эса йўк! – дея хушнудлик ила кўксингни тўлдириб нафас олдинг. – Энди билсам: сиз билан учрашишим учун кетолмай қолган эканман.

Фотима лабларини маҳкам қимтиб, ниманидир хаёл қилиб:

– Шундай деб ўйлайсизми? – деди жиддийлик билан.

– Бўлмасам-чи, азизам! – дея шодонлик ила уни кўлтиқлаб олдинг. Бу унга ёқиб тушди шекилли, елканга бошини кўйиб табассум қилди.

– Устахонангизга яқин қолдимми ўзи? – дея эркаланиб сўради у икки юз қадамлар юрилгач.

– Студентда устахона нима қилсин, – дединг қулиб. – Устахона катта рассомларда бўлади-да.

– Бўлмаса мени шу совуқда қаёққа етаклаб кетяпсиз, овора қилиб? – овозига жиддий тус бериб чимирилди қиз.

– Ижарамга – ижодхонамга-да! – дединг хотиржамлик билан.

– Ҳали мени бошимни айлантириб, квартирангизга олиб кетяпсизми? – дея жойида таққа тўхтаб қолди у. – Уй эгаси ярим кечада кўчадан мени олиб кирсангиз, қандай хаёлларга боришини ўйлаяпсизми ўзи?

– У ерда ҳозир ҳеч ким йўқ, – дединг кулиб. – Уй эгалари – Шомил ака навбатчиликда, Нина хола эса қизиникига кетган.

Фотима нима қилсам экан-а дегандай иккиланиб қолган эди.

– Агар борингиз келмаётган бўлса, майли, ўзингиз биласиз, – дединг менга ишонмаяпсиз-а дегандай қилиб. – Бўпти, сизни овора қилганим-чун минг бор узр. Очиқ ҳавода яхши сайр қилдик. Энди изимизга қайтамиз. Ана машина келяпти, тўхтатайми?

Этиги учи билан ер чизиб турган Фотима кўнглингда ёмон ниятинг йўқлигига ишонч ҳосил қилибми, бормаслик ҳақидаги фикрини бирдан ўзгартириб, олдинга ўтди-да:

– Нимага қараб турибсиз? Қани, кетдик, ўша ижодхонангизга, – деди кўзларини бир юмиб жилмайганча.

Орадан ўн беш дақиқалар ўтиб, Фотима иссиққина хонанг ўртасидаги айлана стол ёнида ўтирар, сен унга икки йил муқаддам унинг ҳар хил ҳолатларда чизилган расмларини кўрсатар эдинг.

– Ҳалиги «Ёшлик»да чиққан рангли суратларим-чи, – дея эсингга солди у.

Картиналар нариги хонада эди. Уларни олиб келгани чиқдинг. Келгунингча Фотима қалин светирини ечиб, енгил бўлиб олибди. Енги калта чиройли қизил кўйлакда қиз кўзингга янада жозибалироқ кўриниб кетди.

Картиналарингни тартиб билан деворга териб қўйдинг. Фотима ўрнидан туриб, кўзлари қувнаганча уларга термилди. Айни чоғда орзиққан кўнгли висолга интиқ қиз сингари энди мен сизникиман дегандай кўзларингга ғамзали боққанча кўксингга бошини қўйди. Ҳисларингга эрк бераётган бир пайтда қизнинг елкангга ташланган ўнг билагидаги тангадек холга кўзинг тушиб, бирдан сергак торгинг ва баногоҳ унинг бошқа қиз экандлигини пайқаб қолдинг.

– Йўқ! Сиз Фотима эмассиз! – дединг товушинг ўзгариб, уни қучоғингдан бўшатар экансан.

Қиз бирдан кўзларини олиб қочиб энтиқди. Зумда ранги докадек оқариб, нима деярини билмай қолди.

– Аниқ эсимда: Фотиманинг билагида сизникидек хол эмас, куйгандан қолган каттагина чандиқ бор эди! – дединг қатъий ишонч билан. Бу гапдан кейин у худди айбдордек бошини эгиб қолди.

– Нега мени алдадингиз? Айтинг, кимсиз ўзи? – дея асабий уни сўроққа тутди кетдинг.

Қиз кўрқув аралаш сенга бир қараб олиб, стулга ўтирди-да, култ этиб ютуниб:

– Мен, мен ўша Фотиманинг синглиси Зухра бўламан! – дея юзларини кафти билан яширганча йиғлаб юборди.

– Ни-ма? – қулоқларингга ишонмай, анграйганча ҳайрат ила унга тикилиб қолдинг.

Сал ўтиб, Зухра мижжаларидаги ёшни артиб, чуқур-чуқур хўрсинди. Ўрнидан туриб, стул суюнчиғидаги светирини олиб кийди-да:

– Мени Нафисанинг ёнига олиб бориб қўйинг, илтимос, – деди ҳазин товушда.

Кўчага чиққач: «Опангиз яхшимилар? Қаердалар ҳозир?» – дея сўрагандинг, у тумтайганча жавоб бермади. Гаплашишни истамаганидан кейин йўлда уни бошқа сўроқламадинг.

Ҳали айтилганидек, эшик қулфланмаган экан. Икковлари телевизор томоша қилиб ўтиришган экан.

– Роса совқотиб кетгандирсан? – дугонасига ачингансимон сўради Нафиса. – Ҳозиргина қайноқ чой дамловдим. Ичгин, дарров исиб кетасан.

– Мен ҳам жуда совқотдим, ичим музлаб кетяпти, – дея дўстинг ёнига ўтирдинг.

– Йўқ-йўқ, мен чой-пой ичмайман, – дединг бош чайқаб. – Маҳмуд ановингдан куй, жўра, – дея коньяк шишасига ишора қилдинг.

– Сиз айтасиз-у, бизда жон қоладими, дўстим – дея жонланиб пиёлага яримлатиб коньяк қуйди Маҳмуд.

– Қуримсоқлик қилма, қуйсанг тўлдириброқ қуй, – дединг ҳазин аралаш.

– Боя янги йил учун ичдик, энди нима учун ичамиз, дўстим? – деди у пиёлани тўлдирар экан.

Оғир хўрсиниб олиб:

– Биров шодлигидан, биров ғамга ботганидан, яна биров эса алданганидан ичади-да мунди, – дединг алам билан. Кейин Зухрага маънодор қараб олдинг. У гапингни дарров уқиб, нигоҳини олиб қочди. – Мен эсам интизорлик билан излаб юрганимни энди топдим деганимда, йўқотиб қўйганим учун ичмоқчиман.

Андухга тўла бу гапингдан Зухранинг туси ўзгариб, бошқача бўлиб кетди. Нафиса билан Маҳмуд тушунмадик, нима гап дегандай елка қисишиб бир-бирларига қарашди. Буларнинг олдида қизни ноқулай аҳволдан чиқариш мақсадида унга раҳминг келиб: «Ҳазиллашдим» – дея зўрма-зўраки қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбординг.

– Мен янги йилни шундоқ қувноқ даврада, дўстларим билан бирга кутиб олганим учун ичмоқчиман! Омадимизни берсин, қани олдик! – дея томоқни куйдирувчи коньякни сипқординг. Кетидан газлагига ширин нарсанинг келиб, ўзинг келтирган тортнинг бир бўлагини татиб кўрдинг.

– Нима, ичгани бошқа нарсанг қолмадими? – дея сўрадинг бўшаган шишага ишора қилиб.

– Нега энди, бор. Сен учун ернинг тагидан бўлсаям топаман, – деб Маҳмуд ичкаридан яна битта коньяк олиб чиқди. Буни кўриб, Нафиса бўлди, етар, бошқа ичмаглар энди, дегандай норози нигоҳ ила имо қилди.

– Шундай ажойиб, йилда бир келадиган байрам кунди ичмасак, қачон ичамиз ўзи? – деди Маҳмуд шишани очар экан. – Исомжон билан мундай яйраб ўтирмаганимизга уч йилча бўлиб қолди-ёв.

– Ҳа, ҳа, ронпа-роса уч йил-а! – дединг унинг гапини маъқуллаб. – Фотимахон билан учрашмаганимизга эса бир йилдан ошди, шундай эмасми?

Зум ўтмай, овозингга қувноқ тус бериб:

– Ё гапим нотўғрими-а, Зухраҳон? – деб юбординг уларни ҳайрон қолдириб.

– Э, нималар деб валдираяпсан, ошна? – деди Маҳмуд. – Ё ҳалитдан кайфинг ошиб қолдимми, нима бало? Фотимаҳонни Зухраҳон дейсан-а.

Шу қалтис гапингдан кейин Нафиса дугонасига ялт этиб, қошларини кўтариб савол назари билан қараган эди, Зухра сири очилганига икром бўлган каби лаблари гезарганча бошини эгиб қолди.

Тагин бир пиёла ичганингдан кейин кайфинг ошиб, уйқунг келиб, мудраї бошладинг. Нафиса бўлди энди, дам олинглар деб, сизларни ётоқ бўлмага киргазиб юборди.

Эргалаб сал бошинг оғриб, соат тўққизларда кўзингни очдинг. Ювингани чиқсанг, Маҳмуд чої ичиб, телевизор тамоша қилиб ўтирган экан. Негадир қизлар кўринишмас эди. Маҳмуддан сўраган эдинг, улар бир соатлар бурун сени безовта қилгилари келмай кетиб қолишганини айтди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Зухрадан бир мактуб олдинг. То шу мактубни олганингга қадар ўша янги йил кечаси Зухра не сабабдан ўзини Фотима деб таништиргани сенга ечиб бўлмас жумбоқ бўлиб турган эди. Роса етти кун бу ҳақда ўйлаб ўйингга етолмай, бошинг қотиб ҳайрон бўлиб юргандинг. Хайрият, шу мактуб кўлингга тегди-ю, сенга қоронғи бўлиб турган бу ғалати воқеа ойдинлашиб, жумбоқ ечимини топди. Мактуб келмаган тақдирда Зухрани излаб топиб, ундан изоҳ талаб қилар эдинг.

«Қадрли Исомиддин ака!

Сиз билишингиз лозим бўлган бор ҳақиқатни тўла-тўқис баён қилишга ҳаракат қиляпман», – деб бошланган эди Зухранинг мактуби. «Мени қандай тушунасиз ва мен ҳақимда қандай хаёлга борасиз, у ёғи энди сизга ҳавола. Севиб қолганини тан олиш қиз болага қанчалик қийин эканлигини билсангиз эди! Ҳа, мен сизни бир йилдан бери яхши кўриб қолганман. Тўғриси, сизга гойибона ошиқ бўлганман. Ўшанда бу унутилмас воқеа кутилмаганда рўй бериб, мени эсанкиратиб қўйган эди, рости.

Мактабни битиргач, дорулфунунга ўқишга киролмай, уйга қайтиб, тикувчилик цехида ишлаб юрардим. Кунларнинг бирида Манзура деган дугонам чап кўлини орқасига беркитиб келиб: «Қани, суюнчини чўз-чи», – деб қолди. «Очиқроқ гапир, нимага суюнчи беришим керак ўзи?» – дея ажбландим. У: «Ёшлик» журналида суратларинг чиқибди-ку, писмиқ, қачон чиздиришга улгура қолдинг?» – дея чап кўлидаги журнални кўрсатди. Журналнинг ўртасидаги икки саҳифада «Ёш рассом Исомиддин Қурбонов ижодидан намуналар» дейилган ёзув остида қай кўз билан кўрайишқи, менинг етти хил ҳолатдаги суратларим босилган эди! Саҳифанинг ўнг бурчагида сизнинг олтию тўққиз ҳажмдаги рангли расмингиз ҳам бор эди. Менинг чиройли суратларим тепасига «Хаёлимдаги малак» деб ёзилганди.

Сурагингизга қараб, бу ўйчан йипит мени учратмай, кўрмай қандай қилиб расминни чиздийкин деб роса ўйладим.

Еттинчи синфдалигимдан шеър машқ қилиб келардим. Шеърларим аввал туман рўзномасида, сўнгра «Тонг юлдузи»да ҳамда «Гулхан»да уч-тўрт мартабалаб босилиб чиққан эди. Ўнинчи синфда эканлигимда

мактабимизга «Ёш куч» журналидан бир мухбир опа келди. У мен билан бафуржа суҳбатлашиб, шеърларимни ўқиб кўрди. Ўзига маъқул келган ўнтасини танлаб олиб, албатта, журналда чиқаришга ҳаракат қиламан деб ваъда бериб кетди. Опага чиройли тушган бир расмимни ҳам бериб юборгандим. Орадан икки ойлар ўтиб, олгита шеърим «Ёш куч»да босилиб чиқди. Сиз менинг журналдаги ўша рангли расмимни кўриб, менга ошиқ бўлиб қолгансиз деб ўйладим ўзимча. Вақт ўтиб, бунга қатъий ишониб ҳам қолдим. Чунки «Хаёлимдаги малак» сарлавҳаси негадир ишончимни мустаҳкамлаб турар эди. Рост-да, сиз мен билан сира учрашмаган бўлсангиз, журналда суратимни кўриб, шеъримни ўқиб, хаёлан расмимни чизгансиз деб ўйлар эдим-да!

Шундай қилиб, ўз-ўзидан аста-секин сизга нисбатан меҳрим ортаверди. «Ёшлик»ни ҳар кеч қайта-қайта варақлаб, расмингизга тикилганим-тикилган эди! Сизга бағишлаб эҳ-ей қанчадан-қанча шеърлар ёзмадим дейсиз! Жўшқин хисларимни ичимга сиғдиролмай, охири сизга уч-тўртта хат ҳам битдим. Аммо уларни сизга жўнатишга уёлиб, йиртиб, ёқиб юбордим.

Афсуски, менинг булутлар устида шодон сузиб юргандек кечган бахтиёр кунларим узоққа чўзилмади. Бир куни опам Фотима ҳис-туйғуларим-у, ўй-хаёлларимни остин-устин қилиб юборди.

Фотима мендан бир йил олдин мактабни битириб, тўқимачилик институтига ўқишга борган эди. Бироқ ўша йили омади чопмай, талаба бўлолмади. Ўша ерда тайёрланаман деб, комбинатга ишга кириб, пойтахтда қолди.

Гўдаклигимизда муштипар онамиз бевақт дунёдан ўтган эканлар. Дадамиз бошқа аёлга уйланиб, бизни бувимизга ташлаб кетибдилар. Хуллас, бизни бувимиз боқиб катта қилганлар.

Болалигимда касалмандроқ бўлганим учунми, бувим мени опамдан бир йил кейин мактабга берганлар. Шунинг учун мен Фотимадан бир йил кейин ўқишни битирганман.

Фотима шанба кунлари биздан хабар олгани Янгийўлга келиб-кетиб турарди. Бир гал келганида ўзимча унга мақтаниб, «Ёшлик»да суратим чиққанини айтгандим, у бўлса: «Нима, шеърларингни сувратинг билан чиқаришибдими?» – деди. Мен шеърларимни эмас, бир нотаниш рассом расмларимни чизган экан дея журнални кўрсатдим. Фотима бу рангбаранг ажойиб суратларга бир муддат ҳайратга чўмганча термилиб турди-да, сўнг сал беписанд оҳангда: «Кўп ҳам хомтама бўлаверма, сингилжон, бу сенинг расмларинг эмас, – деди ковоғини солиб. – Булар менинг расмларим!», Кейин у сиз ҳақингизда, бу суратларни қандай қилиб чизганларингиз тўғрисида батафсил сўзлаб, кўнглимни чўктириб, руҳимни тушириб, мени қаттиқ изтиробли ўйларга толдириб қўйди. Сизга ғойибона кўнгил кўйганимни опамга айтишга иймандим. Менга эмас, опамга ошиқ бўлганингизни тушиниб етсам-да, аммо сиздан кўнгил узишни хаёлга сиғдиролмас эдим. Сиз билан бир мартагина учрашиб, суҳбатлашиб кўнглингизни билиш илинжида кунларни ўтказар эдим!

Фотима кейинги йили ниятига етиб, талаба бўлди. Ундан қолишмаслик учун шу йили мен қаттиқ тайёрланиб, дорулфунуннинг журналистика бўлимга ўқишга бордим. Имтиҳонлардан тўплаган баалларим кундузги

бўлимга киришимга етмади. Ўқишга киролмадим деб, уйга қайтгани юзим чидамади. Ариза ёзиб, кечки бўлимга ўқишга розилик билдирдим. Кечкига қабул қилинганлар икки йил тўқимачилар комбинатида ишлаб беришлари шарт экан. Бу тўғрида Фотимага айтгандим, у мени ўзи ишлаган цехга жойлаштириб қўйди. Шундай қилиб, ҳозир кундузи ишлаб, кечкурун иккинчи курсда ўқияшман.

Бунни қаранг, учрашар эканмиз-да. Ўтган куни тушимга кириб чиқувдингиз ўзи. Кўчада суратимни чизмоқчи бўлаётган эмишсиз.

Кеча Маҳмуд аканикида сизни учратиб қоламан деб сира ўйламаган эдим. Маҳмуд рассом дўстим Исомиддин Қурбонов шу ерда деганларида бирдан хаёлимга сиз келиб, юрагим шувв этиб кетди. Мундай қарасам, худди ўзисиз!

Опам учун чеккан азиятларингизни кўнглингиздан чиқариш мақсадида Нафисанинг қулогига: «Вақтинча мени Зухра деб эмас, Фотима деб чақиргин» – дея тайинлаб, бир қаттис ўйин бошлагимни ўзим сезмай қолдим ва оқибатда бу менга қимматга тушди. Опамга икки томчи сувдек ўхшаганим боис сиз мени чиндан ҳам Фотима деб ўйладингиз.

Шу кеч опамни ҳали ҳам қаттиқ яхши кўришингизга иқроп бўлдим.

Опамдан ранжимаслигингизни ўтинар эдим! Бировни мажбуран севдириб бўлмаслигини тушунасиз-ку!

Фотима сизга рўйхушлик бермагани сабабли албатта.

У тўққизинчи синфлик даврида ўзидан икки ёш катта бўлган Адҳам деган бола билан яхши кўришиб юрарди. Адҳам армияга жўнаши олдида қайтиб келсам, албатта, сенга уйланаман, тагин мен келгунча бирортасининг этагидан тутиб кетиб қолмагин-а, деб қатъий тайинлаган экан. Опам бечора шу гапга ишониб, роса икки йил уни интиқлик билан кутди. Адҳам хизматдан қайтгач, ваъдасида турмай, номардлик қилди. Ойис: «Ота-онасининг тайини йўқ етимчани келин қилмайман», – деб роса койиган эмиш. Адҳам онасининг гапидан чикмайдиган бўш-баёв бола эди. Шундан сўнг у ўзига тўқ оиланинг Роҳила деган кизига уйланди. Бу опамга дард устига чиққан чипқондек бўлди. Чунки Роҳила опамнинг яқин синфдоши эди-да! Бир вақтнинг ўзида ҳам кадрдон дугонангдан, ҳам яхши кўрганингдан ажралаиб қолиш одамга ёмон таъсир қилар экан. Фотима бундай вафосизлик ва номардликдан қаттиқ изтироб чекиб, йигит зотидан тамоман кўнгли қолиб, уларнинг бари бир гўр дея ёмон кўриб қолди. Уйимизга келган совчиларга йўқ деб қатъий жавоб бериб юборар, бувимга энди бир умр тоқ ўтаман, эр-перга тегмайман деб йиғлар эди. Йигитининг вафосизлигидан ўкиниб, ҳардамхаёл бўлиб эзилиб юрган кунларининг бирида, эҳтиётсизлик оқибатида ҳаммомда ўнг билагини куйдириб олиб, нақ бир ой қаттиқ азоб тортди бечора опам. Билагадаги чандиқ ўша куйишдан қолган.

Агар билагимда холим бўлмаганида, опамнинг билагадаги чандиқни эслаб қолмаганингизда, ўша куни менинг Зухра эканлигимни пайқамасдингиз ҳам. Шу икки белги бўлмаганида, янги йил кечаси ҳистуйғуларимизга эрк бериб, эҳтиросга берилиб кетсак, шайтон муқаррар бизни йўлдан уриб қўйиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб, ҳали ҳам юрагим орқага тортиб кетяпти. Худога шукрки, бахтимга сиз инсофли, диёнатли йигит экансиз! Бошқа биров бўлгандами, кўзини чирт юмиб... У ёғини

ўзингиз тушунасиз. Кейин мен дардимни кимга айтардим?! Шу боис сизга бўлган ҳурматим янада ошди, Исомиддин ака!

Институтда Фотимага Самандар деган аспирант ошиқу беқарор бўлиб, менга тегинг дея уни ҳоли-жонига қўймабди. Биринчи йигитидан оғзи куйган опам унга сира руйхушлик бермабди. Агар айтганимга кунмасангиз, бир куни менга тегишга мажбур бўласиз, шуни унутманг дебди у. Орадан бир мунча вақт ўтиб, опамни Мунира деган курсдоши туғилган кунига таклиф қилибди. Ўтиришга ўша аспирант ҳам айтилган экан. Зиёфат сўнггида опам ўзини ёмон ҳис қилиб, боши айланиб ҳушидан кетади. Ўзига келиб кўзини очса, ўша аспирантнинг қўйнида ётганмиш... Аспирант унга туғилган кунни уюштирган ҳам ўзим, сенга узоқ ҳушдан кеткизадиган дорини «Кока-кола»га қўшиб берган ҳам ўзим, энди менга тегишга мажбурсан дейди. Фотима йиғлаб-сиқтаб ётоғига қайтади-да, бўлган ҳодисани икки варақ қоғозга ёзиб, бувимдан кечирим сўраб, иффати топталганига чидолмасдан ўзини тўққизинчи қавватдан ташлайди.

Эрта хазон бўлган опам бечоранинг доғи ҳасрати ўша йили кузда касалманд бувимни ҳам дунёдан олиб кетди!

Мана, мухаббат бобида омадсиз бўлган опа-сингилларнинг тақдирларидан ҳам бохабар бўлдингиз.

Янги йил кечаси сизни алдаб, ранжитган бўлсам, минг бора узр сўрайман! Эртаси куни уёлганим учун хайрлашмай кетиб қолгандим. Бунга ҳурматсизликка йўймайсиз деб ўйлайман.

Сизни бир умр юрагининг қатида асраб юрувчи ЗУХРА».

Бир неча кун ич-ичингдан Зухрага ачиниб юрдинг. Уни излаб топиб, мискин кўнглига таскин-тасали бермоқчи ҳам бўлдинг. Аммо унинг олдига боришга оёғинг тортмади, тўгриси, ғуруринг йўл қўймади.

Жўшқин ёшлигингдан бебаҳо ёдгор бўлмиш ўша суратларни ҳали ҳам асраб юрибсан. Жавобсиз, қайғули мухаббатингни эслатиб, руҳингни чўктиришидан чўчиб уларга қайта термилишни истамайсан.

Бугун ҳам худди йигирма йил илгаригидек эски йилнинг сўнги куни гупиллаб лайлак қор ёғмоқда. Кўчага тикилиб туриб, ўша унутилмас янги йил кечасини эсладинг. Ўзини Фотима деб таништирган ғаройиб қиз қайда бўлса ҳозир? Соғ-омон юрибдимикин? У ҳам сири фош бўлган ўша янги йил кечасини ҳеч эслармикин?

Қашқадарё, 2004–2006



БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Ортиқбой Абдуллаев,
Филология фаълари номзоди

Матонат тимсоли

Устоз Абдулла Қаххор «Шижоат ҳақида» деб номланган машҳур мақоласида шундай фикрларни ёзган эди: «Агар ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, мен ҳалоллик билан шижоатни биринчи модда қилиб қўяр эдим, чунки, ёзувчининг бошқа ҳамма хислатлари унинг қай даражада ҳалол, нақадар шижоатли зехнига боғлиқдир. Санъат асарида яхшини яхши деб одамларга ибрат қилиш, ёмонни ёмон деб одамларни ундан жиркантириш учун шижоат керак бўлса, шижоат ҳалолликни талаб қилади. Шунингдек, шижоатсиз ҳалолликнинг ўзи ўлик сармоядир».

Бу кишини қаттиқ ўйлантириб қўядиган ағплар. Шижоат ва ҳалоллик, уларнинг ёнига истеъдодни ҳам қўшиш керак, албатта. Яхши асарни яхши, ёмонни ёмон деб жасорат билан айта олиш осон дейсизми? Ундан кейинги машмашаларни ҳам кўз олдингизга келтириб кўринг. Ҳар хил таънамаломатлар, таъқибларга чидаш... Шу туфайли кўпчилик: «Ке, қўй, менга нима, оч қорним, тинч қулоғим», деб жимгина яшашга кўникиб қолган, уларнинг қалбидаги жасорат ўлган, шижоат ўти сўниб кетган. Юқоридаги кўчирманинг охирига қайдларига эътибор беринг: «шижоатсиз ҳалолликнинг ўзи ўлик сармоя». Фақат ҳалолман деб ўз қобилигига ўралиб, бир бурчакда жамгина яшашнинг ўзи ҳақиқатан ҳам маънавий ўлим билан тенг. Ўрни келганда, қўқракни кериб майдонга туша олиш ҳам керак.

Абдулла Қаххор ўз мақоласида «ҳақ-ҳаққониятга келганда, вазирлик либосини ечиб ташлаб «қора халқ» ичига отилган» улуғ Навоийни «ёлғончилик уяси бўлмиш бойларнинг юзига «туф» деб шеър ёзган» Фурқатни, «ҳаққониятсизликка қарши норозилик юзасидан академик унвонидан воз кечган» Чехов билан Короленколарнинг жасоратини шижоат тимсоли сифатида ибрат қилиб кўрсатади. Албатта, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Мақола ёзилган пайтда, Октябр тўнтаришидан кейин шўро ҳукумати амалга оширган адолатсизликларни қоралаб дадил мақолалар, шеърлар, романлар ва драмалар ёзган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбекларнинг жасоратини тилга олиш

мумкин эмас эди. Қолаверса, санъаткорлар, ёзувчилар феодал ўтмишни идеаллаштиришида айбланиб турган бир шароитда, Ойбек, Максуд Шайхзодаларининг Навоий, Жалолиддин Мангуберди, Мирзо Улуғбек образларини ёрқин суратлаштириб бериши ҳам ўзига хос шижоат намунаси ҳисобланарди. Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи эса, журъатли ва адолатли фикрлари билан халқимиз қалбида абадий муҳрланиб қолди.

Тўғри, ҳалол ва шижоатли одамлар жуда ноёб бўлади, улар жуда кам учрайди. Аммо, улар ҳаминша ёруғ юлдуздек яраклаб, коронғу кечаларда миллатнинг йўлини ёритади, дилига нур бағишлайди. Улар халқимизнинг қаддини кўтарди, истиқлолни улуғлаб, мустақилликни қадрига етишга, авайлаб сақлашга даъват қилади, мудраган шууримизни уйғотиб, маънавийтимизни бойитади.

Мен Ўзбекистон қахрамони Озод Шарафиддиновни ана шундай мард, матонатли инсон деб биламан. Туғрироғи, матонат тимсоли деб биламан. У кишига шогирд бўлганим, бирга ишлаганим, ажойиб суҳбатларини тинглаганим билан фахрланаман. Ҳозирги Миллий университетда ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўқиган ва шу қушларда адабиёт, санъат, илму фан, маориф, матбуот соҳаларида фаол хизмат қилаётган минглаб етуқ мутахассислар ҳам ҳар донм Озод домланинг номини меҳр билан тилга олишади. Ҳатто умрида бирон марта уни учратмаган, суҳбатида иштирок этмаган кишилар ҳам «Озод Шарафиддинов» деган номни эшитиши билан: «У яхши одам» деб ҳурматларини жойинга қўйишарди. Дарҳақиқат, у киши ҳаётлигида миллатнинг фахри, ифтихорига айланиб кетган эди.

Университетда дили дарё, билими, маданий савияси баланд домлалар кўп эди. Уларнинг ҳаммасига юксак эҳтиром сақлаган ҳолда, очик айта оламанки, биз учун Озод домланинг ўрни, обрўси ниҳоятда баланд эди. Буларнинг ҳаммасига у истеъдод нури билан йўғрилган қалбидаги оловли шижоати, ҳалоллиги, адолат мезонларини куйиб-ёниб ҳимоя қилиши туфайли сазовор бўлганди.

Домладаги дадиллик, журъат биринчи йирик асари «Замон, қалб, поэзия» тўпламида ёрқин кўринган эди. 1962 йилда босилиб чиққан кўкиш муқовали бу қалин китоб ўша йиллардаги талабаларнинг дастуруламалига айланганди. Унинг ҳар бир саҳифасидан шеърингга меҳр балқиб турарди. Домла китобга кирган «Замон, қалб, поэзия», «Лирика ҳақида мулоҳазалар», «Нихоллар», «Поэма ва қахрамон» каби ўткир мақолалари ва «Миртемир» адабий портретида шеърингга ҳақида катта самимият билан фикр юритганди. Биз учун энг муҳими шу эдики, мунаққид чинакам шеър билан оддий назмий тизма, қофияланган сўзлар йиғиндиси ўртасидаги фарқни қисқа, лўнда ва аниқ таърифлаб тушунтирган, таҳлил қилган эди. Шеър илмини, шеърингга ҳис қилиш, шеърингга образлар таровати, гўзаллигини англаш ва улардан завқланишни адабиётшунослик дарсларидан эмас, ана шу китобдан ўргандик. Домла ўз мақолаларида 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларидаги ўзбек шеърингга манзараларини гавдалантириб унинг ютуқлари ва камчиликларини очикчасига кўрсатиб берган эди.

Айниқса, мунаққиднинг масалалани кўндаланг қўйиб гапириши, журъати, жасорати бизни ҳайратга солганди. Биз шу пайтгача билмаган, ўқимаган янги бир дунёга – танқидчининг сеҳрли, мўъжизакор оламига

кириб қолгандик. Ватан урушидан кейин анча вақт ҳукм сурган «конфликтсизлик» назарияси таъсирида адабиёт ҳаёт ҳақиқатидан ниҳоятда узокланган, айниқса, шеърятда мадҳиябозлик, офаринчилик, турмушни бўйб кўрсатиш иллоти кучайиб кетганлиги маълум. Адабий танқидчилик ҳам ана шу реал ҳаётдан ажралиб қолган, усти ялтироқ, ичи қалтироқ асарларни мақтаб, таъриф-тавсиф қилишдан нарига ўтмасдан нуқул депсинарди. Жамиятнинг ўзида бунга кўникиш, ҳатто салгина танқид ёки жиддий мулоҳазани ҳам «совет воқеалигига туҳмат» сифатида қабул қилиш майли кучайиб, томир ота бошлаганди. Ана шу шароитда Озод Шарафиддишовнинг шеърят ҳақидаги кескин мақолалари момақалдирокдек янгради. Шеърят, умуман, адабиёт ҳақида кимдир бор ҳақиқатни айтиши, бонг уриши ҳаётини зарурат эди. Бу муқаддас вазифани Озод домла ниҳоятда ҳалоллик ва жасорат билан бажара олди. Мунаққид «Замон, қалб, поэзия» мақоласида ҳақиқий шеърят, чинакам сўз санъати мезонларидан келиб чиқиб, машҳур шоирларимиз ҳам бадний изланиш, чинакам поэтик образлар яратиш йўлидан чекина бошлаганини шеърятда ҳамма талаб бир хил эканлиги, бу назик санъат майдонида ҳеч кимга ҳеч қандай имтиёз берилмаслиги ҳақида дадил гапирди. Бу борада, у ижодига талабчанликни бўшаштириб, хотиржамликка берилган оқсоқол шоирларни ҳам аяб ўтирмади. Масала, мунаққид Уйғуннинг «Ҳаёт чакиради» шеъридан каттагина бир парчани келтириб («Меҳнат қилиб қора тупроқдан олтин олдинг, сеники марра! Чин юракдан сенга, пахтакор, раҳмат айтсак, арзир минг карра» ва ҳоказо), «Шеърми шу асар, поэзия борми унда?» деган саволни қўяди. Сўнг бу «шеър»ни батафсил таҳлил қилиб, унда шоир Уйғундан бошқа ҳеч ким айтиши мумкин бўлмаган янги гап йўқлигини таъкидлайди. «Биз пахтанинг аҳамияти ҳақида, пахта меҳнат билан битиши ҳақида маълумот олдик, холос. Бироқ, бу гапни шу шеърни ўқимасдан аввал ҳам яхши билардик-ку! Демак, шоир бизга бирор янгилик беролмади», деб ёзади мунаққид. Шундай ҳулоса Ғафур Ғуломнинг ҳам мадҳиябозлик йўсинида ёзилган бир шеъри ҳақида чиқарилади: шоир ҳаммага маълум, тўғри фикрларни олиб, шеърнинг ҳамма бандларида шу фикрга иллюстрация бериб, уни шарҳлаш йўлидан борганлигини тўғри кўрсатади. «Бу гап ўзимга ҳам маълум эди, – деб ҳулоса чиқаради олим. – Шунинг учун шоир меҳнати менинг билимга ҳам, завқимга ҳам катта янгилик қўшолмади». Тажрибали шоирлар ижодига мана шундай катта талаблар билан ёндашиш ва ўз фикрларини дадил исботлай олиш осонликча бўлган дейсизми?

Хуллас, домланинг эҳтирос ва адабиётга улкан меҳр билан йўғрилган бу мақолалари адабиётшунослигимизда катта ҳодиса бўлганини бугун ҳамма тан олади.

Озод домланинг адабиёт олдига, ёзувчилар олдига кескин талаблар қўйган бундай даъваткор мақолалари силлиқина қабул қилинмавермади. «Замон, қалб, поэзия» китобидан кейин унга «ингилист» тамғасини ёпиштирдилар. Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» драмасини ёқлаб ёзган мақолаюсига таъна тошларини отдилар, Чўлпон ижодини оқлаш йўлидаги уринишларини миллатчилик сифатида баҳоладилар. У муҳаррирлик қилган «Тирик сатрлар», «Ёшлар билан суҳбат» тўпламини

катагон қилдилар. Домла бундай адолатсизликлар ва таъна-дашномларга мардона бардош берди, ўз сўзидан, этиқодидан заррача чекинмади. Ҳаммамиз унинг продасига, матонатига қойил қолдик. Аммо, тўхтовсиз ҳужумлар, гоҳ ошқора, гоҳ яширин таъқиблар (қирқ йилдан ортиқ ишлаган сеvimли ишхонаси – университетдан масуво қилинишини эсланг) барибир ўз кучини кўрсатди. Домла узок йиллар оғир хасталик – қанд касали азобини тортди. Шунга қарамай, унинг қўлидан қалам узилмади – бир лаҳза бўлсин ижод қилишдан тўхтамади. Айниқса, Мустақилликка эришганимиздан кейин у жуда баракали ишлади. Салмоқли мақолалар ёзди, ўнлаб китоблар чиқарди, жаҳон адабиётининг нодир намуналарини таржима қилди. Унинг матонати, продаси олдида хасталик ҳам чекингандай бўлди.

Ҳалол меҳнат Озод домлага катта шон-шухрат, иззат-ҳурмат келтирди. Ўзбекистон Президенти, мухтарам Ислоҳ Каримовнинг тавсияси билан янги таъсис этилган «Жаҳон адабиёти» журнаliga Бош муҳаррир қилиб тайинлангандан кейин, унга навқиронлик, йигитлик шиддати қайтиб келди. Қисқа фурсат мобайнида, журнал халқимиз сеvim ўқийдиган нашрлардан бирига айланди. У кишининг бу жараёндаги қайноқ фаолияти, изланувчанлиги, дадиллиги алоҳида бир мавзу...

Домла ҳаётининг сўнгги кунларигача ёниб яшади. «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» деб номланган салмоқли икки китоб ҳамда ўнлаб таржималар, ойма-ой бетўхтов чиқиб турган «Жаҳон адабиёти» журнаli фикримизнинг ёрқин неботидир.

Янги журналнинг илк сони босмадан чиққан кунда, у киши бир оёғидан, икки-уч йилдан кейин эса иккинчи оёғидан ажралди. Ана шу шароитда ҳам Озод ака катта жасорат ва матонат кўрсата олди – оғир дардни, оғриқларни тинимсиз ижод захмати билан енгиб, чинакам Инсон эканини амалда намоён этди.

Озод домла яратган мардона мақолалар, теран мазмунли адабий портретлар, бадналар ҳамда нодир таржималар халқимизнинг бебаҳо мулкига айланди. Унинг номи, ёрқин асарлари матонат ва адолат, ҳалоллик тимсоли сифатида авлодлар хотирасида барҳаёт яшайди.





ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП

Соғинч тонглари

Жамшид Ҳақберди

* * *

Капалак-тонгларнинг эркаси,
Гулларни уйғотар ўйқудан.
Ҳайратда қотади сўнг ўзи,
Исмсиз бир ҳис, бир туйғудан.

Қимтиниб юз очар ғунчалар,
Таратиб ёқимли атрини.
Капалак англайди шунчалар
Ўзи ҳам билмаган қадрини.

Бир оғриқ сезаман қўнгилда,
Капалак, тонгларга ўхшадинг.
Арзимас бир кунлик умрингда
Сен мендан узоқроқ яшадинг.

Гул ишқи, сен митти юраксан,
Мен ҳам шу бир гул деб ҳалакман.
Капалак, гулларга кераксан,
Мен эсам ҳижронга керакман.

* * *

Сен гўзалсан, шу етарли, бас,
Керак эмас ўзга мақтовлар.
Киприкларинг кўксимни тешиб,
Ишқинг дилга тикди ўтовлар.

Соғинчларни сочингга осиб,
Дилдирайди бир дил саросар.
Ўкинчларнинг қўлида яроғ,
Изтиробнинг буйи баробар.

Шундай таранг тортилган сукут,
На садо бор сендан, на бир сас.
Тилимизда сўзимиз унут,
Нетай, мен ҳам сўзамол эмас?!

Сен интиқсан, кутганинг бир сўз,
Мен тоғлардай вазминман гўё.
Ситамларинг бунчалар бисёр,
Журъатлари йўқолган дунё?!

Бигга савол эзади фақат,
Сўролмайсан сен ҳам ботиниб.
Яна қанча яшаймиз жоним,
Армонларни дилга ботириб?!

Соғинч тонгларига ярашмас андух,
Қўли кир изтироб айланар кўча.
Сен менинг кўзимда яшайсан гулрух,
Сукунат бўғзига осилган кеча.

Хавотир изиллаб изғийди дилтанг,
Ёмгирга айланиб эрийди қароқ.
Ай, менинг кўнглимни оғритар, билсанг,
Сенинг сочларингга урилган тароқ.

Ёлғизлик мудрайди кўзлари очиқ,
Юрак ичга ютар бардошларини.
О, қани муҳаббат кўксингни очиб,
Кўнглингга жойласа қуёшларини.

Сен ҳам англаб етсанг, осуда тонгнинг
Кўзлари қизариб ётганлигини.
Менинг соғинчларим ичидан аранг
Кипригин кўтариб отганлигини.

Китоб

Ширин Собурова

Сумбулада сув совийди,
мезонда қун.
Айрилиқда кўнгли
совимайди.
Тобланади айрилиқда ишқ.
Бироқ, энди, сизни унутсам керак.
Сиз-гулсиз,
мен гулсиз,
унуга бошладим гуллар рангини

* * *
Муҳаббатнинг кўчасидан ўтмаганим рост,
Муҳаббатнинг кўчаси менинг учун берк.
Кўчанинг ул юзида ёрим турар,
Ана, кимдир ўтаётир...
«Ёрга салом денг!»

* * *
Само билан туташ уй томон
шошиламан,
одимларим бир-бир қисқарар.
Ана, етдим,
мана, етдим-да,
бизни қутишмайди,
бизни эслашар.

* * *
Ёмғирпўшим йўқ,
ёмғирдан шалоббаман.
Мавсум – узоқ.
Келаси ёгингарчиликка довур
мизғиб оламан
момақалди роққа бошимни кўйиб.

* * *
Сўнг саломини дедим
тавозе билан,
бошқа кўришмаймиз, ахир.
Қўлларим кўксимда
шамдайин эридилар кейин,
исми тилим зикридан тушиб.

Урганч

Эгамберди Мустафоев

Сонетлар

* * *
Эркама, кулдиргичинг, кулгичинг доим
Чехранг малоҳати, кўрки, фусуни.
Тақдиринг тошига нақшин ўйилган,
Наққоши азалнинг муҳри йўсини.

Бебаҳо ҳарирга қадалган садаф
Тугмадай, кулгичинг ранг-баранг бирам.
Сайқали оламни кучса, не ажаб,
Берганинга оро юзингга ҳар дам.

Хандон отганинга кулгичинг андак
Маҳв этар шаклини қалққан ойсимон.
Завку шавқ дамлари қилганда ҳалак,
Қўмсармиш аслини, қўмсармиш обдон.

Кулгичинг жилоси сирли, нурафшон,
Банд этар хаёлим ҳар лаҳза, ҳар он.

* * *

Ҳайрат туйгуларин қўзғотар чунон,
Қайрилма қошлару жоду кўзларинг.
Сирли нигоҳингдан кўксимда тўфон,
Тошқини фарк этгай ниҳон сўзларинг.

Оти улус борки, сени кўрганда,
Майин табассуминг ишвасидан лол.
Кулағон кўзларинг қилганда ханда,
Дерлар: Бу ноёб ҳол толмасин завод.

Пилик чўп ошўфта қоши камонинг
Соясини чашмингга тушгани ҳамон.
Ҳабириати ниш урган тийғи пайконинг
Сўзанин пешлагай, кўзинг асрабон.

Сени киёс қилдим кўздан-кўзгача,
Фироғинг ўзгача, васлинг ўзгача.

* * *

Дилим кўзгусида аксини намоён,
Пойи қадамингга нисор нечалар.
Ҳар имкон топсалар қиларлар аён,
Кўзига сурмоқни қундуз, кечалар.

Қадам қутлуғ келса, ҳеч гапмас, эркам,
Саховат мулкига малак бўлмоғинг.
Етти дарвозангни очиб, жамулжам,
Ҳиммат ёғдусидан ойдай тўлмоғинг.

Шунда ёғду сели тарзи таомил
Дастидан, пойингга қўйганида бош,
Одиминг бўлармиш киройи комил:
Қалбингга ҳамоҳанг, ҳамдаму сирдош.

Не тонгим, назаринг ройидан маҳваш,
Вужудим сўзона, юрагим оташ.

Тошкент

Маёқ

Кемалар адашиб, умидвор боққан
Зим-зиё уммонда ғариб, ночор, тоқ.
Шуълаларин сочиб орол, қирғоқда
Тўғри йўл кўрсатган чароғон маёқ.

Кема топиб олмиш яна ўз йўлин,
Машаққатли йўлда бўлади равон.
Маёқ чўзар ўзин мурувват қўлин,
Қалблардан сидириб ташланар армон.

Бедор кемаларга зафар бўлсин ёр,
Қалбим кемасини ўйлайман бот-бот.
Ночор дамларга мен бўлганда дучор
Умид икки ёндан чиқаргай қанот.

Мудом ҳақ йўлида имонинг барҳақ,
Олам нигоҳини дарғанг этар ром.
Юртим, маёқ бўлиб собит, буюк халқ
Иқбол инъом этиб, айлар эхтиром.

Қуёш

Заминдан бўлмайди кўнгилни узмоқ,
Тун сочган дурларни теради шошиб.
Тўнқарган қозонни қўйдирар узоқ
Қўқда жило берар эриб кўрғошин.

Жунбишта келади борлик бутуни,
Лолалар гулхани ял-ял шафақда.

Амир Хусрав Дехлавий ҳикматлари

Ҳар мева ҳар дилга тўғри келмайди,
Ҳар лаззат мазасини ҳар тил билмайди.

— —

Шундай яшагилки жисми покингдан,
Қайта яратсинлар сени хокингдан.

— —

Бу эски оламда айлагил бунёд,
Бир нарсани халқинг этсин сени ёд.

Дадил улоқтириб фалак зар тўнин
Ҳар саҳар намоёниш этади Шарқдан.

Ҳиммат кўрсатар кўп меҳрини бериб,
Енгини шимариб, сепалайди нур.
Қадрини улуғлаб, шу она ерни
Гўллатган халқимга айтар ташаккур.

Уззу кун бахш этар оташ ҳарорат,
Қониқмайди чеккан ўз захматидан.
Юртга мадад, ҳавас, оловдай роҳат,
Азиз боши чикмас таҳсин, раҳматдан.

Оқшом қанда қилар масъул йўригин,
Лолалар гулхани ёнар шафақда.
Аччиқ айрилиқдан тутаб, бўғриқиб,
Гарбга дадил шўнғир, узоклаб Шарқдан.

Манзара

Атроф кўринади сўлим ва сулув,
Осмоннинг четлари ёришиб борар.
Булутлар кўз ёшин оқизиб дув-дув,
Дарахтлар гўборин ювиб юборар.

Кўтариб булутлар пардасин четин
Кўк оташи мағрур кўрсатар жамол.
Қиров ниналарин масрур эригиб
Баҳор гуллашига тилайди камол.

Сирдарё

Амир Хусрав Деҳлавий хикматлари

Тана кетар охир, бору йўк тамом,
Бахтлидир ҳар кимдан қолса яхши ном.

— —

Одамни емоқдан бўлар экан шод,
Уни бўри дегил, на одамзод.

— —

Лашкарнинг барчаси бўлалмас ботир,
Даштда шер ҳам бўлар, бўри ҳам қашқир.



Муқаддас муҳаббат, муқаддас севги,
Сендан сўз очмокка бормикан тенги?

Кўнгил лиммо-лим жом сатҳидек бот-бот,
Тинмас севги деган узлуксиз фарёд.

Мендан нима керак, берай шу топда,
Сен учун сақлайман жоним ғилофда,
Муқаддас муҳаббат, муқаддас севги...



Олов бўлиб ёнаётган ул
Олов сочлар кўкракка тушди.
Чехрасида очди гулхан гул,
Ишвалари юракка тушди.

Олов бўлиб ёнаётган ул
Олов кўзлар кўзимга кўчди.
Кўкрагимда дукурлар дулдул,
Титроқ танда турнадек учди.




Ўртамизда милён йиллик йўл,
Дардлашардик оқшом чоғлари.
Туйғум очиб чаман-чаман гул
Кезар эдим ҳайрат боғларин.

Осмонларга сиғмасди дардим,
Қушдек парвоз айларди дамлар.
Ҳар жисмни мўъжиза дердим,
Хушрўй бўлди дилдаги ғамлар.

Мен дунёдан холис, юқори,
Гоҳ сийнамга шуъла ботарди.
Сомон йўли – юлдузлар қори,
Кўк пойимда синиб ётарди.

Ўртамизда милён йиллик йўл...

Чироқчи



Луис Борхес
Аргентина

ВАҚТ МЎЪЖИЗАСИ

ҲИКОЯ

*...Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди.
Сўнгра тирилтириб сўради: «Қанча муд-
дат (ўлик ҳолда) турдинг?». «Бир кун ё
ярим кун» – деди у.*

Қуръон, Бақара сураси, 261-оят.

Якоб Бёме¹ карашларидан руҳланган, қадим яҳудий қўлёмалари тадқиқотчиси, «Душманлар» драмасининг муаллифи, Праганинг Дельтнерграссе мавзеида яшовчи Яромир Хладик 1939 йилнинг 14 мартига ўтар кечаси тушида узок йиллар чўзилган шахмат ўйиники кўрди. Биринчиликни қўлга киритиш мусобақаси икки шахматчи ўртасида эмас, балки икки машҳур сулола ўртасида кетарди; ўйин асрлар оша давом этиб келарди; ўртага тикилган мукофот пули қанчалигини ҳеч ким эслай олмасди, лекин у жуда катта маблағни ташкил қилиши, ҳатто беҳисоб эканлиги ҳақида гап-сўз юрарди; шахмат тахтаси, доналари сирли минорага жойлаштирилган эди.

Яромир бир-бирига душман бўлган сулолаларнинг бирига етакчилик қиларди. Ҳар бир юриш соат зангига қараб бошланарди; туш кўрувчи саҳрода ёмғир остида қум кечиб югурар ва ўйин қоидалари ва доналарнинг юриш тартибларини эшлашга уринарди. Хладик уйғонди. Ёмғир шовқини ва соатнинг даҳшатли занги йўқолди. Кўчадан бир текисда, бетўхтов эшитилиб турган гувиллашни истилочиларнинг буйруқ овозлари босиб кетди. Тонг отарди. Учинчи империянинг зирҳли авангарди (танклари) Прагага бостириб қирарди.

Ўн тўққизинчи март куни чақув хабари келди. Ўша куни кечқурун Яромирни камокка олишди. Уни Влтава дарёсининг нариги қирғоғидаги озодагина жарроҳлик хонасига қамаб қўйишди. Унга қўйилган айбларни рад қилиб бўлмасди; она томонидан фамилияси Ярославски, томирида яҳудий қони гупуради. Якоб Бёме ҳақидаги яҳудийона асарлари барчага маълум, аншлюсга² қарши ёзилган охириги раддияни унинг имзоси бежаб турарди. 1928 йилда Герман Барнсдорфнинг нашриётига «Сефер Йецира» (Таврот)ни таржима қилиб берганди. Реклама каталогига илова қилинган таржимон фикрлари

коммерция мақсадида кўпиртириб берилганди. Хладикнинг тақдирини хал қиладиган гестапochи Юлиус Ротнинг кўзи худди шу каталогга тушиб қолганди. Ишонувчанлик (агар у ниши билан боғлиқ бўлмаса) ҳар бир инсонга хос. Готика шрифтида босилган, фахрланиб ёзилган шу бир неча жумла Хладикни айблаш ва уни ўлимга ҳукм қилиш учун Юлиус Ротга етарли эди, токи бу бошқаларга ўрнак бўлсин. Қатл йигирма тўққизинчи март куни эрталаб соат тўққизга белгиланди. Бу кечиктиришга (унинг аҳамиятини ўқувчи кейин тушуниб олади) сайёралар ва ўсимликлар дунёсига хос маълум бир меъёрларга амал қилиш майлига тўраларча тақлид қилиш сабаб бўлганди.

Дастлаб Хладик даҳшатга тушди. Дорга осиш, бўғиб ўлдириш, бошини кесиб ташлаш унчалик кўрқинчли эмас, лекин отиб ташлашга чидаб бўлмайди, деб ўйлади у.

Фақат ўлимгина кўрқинчли, уни амалга ошириш ҳолатлари эмас, деб бекорга у ўзини ишонтирмақчи бўларди. Санаб саноғига етаман, деган маъносиз бир умидда у ўз ўлими ҳолатларини тинимсиз тасаввур қиларди. Тонголди уйқусизликдан то у отиладиган сирли жойгача бўлган йўлни ҳаёлан тинимсиз босиб ўтарди.

Юлиус Рот белгиллаган муддат ўтгунча, у шакли ва бурчаклари, ҳатто геометрияни ҳам чарчатиб қўядиган даражадаги ховличаларда юзлаб марта ўлиб кўрди: уни турли солдатлар отиб ташлар – гоҳо узоқдан, гоҳо унга тақаб туриб; уларнинг сони ҳам турлича эди. Бу тасаввурий қатларни у ҳақиқий кўрқув билан (балки ҳақиқий жасорат билан) кутиб оларди. Ҳар бир тасаввур бир неча сонияга чўзиларди. Доира бекилиб, у яна ўз ўлими остонасига қайтарди. Ҳақиқий ҳолат одатда сезги-ҳиссиётларга ҳамиша ҳам тўғри келавермайди, деб ўйлади у. ва шу омонат мантиққа суяниб, бундай хулосага келди: агар воқеани майда-чуйда тафсилотларигача тасаввур қиладиган бўлса, у амалга ошмайди.

У бундай содда мағияга бўйсуниб, турли даҳшатларни ўйлаб кўра бошлади: аслида, башорат қилиб кўрган нарсалари, табиийки, худди шундай тарзда яқунланади. Вақт жавҳари шиддат билан йигирма тўққизинчи мартнинг тонгига қараб яқинлашаётганини билиб турса-да, бу бебахт тунларни қандай йўллар билан бўлса-да, тўхтатиб қолишга интиларди. «Ҳозир йигирма иккинчига ўтар кеча, – фикрлай бошлади у, овозини чиқариб, – шу тун давом этар экан (кейинги олтитаси ҳам) мен гирикман, ўлмайман». Уйқу – бу чуқур ва қорамтир сув, унга чўкиш мумкин – у шу тушунчани кашф қилди. Баъзан у сабрсизлик билан қатл кунини кутарди, лоақал шу ўлим уни бесамар тасаввур қилиш машаққатидан қутқаради-ку. Йигирма саккизинчи куни кечқурун ботаётган қуёшнинг сўнги нурлари баланд панжараларни ёритганда, ўзининг «Душманлар» пьесасини эслади ва бироз бўлса-да, шармандали ўй-фикрларидан чалғиди.

Хладикнинг ёши қирқдан ошганди. Агар унинг бир нечта дўстлари-ю, кўп одатларини ҳисобга олмаганда, унинг ҳаёти анча муаммоли адабиёт билан шуғулланишдан иборат, дейиш мумкин. Ҳар бир ёзувчи каби, у ўзгалар ҳақида уларнинг асарларига қараб баҳо берарди. ўзига эса фикр-мулоҳазаларига қараб баҳо беришларини истарди. Китоблари ўзида қониқиш уйғотмас, аччиқ ҳиссиётларнигина кўзғотарди: Бёме, Ибн Эзра ва Фладд ҳақидаги ишларида фақат муросасозликнигина кўрарди. «Сефер Йецира» таржимасида эса эътиборсизлик, ҳафсаласизлик ва ноаниқлик бор эди. Фақатгина «Абадиятни инкор этиш»га бироз ён босарди: унинг биринчи томида абадиятнинг турли назариялари тарихи, Пармениднинг³ абадият ва дорилбакосидан то Хинтоннинг

Ўтмишдаги ўзгарувчанлик ҳақидаги назариясигача кузатиларди. Иккинчисида эса, Френсис Бредлидан сўнг, Коннотдаги барча ҳодисаларни вақт билан ўлчаш мумкин, деган фикр инкор қилинар ва инсон тажрибасининг имконият турлари чексиз эмаслиги, бир мартагина «такрорлаш» – вақт алдоқчилигини тушуниш учун етарли эканлигини исботлашдан иборат эди. Афеуски, исботнинг ёлгонлиги алдоқдан кам эмасди.

Хладик қандайдир нафратомуз гашлик билан шуларни эслади. У яна экспрессионистик руҳда қатор шеърлар ёзганди, улар, афеус, 1924 йилдаги шеърини тўпламга киритилган ва ҳар гал, албатта, қайта киритиларди. Ўтмишнинг барча рангсиз бўшлиқларидан фақатгина назм билан ёзилган «Душманлар» пьесасини қолдиришни истарди. (Хладик шеърини маъқул кўрарди, чунки шеър мухлисларни фикрлашга ундайди, бусиз эса санъат – санъат эмас).

Драмада эса уч бирликка роя қилинганди: воқеа жойи – Градчанлар, барон Ремерштадтнинг кутубхонаси, вақти – XIX аср адоғидаги бир оқшом. Биринчи сахнада қалъада нотаниш одам пайдо бўлади (соат еттига занг уради, қуёшнинг сўнги нурлари ойнани алангалантиради, шамол венгерча қувноқ таниш оҳангларни учириб киради). Навбатдаги таширлар бўлади: барон била олмайди, бу зерикарли меҳмонлар кимлар, у ҳавотирга тушади – гўё уларни олдин ҳам кўрган – балки тушидадир. Ҳамма унга бетиним мулозамат қилади, лекин аста-секин дастлаб томошабинларга, кейин бароннинг ўзига – маълум бўладики, булар яширин душманлар бўлиб, уни йўқ қилиш учун фитна уюштиришган. Барон Ремерштадт уларнинг бу мураккаб фитналарини фош қилишга эришиб, улар устидан кулади. Гап унинг қаллиги Юлия де Вейденау ва қандайдир Ярослав Кубин ҳақида боради. Ярослав қачонлардир севги изҳори билан қизнинг жонига теккан бўлади. Шу Кубин гўё ақлдан озиб, ўзини барон Ремерштадт деб тасаввур қилади. Хавф ортиб боради. Иккинчи актнинг охирида барон фитначилардан бирини ўлдиришга мажбур бўлади. Учинчи – охириги акт бошланади. Номаъқулчилик орта боради: ўйиндан чиқиб кетган персонажлар яна қайтадан сахнага кириб келадилар – масалан, Ремерштадт томонидан ўлдирилган фитначи қайтади. Кимдир вақтнинг тўхтаб қолганлигига ишора қилади: соат ҳалиям еттини кўрсатиб турган бўлади, ойнада ботаётган қуёш нурлари, венгерча қувноқ таниш оҳанглар янграйди. Биринчи меҳмон пайдо бўлади ва биринчи актдаги биринчи кўринишда айтган гапларини такрорлайди. Барон ҳайрон бўлмасдан унга жавоб қайтаради. Томошабин тушунади – барон ўша бадбахт Ярослав Кубиннинг ўзи бўлиб чиқади. Ҳеч қанақа драма йўқ. Бу – Кубин доимо қатнашиб турадиган, қайта-қайта алаҳсирандан бошқа нарса эмас.

Хладик ҳеч қачон ўзига савол бермаган: бу трагикомедия арзимас хатолар йиғиндисими ёки дурдонами, тасодифий тўпламми ёки бир-бирига боғлиқ ҳодисалар занжирими? «Драманинг мен чизиб чиққан шаклдаги кўринишида нафақат камчиликни яшириш ва фазилатларни бўрттириб кўрсатиш борасида кашфиётчилик бор, балки ҳаётнинг асл моҳиятини рамзий тарзда ифодалашга уриниш ҳам бор». Хладик биринчи актни ва учинчи актнинг бир қисмини тамомлаган; асарнинг шеърини шаклда бўлиши унда гекза метрни¹ хотирасида тиклаш, қўлэмасиз ҳам матнни кўриб туриш имконини берган. «Пьесада икки акт етишмайди, мен эса тез орада ўлиб кетаман», деб ўйлади Хладик. Қоронгуликда у Худога мурожаат қилди: «Агар мен Сен яратган янглишувчилардан ёки такрорлардан бири бўлмасам, ҳақиқий мавжудот бўлсам, фақат «Душманлар»нинг муаллифи сифатидагина мавжудман. Менинг борлигимни ва Сенинг меҳр-

муруватингни исботловчи драмани тамомлаш учун яна бир йил умр беришингни сўрайман. Вақт ва абадиятнинг Соҳиби бўлган Ўзинг шу бир йилни менга бер!» Энг қўрқинчли бўлган охирги тун ҳам етиб келди, лекин ўн минутдан сўнг, худди қорамтир сувга чўккандек, уйкуга чўмди.

Тонгга яқин у туш кўрди: Клементинум кутубхонаси йўлаклариди адашиб юрганмиш. Қора кўзойнак таққан кутубхоначи ундан сўрармиш: «Нимани қидираяпсиз?» «Худони» деб жавоб берипти Хладик. Кутубхоначи айтармиш: «Худо кутубхонадаги тўрт юз мингта китоблардан бирининг бир саҳифасидаги ҳарфлардан бирида. Менинг отам ҳам, оталаримнинг оталари ҳам ўша ҳарфни қидиришган; мен ҳам уни қидира-қидира басир бўлиб қолдим». У кўзойнагини ечди, шунда Хладик унинг сўқир кўзларини кўрди. Қандайдир бир китобхон атласни қайтариш учун кириб келди. «Бу атлас бефойда», – дея уни Хладикка берди. Таваккал қилиб у атласни очди ва Ҳиндистон харитасини кўрди. Тасодифий ишонч билан, гўё оёғи остидаги ер кўзголаётганлигини ҳис қилган ҳолда, кичкинагина ҳарфлардан бирига қўл теккизди. Ғойибдан овоз келди: «Сенга ишлаш учун вақт берилди». Шу жойда Хладик уйғонди.

Тушларни инсонга фалак туҳфа қилади, деб эслади. Маймониднинг таъкидлашича, агар туш кўришда эшитилган сўзлар аниқ ва тиниқ бўлса, лекин гапираётган кўринмаса, у ҳолда Худодан нозил бўлган бўлади. Кейин у кийинди. камерага икки аскар, кириб келди ва орқадан юришни буюришди.

Хладик, эшик ортида чалкашиб кетган йўлақлар, зиналар ва хоналар бор, деб тахмин қилганди. Аслида оддийгина экан – темир зиналардан ҳовлига чиқишди. Бир гуруҳ аскарлар, айримлари мундирлари тугмаларини ечган ҳолда, мотоциклни томоша қилиб, гаплашиб туришарди. Сержант соатига қаради – саккизу қирк тўрт. Тўққизгача кутиш лозим эди. Хладик бахтсизлигидан кўра кўпроқ кераксизлигини ҳис қилди, ғўлага ўтириб олди. Аскарлар ундан кўзларини олиб қочаётганликларини сизди. Кутиш машаққатларини бироз енгиллатиш учун сержант сигарета узатди. Хладик чекмасди, лекин одоб юзасиданми, тақдирга тан берганиданми, уни олди. Туташтираётиб қўли қалтираётганлигини кўрди. Ҳавонинг авзои бузилди. Аскарлар, худди майит олдида тургандек, секин гаплашишарди. Хладик Юлия Вейденау тимсолидаги аёлни эслашга беҳуда уринарди.

Аскарлар саф тортишди. Хладик казарма девори ёнига бориб, ўк узилишини кутиб турди. Кимдир деворга қон сачрамаслик чорасини кўраётганга ўхшарди. Маҳкумга бир неча кадам олға юришни буюришди. Ўхшатиш ноўрин бўлса ҳам, Хладик ўзини сураткаш расмга олиши учун тайёргарлик кўраётган одамга ўхшатди. Пешонасига бир оғир ёмғир томчиси тегди ва аста-секин ёноғидан сирғалиб туша бошлади. Сержант баланд овозда буйруқ берди.

Шу пайт теварак олам бирдан сукутга ботди. Милтиқлар Хладикка қаратилганди, уни отиб ташлашлари керак бўлган одамлар қимирламай қолдилар. Сержантнинг кўтарилган қўли муаллақ ҳолда тош қотди. Тоштахта устида учиб бораётган асаларининг сояси тўхтади. Шамол ҳам, худди расмдагидек, қотиб қолди. Хладик бақиришга, шивирлашга, қўлини қимирлатишга уриниб кўрди, шунда у фалаж бўлиб қолганлигини англади. Қотиб қолган оламдан бирор сас-садо эшитилмасди. «Мен ўлдим, мен дўзахдаман, – деб ўйлади у. – Ақлдан оздим. Вақт тўхтаб қолди». Шундан сўнг тушуниб етди: агар шундай ҳолат юз берса, фикри ҳам тўхтаган бўларди. Синаб кўргиси келди: лабларини қимирлатмасдан Вергилийнинг жумбокли тўртинчи эклогасини⁵ такрорлади.

Балки, қаергадир сурилиб кетган аскарлар билан ҳам шундай ҳолат содир бўлаётгандир? Сўрашни мўлжаллади. Ажабо, узоқ муддат ҳаракатсиз турганига қарамай, чарчок ўтиб кетди. боши ҳам айланмади. Қачондир у ухлаб қолди. Уйғонгач, оламни қандай бўлса шундайлигича – ҳаракатсиз, сас-садосиз ҳолда кўрди. Яноғида ўша томчи, тоштахта устида асалари сояси, сигарета тутуни тарқамаганди. Драмани яқунлаш учун у Худодан бир йил сўраганди, Қодир Худо унга бир йил берганди, шуларни тушунгунча яна бир кун ўтди. Тангри таоло унга атаб сирли мўъжиза яратди: немис ўқи уни белгиланган муддатда ўлдиради: лекин отишга буйруқ берилган пайтдан то ижрогача бўлган лаҳза унинг онгида бир йил каби ўтади. Хладик саросимада қолди, саросима ҳайратга айланди, ҳайрат итоатгўйликка, итоатгўйлик тўсатдан миннатдорчиликка ўтди.

У фақат хотирасигагина суяниши мумкин: ҳар бир янги гекзаметрни ёдлаб қолиши қатъийлик билан унга бахт нашидаси ҳиссиётини ато этарди. бу нарсалар эса тасодифий ҳолда ёзган жумлаларини эслаб қола, олмайдиганларнинг хаёлига ҳам келмайди. У меҳнатини авлодларга қолдириш учун ёки Худо йўлига ҳам қилмаган, бадииятда Худо нимани маъқул кўришлиги унга номаълум эди. У, қимирламасдан, камсуқумлик билан, ўзининг кўринмас, мукамал лабиринтини⁶ кўрмоқда эди. Учинчи актни икки марта қайтадан ўзгартирди. Рамзий маънони очик билдириб турган соат занги ва мусиқани олиб ташлади. Унга ҳеч нарса халақит бермасди. У олиб ташлар, қисқартирар, кенгайтирарди. Баъзан биринчи вариантни қолдирарди. Унга ҳовли ҳам, казарма ҳам ёқа бошлади: бир аскарнинг юзи эса асар қаҳрамони Ремерштадтнинг характерини ўзгартирди. У топди – Флоберни безовта қилган ўша машҳур какафония⁷. кўриниб турадиган ҳодиса, бу эса товуш чиқарганининг эмас, балки ёзганининг ожизлиги ва камчилиги... У ўз драмасини яқунлади. Фақат биргина сифатловчи етишмасди, холос. Уни топди. Яноғидан томчи сирғалиб тушди. Хладик биргина «ОҲ!» дея олди, боши чайқалди, тўртта ўқ уни ерга қулатди...

Русчадан Маҳкам Маҳмуд ва
Абдунаби Абдулқодир таржимаси

ИЗОҲЛАР

1. Якоб Бёме – (1575–1624) Олмон филологлари. «Аврора ёхуд Тонг шафағи», «Барча мавжудотларнинг туғилиши ва номланиши», «Сир-асрор ёхуд Мусонинг I-китобида шарҳ» асарлари муаллифи. Унинг фалсафий қарашлари Н. Хердер, Ф. Шлегел, Г. Гегел ва бошқа донишмандларга ижобий таъсир кўрсатган.
2. Аншлюс – Австрияни мажбурий тарзда Германияга қўшиб олиш ҳақидаги империалистик сиёсат. Илғор зиёлилар, жумладан, мазкур ҳикоя қаҳрамони бу истилочиликка қарши фикр билдирганлар.
3. Парменид – Милоддан аввалги V асрда яшаган юнон файласуфи, Пифагор издоши, Элеяли Зеноннинг устози. Афлотуннинг Парменид ҳақида асари бор.
4. Гекзаметр – Грекча «олтиқатор», антик шеърнинг шакли, эпик поэзияда қўлланган. Гомер дostonлари шу узун вазнда ёзилган.
5. Эклога – Грекча «танланиш», шеър жанрларидан. Чўпонлар, қишлоқ аҳли диалоглари ва мулоқотлари – уларда идишлик – тинч, осуда ҳаёт тасвирланади.
6. Лабиринт – Бир-бирига ўхшаш, адашиб қоладиган, чалкаш йўллардан иборат бино ичкариси.
7. Какафония – Грекча «кака» – «ёмон», «фония» – «товушлар», аралаш-қуралаш мусиқа товушлари.



Раҳматулла Баракаев,
филология фанлари номзоди;
Бахшулло Ашуров

Болақалб ижодкор

Ўзбек болалар адабиётининг таниқли намоёндаси Турсунбой Адашбоевнинг ижоди ўзига хос, серқирралиги билан ажралиб туради.

Турсунбой Адашбоев 1939 йилда Қирғизистоннинг Ўш вилоятига қарашли Олабуқа туманидаги Сафед Булон қишлоғида туғилган.

Унинг қалбида шеърятга хошиш туйғуси мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ пайдо бўлганлиги, «Мактабим» сарлавҳали биринчи шеъри 6-синфдалигида «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи») газетасида чоп этилганлиги фикримизни тасдиқловчи дастлабки далилдир. Иккинчи мисол 1956 йилда «Қирғизистон ҳақиқати» газетаси энг яхши ҳажвий шеърлар учун танлов эълон қилади. Танлов якунида биринчи мукофот ҳеч кимга берилмайди, 2-мукофотга мактаб ўқувчиси Турсунбой Адашбоев лойиқ топилади.

Яна бир мисол. У мактабда ўқиб юрган пайтида «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида фольклоршунос олим Ҳоди Зарифов номидан газетхонларга мурожаат қилиниб, эртакчи бобо, бувилари

ҳамда бахшилардан ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиб, таҳририятга жўнатиш ва уларнинг халқимиз орасидаги нодир намуналарини сақлаб қолишга ҳисса қўшиш ташаббуси билан чиқилган эди. Бу ташаббус ёш ўқувчи Турсунбой Адашбоев қалбида энди-энди ниш уриб келатган бадииятга ошнолик туйғуларини уйғотиб юборади. У пешқўрғонлик Олим бахши Сойибоевдан «Ёзи билан Зебо» достонини ёзиб олиб, Тошкентга юборади ва кўп ўтмай фольклоршунос олимлар Ҳоди Зарифов ва Музайяна Алавиядан янги изланишларга ундовчи миннатдорчилик мактуби олади.

Бахшилардан, бобо, бувилардан эшитилган эртагу ривоятлар, достону кўшиқлар, тез айтишу топишмоқлар Турсунбой Адашбоев қалбига, ўзи айтганидек, «чўғ солган бўлса, ажаб эмас». Шу сабабли ҳам у ўрта мактабни тугатгач, Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика факультетига ҳужжат топширади. Университетда ўқиш жараёнида шеърят сирларини янада пухта эгаллаган талабанинг



Шоир Турсунбой Адашбоев

дастлабки асарлари бирин-кетин матбуотда эълон қилина боради ҳамда 1964 йилда, талабалик чоғида, «Камолнинг олмаси» номли ҳаммуаллифликдаги биринчи китоби нашр этилади.

Турсунбой Адашбоев университетни битиргандан кейин, ўз билимини янада ошириш, қаламини чархлаш мақсадида Москвадаги Жаҳон адабиёти институтининг икки йиллик курсида ҳам таҳсил олган. Ижодкор узоқ йиллар Ўш вилоят газетасида адабий ходим бўлиб ишлаган. Шоирнинг 1987 йилдан кейинги тақдири Тошкент билан боғлиқ. У «Юлдузча» (ҳозирги «Чўлпон») нашриётида салкам йигирма йил бош муҳаррир ўринбосари вазифасида фаолият юритади. Бу давр мобайнида шоирнинг «Камолнинг олмаси» (1964), «Биз саёҳатчилармиз» (1966), «Арслонбоб шаршараси» (1969), «Нур дарё» (1975), «Олатоғ-полатоғ» (1978), «Жўнатаман кўёшни» (1982), «Оқбура тўлқинлари» (1985), «Совға» (1986), «Арслонбоб афсонаси» (1988), «Уч бўталоқ ва сирли қовоқ» (1990), «Топишмоқли алифбе»

(1997), «Олтин ёлли тулпор қиссаси» (2003), «Орзуларим – кўш қанотим» (2003), «Латифбойнинг лофлари» (2008) сингари йигирмага яқин китоблари нашр қилинди.

Шоир ижодининг дастлабки намуналаридан бугунги кунгача, аввало, ўзи туғилиб ўсган юрт, унинг серҳосил далалари, тоғу адирлари, тўлиб-тошиб оқадиган, дала-даштларни зилол сувлари билан қондирадиган дарёю сойлари, йилнинг тўрт фасли ҳам ўзгача гўзал табиати, дала-дашту тоғ-тошлардаги турфа ёввойию хонаки ҳайвонлари, хусусан, шу юрт дилбандлари – фарзандларини ўз асарларининг асосий қаҳрамонлари қилиб олади, уларнинг ҳар бири билан боғлиқ турфа ҳангомаларни гоҳ жиддий оҳангда, гоҳ ҳажвга йўғириб тасвирлайди, энг оддий нарсалардан ҳам гўзаллик топади ва шу гўзалликка ёш китобхонларни ҳам шерик қилади, ушбу гўзалликдан баҳра олиб, қалбан гўзал бўлишга, маънавий камолотга чорлайди.

Турсунбой Адашбоев ижодида алоҳида ўрин тутадиган мавзулардан



Турсунбой Адашбоев набиралари билан

яна бири – азал-азалдан бир ўлкада яшаб, бир дарёдан сув ичиб, бир бўлак нонини ҳам бўлишиб еган, хурсандчиликни ҳам, қайғули кунларни ҳам бирга кечирган икки халқ (ўзбегу қирғиз)нинг асрлар синовига бардош беролган дўстлиги, қардошлиги, биродарлигини тараннум этишдир. Бу борада унинг «Қардошлик қўшиғи» шеъри фикримизнинг ёрқин исботидир. Шеърдаги ҳар икки халқ таърифига бағишланган сатрлар ҳаққонийлиги билан ажралиб туради, шоирнинг икки халқ фарзанди сифатидаги самимияти, уларга ҳурмат-эҳтироми, меҳроқибати жўш уриб туради.

Бадиий асар ижодкор қалб туйғулари маҳсули бўлар экан, унда у ёки бу даражада қаламкаш шахсияти ҳам акс этади. Турсунбой Адашбоев асарлари ҳам бундан мустасно эмас. Унинг табиатан дангалчи, ҳақгўйлиги кўплаб шеърларида ёрқин намоён бўлади. Шунингдек, Турсунбой Адашбоев табиатан ҳазил-мутойибага мойил, ҳажвни яхши кўрадиган одам. Унинг бу феъли ҳам ижодида ҳажвий шеърларнинг катта ўрин тутиши билан алоҳида ажралиб туради.

Кўчат тупроқ, сув ва ҳаводан таъсирланиб, униб-ўсганидек, ҳар бир

қаламкаш ижодий камолоти халқ оғзаки ижоди, миллий адабиёт ҳамда жаҳон адабиёти таъсирига чамбарчас боғлиқдир. Турсунбой Адашбоев юқорида қайд этилганидек, болалигиданоқ халқ оғзаки ижодидан баҳра олди, халқ оғзаки ижодининг бетакрор, самимий ва соддалиги билан ажралиб турадиган қуйма мисралари бўлғуси ижодкор учун битмас – туганмас илҳом манбаи бўлди ва асарларида яққол акс этди. Ижодкор ўз асарларида «мени тарбиялаб вояга етказган боғбонлар», деб кўп марталаб тилга оладиган Қудрат Ҳикмат, Султон Жўра, Зафар Диёр сингари ўзбек болалар шеърляти етакчи намоёндаларининг асарларида акс этадиган, юксак бадиият билан уйғунлашиб кетган гўзал шаклий мукамаллик шогирд шеърларига ҳам кўчиб ўтди. Шунингдек, жаҳон болалар адабиёти етакчи намоёндалари сара асарларини таржима қилиш Турсунбой Адашбоев учун катта тажриба мактаби бўлди.

Турсунбой Адашбоев адабий жараён билан ҳамнафас қалам тебратди. Унинг ижодини давр билан боғлиқ равишда уч босқичга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир: 1) Ўтган асрнинг 60–70-йиллари. Бу даврда у халқ

оғзаки ижоди, жаҳон болалар адабиёти ҳамда ўзбек болалар адабиёти етакчи намоёндаларининг энг яхши анъаналарини ўзлаштирди. ўқиб-ўрганди, муносиб шогирд сифатида камолга етди; 2) Ўтган асрнинг 80-йиллари. Бу даврда Турсунбой Адашбоев ўзбек болалар адабиётида ўз ўрнига, ўз сўзига эга бўлган шоир сифатида шаклланди, бир қадар хурфикрликка йўл очилиши билан эса, у асарларида даврнинг энг долзарб, оғриқли муаммолари ҳақида дадил фикр юрита оладиган собитқадам ижодкор эканлигини намоён қилди; 3) Истиқлол даври. Бу давр Турсунбой Адашбоев ижодий камолотига янада катта истиқбол очиб берди. У юрт, киндик қони тўкилган муқаддас тупроқ, Истиқлол шарофати билан қонуний ҳуқуқига эга бўлган миллий тилимиз, қайта қад ростлаган, тикланган миллий, тарихий, маданий ва адабий қадриятларимиз ҳақида тўлиб-тошиб куйловчи, ёш авлодни уларга садоқат руҳида тарбиялашга ўз муносиб улушини қўшишга сафарбар ижодкор сифатида сермахсул ижод қилди.

Турсунбой Адашбоев ижодида алоҳида ўрин тутадиган мавзулардан бири пейзаж (манзара) лирикасидир. Шоир Ватан баҳори, ёзи, кузи, қиши тасвирига қалб кўрини бағишлайди. Шу сабабли ҳам унинг фасллар тасвирига бағишланган қайси бир шеърини ўқиманг, дилингиз ёришади. Чунки, шоирга Ватаннинг жазирама иссиғи ҳам, қаҳратон қиши ҳам, табиатни уйғотувчи, унга қайта жон бағишловчи баҳор ҳам, тўкинчилик фасли бўлмиш куз ҳам – барчаси бирдай қадрдон, бирдай азиз. Шоир уларнинг ҳар биридан беҳисоб гўзаллик топади, топган гўзаллигини бетакрор ўхшатиш ва жонлантиришлар билан безайди, ёш китобхон кўз ўнгида ёрқин намоён бўлган ўша гўзалликни унинг қалбига жойлаштиради, китобхонларда гўзалликни ҳис қилиш,

қадрлаш ва гўзалликка муносиб инсон бўлиш хиссиётларини уйғотади.

Ижодкор асарларини болаларга мўлжаллаб яратар экан, унинг асосий қаҳрамонлари болалар бўлиши ҳам табиий. Чунки, китобни ўқиётган бола асардан, аввало, ўзини, ўзи билан ўй-фикри, дунёқараши, изланиш-интилишлари бир хил бўлган тенгдошларини қидиради. Турсунбой Адашбоев асарларида ҳам ана шундай ёш қаҳрамонлар образи алоҳида ўрин тутайди.

Муълумки, болалар табиатан ҳамма нарсага қизиқувчан, ҳар бир нарсанинг қандай пайдо бўлганини аниқлашга, масаланинг тагига етишга интилувчан бўладилар. Шу боисдан ҳам болаларга мўлжаллаб яратилган энг яхши шеърларда, одатда, болаларнинг ушбу хусусиятлари турли жиҳатлари билан намоён бўлади. Жумладан, «Менинг саволим» шеърида барча нарсага қизиқувчан, ҳамма нарсанинг моҳиятини билишга интилувчи болакай образи яратилган. Турсунбой Адашбоев бола қалби тўрларида ётган сир-синаотни яхши биладиган моҳир руҳиятшунос. Шу сабабли ҳам у ушбу шеърида жамияту табиатнинг битмас-туганмас сир-синаотларини билишга, кашф қилишга интиладиган, кузатувчан бола тимсолини яратиб, ҳаётга унинг синчков нигоҳи билан боқса, «Ҳар тўқисда бир айб» шеърида ўзгача усулни қўллайди – бу шеърда шоирнинг ўзи болаларга мурожаат қилиб, уларнинг кўз ўнгидаги бепоён оламда акс этаётган турли жумбоқлар ҳақида фикр юритади.

Аслида, Турсунбой Адашбоев ижодида бундай шеърлар кўплаб учрайди. Бу шеърларда аксарият асарнинг лирик қаҳрамони сифатида ҳар бири ўзига хос олам бўлган болалар образлари асар марказида туради, асар сюжети улар номидан тасвирланади, бепоён оламни ўз нигоҳи билан кўришга, унинг турфа

сир-асрорларини ўзича кашф қилишга, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилаётган ёш қаҳрамоннинг баъзан беғубор, болаларча содда, баъзан ўша соддалик ортида яширинган яна болаларча қувлик, айёрлик, лекин, асосийси, доимо изланишда, ўсиш-улғайишдаги қиёфасини шоир моҳир мусаввир сингари турфа бўёқларда тасвирлайди. Унинг асарларини ёш китобхонларга манзур қиладиган жиҳатлардан бири ҳам айнан шундадир.

Болалар адабиётининг ўзига хосликларини белгилайдиган кирралардан бири мажозийликда акс этиши тадқиқотчилар томонида кўп марталаб қайд этилган. Аслида, бу ҳам ёш бола табиатидан келиб чиқадиган жиҳат.

Ёш қизалоқнинг қўғирчоғи билан жонли одамдай суҳбатлашганини кузатмаган одам бўлмаса керак. Худди, шунингдек, табиатдаги турли мавжудотларнинг «тилга кириши»ни ҳам ёш бола табиий ҳол деб ҳисоблайди, ундан ўзига хос завқ олади. Шоир эса, мажозий қаҳрамонлар асар марказида турадиган асарларини яратиш билан, бир томондан, ҳаётда бўлиб турадиган турли воқеа-ҳодисаларни мажоз йўли билан ифодалайди, иккинчи томондан, мажоздан мақсад ибратдир. Мажозий асар шу маънода кўзгу вазифасини ҳам бажаради. Чунки, камчилигини ўзига айтсангиз, хафа бўладиган бола шу нуқсоннинг бадиий асар мисолида қайсидир бир ҳайвонда намоён бўлишини кўриб, аввал, маза қилиб кулади, кейин эса, «кўзгу»да ўзини кўриб, ўзидаги ўша нуқсонни тузатишга ҳаракат қилади.

Мажозийлик, одатда, ҳажвийлик билан ёнма-ён бўлади. Чунки, аслида, мажозийликнинг ўзида муайян даражада ҳажвийлик ҳам акс этади. Юқорида айтилганидай, табиатан ҳазил-мутойибага мойил Турсунбой Адашбоев ижодида ҳажвий шеърлар алоҳида ўрин тутди. У, бир жиҳатдан, ҳажв йўли билан

чимдиб олиш воситасида ёш китобхонни маънавий камолотга ундаса, иккинчи томондан, халқ оғзаки ижодидаги «Қирқ ёлғондан бир ёлғон» тарзидаги ҳажвий шеърлар туркумини яратиш билан ўзбек болалар шеърлятида ушбу йўналишни янги поғонага кўтарди.

Маълумки, кичик ёшдаги болакайларнинг хаёлот олами тизгинсиз, кўкларда парвоз қилувчи бўлади. Улар ҳад-ҳудуд билмас хаёлот қанотида оёқ етмас ўлкаларга саёҳат қиладилар, ғайритабиий саргузаштларни бошдан кечирадилар, инсон зотининг қўлидан келмайдиган ишларни амалга оширадилар. «Учқур тулпор» деб номланган ушбу туркум ҳам, ўз номи билан, хаёлотнинг бепоён оламига саёҳатлардан ташкил топган. Шоир айтмоқчи, бизга азалий мерос бўлмиш лофлар ёш китобхонни ҳам хаёлотнинг учқур тулпори янглиғ ўз орқасидан эргаштиради, унинг хаёлот оламини бойитади. «Овнинг гашти», «Барчаси ёдимда», «Пойга завқи», «Бешта саноч», «Ширмон кулча», «Юган солиб, эгар уриб» сингари шеърлар халқ оғзаки ижодидаги «Қирқ ёлғондан бир ёлғон» сирасидаги уйдирма, лофларга асосланган асарлардир.

Турсунбой Адашбоев шеърларида лирик қаҳрамон сифатида шоирнинг ўзи ҳам аксарият ҳолларда кўриниш беради. У бир қатор шеърларида (аслида, бу шеърларни шоирнинг хотира туркуми деб номлаш ҳам мумкин) иккинчи жаҳон урушининг оғир кунларини ўз бошидан кечирган инсон сифатида болалик хотираларини ёш китобхонларга ҳикоя қилар экан, биринчидан тасвирлар ҳаққонийлиги, самимийлиги ўқувчини бефарқ қолдирмайди, тўлқинлантиради, иккинчидан эса, ушбу тасвирлар орқали шоир ёш авлодга мурожаат қилиб, уларни бугунги тинч, фаровон кунларнинг қадрига етишга ундайди.

Шоирнинг аксарият шеърлари нафақат мавзуининг долзарблиги, балки, кутилмаган ўхшатиш, жонлантириш, сифатлашларга бой тасвир услубининг ўзига хослиги, халқ мақоллари, маталлари ва ҳикматли сўзларини ўринли қўллаш маҳсули тарзида намоён бўладиган бадиият намуналари сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Турсунбой Адашбоев салкам эллик йиллик ижоди давомида турли мавзуларда бир қатор баллада, эртақ ва дostonлар яратди. «Устанинг бахти» (1974), «Довонлар» (1975), «Бургутнинг ўлими» (1982), «Чўтан полвон» (1990), «Шорасулнинг саёҳати» (1990), «Қисмат» (2003), «Нафармон сут хангомаси» (2003) балладалари, «Сирли шаршара» (1976), «Нур дарё» (1978), «Қорашўра дostonи» (1982), «Шухрат кўрки» (1990) дostonлари, «Ростон хола – дoston хола» (1982), «Адолатли қози» (1985), «Ориятли хўроз» (1985), «Олтин ёлли тулпор қиссаси» (1985), «Уч бўталоқ ва сирли қовоқ» (1990), «Нўхат полвон Ўзганда» (1990), «Армонкўл» (1990) эртақлари шулар жумласидандир. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ижодкор ушбу жанрларда ҳам иложи борича, болалар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ихчамликка интилади. Шоир мазкур баллада, эртақ, дoston жанридаги асарларида

ҳам барҳаёт умуминсоний ғояларни илгари суради, уларда эзгулик билан ёвузликнинг бир умрлик кураши, инсон феъл-атворидаги турли иллатларнинг нохуш оқибатларга олиб келишини таъсирчан, ишонарли тарзда ва доимо юксак бадиият талабларига риоя қилган ҳолда жонли тасвирлайди.

Турсунбой Адашбоевнинг ижодий изланишлари, асарлари бадиияти адабий ва илмий жамоатчилик томонидан доимо эътироф этиб келинган. Унинг шеърлари янги авлод мактаб дарсликларидан ўрин олган, коллежлар ва олий ўқув юртлари учун яратилган дарслик мажмуаларига киритилган.

Шоирнинг узоқ йиллик самарали ижодий меҳнатлари муносиб тақдирланган. У болалар адабиёти соҳасидаги Абдулла Авлоний номидаги мукофот лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Қирғизистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.

Болаларимизнинг севимли ижодкори, камтарин, камсуқум инсон Турсунбой Адашбоев етмиш ёшга тўлди. Биз шоирга узоқ умр, ижодий баркамоллик тилар эканмиз, қувноқлик, зукколик унинг асарларини ҳеч қачон тарк қилмаслигига умид қиламиз.

Амир Хусрав Дехлавий хикматлари

Келган киши агар етими ё бир,
Берсанг, бермасанг кетиншар охир.

— —

Яхши пишган битта донан анор,
Юз хум хом гулобдан яхшироқ минг бор.



АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳакимжон Каримов,
филология фанлари доктори,
профессор

Янги йўналишдаги романлар хусусияти

Янги йўналишдаги романлар одатдаги анънавий ижод маҳсулига ўхшамайди. Уларда ижодкорнинг олам ва одам хусусидаги концепцияси қаҳрамонлари онги йўналишида ўз ифодасини топади. Шундан мазкур асарларни дастлаб ўқиган киши уларнинг заминида ётган ғояни илғаб олиши ва қалбига сингдириши қийин. Чунки, китобхон бевосита қаҳрамон билан эмас, унинг тафаккури билан муносабатга киришади, қаҳрамон эса ёзувчи томонидан яратилган инсон эмас, савқитабий ҳаракати, шуури ила гўё ўзини-ўзи яратган (албатта, шартли равишда), ёзувчини ўз онг оқими йўналишига соладиган интеллектуал шахсдир. Лекин адабиётшунослик илмидан маълумки, инсонни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга соладиган, эзгуликка ундайдиган, комил инсонга айлантирадиган нарса шакл, катта фалсафий тафаккур эмас, шу тафаккурнинг асос-замирида ётган моҳиятдир. Агар биз ҳозирги романларга шу моҳият нуқтаи назари билан ёндашсак улар шаклан янги бўлгани билан мазмунан асл ўзбек адабиёти анъаналарини эслатади.

Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» романи шу сирадаги асардир. Ромanning бош қаҳрамони Вали асар сюжетини ташкил қилган Сирож муаллим ва учувчи Бадалбек каби образлар ўлими сабабини аниқлашга қанчалик интилса, китобхон ҳам шунчалик билишга ҳаракат қилади. Оқибатда, асар қаҳрамони билан китобхон ўртасида фарқ йўқолади. Бунинг сабаби сюжет чизиғини воқелик эмас, қаҳрамон онги йўналиши ташкил қилганлигидадир. Бу онг оқими ўз навбатида, китобхон онг оқими билан уйғунлашиб кетади. Оқибатда, иккаласи, яъни, қаҳрамон – Вали билан китобхон масала моҳиятини билишга интилган якка шахсга айланади. Уларнинг тафаккурлари битта масала томон йўналади.

Романда Сирож муаллим ва учувчи Бадалбек ҳақида бош қаҳрамон Вали нуқтаи назаридан шундай ахборот берилади: «Сирож муаллим одамларга кам кўшилиб, жанжаллашиб юрса ҳамки, гўзал олижаноб инсон эди! Бадалбек ишини тўғри бажаришга уринган, ўз касбининг устаси эканига қарамай ёвуз киши эди! Мен худди шундай дердим». Бу фикрдан сўнг Сирож муаллимга нисбатан қандайдир меҳр, Бадалбекка нисбатан киши қалбида қаҳр юзага келади. Лекин улар нимагадир, «осмон негадир ўз-ўзидан дарз кетиб, қоқ тўрт бўлакка аж-

ралган» бир кунда ҳалок бўлишади. Орадан икки йил ўтгач, кашта йўл бўйида жойлашган чойхонада Вали Сирож муаллимни кўриб қолади. Киши тафаккури воқеа юз берган ҳолат томон йўналади. Нима учун осмон тўртга бўлинганди иккала ҳодиса юз берди? Нега Ширинбулоқда аччиқ қисмат рўй берди? Мияда тафаккур ўз вазифасига қиришган сари ёзувчи нияти аниқлаша боради. Тафаккур йўналиши бир тўхтамага келгач, мазкур нарсалар рамзий маънога эгаллиги ва унинг заминидаги ҳақиқат аён бўлади.

Роман қаҳрамони Вали фаолиятини кузатар эканмиз, бир нарсани англаб етамиз. Яъни, бугунги кунда ўз номи билан аталаётган тоталитар тузумнинг олиб борган иш йўсини, сиёсати ва унинг оқибатида юзага келган, шаклланган шахсларнинг асл қиёфаси тасвирланганлигини англаймиз. Асарнинг мураккаблиги шундаки, бу нарса очиқ айтилмайди. Бош қаҳрамон Вали кўзига кўринган ғаритабий воқелик ҳақиқат билан йўғрилгани учун унинг рамзийлиги кўпда сезилмайди. Қайтага реал ҳаётда ўз хатти-ҳаракатлари билан киши қалбига ўтирмайдиган шахслар қилмишларининг туб асослари ойдинлашади.

Вали Сирож муаллим уйига уни ҳақиқатан ўлган ёки ўлмаганлигини билиш учун борганда, «оила аъзолари алланечук бахтиёрлигидан таажжубга тушади. Бунинг устига муаллимнинг қизи Мамлакатхон беҳаёларча кўз сузади. Кейинчалик эрига хиёнат ҳам қилади. Ундан ҳомиладор ҳам бўлади. Ҳар пайшанба эса бутун оила аъзолари аллақайқа овга кетишади. Ер тўлада Сирож муаллимнинг айнан ўзи қандайдир махлуқ яшайди». Сирож муаллим фаолияти билан яқиндан танишган сари масала моҳияти аниқлаша боради.

Бир куни Мамлакатхоннинг эри Аҳмаджон Валини учратиб: «Мен ҳаммасини биламан. Боланиям. Бошқасиниям! – дейди.» Бундай ҳамиятсизликдан хайрон бўласиз. Мушоҳада қиласиз. Оқибатда онгингиз йўналиши бир нуқтага келиб тўхтайдиган ва тилингизга бундай ҳамиятсизликнинг сабаби инсон қалбидаги иймон ва эътиқодни сусайиб кетганида деган фикр келади. Нега бундай бўлди деган савол яна сизни тинч қўймайди. Унинг илдизини топишга интиласиз. Бу интилиш Валисиз амалга ошмайди. Жумбоқнинг калити унинг хатти-ҳаракати орқали очилишини ҳис қилгач, у билан боғлиқ воқеаларни онг элагиди таҳлилдан ўтказасиз.

Вали Бадалбекнинг қизи Ҳанифага боғланиб қолади. Дастлаб, Ҳанифа Бадалбекнинг қизи бўлгани учун ундан ўзини тортиб юради. Лекин кўнгил ҳам уза олмайди. Сабаби Ҳанифанинг вужудида қандайдир нур бор эди. Бу нур вужудига ҳам кириб, унда янги инсоний одатларни юзага келтиради.

У кўп йиллардан бери ота-онаси қабрини зиёрат қилмасди. Энди бориб руҳларига тиловат туширадиган бўлди. Чунки бу Ҳанифа учун одатдаги ҳол эди. Ҳанифадаги босиқлик ва бардошлилик уни лол қолдирди. У билан тақдирини боғлади.

Ҳанифа отаси хусусида қуйидаги фикрни билдиради: «... Лекин қарғиш текканидан омад юз ўгирди... Дадам тақдир айланиб, Ширинкўлда оддий аэропланда учаётганидан, қилаётган ишидан норозиланиб, баъзан эзиларди...

– Биласизми, дадам эркин, мағрур киши эди. Ҳаётда бировга бўйин эгмади. Ҳар кимнинг гапига киравермасди... Лекин унинг учун буйруқ муҳим, у аскар эди! Шундай тарбия олганди. Унга буюрилса, бас, ўтга, сувга ташланарди! Қулга айланарди... Мен дадамни оқламайман. Шу билан бирга, айб фақат менинг дадамда эмас. Тушунинг!»

«Тушунинг!» сўзидаги хитоб фақат Валига қаратилган эмас. Кенг оммага, яъни, китобхонларга қаратилган. Демак, Бадалбек, аслида, яхши одам бўлган. Лекин ўз

эрки ўзидан кетгач, буюрилган нарсани тўғри деб бажариб, инсоният ва табиат оламига кўп зарар етказган. Инсонийликка ва виждонига зид йўл тутган. Бу нарса ўз мевасини берган. Лекин Бадалбек ёши ўтган сари ўз хатти-ҳаракатининг салбий оқибатларини англай бошлади. Ҳаётда ўзи ва унга ўхшаганларнинг тутган иши туфайли содир бўлаётган воқеадан виждони уйғона бошлайди. Бироқ ноилжликдан қийналади. Ҳанифа ана шу уйғонаётган виждоннинг маҳсулидир. Бадалбекдаги виждон уйғонишининг сабаби бор. Чунки, у бажараётган вазифасини ўз ихтиёри билан эмас, балки мажбурият орқали амалга оширади.

Сирож муаллим ундай эмас. У икки – зоҳирий ва ботиний қиёфага эга зоҳирий кўринишда ўзини маданиятли зиёли, хокисор, аёлларни қадрлайдиган кимсадек тутуди, ботиний, яъни, асл қиёфада эса ўта қабих инсондир.

Ҳаёт ҳақиқатидан маълумки, кишини ўзидан яхши биладиган одам йўқдир. Шундан Сирож муаллим кўзгуга ўзини солади. У кўзгуда ҳам ўз зоҳирий кўриниш ифодасини истади. лекин кўзгуни алдаб бўлмайди. У маҳактошдек гап. Кишининг асл борлиғини кўрсатади. Сирож муаллим кўзгуда ҳар сафар ўзининг асл қиёфасини кўрганидан, алаmidан уни синдиради.

Сирож муаллимнинг фаолияти оиласида ҳам ўз ифодасини топган. Биринчи хотини Маҳлуқодан қандайдир маҳлуқ туғилган (қилмиш-қидирмиш), кейинги оиласидагилар эса сиртдан йилтироқ, аслида, ахлоқсиз ва ҳамиятсиздир. Уларнинг оиласи билан ҳеч ким қўшничилик ҳам, алоқа ҳам қилмайди. Ёзувчи учун бу оила бир тимсол. Унинг замирида ва Сирож муаллим образида муҳим ҳақиқатни очади. Романда қаҳрамон хаёлоти маҳсули бўлган воқелик билан реал ҳаётий тасвир омукталашиб кетган. Бу эса рамзийликни янада кучайтирган.

Омон Мухторнинг «Тепаликдаги хароба» романи ҳам композицияси, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати, сюжетига асос бўлган воқеалари жиҳатидан ўзи кўникма ҳосил қилган асарларга ўхшамайди. Негаки, у билган, ўқиган романларда бир қатор қаҳрамонлар бўларди, улар ўзаро конфликтга киришарди, диалогда бири-бирига давр ва унинг сиёсати хусусида доно гаплар айтишиб, устунликка эришишга интиларди. Мазкур романда эса ундай эмас. Асосан битта қаҳрамон фаолият кўрсатади. у ҳам бир ўринда, яъни, роман бошида раҳбари Мардонкул ака билан диалогда бўлади. Хўш, гап нимада? Гап юқорида айтганимиздек, асарнинг янги усулда, модерн адабиёти йўлида ёзилганида. Маълумки, модерн адабиётида юқорида кўриб ўтганимиздек, воқеа-ҳодисалар инсонларнинг хатти-ҳаракатлари, улар яшаган макон, муҳит реал ҳолда бадий тўқимага айлантрилмайди, балки улар инсон тасавурида иникос этилади. Китобхон тўғридан-тўғри қаҳрамон билан мулоқатда бўлмайди, унинг тафаккури билан тўқнашади. Бошқача айтсак, ақл-идрокиннинг фаолияти орқали кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмас дунё-инсоннинг ботиний олами билан бақамти бўлади. Маълумки, инсон тафаккурининг имкониятлари чексиз. Демак, роман воқеалари худудининг чегараси йўқ. Бош қаҳрамон Мирзо Ғолиб тафаккури бир дарё бўлса, у уммонга қараб оқади. Уммон эса олам каби кенгдир. Лекин бу олам абстракт эмас, романда ўз аксини топган воқеликка диққан қилинган сари у реаллашиб боради. Чунки у кўнгил мулки бўлиб қолмай, тил-ички монолог орқали макондаги нарса юзага чиқади, мақсад аниқлашади. Фақат бунинг англаш учун китобхон онг фаолиятининг барча нуқталари жунбишга келиши, фаоллашиши лозим. Ташқи оламини идрок қилиш борасида ботиний оламини англаш иқтидорига эга бўлмоғи даркор. Маълумки, ҳар ким ҳам бундай иқтидорга эга эмас. Роман инсондан шундай оламга ва инсоният дунёсига онгли муносабатда бўлишни талаб қилади. Шундай ёнда-

шилганда романда илгари сурилган ёзувчи концепцияси англанади. Демак, асар китобхондан тафаккур фаолиятини, онг йўналишини талаб қилади. Бу инсоният учун заруриятдир.

Романда тафаккур йўналиши руҳий олам инкишофига, яъни, руҳий поклик, руҳий мардонаварликнинг ташқи оламга ўтказган таъсир кучининг моҳиятини очишга қаратилган. Бу кучнинг поклашдаги роли, руҳий покларнинг саъй-ҳаракати, қисмати, фожиаси хусусидаги ҳақиқат руҳи ботир шахслар ботиний олами тасвирида очиб берилади. Бундай бўлиши бежиз эмас. Чунки, қадимги диний-фалсафий асарларда: «Ҳаётдаги энг катта жасорат руҳий ботирликдир», дейилади. Адиб ана шундай руҳий ботирлар онг йўналиши инкишофида одам ва оламнинг покланиш заминини кўрсатади. Албатта, янгича йўналишда.

Инсонда нафсга нисбатан мойиллик кучайса, унда ҳайвонлик хусусиятлари ортади. Руҳ илоҳий неъмат бўлиб, барча яхшилик у туфайли юзага келади. Романнинг туб асосида ҳам шу ғоя ётади.

Романнинг бош қаҳрамони Мирза Ғолиб бугунги кунда Катта Йўлга йўл излайди. Лекин тўқайзор ичидан бу йўлга чиқа олмайди.

Мирза Ғолиб туқайзорда, демак, ўтмиш ва бугунги кун фаолиятимиз билан боғлиқ ҳаётнинг ечиб бўлмас чигалликлари орасида гангиб юриб, кишини сергаклантирадиган маконга – Тепаликдаги харобага дуч келади. У ҳарчанд Қиблага-покликка сари йўналмасин, харобага дуч келаверади. Бу ҳолнинг заминиди икки рамзий маъно бор.

Қиблага етиша олмайди, чунки у ҳали унга муносиб эмас. У руҳий камолатга эришмаган.

Иккинчи рамзий маъноси ҳар қандай инсоннинг борар жойи, абадий макони бир, бир хилда қурилган. Шундан, ҳаётда ўзини ўзгалардан устун қўйиши, адолатсизлик қилиши ножоиз. Унинг ҳисоб-китоби бордир. Бу ҳақиқат Мирза Ғолибнинг имконияти ночорлигини билиб туриб, адолатсизлик қилган Мардонкул ака, дўстларининг аҳволидан хабардор бўлган Тенглаш ва Ҳақимжон кабилар фаолияти мисолида очиб берилади. Бундайлардан ҳаёт ўз ўчини олади. Бу хусусда романда шундай ёзилади: «Оёқ остида, у Тепаликдаги харобада уч жасад чўзилиб ётар, миршаблар билан тиб ходимлари уларни кўздан кечирмоқда эди.

Мирза Ғолиб диққат қилди.

Булар – у сўнги кўрган жасадлар, шу билан бирга, негадир... таниш, қизиқ... Қайсидир, белгиларига эътибор берилса, яна кимларнидир... тўғрироғи, Лутфий, Машраб, Байронни эслатмоқда эди! Буларни бегона дейиш ҳам, демаслик ҳам мумкин эди!

Мирза Ғолиб миршаблар машинасига тикилди, анграйиб қолди... орқа эшиги очик машинада қўлларига банд солинган уч киши қунишиб ўтирар ... булардан бири ёки каттароғи Наср Иккигами, Мардонкул акагами ўхшар эди ... Қолган иккиси – Тенглаш билан Ҳақимжон...»

Бу рамзий тасвирда икки ҳақиқат ўз ифодасини топган. Биринчиси, Лутфий, Машраб, Байрон жасадини тилга олиниши, уларни фоний дунёда ўз мақсадларига эриша олмай, надомат билан ўтишларига Мардонкул ака каби нафсга ҳирс қўйган кимсалар сабабчидир. Иккинчиси, уларни миршаблар томонидан банд қилиниши жазосини топишига ишорадир.

Роман сўнгидида автобусда келаётган Мирза Ғолибга хотини Мастура билан бирга ишлайдиган жувон шундай дейди: «Мастура опамни кўзи ёриди. Ўғил! Лекин жуда қийналдилар. Бир ўлиб тирилдилар. Ҳозир яхшилар ... эртами, индин жавоб

берса керак! Сизни табриклайман... Қўшнилариингиз менга ёқди. Фабрикадан ҳам қизлар бориб турибмиз. Умуман, ҳаммаси жойида...» Нима учун индамас Мастуранинг иши ўнгидан келди. Чунки, у соф ва пок шахс. Ўнинчини битиргандан бери фабрикада ҳалол, қаноат билан, ҳеч бир таъмасиз меҳнат қилади. Одамларга меҳри ҳам самимий ва табиий. Шундан, унга қўшнилари ва фабрикадагилари меҳр кўрсатади. Зиёли Мирза Ғолибнинг дўстлари – Тенглаш, Ҳакимжонлар эса оқибат кўрсатмайдилар. Чунки улар ҳамма нарсани англаб туриб нафсга берилдилар. Булар қаторида софроғи Мирза Ғолиб ҳам ўз адаши урду шоири Мирза Ғолиб даражасида эмас. Шоир ниҳоятда виждонли, қайсар, ўз қадрини биладиган шахс бўлган. Асар қаҳрамони Мирза Ғолибнинг руҳи шоир даражасида ботир эмас. Шундан, ҳаётда меҳнатига яраша қадр топмайди.

Модерн адабиёти бу бадиий асар билан илмий асарнинг омуктаси дегани эмас. «Тепалиқдаги хароба» романида шу нарса яққол кўзга ташланадики, у китобхоннинг асарга бўлган иштиёқини сусайтиради. Адиб ундан фориг бўлмоғи даркордир.

Тўхтамурод Рустамнинг «Капалақлар ўйини» романи янги тамойилдаги асар сифатида тилга тушди. Бу ҳақда турли фикрлар билдирилди. Ҳатто абсурд адабиётининг яхши намунаси деб талқин қилишди. Роман поэтикасидан илмий иш ёзган адабиётшунос олима Зулфия Пардаева бу борада шундай фикрни айтади: «Т. Рустамнинг «Капалақлар ўйини» романини талқин қилар эканмиз, абсурд романнинг талқин манбаи абсурд ҳаёт эканлигини англаймиз. Ҳаёт ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларни кўповозилик психологик таҳлил меъёрига етказди. Романнинг ғоявий-бадиий мазмуни қаҳрамон мансуб ҳаёт инъикоси сифатида намоён бўлганини, Бадал Армон эса абсурд қаҳрамон сифатида шаклланганини, абсурд ҳар қандай даврда, ҳар қандай ҳолатда маънисизлик эканлигини очиб беришга хизмат қилади» (Зулфия Пардаева. Ўзбек романлари поэтикаси. Т., 2003, 40-бет).


Лекин романи ўқиган одам ҳеч ҳам бундай эмаслигини англайди. Биринчидан, абсурдлик асар воқелигида эмас, ёзувчининг концепциясида кўринади. Чунки ёзувчи ҳаётдаги, инсонлар табиатидаги иллатлар, улардаги номукаммаликни Насим, Ибод, Шоший, Тош тоға, Ғойиб, Ҳулкар образларида акс эттиришга интилади. Бироқ, уларнинг хатти-ҳаракати, фаолияти тасвирида эмас, шунчаки системага солинмаган баён-да. Шундан бирорта образ киши ёдида қолмайди. Асарнинг аннотациясида «Теран руҳий таҳлил, юксак мажозийликка асосланган асар» дейилади. Лекин амалда бу нарса кўринмайди. Юқорида санаб ўтилган қаҳрамонларнинг бошидан ўтгани, уларнинг табиати қайтариқлар билан ҳикоя қилинади. Тўғри, булар мисолида ҳам кишиларнинг онгига, руҳига таъсир қилса бўлади. Бунинг учун қаҳрамонларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган воқелик замирига катта фалсафий ҳақиқатни, ижтимоий муаммони сингдириш лозим. Афсуски, ёзувчи бунга эриша олмаган. Модерн йўналишдаги асар абстракт расмларга ўхшаб, қандай тушунсанг шундай англа деб, дуч келган воқеани ҳикоя қилиш эмас, балки улар маълум бир концепцияга эга бўлиб, маълум мақсад сари йўналтирилади. Бу нарса қаҳрамон орқали амалга оширилади. Модерн йўналишдаги асар қаҳрамонлари эса, ўз ўй-хаёллари онг оқими мисол мияда йўналган фикрларда ўзи яшаётган ҳаётни теран бадиий талқин ва таҳлил қилиб, олам муаммосини англашимизга ёрдам беради. Шунингдек, ўзи яшаётган жамият иллатларини гўё микроскобда кўргандай кўра олади ҳамда уни шафқатсиз фош қилади, унинг илдизларини топишга интилади ёки бу жамиятда ўз мақсад ва ниятларини амалга оширишнинг иложи йўқлигини англагач, тушкунликка ту-

шади. Шу тариқа, ўзи яшаётган жамиятдан бегоналашиш туйғуси юзага келади. Буларнинг барчаси теран руҳий таҳлилда. изтироб ва фожийликнинг асосли инкишофида очиб берилмоғи даркор. Бизга модерн йўналишдаги асар деб тақдим қилинаётган роман қаҳрамонларининг бирортаси на фикрлайди, на атрофдаги юз бераётган воқеаларга муносабат билдиради. на мулоҳаза юритади, на руҳий изтиробни бошдан кечиради. Унинг ўрнига барча дўстлар орасида кечадиган, улар ўртасида бўладиган воқеалар ҳикоя қилинади. Ҳатто йигитлар ўзаро сир тутадиган ишлар ҳақида ҳам тортинмайдилар. Тўғри, бу воқеалар ичида жамият ва инсоний иллатлар фон қилинган ҳолатлар учраб қолади. лекин, эса қоларли аниқ ҳолатда, тасвирда эмас, тумтарақай баёнда берилгани учун камдан-кам киши уни англаб олади.

Аннотацияда айтилган можозийлик икки ўринда кўринади. Бу роман воқеалари кечган Бақаҳовуз маконида ва асар номи, яъни, «Капалаклар ўйини»да. Бақаҳовуз рамзида ташқи катта дунёдан ажратилган, фақат муҳит эмас, фикрлаш тарзи ҳам чекланган кечаги тоталитар тузумни англаш мумкин. Маълумки, мазкур тузум етмиш йилдан ортиқ даврда битта ғоя, яъни, социализм ғояси, уни бутун дунёда афзал тузум эканлиги тарғиб қилинди. Бутун маънавий олам – матбуот, санъат, театр, адабиёт унга хизмат қилди. Айтилган фикрлар яхши эди, лекин амалда эса унинг акси бўлди. Кишилар айтилган фикрларга монанд ҳаракат қилса таъқиб қилинарди. Дунёда энг адолатли, барча бахтли яшайди деган тузумда эса, инсонлар инсонларча ҳаёт кечиришмасди. Айтилганга, матбуот орқали ёзилганга, эълон қилинганга амал қилмаслик ғирт бемаънилиқ – абсурддир. Ёзувчи асарида шуларни акс эттирмоқчи бўлгани аниқ. Лекин кўриб ўтганимиздек, бунга эриша олмаган.

Романнинг номи асар қаҳрамонлар хатти-ҳаракатига мос тушади. Маълумки, капалаклар жуда қисқа умр кўради. Шундан, бизнингча, ҳаётини ўйин-кулгида, гул ва чаманзорлар кўйнида ўтказди. гўё ҳаёт жаннатдай. Роман қаҳрамонлари ҳам фикрламайди, мулоҳаза юритмайди. фақат ҳаракат қилишади, жўн яшайди, умуман, ҳаётга нисбатан лоқайд. балки ёзувчи тоталитар тузумда жамиятга нисбатан фикр билдирганлар таъқиб қилингани учун одамлар фикрлашдан қўрқади, шундан улар лоқайд демоқчидир. Бу фикр тўғри ва ижтимоий характерга эгадир. Афсуски, бу тўғри фикр романда ёрқин ифодаланмаган.

Зўрлик асосида қурилган ҳар қандай жамиятнинг умри қисқадир. Унинг умрини кўрқув ва алдовлар асосида чўзиб бўлмайди. Романга шу ғоя сингдирилганда, у капалаксимон ҳаракатда бўлган қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, тутган ишининг бадий таҳлилида очиб берилганда, асар ўқишли ва таъсирли бўларди. Роман қаҳрамонлари салмоқли фикр, мантиқ кучига, фаолиятга эга эмасликлари ёзувчининг модерн йўналишдаги асар моҳиятини тўла ўзлаштирмаганидандир. Асарнинг ҳозирги кўринишига бир уриниш деб қарамоқ лозим.





Юсуфжон Ҳамдамов,
филология фанлари номзоди

Матбуот ва замонамиз қаҳрамонлари образи

Ортимиз мустақилликка эришгач, ижодкорлар, жумладан, журналистлар ҳақиқий меҳнаткаш, мард, танги, ғайрат-шижоатли, ташаббускор замонамиз қаҳрамонлари образини яратишдек муҳим вазифани баҳоли қудрат амалга оширишга ҳаракат қилляптилар.

Мустақиллик даврида республикаимиз халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича юқори натижаларга эришган, ўз касбининг ҳақиқий уста, билимдонлари пайдо бўлди. Янги даврда янгича фикрлаб, янги иш усулларини эгаллаб олган бундай замондошларимиз ўзларининг чинакам меҳнат намуналарини кўрсатиб, ўз меҳнат жамоалари, қолаверса, бошқаларга ҳам яхши ўрнак бўляптилар.

Республикаимизнинг марказий газеталарида ўз соҳаси бўйича катта ютуқларга эришган, ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатиб, эл оғзига тушган ана шу давримиз қаҳрамонлари ҳақида очерк, лавҳалар бериб бориляпти. Мазкур мақоламизни «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йилнинг сўнги ойларидаги

сонларида босилган бир неча очерклар таҳлиliga бағишламоқчимиз.

«Халқ сўзи» газетасида кўп йиллардан буён тўпланган яхши бир анъана бор – газета саҳифаларида давримизнинг меҳнатда донг таратган машҳур кишилари ҳақидаги сермазмун очерк, лавҳалар тез-тез бериб борилади. Журналистлар қаламга олган очерк қаҳрамонларининг бири илғор фермер бўлса, бошқа бири машҳур ишчи, яна бири эса жонкуяр шифокор ёки халқ суйган ўқитувчи. Уларнинг ҳар бирининг жамиятимизда тутган ўрни, мавқеи ва бу қаҳрамонларда шу каби хислатларнинг мужассамлиги ҳам табиий бир ҳолдир. Чунки, улар давримизнинг илғор кишилари дир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги шодиёналари арафасида матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва иж-

тимой соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун бир неча илғор кишиларга «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони берилиб, «Олтин юлдуз» медали топшириш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Ана шу юксак мукофотга сазовор бўлганларнинг номи эълон қилинганидан кейин орадан уч-тўрт кун ўтгач, газетада «Ўзбекистон қаҳрамонлари» рукни остида журналист Г. Тангиоровнинг «Меҳнатдан эъзоз топди» номли очерки босилиб чиқди.

Мазкур очерк ангорлик донгдор деҳқон, «Саидносирхон» фермер хўжалиги раҳбари Исахон Баҳромовнинг ҳаёти ва иш фаолиятига бағишланган. Исахон 18 ёшида пахтачилик бригадасига ишчи бўлиб фаолият бошлаган. У бир вақтлар зироатчилик сирларини отаси С. Баҳромов, устози Б. Раҳмоновдан ўрганган.

Журналист илғор фермернинг ҳаёт йўлини ёритар экан, И. Баҳромовнинг йилдан-йилга орттирган тажрибасининг натижаси – у эндиликда Сурхондиёрининг деҳқончилик мактабига асос солган тажрибали деҳқонлардан саналишини мумнуният билан таъкидлаб ўтади.

Ҳа, бу илғор фермер мустақиллик йилларида «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвонига сазовор бўлган. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган. Ангор туман халқ депутати сифатида тумандошларининг турмуши, меҳнат фаолиятини янада яхшилаш йўлида иш олиб

бориб, «Гулистон» маҳалласи аҳлини газ, электр токи билан таъминлашда бош-қош бўлган. Хўжалик ҳисобидан уч километр қишлоқ йўлини асфальтлаб берган. Кам таъминланган оилаларга буғдой бериб, қорамол улашиб келади. Маҳалласидаги 9-мактабнинг аълочи ўқувчиларига ойлик стипендия ташкил этган, қишлоқ кексалари учун «Оталар чойхонаси» қуриб берган.

Муаллиф мазкур очеркда қаҳрамон фермернинг барча ишлари, хизматлари ҳақида батафсил маълумотларни келтириб ўтар экан, фермерликнинг ўзига хос машаққатлари, шунингдек, у тер тўкиб меҳнат қилса, югуриб-елиб ишласа, юқори ҳосил олиб, юксак натижаларга эришиши, обрўсига обрў қўшилиши, турмуш даражаси яхшиланиши мумкинлигини ўқувчи онгига сингдиради. Очеркнавис мазкур фикрларини илғор фермернинг ҳаёт тажрибасидан олинган жонли мисоллар, далиллар билан исботлайди.

Таниқли журналист Ҳ. Эшонқуловнинг «Меҳнатдан топилган хазина» очеркида Навоий конметаллургия комбинати гидрометаллургия корхонасининг цех бошлиғи, «Ўзбекистон қаҳрамони» Фархат Сойибов ҳақида фикр юритилади.

Очерк шундай бошланади: «Қизилқум минтақасининг дунёдаги энг йирик Мурунгов олтин конида Истиқлол йилларида, айниқса, технологик жараёнлар тезлашиб борди. Президентимизнинг бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли Навоий конметаллургия комбинати мамлакат индустриясининг байроқдорига айланди.

Хусусан, бизнинг 2-гидрометаллургия корхонамиз мутлақо янги

қиёфа касб этди, – дейди Фархат Сойибов, – Цехларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш натижасида жамоа юксак кўрсаткичга эришди.

Мен раҳбарлик қилаётган қуюлтириш цехида ҳам иккита янги насос станцияси қурилиб, шунча қуйилтириш ҳовузи бунёд этилди, учта оҳак ишлаб чиқарадиган ускуна монтаждан чиқарилди. Мавжуд ҳовузлардан 21 таси модернизация қилинди, 8 та насос станцияси эса капитал таъмирланди».

Очеркда Ф. Сойибов тўғри сўз, ҳақиқатга тик қарайдиган, одамларни қадрлай оладиган, кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини эринмай эшитадиган, мураккаб ишларда барчага қўлидан келганча ёрдам берадиган инсон сифатида таърифланади.

Очерк қаҳрамони ўз касбининг устаси, ишнинг кўзини биладиган раҳбар. У яхши, ишонган шогирдлар етиштирган. Шогирдлар устозлари ҳақида фахрланиб гапиришади. Қуюлтириш цехининг бўлим бошлиғи Ўткир Тайлоқов ўз устози тўғрисида эҳтиром билан шундай дейди:

«Фархат ака тиниб-тинчимас киши. Унинг цех ускуналарини модернизациялаш, реконструкция қилиш ишларини жадал олиб бориш билан бирга, ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший дам олишларига, ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида пишиқ-пухта ечилишига диққат-эътибор қаратишига қойил қоламан».

«Улкан корхонанинг цех бошлиғи бўлиш, табиийки, кеча-кундуз ҳар қандай вазиятда ишлашни талаб этади. Аммо бу Фархат акага оғирлик қилмайди», – деб ёзади очерк муаллифи, – сабаби, – дунёдаги энг тоза олтин шу ерда олинади. Бу цех

бошлиғини фидойилик кўрсатишга даъват қилади».

Очеркда оила сулоласи ҳақида ҳам сўз боради. Қаҳрамоннинг иккала ўғли ота изидан бораётган экан: Фируз 2-гидрометаллургия корхонасида катта уста, Фаррух «Амантайтоу-Голфтльдз» қўшма корхонасида катта қуювчи сифатида ишлаб келаётган экан.

«Меҳнатдан топилган хазина» очеркида муаллиф томонидан қаҳрамоннинг ички ва ташқи дунёси, орзу-интилишлари, оиласи, ўзи меҳнат қилаётган жамоаси ҳақидаги маълумотлар, фикр-мулоҳазалар ўзига хос тарзда содда, самимий ифода этилган. Қаҳрамоннинг кўпчиликка ибрат бўладиган ҳаёти, кўп йиллик иш тажрибаси кенг тарғиб қилинган. Одатда муаллифнинг очерк ёзишдан мақсади ҳам ўз ўқувчисига очерк қаҳрамонини бор бўйича аниқ, тиниқ тарзда намуна қилиб кўрсатиб беришдир.

Очерк киши руҳини кўтариб, қаҳрамон ва у эришган ютуқларга ҳар бир ўқувчи ҳавас қиладиган даражадаги илиқ жумлалар билан хулосаланган: «Зарафшон шаҳрида Фархат Сойибовни қутлаб, унинг юксак унвонга сазовор бўлганлигидан қувонаётганлар бисёр. Зеро, касбдошлари оддий олтинпазнинг доврўғидан ҳар қанча фахрлансалар арзийди»

Ўтган йил давлатимизнинг юксак мукофоти – «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганлар орасида хотин-қизлар вакилаларнинг борлиги ҳам кишини қувонтиради. Чунки, бугунги ўзбек аёли – меҳрибон она, илғор фермер, билимдон оlima, қўли енгил шифокор, жонкуяр ўқитувчи...

Журналист О. Шодмоналиевнинг қаламига мансуб «Истиклол бахш этган иқбол» очерки учун танланган инсон яқинда «Ўзбекистон қаҳрамони» бўлган, Андижон вилоятининг «Олтинкўл-водий гуллари» фермерлик хўжалиги раҳбари – Сиёсатхон Абдуллаева бўлади.

С. Абдуллаева 30 йилдан буён деҳқончилик қилади. Ширкат тугатилиб, ерлар фермер ихтиёрига ўтгач, Сиёсатхон ҳам 33 гектар ер олади. Ўтган йили гектар ҳисобида 72 центнердан дон йиғиштириб олишган. Унинг 117 тоннаси уруғликка сотилиб, хўжалиқда буғдойнинг ярми қолдирилган. Уни ишчиларга 1,5–2,5 тоннадан бўлиб беришади ва 14 тонна ғаллани омборда ғамлаб қўйишади.

Очеркда муаллиф фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиш билан бирга, яна бир муҳим жиҳат-хўжалик томонидан маданий-маърифий, ободончилик ишлари олиб борилаётганлиги ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Очеркда муаллиф С. Абдуллаева бошчилик қилаётган фермер хўжалигида олиб борилаётган ишлар, эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилар экан, умуман, Олтинкўл туманида бугунги кунда фаолият юритаётган 321 та фермерчилик хўжаликларининг унумли ишлари ҳақида ҳам батафсил тўхталган. Яна бир жиҳат, муаллиф ана шу хўжаликлар томонидан маданий-маърифий, ободончилик ишларининг олиб борилаётганлигига ҳам алоҳида урғу берган. У туманда кейинги икки-уч йил мобайнида ўнлаб янги гузарлар пайдо бўлгани, маданий-маърифий бинолар қад ростлагани,

10 та кийим тикиш, , пойабзал таъмирлаш цехлари, 15 та сартарошхона, 4 жойда суратхона очилгани, 18 та мини маркет бунёд этилгани, энг чекка маҳаллаларга ҳам қувурлар тортилиб, тоза ичимлик суви, табиий газ олиб, келингани, фермерларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ҳар йили кўплаб мактаблар мукамал таъмирдан чиқарилаётгани, жорий йилнинг ўзида 9 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилгани ҳақида тўлиб-тошиб ёзади. Тўғри-да, халқнинг ижтимоий-маданий манфаатларини юксалтириш йўлида олийжаноб фермерлар томонидан шунча ишлар амалга оширилибди-ю, бу ютуқлардан қувонмай, бу ажойиб ишлар ҳақида завқ-шавққа тўлган ҳолда ёзмай бўлар эканми?!

Очеркдан Сиёсатхон опанинг устузу шогирдларининг дил сўзлари ҳам жой олган. Улар фермер опа, унинг иш услуби, ҳаётий тажрибаси, жамоа аъзолари ҳақида доимо қайғуриб, уларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзиб келаётгани борасида эҳтиром билан гапиришган.

Очеркда С. Абдуллаеванинг ишдаги ютуқларидан шундай мисол келтирилади: – «Қишлоқ хўжалиги, хусусан, ғаллачилик ва пахтачиликда ўзига хос мактаб яратган Сиёсатхон Абдуллаева жорий йилда 12, 7 гектар майдонда ғалла етиштирди. Гектар ҳосилдорлиги 63 центнерни ташкил этди. Шартномадан ортган 16 тонна дон ишловчилар бордонига тўкилди. Соф фойда эса 8 миллион 400 минг сўмга етди.

Фермерлик хўжалигида 20,3 гектар майдонда ғўзанинг «Андижон-35» нави ўстирилмоқда. Беш марта «шарбат» усулида суғорилиб, 12 марта культивациядан чиқарилган,

меъёрида озиқлантирилган. Ҳар туп ғўзада 15–20 тадан кўсак мавжуд. Ҳаммаси бўлиқ».

Ўтган йили давлатимиз раҳбари Сиёсатхон опанинг ишлари билан танишиш ва суҳбатлашиш давомида: «Бой бўлсангиз, нима қилар эдингиз?», – деб сўраган экан. Шунда опа: «Лизингга трактор олар эдим», – деб жавоб берган экан. Очеркда ёзилишича, опа олинган ҳосил даромадидан чопиқ тракторини харид қилган. Топган-тутганига яна ўзимизнинг Асакада чиқарилаётган «NEXIA-2» автомашинасини сотиб олган.


Айтиш лозимки, портрет очеркнинг яхши бир намунаси бўлган «Истиқлол бахш этган иқбол» кўтаринки руҳда ёзилган очерклар сирасига киради. Унда замонамиз қаҳрамонининг образи рангин бўёқлар, муаллифнинг чиройли ташбеҳлари билан ўзига хос тарзда ифода этилган. Сўзларидан мустақиллик берган ҳақ-ҳуқуқ, имкониятнинг ҳар биримиз учун қанчалик азиз ва мўътабар эканлиги акс этиб турган қаҳрамон опанинг ҳаёт йўли, орттирган тажрибалари ҳар бир фермер, қишлоқ хўжалик ходими учун катта ибрат мактаби бўла олиши очеркда ўзига хос, ишонарли тарзда акс этган. Мазкур очерк шу жиҳатлари билан ҳам ўқувчи қалбида узоқ вақтлар давомида сақланиб қолса, ажаб эмас.

«Халқ сўзи» газетаси саҳифаларида замонамиз қаҳрамонлари ҳақида босилган мазкур очерклар таҳлилидан шундай хулосалар чиқариш мумкинки, меҳнатда тобланган, янгилликка интилиб, эртани ўйлаб, одамларнинг

оғирини енгил қилиш ўй-ташвишлари билан яшаётган бугунги ажойиб замондошларимизнинг жамиятимиз ривожини, уни янада тараққий этишида ўз ўрни бор экан.

Ҳозирги фермер, тадбиркор, ишбилармон, бизнесмен, қурувчи, ишчи, иқтисодчи – буларнинг ҳар бирининг янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлидаги янгича онг, янгича фикрлашлари бор. Булар бугунги куннинг фаол, илғор кишилари, янги давр қаҳрамонларидир.

Бугунга келиб, замонамиз қаҳрамонлари образини ўзига хос, ажойиб меҳнат намуналарини ибратли тарзда кўрсатиб берадиган жанрлардан бири бўлган очерк сифатида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Бундан ўн беш-йигирма йил илгари очеркларда баландпарвоз гаплар, рапортнома иқтибослар, узундан-узун ҳисобот, рақамлар, якка партия, унинг мафкурасига мадҳия, ҳамду саного ўхшаш мақтовлар устувор ўрин тутган бўлса, эндиликда, бу фаол жанр ўзида, аввало, мустақилликнинг мазмун-моҳияти, ихчамлик, чуқур маъно, аниқлик, масалага мантиқан ёндашиш, мақсад сари интилиш каби хусусиятларни мужассамлаштираяпти. Буни марказий ва ҳудудий даврий нашрларда босилиб чиқаётган очерклар мисолида яққол кўриш мумкин. Ушбу кузатувларимиздан хулоса шуки, ҳали бу борадаги ижодий ишлар янада сайқаллашиб, матбуотда замонамиз қаҳрамонларининг ёрқин образлари тажассумини топган тўлақонли очерклар кўплаб яратилади.



Пардабой Нуржонов,
филология фанлари номзоди

Мустақиллик даври қорақалпоқ насрининг ривожланиш йўналишлари

Мустақиллик шарафати туфайли ижодкорларимиз коммунистик мафкуранинг адабиётдаги бош қуроли бўлган социалистик реализм исканжасидан қутилиб, жамиятдаги турмуш воқеаларини бор ҳолида, ранг-баранг вазиятларда тасвирлаш имкониятларига эга бўлди. Инсон руҳиятининг қурама табиатини, интилишларини, туйғуларини, қувончу қайғусини, кўтаринки ва тушкун кайфиятини ёритишда адиблар фақат реализм тамойилларидангина фойдаланиб қолмасдан, модернистик услублардан, жумладан, мифологик (асотирий), мистикавий, илоҳий тушунча ва дунёқарашлар имкониятларидан ҳам фойдаланишга интилмоқдалар. Масалан, Т. Қаипбергеновнинг «Қалбимнинг қомуси», Ҳ. Ҳамидовнинг «Учқун» К. Алламбергеновнинг «Дарё тортилган йиллар», К. Раҳмоновнинг «Оқибат», О. Холмуратовнинг «Тақдирдош», Ҳ. Айимбетовнинг «Қорабўғро» номли роман ҳамда қиссаларини, Ҳ. Ўтемуратова, О. Абдиев, А. Турекеева, Г. Зоитовларнинг ҳикояларини олиб кўрайлик. Мазкур асарлар ҳажман, мазмунан ва шаклан, кўтарилган муаммолари, жанри ва услублари жиҳатидан турлича бўлишига қарамасдан, уларни бирлаштириб турадиган бир жиҳат бор. Бу – турмуш ҳақиқатини тасвирлашда аъъанавий усулларга асосланган реализм методи қоидаларига бўйсунмавмасдан, ўзига хос йўл топиб, инсонларнинг руҳий табиатини очишга интилишди. Муаллифлар ана шу йўлда реализмнинг бор имкониятларига қўшимча равишда оламга мифологик, лингвистикавий, фантастик тушунчалар, дунёқарашлардан муваффақиятли фойдаландилар. Бунга қўшимча, уларнинг асарларида романтик услубга хос бадиий белгилар пайдо бўлиб, асарлар музминининг жозибалигига, шакл ранг-баранглигига эришилди.

Мустақиллик даврига келиб қорақалпоқ насрида роман-эссе жанри анчагина ривожланганининг гувоҳи бўламиз. Агар 1980 йилларда Т. Қаипбергеновнинг бу жанрда фақат бир асари («Қорақалпоқнома») чоп қилинган бўлса, 1990 йилларда бу муаллифнинг «У дунёдаги бобомга хатлар», «Қорақалпоқнинг ўз қалпоғи билан сирлашуви», «Қалбимнинг қомуси» сингари асарлари пайдо бўлди.

Т. Қаипбергеновнинг «Қалбимнинг қомуси» асари муаллифнинг фикр-мулоҳазаларидан иборат бўлиб, ёзувчи унинг жанрини «репортаж-эссе» деб белгиланган. Ёзувчи ўзининг бу асарига: «Миш-мишлардан иборат 8 дафтар-

лик репортаж-эссе». деган кичик сарлавҳа ҳам қўйган. Тоталитар жамиятда Орол худуди ҳақида бор аччиқ ҳақиқатни очиқ айтишга ёзувчиларда имконият бўлмаганлиги учун ҳам шундай усулни танлаган.

Ёзувчи Шовдирбой Сейитовнинг «Ёмон чиғаноқдаги Ақтуба» асарини роман-фожиа деб айтса бўлади. Халқимиз тарихидаги 1950 йиллардан кейинги даврни – деярлик ярим асрлик воқеаларни қамраб олган мазкур асар тоталитар тузумнинг бор чиркин томонларию инсон тақдирининг барча ҳолатларини тасвирлагани жиҳатидан кейинги давр қорақалпоқ насрида катта воқеа бўлди. Унда Ғарб адабиётининг абсурд усули белгиларини. Қорақалпоғистон шароитида абсурд адабиётнинг бадиий намунасини кўриш мумкин. Асарга ёзилган кириш сўзда шундай фикрларни ўқиймиз: «... якка ҳукмронлик, хўжасизлик йилларида афтода бўлиб қолган оилалар, биров бировни эзган, биров бировни тунаган, ҳамма ўз тақдирини юқоридагиларга топшириб, шуларнинггина изидан сўқир ҳамда чексиз ишонч ила эргашган турғунлик йилларидаги одамларнинг манкуртлик психологияси, аянчли тақдирлари сўз этилади. Қонунлар ўз кучини йўқотган ёки қабул қилинган билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаган, одамлар ўзлари ўч олишга ўтиб кета бошлаган пайтлардаги турли ёвузликларнинг, меҳрсизлик ва шармандаликларнинг авж олгани қизиқарли воқеалар, ўткир тил орқали тасвирланади».

Романни ўқиб, коммунистик якка ҳукмронлик даврида Қорақалпоғистондаги шароит Ғарб адабиётининг абсурд романларида тасвирланган шароитдан паст бўлса паст, бироқ яхши бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилади киши. Европада XIX аср охири – XX аср бошларида модерн романчилик оқими юзага келди. Ушбу услубий йўналишнинг мустақиллик йилларида ўзбек романчилигига қилган ижобий таъсирини тадқиқ қилган адабиётшунос З. Пардаеванинг ёзишича: «Модерн романларининг қаҳрамонлари том маънодаги индивидуал шахсиятга эга бўлиб, уларнинг ўй – хаёллари, бетизгин мулоҳазалари, улар яшаётган бадиий ҳаёт талқини орқали реал ҳаёт, реал воқеликни англашимизга ёрдам беради. Жаҳолат одамлар истакларини нафақат эговлайди, балки уларни ёвуз ниятларга қул қилади, шу билан бирга, уларнинг кўксига қабоҳат уруғини сочади. Ёмонлик негизида фаҳш, зулм, ёвузлик униб чиқади. Тушкунлик кайфияти, эртанги кунга ишончсизлик ортади, қаҳрамон гўё ўз қобиғига беркиниб олади... Мушкул вазиятдан чиқиш йўлларини тополмайди. Иложсизлик уни қийин аҳволга солган ижтимоий тенгсизликка нисбатан нафрат уйғотади. Ҳар қадамда, ҳар сонияда ўзига нисбатан қилаётган зулм унинг қалбида ниш ура бошлаган тубанлик учун гўё допинг вазифасини ўтайди. Шу тариқа, қаҳрамоннинг жамиятдан «бегоналашуви» юз беради».

Тадқиқотчи шундай шароитни бадиий тасвирлаган модерн романлар сафи-га Марсел Прустнинг «Йўқотилган вақтни излаб», Франц Кафканинг «Қаср», «Жўнаш», Жан Поль Сартрнинг «Озодлик йўллари» ва бошқа асарларни киритади. Дарҳақиқат, қайд этилган романларда шахс билан жамият ўртасидаги бўшлиқ, жамиятдаги қарама-қаршиликлар билан индивид психологияси орасидаги келишмовчиликлар айна ўша модернистик йўналишда таҳлил қилинади. Ғарб адабиёт-идаги ушбу анъана мустақиллик даврида ўзбек романчилигида Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепалиқдаги хароба», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бозор», Тўхтамурод Рустамнинг «Капалаклар ўйини» каби асарларида намоёнини топган бўлса, қорақалпоқ насрида, мазкур қирра. Шовдирбой Сейитовнинг «Ёмон чиғаноқдаги Ақтуба», Кенгесбой Раҳмоновнинг

«Оқибат», Олланазар Абдиевнинг «Алвастилар уяси», Ташкентбой Холмуратовнинг «Қирқбўйин» сингари романларида акс этди. Айниқса, булар орасида Ш. Сейитовнинг романи алоҳида аҳамият касб этди. Романдаги фожиавий ва кулгули манзараларнинг бирикиб, ўша даврдаги турмушнинг аччиқ ҳақиқатларини очиб беришга хизмат қилиши, асарда оғзаки адабиёт анъаналарининг ривожлантирилганлиги, образлар дунёсининг ўзига хослигини чуқур таҳлил қилиш лозим.

Таниқли адиб Ўрозбой Абдурахмоновнинг «Бўсаға» романи қорақалпоқ миллий романчилигида янгилик бўлди. 1980 йилларнинг иккинчи ярмида бу роман ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилинди. Асар тўғрисида «Эмударья» журналида, «Эркин Қорақалпоғистон», «Устоз» журналларида баҳсли фикрлар, мақолалар ёритилди. Айрим ёзувчи ва адабиётшунослар бу романни умуман яроқсизга чиқаришга ҳам бориб етидилар. Шунга қарамай, муаллиф ўз асарини қайта ишлади, кейинчалик бу асар «Жаҳон адабиёти» журналида чоп этилди. Асарнинг чоп этилиши адабий-бадий насримизда катта воқеларнинг бири бўлганлигини айтиб ўтишимиз керак. Сабаби, миллий маданиятимизнинг кўпчилик вакиллари томонидан ҳали тушуниб етилмаган, ҳозирга қадар ўзининг одил баҳосини олмаган бу роман ўзбек китобхонларининг адолатли синовидан ўтиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, асарнинг кейинги йилларда ёш адабиётшунос Н. Ўразимбетова томонидан махсус ўрганилиб чиқилиши, тадқиқ қилиниши, шу асосда номзодлик диссертациясининг ҳимоя қилиниши ҳам диққатга лойиқ воқеадир.

Қорақалпоқ адабиётида 1990 йиллардан бошлаб, сатира ва юмор жанрларнинг ривожланишида М. Низанов, С. Жумағулов, Б. Қозоқбоев, К. Эрназаровларнинг улуши катта бўлди. М. Низановнинг повестлари (ҳажвий қиссалари) «Ўзга сайёрада етти кун» деган сарлавҳа билан алоҳида китоб бўлиб, ўзбек тилида нашр этилди. Яна бир ҳажвчи С. Жумағуловнинг мустақиллик йилларида «Акам уйланди» қиссаси ва қатор ҳажвияларининг чоп қилиниши ҳам насримизнинг эътиборга лойиқ воқеаларидан бўлди. Шунингдек, бу икки муаллифнинг қорақалпоқ драматургиясини ривожлантиришдаги хизматлари ҳам мустақиллик даврида жуда салмоқли бўлиб, ўзига хос ҳодиса сифатида тан олинмоқда. Уларнинг асарлари асосида сахналаштирилган спектакллар Тошкентда, қўшни Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон театрларида, сахнага қўйилиб келинмоқда.

Қорақалпоқ насримизнинг бошқа вакиллари – С. Исмаилов, О. Абдиевларнинг қисса ва ҳикоялари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, О. Абдиевнинг «Эран соқий» қиссаси, «Субҳидам» номли романи ва бир қанча ҳикоялари ўзбек тилида чоп этилиб, ушбу асарлар тўғрисида матбуотларда қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Дарҳақиқат, «турғунлик йиллари» деб аталган ўтмиш даврда, давлат томонидан чиқарилган қонунларни амалдор кимсаларнинг бузиши, яқка ҳукмронликнинг авж олиши, одамлар орасида бир-бировини эзиш, тунаш, халқда адолатга эришиш деган ишончнинг йўқолиши, инсоний қадр-қиммат туйғуларининг поймол қилиниши, шунинг учун ҳам айбдор кимсалардан ўзбошимчалик ила ўч олишга интилиш ёки бунинг аксича, манқуртлик психологиясининг авж олиши ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлар натижасида эса, инсон тасаввур қилолмайдиган вазиятларнинг келиб чиқиши рўй берди. Ўз навбатида, бу нарса қорақалпоқ насрида ҳам абсурд адабиётига хос белгиларни намоён этди, кўпчилик асарларда воқеаларни абсурд ҳолатларда тасвирлашга интилиш йўсини юзага келди. О. Абдиевнинг «Субҳидам» романи ана шундай услубда яратилган асар. Роман қорақалпоқ тилида «Алвасти уяси» деган ном билан чоп этилган эди. Романда

адолат, ҳақиқат учун курашиб. жамиятдаги кучли кимсалар томонидан мажруҳ ҳолатга келтирилган, соғлигидан айрилиб «жинни» деб ном олган Сайимбетнинг фожиаларга тўла ҳаёти тасвирланади. Барча воқеалар Сайимбетнинг бундай ҳолатга келишининг сабабларини, бундаги айбдорларнинг қилмишларини бадиий ёритишга хизмат қилади. Роман воқеалари асосан муаллиф сўзлари, адолат учун курашаман деб қамалган Қайипнинг кечинмалари орқали берилади. Муаллифнинг ички монолог, диалог ва бошқа адабий услублардан мохирона фойдаланишлари ҳам ўша даврнинг аччиқ ҳақиқатларини ишонарли очиб беришга хизмат қилган. Бунда сюжет, фабула воқеалари из-изидан қаторлаштирилиб жойланмай, Сайимбет ва Қайипнинг тақдирларига боғлиқ йўналишлар орқали бир-бири билан параллел (ёнма-ён) равишда ривожлантирилади, муаллиф томонидан куруқ баён қилинмасдан, образларнинг хотиралари, тушлари, ички монологлари, хатлари, диалоглар орқали қизиқарли қилиб берилади. Муаллиф «турғунлик йиллари»даги абсурд шароитларни, жамиятдаги бузғунчи, жирканч ҳолатларни, одамларнинг иерархиявий, қатлам-қатлам бўлиб бўлинишлари, шунинг оқибатида келиб чиққан ақл бовар қилмас манзараларнинг ҳаққоний тасвирини чизиш учун Ғарб адабиётидаги машҳур асарларга ўхшатиб, «асар ичида асар яратиш» усулларини ҳам қўллайди. Муаллиф қўллаган бундай бадиий параллелизм, «асар ичида асар яратиш» усуллари турғунлик йилларининг кўринишларини, ўзида мужассам этган Мирзамурат, Алимбой, Ўтамиш, Марат сингариларнинг ҳаракатларини, хулқ-атворини қиёсий тасвирлашда, даврнинг, тузумнинг ҳақиқий башарасини очишда хизмат қилади. Роман фазилатлари ҳақида кўп фикрлар айтиш мумкин. Хулоса шуки, ҳикоядан қиссага, қиссадан романга томон – асардан-асарга ўсиб, маҳорати чархланиб бораётган адиб ҳали янги-янги асарлари билан ўқувчиларни суюнтиради, деган умидимиз бор.


К. Алламбергеновнинг «Дарё тортилган йиллар» романи 1992 йил «Қорақалпоғистон» нашриётида чоп этилган эди. Ёзувчининг маҳорати, романнинг долзарблиги матбуотда ижобий баҳоланди. роман 1993 йили Бердақ номидаги Дўлат мукофотига сазовор бўлди. Асар ҳақидаги мақолаларда ҳам романда кўтарилган муаммоларнинг аҳамияти, ёзувчининг маҳорати айтиб ўтилган. Агар 1980 йилларнинг бошларида Т. Қаипбергеновнинг «Кўз қорачиғи» асарида қишлоқ хўжалигидаги жинояткорона хатти-ҳаракатлар экологик фожиалар билан боғлиқ ҳолда ошкора тасвирланган бўлса, 1990 йиллар бошида К. Алламбергенов бу мавзунини янада тўлдириб, янги шароитларда экологик фожиаларнинг халқ бошига келтираётган қийинчиликларини, офатларини ифодалади. Роман «Хавфли сўқмоқлар», «Виждон иши» деб аталган икки китобдан иборат. Адиб шўролар салтанатидаги, турғунлик йилларидаги инсонлар ҳаётини, виждонига доғ туширмасдан ҳақиқат ва адолат учун курашувчилар оз бўлмаганлигини Назар боғбон, Жалғас Назаров, Тожибой ота, Бийигул, Бобожонов сиймолари орқали акс эттиради. Романнинг бош қаҳрамони Жалғас Назаров билан ёлғиз бошининг ғами учун жиноят қилишдан ҳам қайтмайдиган Абдибой бригадир, Жаримбет бошлиқ, қонун ҳимоячиси Ўмирбой Ўрозбоев, Сейтмурат Абдиқаримов, Генжебой Ҳақимов, Асанбой Қорабоевлар орасидаги конфликтлар тасвирланаётган даврнинг аччиқ ҳақиқатини очиб ташлайди. Бунда, айниқса, ёзувчи томонидан қўлланган диалог, психологик тасвирлар, муаллиф сўзи, ретроспектив тасвирлар қаламга олинган мавзунини, ғояни ўқувчига етказиш учун яхши хизмат қилган. Шу жиҳатлари ила роман 1980 йилларнинг охири, 1990 йилларнинг биринчи ярмида қорақалпоқ насрида ўзига хос воқеа бўлди.

Умуминсоний муаммоларни ёритишда ва уларни бадиий тил билан тасвирлашда С. Исмаиловнинг «Юрак галактикаси» романи ҳам эътиборга молик. Романда экологик муаммолар, инсонийлик, одоб-ахлоқ сиралари, муҳаббат ташвишлари билан бир қаторда, тинчликни асраш масаласига ҳам диққат қаратилади. Масалан, романдаги «Девкесган» афсонасида, Тамаранинг опаси айтиб берган «Фазтоннинг ҳалокати» ривоятда, Цефей буржидаги сайёранинг қайғули тақдирида, Баҳодирнинг отаси Каримнинг бошидан кечирган воқеларда тинчликни асраш, унинг қадрига етиш масалалари кўтарилади. Шу билан бирга, фантастик романда турғунлик йилларидаги жамият камчиликлари ҳам қаттиқ танқид остига олинганини кўрамыз. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи А. Абдиевнинг қуйидаги фикрларида жон бор деб ўйлаймиз: «Романни таҳлил қилганимизда турғунлик йилларидаги авж олаётган нуқсонлар гоҳ ўткир сатира тиғи билан, гоҳ енгил кулги (юмор) билан фош қилиб ташланганининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, асарнинг 2–3-бўлимларида ошкора фош қилиш услуби кенг қўлланади. Қайта қуриш, демократия, матбуот эркинлиги берилган бўлса-да, ҳали фикрларни очиқ-ошкор айтишга тўсқинликлар бор эди. 1989 йили ушбу асарнинг 2–3-бўлимлари эълон қилинмасдан, фақат 1-бўлимигина қисса сифатида «Эмударья» журнаlining 7-сонида чоп этилганининг асосий сабаби ҳам шу бўлса керак».

Дарҳақиқат, 80-йилларнинг иккинчи ярмида ҳам ёзувчиларнинг тоталитар тузум адолатсизликларини фош қилган асарларини нашр этиш қийин бўлганлиги ёки асарлар узук-юлуқ, ярим-ёрти ҳолатларда эълон қилиниши – муаллиф ғоясининг ўқувчига тўла етиб боришига, шу сабабли ҳам янгича тафаккур юритишга анча тўсқинлик бўлганлигини биз С. Исмаиловнинг «Юрак галактикаси» романининг чоп этилиши тарихи мисолида кўришимиз мумкин. Асар фақат 1991 йилдагина тўла ҳолда китоб бўлиб босилди.

С. Исмаилов – 1980 йилларнинг 2-ярмидан бошлаб, қорақалпоқ адабиётида фантастика жанрининг шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшиб келаётган ижодкор. Унинг бу борада бир қатор китоблари нашр этилган.

Умуман олганда, мустақиллик даврида қорақалпоқ насрига аввал қўл урилмаган мавзулар, ғоялар кириб келди. халқ тарихида муҳим ўринга эга бўлган тарихий шахсларнинг бадиий образлари яратилди, қаҳрамонлар характерини яратишда аввалги қотиб қолган қоидалардан, стереотиплардан қутилишда, янги жанр ва услубларни эгаллашда маълум ютуқларга эришилди.





Розия Хобохунова,
Андижон Давлат университети
тадқиқотчиси

Миллий ва умуминсоний қадриятлар ифодаси

Истеъдодли адиб Луқмон Бўрихон ҳозирги замон ўзбек адабиётига ўз изланишлари билан кириб келаётган умидли ижодкорлардан. Қатор ҳикоялари, қиссалари ва «Жазирамадаги одамлар» романи билан мухлислар эътиборини тортган Луқмон Бўрихон асарларида, айниқса, миллий ва умуминсоний қадриятлар мавзуси самимият билан қаламга олинади.

Адибнинг «Чорбоқ кўриқчиси ёхуд Хизр кўрган йигит» қиссасида ижтимоий муаммолар эмас, алоҳида одамларнинг кечинмаю сезгиларини тасвирлаш етакчилик қилади. Қисса эртақнамо сюжет асосига қурилган. Асар қаҳрамони Қоржов содда ва оддий қишлоқ йигити. Унинг бошидан кечирганлари ҳам ажабтовур воқеалар. Қоржовнинг қуйидаги сўзлари беихтиёр кишида табассум уйғотади: «Кечагина эшакка қийшиқ минган қишлоқи эдим, бугун эса ажабтовур машина ўриндиғида ястаниб ўтирибман-а?! Наҳотки Хизр кўрганим чин?!»

Асар қаҳрамонининг саргузашти дастлаб қишлоқда дўсти Ҳусан билан синфдошлар зиёфатига бориш учун совхоз фермасидан товук, ўғирлаш учун кетаётган пайтда бошланади. Эшакка миниб кетаётган бу икки ўсмир халк эртақларидаги кал қаҳрамонни эслатади. Уларнинг олдидан бирдан оқ шарпа чиқади. «Анвар! Ўлай агар, оқ арвоқ бу!» дея қичқирган Ҳусаннинг ҳам, Қоржовнинг ҳам ранг-кути учди. Ҳусан эса қочиб қолади. Қоржов аранг ўзини қўлга олиб, оқ шарпани қаршилайди. У Қоржовнинг ҳамқишлоғи Мулла Мирзо экан. Маълум бўлишича, қария қўйларини йўқотиб қўйган экан. Адиб бу воқеани тасвирлаш орқали кичикларнинг катталарни иззат қилиш одатини ифодалайди.

«У қарияга Мулла бобо, сиз қишлоққа кетаверинг. Мен молларингизни топиб изингиздан ҳайдаб бораман, дейди.

Анча-мунча исиб бийронгина бўлиб қолган Мулла Мирзо дуо устига дуолар қила кетди: «Илоё, Худо-

жоним. ўзи сенга паноҳ бўлсин, илоё суйганингга етишиб қўша қаринглар, илоё менмас ҳазрати Хизрни кўрган бўл...»

Луқмон Бўрихон қиссада миллий қадриятларга алоҳида эътибор беради. Қисса қаҳрамони Қоржов оддийгина қишлоқ фарзанди. Унинг жисми ва руҳида ҳам ўзгалардаги сингари хоҳиш-истаклар мавжуд. Кўнгли ҳаёт ишқи ва яшаш завқига, жисми севгига ташна йигит. Унинг ҳаётда ўз қарашлари бор. Унинг феъл-атвори, самимияти асарда меҳр билан тасвирланган. У ҳар кимни борица қабул қилади, тўғри муносабатда бўлади. Тўғри келган одамга сирини айтавермайди. Унга отасининг туман амалдорларига мутелиги ёқмайди. Шунинг учун отасига: «Ота, шу сизга зарилми-а? Нима, уларнинг олдида муттаҳаммисиз, қулимисиз шу энағарларнинг? Давлат молининг шўрини қуритиб ётган шулар-ку? У қузғунлар нима деса, доим кўнасиз...» дейди ва, ҳатто, отасига: «Қўлингизга таёқ олиб қувламайсизми?» деб таклиф қилади. Бу инсон ҳақиқат учун қураниннинг иллатларини тағ-томири билан суғириб ташлаши зарурлигини, одамда тан ва руҳ борлиги унинг ҳаёти шу икки жиҳат истакларига мувофиқ келиши лозимлигини англатади ва мазкур жиҳат қиссада ўзига хос образлар асосида, хусусан, Қоржов образида таъсирчан акс эттирилган.

Қоржовнинг ҳатти-харакати, қилиқлари асарда эса қоларли ва ўзига хос ёзувда тасвир этилган. У ҳам бошқа ёшлар қатори ўйнаб-кулишни, яхши ҳаёт кечиршни, севишни истайди. Асар қаҳрамони отасининг таниши Тоштемир ака

билан шаҳарга ўқишга келади. Буни унинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин: «Шундай қилиб эрта-клардагидек бир юмалаб пойтахтга келиб қолдик. Одамларнинг гавжумлигидан, серкатнов машиналарнинг шовқин-суронидан бошим оғриди».

Тез орада ҳуқуқшунослик коллежига ўқишга киради. Уч йил ўтгач, коллежни битади. Институтга кириш учун таёрланади. Бекқул Тўрақулович хонадонига такобучилик қилади. Шу ерда худди эртак қаҳрамонларидагидек унинг қизи Маржонани севиб қолади. Бу севги можароси туфайли жуда кўп гавғоларни бошидан кечиради. Ҳатто қамалади ҳам. Худди эрта-кларда бўлгани каби унинг бошига бахт қуши кўнади. Мўъжиза юз беради. У қамоқхонадан озод этилади. Севган қизига унаштирилади.

Қиссада халқимизнинг миллий урф-одатларидан бўлган совчилик анъанаси ифода этилган Қоржовнинг отаси билан Тоштемир ака совчиликка боришади. Бу асар қаҳрамони тилидан шундай тасвирланади: «Бекқул Тўрақуловичнинг чорбоғига совчиликка кетган отам билан Тоштемир ака кечга яқин шоду хандон қайтишди!», «Меҳмонхона ғала-ғовурга кўмилди. Бақоев ва Тоштемир ака бири қўйиб, бири олиб совчилик тафсилотларини кўпиртириб-кўпиртириб гапиришга киришган, йиғилганлар эса ҳайрату ҳаяжон билан уларнинг оғзига тикилишган эди». Шундай қилиб, эрта-клардагидек, қаҳрамон мурод-мақсадига етади. Ҳамма нарса яхшилик билан тугайди.

Қаҳрамоннинг қуйидаги сўзларида ҳам халқимизнинг тўй қилиш, никоҳ ўқитиш одати ўз аксини топ-

ган: «Эй Мулла Мирза бобожоним, ўша тилак дуолар учун минг-минг қуллуқ сизга. Бошқа ҳеч кимдан бундай тилак, бундай қутлов эшитган эмасман ҳали. Бугун суйганим бағримда, Мулла боважон, насиб этса, никоҳни ҳам ўзингизга ўқитаман, ўзингизга. Бошқа ҳеч кимга ишонч қолмади, Мулла боважон! Мени яна дуо қилиб тулинг, менга мадад бўлиб тулинг».

Шундай қилиб бир қишлоқ кишилари ва уларнинг тақдири мисолида миллат турмуш тарзи, табиати, шарқона урф-одатларимиз акс эттирилган. Асарда эртанги кунга катта умид барқ уриб туради.

Адибнинг «Сирли муаллим» қиссасининг қаҳрамони Нажот Ғайбулла ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ровий тилидан баён этилади.

Қиссада халқимизнинг бағрикенглиги, болажонлиги, болаларга меҳри, уларга таълим-тарбия бериши, касб-ҳунар эгаси бўлиши ҳақидаги орзу-умидлари ўз ифодасини топган.


Асар бош қаҳрамони Нажот Ғайбулла болаларни севади. Улар учун ҳар нарсага тайёр. Уларга замон ва жаҳон андозалари талаблари даражасида билим бериш истаги билан ёнади. Бироқ, унинг ҳужжатлари жойида эмас. Аммо асар оптимистик руҳда яқун топган: «Нажот Ғайбулла қайтади, деб ўйлардим нафасимни иссиқроқ қилиб. Ҳужжатларини тўғрилаб, албатта, қайтади. Ахир, у


болаларсиз. болалар шундай муаллимсиз яшай олмайди!»

«Қидирувдаги қиз»да халқимизнинг турли маросимлари, жумладан, тўй маросими тасвирланади. Халқимизнинг дўст танлаш, дўст тутиниш, дўстлик, меҳр-оқибат каби одатлари борасида илиқ гаплар айтилади. Ҳиёнат қораланади. Қисса қаҳрамони Маликка севган қизи – Ҳабиба ва дўсти Нусратбек ҳиёнат қилади.

Қиссада халқимизнинг «Ал касос ул минал ҳақ», «қилмиш-қидирмиш» деган нақллари ўз ифодасини топган. Асар қаҳрамони Малик ҳақиқат учун қурашиб ғалаба қозонади. Ҳабиба ва Нусратбеклар эса қилмишларига яраша жазоларини оладилар.

Муҳаббат ва нафрат, ҳаёт ва ўлим каби мангу мавзуларда яратилган Луқмон Бўрихон қиссаларида қизиқарли, таъсирчан воқеалар адиб тилидан халқона йўсинда баён этилади. Гўзал, жозибали бадий тил, тиниқ, жонли тасвирлар ўқувчини ўзига ром этади. Олис овулларда умргузаронлик қилаётган, шаҳарларга бахт излаб келган қаҳрамонларнинг турфа қисматлари, яшаш, кураш йулидаги саргузаштлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Чунки, адиб қиссаларида тасвирланган қаҳрамонлар китобхонда илиқ туйғулар уйғотади, уни эзгуликни қадрлашга, ёвузликдан нафратланишга ундайди.





Нафас Шодмонов,
ЎзМУ докторанти

Унутилган бир шоир

Ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутган Хоразм адабий муҳитининг XIX асрда яшаб, ижод этган вакиллари орасида Муҳаммад Назар Муншийнинг борлиги ҳали кўпчиликка яхши маълум эмас. Бу ижодкор ва унинг ижодий фаолияти хусусида адабиётшунослигимизда деярли фикр билдирилмаган. Фақат матншунос олим Фатхулла Ғанихўжаев «Огаҳий асарлари тавсифи» да Санкт-Петербургда сақланаётган «Таризи жаҳонкушойи Нодирий» («Жаҳонни забт этган Нодир тарихи») асари таржимаси ҳақидаги: «Таржимани дастлаб таржимон Муҳаммад Назар бошлаган (67-в). У юқори лавозимга ўтказилгач, Муҳаммад Аминхон таржимани давом эттиришни Огаҳийга топширган», деган маълумотни келтиради. Бу Муҳаммад Назарнинг, айнан, биз эътиборимизни қаратаётган шахс эканлигига шубҳа йўқ. Огаҳийнинг «Шоҳидул-икбол» асарида ул зот тўғрисида фикр юритиб, «фасоҳатсор, диккатшиор, муншийи олийшон», «жомеъу-л-улум ва-л-масойил, ҳовийу-л-фунун ва-л-фазойил, муншийи фасоҳатнишон», деган таърифларни келтирилади.

Хоразм адабий муҳиtida Муҳаммад Назар Муншийнинг ўзига хос ўрни бўлгани, шубҳасиз. Ундан бирорга девон қолгани ё қолмагани аниқ бўлмаса-да, унинг салмоқли таржима мероси мавжуд. ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган Муҳаммад бин Ховандшоҳ бин Маҳмуд Мирхонднинг машҳур асари бўлган «Равзату-с-сафо»нинг икки дафтари, яъни, бешинчи ва олтинчи жилдлари, айнан, Муҳаммад Назар Мунший томонидан амалга оширилган.

Маълумки, Мирхонднинг ушбу асари жуда катта ҳажмга эга бўлиб, шу мазкур икки жилднинг ўзи бизнинг ҳисобимизга киёсланса, юз босма табоққа яқиндир. Бундай ҳажмдан ташқари, унда таржимоннинг маҳорати ҳам алоҳида кўзга ташланади. Академик Воҳид Абдуллаев «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг иккинчи китобида: «Равзату-с-сафо» асарининг таржимасини Мунис бошлаган, ундан кейин Огаҳий давом эттирган», дейди. Лекин олим бу икки улуғ ижодкор орасида Муҳаммад Назар ҳам борлигига эътибор қаратмаганга ўхшайди. Бунда

асарнинг таржима қилинишида жилдлар бўйича: «ҳар шоирнинг қудрати етмагусидурким, камоли диққат била қудрат ва маҳорат додин берибдур» (15^а).

Асарда шу жумлалардан кейин таърихнинг ўзи келтирилган. Унда жумладан, шундай сатрлар бор:

Хош иқлими маъоний, молики мулку заман,
Омири покп бидод ҳокими шамширзан.
Сафлари Дорон даҳр ҳам шужоъи пок ял,
Ҳомин дини яқин, пок ҳам лашкаршикан...
Сар ба сар чун молики аъдал абад сероб кард,
Мулк шуд аз адлгоҳи лутфи у рашки чаман.
Омман муфсид зи бийми нори қахраш зад кулах,
Аз хама пинҳон ба шашт меҳнати дарди миҳан.
Рўй биндмоёд зи ҳар мисроъ меҳр ҳам маҳий,
То бувад соли жулуси шох аз-ин дурри Яман.

Унинг тўлиқ мазмуни: Маънолар иқлимнинг хони, макону замонлар подшоҳи ва у поклик учун амр этувчи шамширзан ҳокимдир. Дунёнинг Дороси бўлиб (душман) сафларини ёрувчи янги баҳодирдир. муқаддас диннинг ҳомийси ҳамда (душман) лашкарини синдирувчидир. Жоҳу жалолат масдари, улуғлик дуррининг кони, пинҳоний фазилатлар қошифи, зоҳирий билимлар донишманди. Унинг шоҳона пояндози ҳидоят сарҳадидир. фитналарни дафъ этиш учун жидду жаҳд байроғини баланд кўтарди. Шоҳона жомдан қудрат шаробини ичиб, душманларига ўз манзил-маконларини ҳам ғамхона қилди. Душманларини кўрқувга солиш ва азоб чекишлари учун кўп саъй-ҳаракат қилди, душман муфсидлар унинг қаҳридан (кўрқиб) тарки ватан қилди. Мулкини бошдан-оёқ абадий адолатга тўлдирди, мамлакат унинг лутфидан адолатгоҳга айланиб, чаманлар рашкини келтирди. Муфсид оломони унинг қаҳри олови кўркувидан бошларига кулоҳ қилдилар, ҳаммадан пинҳон дарду азобда қолдилар. Бу Яман дуридан (мисралардан) шоҳнинг тахтга чиқиш йили намоён бўлиши учун ҳар бир мисрадан (бу кетма-кетлик) сақланмаганини ҳам қайд этиш жоиз. «Равзату-с-сафо»нинг олтинчи дафтари муқаддимасида таржимон бу жилд таржимаси Муҳаммад Аминхон томонидан аввал домла Муҳаммад Юсуф махзумга топширилгани, лекин унинг давлат ишларига кўп вақт сарф қилиб таржимани кечиктириб юборгани боис, бу иш ҳижрий 1268 (милодий 1852) йил зулҳижжа ойининг гуррасида (биринчи куни) ўзига топширилгани ҳақида ёзади.

Олим Огаҳий томонидан китобнинг иккинчи ва учинчи дафтарлари таржима қилинганини қайд этиш баробарида, бешинчи жилд таржимасининг охирида келтирилган бир рубойга диққатини қаратиб, унинг Огаҳий қаламига мансублигини айтади. Аслида:

Ҳар кимки, ўқумок тарҳини бунёд этгай,
Бу хастанн бир дуо била ёд этгай.
То Тангри бериб икки жаҳонда комин,
Мажмун балоётдин озод этгай,

деган сатрлардан иборат мазкур рубойнинг Огаҳийга ҳеч қандай дахли йўқ. У Муҳаммад Назар ижодига тегишлидир. Чунки, рубойдан кейин: «Таммат-л-китоба биъавни-л-малики-л-вахҳоб. Рақами фақири-л-ҳақир Муҳаммад Назари Хоразмий ғафараллоҳу зунубаҳу ва сатара уюбаҳу, санаи

1277, моҳи шаъбоннинг тўртланчи рўзи панжшанба рақам топди». деган ёзувлар келтирилади. (Мазмуни: «Китоб сахий хон даврида. Муҳаммад Назар Хоразмий томонидан ҳижрий 1277 йил шаъбон ойининг тўртида, пайшанба куни тугатилди».) Бу маълумот рубонийни, айпан, Муҳаммад Назар ёзганлигини тасдиқлайди.

Асарнинг олтинчи жилди ниҳоясида ҳам Муҳаммад Назар Мунший ўз ижодидан намуна сифатида бир ғазалини келтирган:

То жаҳон боринча бор ўлғай шаҳи олийжаноб,
Дарғаҳиға сиздк ила кўйсун жабинини офтоб.

Даҳр аро умри табеъий топсуну бўлсун мудом,
Салтанат тахтида шоду хурраму ишратмаоб.

Олам аҳли жуду эҳсони баҳоридин анинг,
Донмо шодоб ўлуб, бўлсун ҳамиша комёб.

Юрти кундин кунгача обод уза обод ўлуб,
Душманининг маскани бўлсун хароб узра хароб.

Айш этиб хар лаҳза адилдод бўстони аро,
Рашк ўтида айласун касри замирини китоб.

Танг ўлуб куфр аҳли онинг тиғи оташборидин,
Айтсун бирдин алар: «Ё лайтаний кунту туроб»²

Сиздк ила айлар дуои давлати умрини анинг,
Ё раб, эт Мунший дуосин мустажабу мустажаб.

Бундан аён бўладики, у ўз битикларида Мунший таҳаллусини қўллайди. Муншийнинг сўз ва санъатлар қўллаш йўсини Мунис бошлаган мактаб сирасида бўлиб, у воҳанинг атоқли шоирларидан эканлигига ишонч пайдо қилади.

Оғахийнинг «Шоҳидул-иқбол» асарида унинг бир таърихи, бир ўғли ва вафоти ҳақида ҳам маълумот берилган. Маълумки, Муҳаммад Раҳимхоннинг тахтга чиқиши адабиёт ва санъат аҳллариини энг кўп қувонтирган эди. Шунинг учун ҳам бу муносабат билан бошқа шу каби воқеаларга қараганда, кўпроқ ва хўброқ асарлар яратилди. Муншийнинг таърихи ҳам шулар жумласидан эди. «Шоҳидул-иқбол»да бу борада шундай фикрлар келтирилади: «Ул жумладин, фасоҳатосор, диққатшиор муншийи олийшон Муҳаммад Назар девон...нинг айткон таърихиким, тўкқуз байтдур, хар мисраъининг хуруфин ҳисоб қилилса, бекам ва беэиёд бир таърих бўлур (таъкид бизники – Н.Ш.)».

Таърих ғазал жанрида ёзилган. Унинг хар бир мисрасидаги харфлар ҳисоби жумал (абжад) асосида таҳлил этилганда, 1281 рақами ҳосил бўлади. Бу милодий 1864 (Муҳаммад Раҳимхоннинг тахтга ўтирган) йилига тўғри келади.

² Қўшгирноқ ичида берилган бирикма «Қуръони карим»нинг «Набаъ» сураси 39-оятидан олинган бўлиб, киёмат куни кофирларга жазо тайинланаётганда улар худди шу сўзларни айтишлари таъкидланган. Мазмуни: «Эҳ, қошки эди (кайтадан) тупроққа айланиб кетсам – (у муҳаққак бошимга тушадиган азобдан қутулсам)». (Алоуддин Мансур таржимаси).

Муҳаммад Назарнинг вафоти Муҳаммад Раҳимхон ҳукмдорлигининг тўққизинчи ойида (1281 йил) 15-зулҳижжа – 1865 йил 11 май) содир бўлган ва унинг ўрнига ўғли Абдулқодир махзум муншийлик вазифасига тайинланган.

Хива хонлигининг сўнгги шоирлари ва мусикачилари ҳақида «Хоразм навозандалари» тазкирасини ёзган Бобожон Тарроҳ Азизов ўз аждоди ҳақида гапирганда: «Отамнинг адабий номи Ходим (исми Абдулазиз – Н. Ш.), биринчи бобомнинг адабий номи Қонеъ бўлган. Абдулқодир девон – Қонеънинг отасининг номи Муҳаммад Назир (?) девон, адабий номи Мунший бўлган», дейди. Давлатёр Раҳим ҳам Тарроҳнинг китобига ёзган сўнг сўзида шу маълумотларни такрорлайди. Демак, Абдулқодир ҳам Қонеъ тахаллуси билан шеърлар ёзган. Лекин Ҳасан Мурод қори Муҳаммад Амин ўғли Лаффасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида бу тахаллус остида берилган шоирнинг Абдулқодирга дахлдорлиги борасида сўз юритилмаган. Бирок, Муҳаммад Назарнинг исми нотўғри берилишини истисно қилганда, замон нуқтан назаридан ҳам, девон, муншийлиги нуқтан назаридан ҳам бу сира ўрганмоқчи бўлган ижодкорга тўғри келади.

Бу маълумотлар адабиётимиз тарихида самарали ижод қилган талай шоир ва таржимонларнинг ҳаётлари ҳамда фаолиятларини ўрганишда адабий манбашуносларимиз, матншуносларимиз, умуман, олимларимиз олдида ҳали жуда кўп вазифалар турганлигини билдиради.

Алишер Навоий ҳикматлари

Ҳариф эрмасдур хороға шиша,
Чу тушти ўт, қуяр хирмон ҳамиша.

*Ўт тушса, хирмон ҳамиша ёнганидек,
шиша ҳеч қачон тошига рақиб бўлмайди.*

— —

Ҳар кимгаки, даҳр ичида донолик эрур,
Ҳилм ила иш анга мажлисороник эрур.

*Ширинлик, ёқимлилик билан мажлис олиб борувчилар – доно-
лардир.*

— —

Ҳар кимки, ачиқ бўлди сўзи, анифоси,
Бор суҳбатидини халқнинг исғининоси.

Сўзи, анифоси аччиғ кишининг суҳбатидан ҳам халқ қочади.



Ойдин Раҳимова,
аспирант

ШАРҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДА

Шарқ қадимдан жаҳон тамадду-
нининг бешиги бўлиб келган. Унга
мансуб бўлган маданий тараққиёт
дунё халқлари ривожига муносиб
ҳисса қўшган. Қолаверса, Вата-
нимиз тамаддунининг Шарқ дунё-
сининг бир бўлаги тарзида унинг
тамаддуни бағрида вояга етгани,
унинг қадриятларини ўзида акс эт-
тиргани, унга ва бутун жаҳон ма-
даниятига катта таъсир кўрсатгани
сир эмас.

Улуғ немис файласуфи Гегель
ўзининг «Тарих фалсафаси» аса-
рида шундай фикрни келтиради:
«Шарқ – умуминсоний тарихнинг
бошланиши (бешиги), Шарқсиз,
унинг ўзагидаги янгиликларсиз,
нафақат, янги Ғарб, балки умуман
жаҳон тарихи ҳам бўлмас эди».

Қадим даврларда эрон,
юнон, ҳинд ва бизнинг минтақа
халқларининг келиб чиқиши

жиҳатидан бир-бирига яқинлиги,
шунинг учун ҳам ушбу халқларга
тегишли афсона ва мифларнинг
уйғунлиги археологик топилмалар
ҳамда бошқа маълумотлар орқали
тасдиқланган. Антик даврда Шарқ
ва Ғарб ўртасидаги робита масофа
узоқлигига қарамай, бир-бирдан
узилиб қолмаган эди. Бу борада-
ги таъсир фақат бир ёқлама ёки
тўғридан-тўғри бўлмаслиги, таби-
ийдир. Ҳар бир маданият четдан
бўлган таъсирни ўз хусусияти, та-
лаби, руҳиятига мослаштиради.

Европанинг катта қисми Рим
империясининг таназзули сабаб,
инқирозга юз тутган даврда, му-
сулмон дунёси юксак тараққиётни
бошдан кечираётган эди.

Милoddан аввалги X–IX асрлар-
да Онадўлунинг жануби ғарбида,
юқори Месопотамияда ва Леванта
(Шарқий Ўрта ер денгизи) мамла-

катларида келажак шарқий тамад-дуннинг илк ўчоқлари шакллана бошлайди. Эрамиздан олдинги учинчи минг йилликнинг биринчи ярмида Ҳинд соҳилида қадимги Шарқнинг ажойиб ва ривожланган маданиятларидан бири – Хараппа маданияти юзага келади (индоевропа қабилалар томонидан эрамиздан аввалги икки минг йилликнинг ўрталарида барбод бўлади).

Шунингдек, милoddан олдинги IV асрда Искандар лашкарлари Марказий Осиёга бостириб келганларида, икки аср мобайнида, ўз тилларини унутмаган юнонларни учратганлар. Умуман олганда, қадимги юнонлар Шарққа кўп саёҳат қилганлар. Улар орасида дунёдаги дастлабки конституция муаллифи – Солон (э.эв. VI аср), олим Фалес (тахминан э.ав. 624–574), файласуфлар Пифагор (э.ав. 571–497), Демокрит (э.ав. 460, 470–360), тарихчи Аристей (э.ав. VII аср) кабилар бор эди. Яна бир жиҳат Эллада (Греция) Шарқдан сиёсий ва давлат тузуми шаклларини ҳам қабул қилган. Юнон алифбоси эса Мисрнинг иероглиф ёзуви асосида шаклланган Финикия алифбосидан келиб чиққан.

Бундай маълумотни француз файласуфи Ж.Кондорсэ ҳам таъкидлайди. У Шарқ ва Ғарб мамлакатлари орасида азалдан ўзаро маданий таъсирланиш жараёнлари мавжудлигини назарда тутаркан, жумладан, қадимги Юнистон Шарқ халқларидан «уларнинг ҳунарлари, қисман билимлари, ёзув алифбоси ва уларнинг диний тизимларини» ўзлаштирганлигини қайд этади.

Элладанинг сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётининг аломати бўлмиш – эллинизм Искандарнинг юришлари орқали бутун Шарққа кенг тарқалди. Эллин маданияти (э.ав. IV асрдан то II–III асрларгача) – Элладанинг Шарқ дунёси билан бўлган мулоқотининг самарасидир, яъни, эллинизм кенг кўламли Шарқ ва Элладанинг бир бутунликдаги кўринишидир. Эллинизм тушунчасини мусиқашунос олим О. Иброҳимов қуйидагича изоҳлайди: «Тарихий воқелик қадимги Шарқ халқлари маданияти юнонлардан анча аввалроқ ривож топганлигидан ва бу жабҳада ҳатто юнон жамияти ўзининг классик даврига қараб юксалишида муҳим замин бўлиб хизмат қилганлигидан гувоҳлик беради. Эллин маданияти Шарқ мамлакатларидаги маҳаллий, миллий ҳамда умумшарқ маданиятлари билан қоришган (эллинистик Шарқ тушунчаси ҳам шундан келиб чиққан). Шарқ ва Ғарб маданиятларининг турли миллий унсурлари уйғунлашган эллинистик маданият алоҳида аҳамият касб этади. Шарқ халқлари, эндиликда, жаҳон маданиятининг асосий ўчоқларига айланган.

Эрамизнинг дастлабки даврларида дунёдаги энг йирик давлатлар – Рим, Парфия, Хитой ва Кушонлар ўзаро мустаҳкам савдо ва дипломатик алоқа ўрнатганлар (Кушон пуллари Киев, Эфиопия, Скандинавия, Римда топилса, Рим пуллари Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистонда топилмоқда). Кушонлар маданияти сосонийлар маданияти шаклланишига таъсир этган

бўлса, сосонийлар санъати ўз навбатида, Эрон, Византия санъати шаклланишига муҳим улуш бўлиб қўшилган.

Кушонлар подшолиги даврида (I–IV асрлар) катта ва ўзаро узоқ масофаларда жойлашган ҳудудлар (Марказий Осиё, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Покистон) ягона подшоликка бириктирилди ва, натижада, ўзига хос буддизм, зардуштийлик, монийлик, кўчманчи қабилаларнинг, турли этник гуруҳларнинг эътиқодлари, бадий аънаналари мавжуд маданият шаклланган эди. Бақтрия, Сўғдиёна, Афғонистон, Ҳиндистон, Хоразм ва бошқа ҳудудларда яшовчи халқларнинг маҳаллий аънаналари ўзаро уйғунлаша бошлади. Турфа динлар ва фалсафий тизимларнинг бир давлат, бир сиёсий тузумда бундай яқинликда яшаши дўстона алоқалар рамзидир. Буддизм билан бирга, Марказий Осиёга Ҳиндистоннинг мусиқаси, адабиёти ва шеърияти ҳам кириб келади.

Кушонлар даври маданиятининг машҳур ёдгорлиги бўлмиш – Айритом ибодатхонаси харобаларидан топилган Айритом фризи (хошияси – II аср) яхлит бир ансамблда турфа халқларнинг мусиқий чолғуларини (уд, табла, арфа, най, қўш авлос) ўзида мужассам этганлигини тасвирлайди. Арфа созига бағишланган шоир ҳамда уламо-ларнинг аксарият асарлари унинг бутун қадимги ва илк ўрта аср Шарқида кенг тарқалганлиги ва машҳурлигидан далолат беради. Этник ва минтақавий чегаралардан чиқиб кетган ушбу чолғу тари-

хий даврлардаги мусиқий дунёнинг рамзи бўлиб қолди. Унинг дастлабки кўринишлари Миср, Месопотамия, Фаластин, Мидия, Хоразм, Бақтрия каби кўҳна маданият ўчоғи бўлган давлатларда кузатилади. Шунингдек, арфа Греция ва Римда ҳам кенг тарқалган бўлиб, у жойларга, Осиёдан келтирилган. Бу ҳақда антик дунё ижодкорлари, хусусан, Страбон, Тит Ливий кабилар ўз асарларида эслатиб ўтганлар.

Зеро, ўша даврларда хилма-хил давлатларнинг ҳукмдорлари орасида, нафақат моддий, балки маънавий қийматларнинг ҳам айирбошланиши йўлга қўйилган эди. Бу жараёнда, катта шоир, мусиқачи, рассом ва меъморлар «ҳадя» сифатида ўзга юрт саройларига туҳфа этилган бўлиб, шу асосда турли хил ижодий услубларнинг (ижро хусусиятлари, мусиқий чолғулар, тасвирий санъат – миниатюра, меъморий биналар сингари) ўзаро муштараклиги юзага кела бошлаган. Расмий удумга айланиб қолган бу каби сиёсий, маданий алоқалар турли Шарқ халқлари учун умумий бўлиб қолган санъат шакллари ва жанрларининг (мақом аънаналари, мусиқий чолғулар, кўплаб умумуниверсал атамалар) вужудга келишида муҳим аҳамият касб этган.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, турли халқлар, жамиятларнинг мусиқий ҳаётини белгиловчи ишончли ва баъзиларда ягона манба сифатида мусиқий чолғулар ёки уларнинг тасвирлари қад кўтаради. Уларнинг қурилмаси, ижро имкониятлари жамиятнинг муайян

тараққиёт босқичида шаклланган мусиқий тафаккури, эстетик дидининг қонуниятларини ўзида акс эттиради.

Масалан, Кушон маданиятига доир мусиқий чолғулар, кейинчалик айрим Шарқ халқлари ва Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам тарқалган эди. «Бу ўринда «миллий чолғу» тушунчаси баъзан нисбий эканлигини унутмаслик керак. Чунки, ҳозирда у ёки бу чолғунинг дастлаб қайси маданий маконда ва ким томонидан кашф этилганлигини аниқ айтиб бериш мушкул», деган фикрни билдиради мусиқашунос олим О. Иброҳимов. Бир мамлакатда ихтиро этилган ва, ҳатто, таъминотдан чиққан чолғу турли сабаблар билан бошқа юртга келтирилиб, амалий ривож топиши мумкин. Манбаларда чолғулар халқаро тижорат ва маданий алмашинувлар жараёнига жалб қилинганлиги ва турли ўлка ҳукмдорлари томонидан тинчлик элчиси ҳамда қимматбаҳо совға тарзида бир-бирларига ҳадя этилганлиги ҳусусида маълумотлар учрайди. Шундай «кўчишлар» жараёнида, у ёки бу сознинг шаклу шамойили ҳар бир халқнинг дунёқараши, руҳиятига монанд ўзгариши ва шу йўсинда сайқал топиши табиийдир. Шу аснода, баъзан «миллий чолғу» ибораси халқаро маданий робиталар маҳсули бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Мана шундай омиллар боис, Шарқ халқларида мавжуд миллий чолғуларнинг ташқи қиёфаси ва садоланиш воситаларида катта умумийликлар борлиги кўзга ташланаётган бўлса ҳам, ажаб эмас.

Сосонийларнинг сўнги ҳукмдорларидан бири Хусрав Парвизийнинг (590–628) саройида Шарқнинг улуғ санъаткори Борбад (VI–VII асрлар) яшаб ижод этган. Маълумки, Борбад кўплаб Шарқ халқларининг мусиқий маданиятидаги мақом тизимининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган ва кейинги мусиқий санъатнинг ривожини белгилаб берган. Кўплаб Шарқ халқлари (ўзбеклар, форслар, уйғурлар, озарлар, аффонлар, ҳиндлар) уни халқининг миллий санъаткоридек қабул қиладилар.

Маълумки, Византия ва Яқин Шарқнинг моддий ҳамда маънавий маданияти XIV асрга довур унга замондош бўлган Ғарбий маданиятдан тараққиёт босқичи бўйича устун турган. Византия давлатидан католиклар орган чолғусини қўлга киритганлар ва ундан черковдаги хизматлари учун фойдалана бошлаганлар. Мусиқашунос олима Н. Шоҳназарованинг таъкидлашича, бу чолғуни Византия императори франклар қироли Пипинга туҳфа қилган.

Самарқанддаги Афросиёбда, шунингдек, Термиз атрофидаги Будда ибодатхоналарида ўтказилган археологик изланишлар мобайнида топилган мусиқий чолғулар турфа мусиқий маданиятларнинг алоқалари ва ўзаро таъсир доирасини, санъат ҳамда турли динларнинг ўзаро боғлиқлигини тасдиқлайди. Афросиёбдан топилган кўпгина ҳайкалчаларда аксарият най, уд, доира чалаётган созандалар тасвирланган.

Қадим замонлардан буён кенг тарқалган мусиқий чолғулардан

бири сўғд уди ҳисобланиб, у кейинчалик аксарият мамлакатлардаги мусиқий созларнинг андозаси бўлган (араб уди, лютня, хитой пийпоси, япон биваси ва ҳоказо) ҳамда Шарқ ва Ғарб маданиятларининг тараққиётига муҳим ҳисса қўшган. Қадимги Марказий Осиёдаги антик маданиятнинг кўпгина мусиқа асбоблари (най, уд, доира) ўзида соф маҳаллий хусусиятлар мавжудлигини кўрсатиб турибди. Бутун дунёга машҳур уд чолғусининг номи у тайёрланадиган ашё (шифобахш ва хушбўй модда ажратиб олинadиган) ноёб уд (шамшод) дарахти билан боғлиқ. Муслмон мамлакатларидаги уд, хитойда пийпо, Оврупада лютня (арабча «алуд» сўзидан олинган) номи билан машҳур сознинг келиб чиқиш тарихи ислом дини пайдо бўлишидан анча олдин ривожлана бошлаган. Мутахассислар фикрича, уд ва унга типологик жиҳатдан яқин бўлган икки торли дуторсимон чолғу асбобларининг тасвирлари Хоразм, Сўғд ва Бақриядан топилганлиги эраמידан олдинги даврларга мансуб археологик материаллардан ҳам маълум. Удсимон асбоб тасвирининг энг қадимий нусхаси Афросиёбдан топилганлиги учун асбобшунослик (органология) фанига «афросиёб уди» деган махсус атама ҳам киритилган. Санъатшунос олима Т. Визго изоҳлашича, удсимон чолғулар гуруҳига калта дастали (сўғд уди) ва узун дастали (танбурсимон) удлар киради. Хорижий манбаларда узун дастали уд пандора деб юритилади.

Маҳаллий анъаналарнинг бошқа халқлар анъаналари билан би-

риқиб кетишининг созларда ҳам акс этгани, ўша давр маданиятининг ўзига хос хусусияти бўлганини назарда тутати.

Маълумки, Амир Темур даврида халқаро тотувлик ва маданиятлар муштараклиги кенг тус олади. Бу борада, 1404–1406 йилларда Испаниянинг элчиси сифатида Самарқандда фаолият юргизган Клавиho ўз кундаликларида шундай фикрларни ёзади: «Худди шу вақтда Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Араб мамлакатларининг маданий анъаналари билан маҳаллий маданият орасида уйғунлашув жараёни рўй берди. Марказий Осиё фақат савдо ва карвон йўлларининг кесишув жойи бўлиб қолмай, балки маънавий маданиятнинг янги ғоялари вужудга келадиган, янги услублар шаклланадиган марказ ҳам бўлиб қолди. Амир Темур ва темурийлар даврида нафақат ўзбек халқининг, балки бутун Яқин ва Ўрта Шарқ элларининг мусиқа санъати жадал раванқ топган, камолот чўққисига эришгандир».

Бу даврда Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёда Ўн икки мақом тизими ҳамда бошқа куй шакллари (рехта – ҳинди тилидаги куйлар, навба – турк, араб, форс тилларидаги туркумий мусиқий асар)да кенг қўлланилган тўртта тилни (ёзма манбаларга асосан) кўрсатиш мумкин. Булар: араб, туркий, форс-тожик, ва ҳиндий (урду) тиллардир.

XIX аср охири XX аср бошларида (айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг) Шарқ Ғарб томонидан қайтадан кашф этилади. Шарқ ғарбликлар нигоҳида кўплаб янги ва сермазмун қирралари

очилмаган, ижод, илҳом манбаи, ғайритабиий, афсонавий олам сифатида намоён бўла бошладди. Шарқ маданияти, хусусан, муסיқасига катта қизиқиш пайдо бўлди. Зеро, унда ҳар бир санъаткорнинг ижодини янгиловчи, бойитувчи жиҳатлари мавжудлиги англанилди. Шунинг учун Шарқ муסיқасига катта умид билан мурожаат этдилар.

Тараққиёт жараёнида, даврлар ўзгариши билан унга хос сиёсий, маънавий, ҳуқуқий, фалсафий мезонлар ҳам вужудга келади. Ҳозирги кунда жамиятимизда миллий истиқлол ғоясига асосланган янги дунёқараш шаклланмоқда. Бу

борадаги ўзгаришлар муסיқа санъатида ҳам ўз аксини топмоқда. Жаҳон, жумладан, Шарқ халқлари муסיқасини ўрганиш, маънавий меросни давлатлар ва халқлар тақдирига таъсирини аниқлаш ва шу асосда илдизлари бир бўлган Шарқ халқлари орасидаги муштаракликни муסיқий асарлар орқали намойиш этиш тамойиллари устувор аҳамият касб этмоқда. Истиқлол туфайли унутилаёзган қадриятларни бор бўйи билан тиклаш, ўзга халқлар билан туташ маданият жабҳаларини янги босқичга юксалтириш имкони юзага келди ва бу имкон кенг миқёсда ривож топмоқда.

Тафаккур гулшани

Ҳар бир давюрак, ҳар бир ҳақиқатгўй одам ватанига шон-шараф келтиради.

Р. Роллан

Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундовчи фазилатдир.

Арасту

Кучли одамлар ҳамиша оддийдирлар.

Л. Н. Толстой

Асл мард тилга зўр бермайди: у ўзини кўз-кўз қилавермайди, қаҳрамонликни жасорат эмас, бурч деб билади.

А. А. Бестужев-Марлинский



Дилшода Муборакова,
тадқиқотчи

РУҲИЙ САЁҲАТ НОМАЛАРИ

Бугунги кунда миср адабиёти услубий ҳилма-хиллиги, адабий шаклларнинг ранг-баранглиги, тил воситаларининг бойлиги билан ўзига хослик касб этиб бормоқда.

Хусусан, миср «янги роман»ининг шаклланишида ўз хиссасини кўшиб келаётган адиблардан бири – Жамол ал-Ғитонийдир. Адиб 1945 йили оддий деҳқон оиласида дунёга келган. Бошланғич мактабни тугатгандан сўнг, гилам тўқиш касб-хунар билим юртида ўқиган. Олдинига гилам тўқиш устахоналарида назоратчи, кейинроқ Қохира бозори, Хан ал-Халилидаги касаначилик бирлашмалари котиби лавозимида ишлади. 1969 йилдан бошлаб «Ал-ахбор» газетасида ҳарбий муҳбир вазифасида фаолият кўрсатган. 1963 йилда унинг илк ҳикояси эълон қилинади. 1968 йилда эса «Минг йил аввал яшаган ўсмир хотиралари» деб номланган ҳикоялар тўплами нашр этилади. Кейинчалик ўнлаб ҳикоялари ҳамда «Юксак муҳаббат номалари»,

«Номаълумлик чақириғи», «Пирамидлар матни», «Туш қисмлари», «Шаклланиш китоби» сингари бир қатор романлари эълон қилинди. Ижодкор ўз асарларида тарихий воқеа ва манбаларга кўп мурожаат этади. Араб адабиётшуносларининг фикрича, у тарихни замонавий даврдек жонли ва ишонарли тасвирлайди. Адиб ўз қарашларини таржимаи ҳол йўсинига йўғрилган романларида кенг ифодалайди ва акс эттираётган тарихий ўтмиш воқеаларига тажрибанинг бирлиги, яъни, шахснинг ҳиссий ва маънавий тажрибаси билан бирга ижтимоий тажриба уйғунлигини ҳам кўшади.

Жамол ал-Ғитонийнинг биз фикр юритмоқчи бўлганимиз «Юксак муҳаббат номалари» (Қохира 1987) романи дўстлик номалари – «расаил» ҳамда «сафарнома» – сафар хотиралари услубида ёзилган. Асар мавзуси 1986 йили Жамол ал-Ғитонийнинг Ўзбекистонга қилган сафарига асосланган. Шу боис,

мазкур асар автобиографизм шаклида ёзилган. Роман қаҳрамонимисрлик зиёли меъмор бўлиб, у Самарканд ва Бухорога ташриф буюради. Айни пайтда, асрлар қаърига мажозий саёҳат қилади, ўлканинг бутун тарихини ботиний назардан ўтказиб, бир вақтнинг ўзида икки ўлчамда-бугун ва келажакда намоён бўлади.

Замонавий араб адабиёти тадқиқотчиси, рус арабшуноси В. Кирпиченко бундай алмашувни «рухий саёҳат» деб атайдди. Жамол ал-Гитонийнинг «Номаълумлик чақирини» романидаги шундай ходисани таҳлил қилиб, қаҳрамоннинг тафаккури ва туйғулари томонидан қабул қилинадиган ўтмиш, бугун ва келажак олами пировард натижада, «рухий тадрижга» – инсоннинг ўзлигига, ўзининг асил моҳиятига қайтишга олиб келади, дея таъкидлайди.

Жамол ал-Гитонийнинг «Юксак муҳаббат номалари» асар қаҳрамони томонидан яқин ўртоғига нома шаклида ёзилган мактубларидан ташкил топган бўлиб, унда Ўзбекистонга сафари давомида танишган таржимон, рус қизи – Валерияга бўлган севгисини баён этади. Заминимиздаги қадимий обидалар, муқаддас қадамжолардан қаҳрамоннинг завқланиши гўзал аёлга бўлган муҳаббати билан уйғунлашиб кетган. Романда ташқи воқеа-ходисалар кам. Асосий эътибор ҳикоячининг ички оламига, унинг бой ва жўшқин хиссиётларини ифодалашга қаратилган. Шу билан бирга, бу ҳолатни ўзини топшишга бўлган уриниш, замонавий араб зиёлисининг ички-рухий инқирозини тасвирлашга интилиши деб баҳолаш мумкин. Араб ада-

биётшуноси Сайид ал-Бахрауннинг фикрича, мазкур роман Жамол ал-Гитонийнинг ижодидаги «янги босқични» билдиради.

Романнинг саёҳат жойидан ўзбек шаҳарлар тасвири ва лирик чекинишлар билан битилган дўстига нома кўринишидаги, мактуб шаклидаги жанрда ёзилгани ёзувчига қаҳрамон туйғулари жозибаси ҳамда кечинмаларини кенг ва тўлиқ очиб беришга имконият беради. Роман асар қаҳрамони, араб меъмори томонидан номи аниқ кўрсатилмаган «биродарига» йўллаган хати билан бошланган.

«Биродарим! Осиё шаҳарларида кечирган кунларим, ўз диёримни тарк этиш ва сафаримнинг бошланишида бир ҳодиса билан бошланган...» Шундан сўнг, Топкентга келганлигини, унинг кенг кўчаларини васф этган ҳолда, ундан Бухорога ўтганлиги борасида тўхталади:

«Кеч бўлганда Бухорога етиб келдик...

...Эй биродарим, Бухоро менинг қалбимда бошқача ўрин эгаллайди. У менга бегона бўлмаган, сафар машаққатларини билдирмаган, истеъдодли инсонлар йиғилган шаҳардир. У менга антиқа ранглар билан жилаланган, ранглари ёқут ва ақик сингари қизил бўлиб, нақшлари жимжимадор, кетма-кет геометрик шаклда тўқилган бебаҳо гилам каби кўринади. Бухорога тунда келганимиз учун шаҳар мен каби мусофирга ўз гўзаллигини тун зулмати остига беркитган эди. Хонамда ёлғиз қолганимда эса, балкон тарафга чиқдим, бу диёрга тунда келган бўлсам-да, саҳронинг ширин туйғусини ҳис қилдим. Унга диққатимни топширганимда эса, у мени ўзининг узоқ-узоқлардаги маконларига чорларди, мен эса, сеҳрланганимдан «йўқ» дея олма-

дим. Лекин, ўша узоқларга назарим етмаганидан афсусда эдим».

Қахрамон хатини давом эттириб. Бухородаги мадраса ва обидаларнинг қиёфасини тўлиқ бера бошлайди ва ўқувчи қалбини тўлқинлантирувчи ҳамда завққа тўлдирувчи тасвирлардан мохирона фойдаланади.

«Мен анчадан бери кўришни орзу қилиб юрган Мир Араб мадрасасига ҳам етиб келдик. Биз бу ажойиботни томоша қилиш учун узоқ муддат унинг қаршисида туриб қолдик. Биз ушбу обиданинг меъморчилигини кўз узмасдан қузатардик. Шунда мен унинг мадрасага кириб кетаётганлигини кўриб қолдим. У мадраса пештоқи остида турар экан, мен мадраса марказидаги майдонда у ёқдан – бу ёққа бориб келар эдим. У турган ердан осмон сари ўрлаб кетган бахайбат минора кўзга ташланар эди. Мен ҳам минорани томоша қилиш мақсадида унга яқинлашдим. Мадрасанинг икки буржида икки минора бўлиб, миноралар орасида эса қўшқимон бино ва турли хатлар битилган пештоқ бор эди. Ўртадаги сахнда эса каттагина гумбаз ҳам бор эди...».

Кейинги тасвирларда муаллиф тарихий манзараларни кўз ўнгимизда намоён қилиш билан бирга, уларнинг тарихини ўзи севган қиз билан уйғун тарзда ифодалайди.

Муаллиф Самарқандни тасвирлаш чоғида эса, уни Бухоро билан қиёслаб иккисининг ўхшаш ва ўзига хос жиҳатларини ўқувчига баён этади:

«Самарқанд бўлса, сеҳрловчи ва ўзига хос шаҳардир. У шундай маҳобатли бўлиб турарди. Бухоро ўз чиройини биринчи мартадаёқ намоён қилмайди. Уни аста-секин

кашф қиласан. Самарқанд бўлса, бутун кенглиги ва ташқи гўзаллиги билан илк лаҳзаларда ўзини, мана, мен, деб, намоён қилаётгандай бўлади... Бухорода эса, осмон шаҳарни ҳар тарафдан ўраб туради. Самарқандда эса, осмон устунлар, айвонлар, гумбазлар, нақшлар орасидан очик-ойдин кўринади».

Шундан сўнг, қахрамон муҳаббатдан эзилган, дардли юраги тубига яширинган ҳиссиётларини ўқувчига баён этгач, яна биноларнинг тасвирига қайтади.

«Биноларнинг безаклари олтиндан ишланганга ўхшар, насталиқ ва сулс ёзувларида ёзилган, бир-бири билан чалқашган, уйғун ҳарфлар эса сирли ҳужжатлардек кўринар эди. Улар худди само мўъжизасини ўзида мужассам этгандек эди. Назаримда, Бухоро шаҳри тарихнинг кўплаб воқеа ва ходисаларини ўзида қамраган қадимий қўлёзма китобдек кўринарди. Шу боис, у худди китобдек ўзини ёпиб турарди ва бу мўъжизакор шаҳар билан аста-секин танишиб борасан. Самарқанд маданияти эса етарлича очик-ойдин, яққол намоён бўлади...».

Ёзувчи заминимиз тарихини яхши билади ва айрим обидалар тўғрисида аниқ тарихий далилларни келтиради. Бу ўқувчида тарихимиз нақадар бой ва кўҳна эканлиги ҳақида янаям кенг фикр пайдо бўлишига олиб келади.

Самарқанд тарихини ўзининг ҳиссиёти ва рухиятидан ўтказиб уйғунлаштирган тарзда акс эттиради.

Ижодкор ўзининг шаҳар билан хайрлашини ҳолатини табиат билан боғлиқ равишда тасвирлайди ва ўқувчининг қалб торларини чертувчи ифодавий воситаларни мохирлик билан ишлатади. Бу эса,


ўз навбатида, унинг бу юртдан олган таасуротлари ниҳоятда чексиз эканлигини намоён этади.

«Қуёш ҳам тамоман ботиб бўлди. Қишнинг кулранг тусли кечаси чўкиб, салқин шамол эса бошлади. Мен эса, бу заминдан кетаётган, уни охириги марта кўриб турган эдим... Шунингдек, мен турли кўчаларни, майдонларни, сувларни оқиб ётган ариқларни, биноларнинг айвонларини тарк этаётган эдим. Оркамга ўпирилиб назар ташлар эканман, буларнинг ҳеч бирини ташлаб кетгим келмасди. Зеро, мен ҳозир Самарқанддаги сўнгги лаҳзаларимни бошдан кечирмоқда эдим. Бинобарин, менинг бу ерда бўлишим менинг учун бениҳоя ўзгача таасуротлар берган эди...»

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Жамол ал – Ғитонийнинг мазкур асарида Ўзбекистон заминдаги қадим ва муқаддас обидаларнинг жамоли ва кўрки миср зиёлиси назарни орқали тўлиқ акс эттирилган. Ундаги қаҳрамоннинг севгилисига бўлган муҳаббати шаҳарларимиз ва обидаларимиз чиройи билан уйғун ҳодда, бираниқ ва тиниқ манзарани касб эт-

тирган. Адиб томонидан ҳар бир тасвирий воситалар, шаҳар тасвири шахснинг муҳаббат тўла қалбининг кўзгуси сифатида ўз ўрнида ва ўқувчини зериктирмайдиган, унинг қалбини тўлқинлантирадиган шаклларда моҳирона қўлланган. Мазкур романнинг «сафарнома»-сафар хотиралари, «расаил ихванийа» – дўстлик номалари усулида ёзилганлиги ҳам ўқувчида алоҳида таасурот пайдо қилади. Ёзувчи роман ўқувчисини ўзига яқин олганини номаларининг бошида «биродарим» деб мурожаат қилганининг ўзидаёқ сезиш мумкин. Адибнинг бундай усуллардан фойдаланиши унинг маҳоратидан далолат беради. У ўзи ва ўқувчи ўртасидаги кўринмас деворни бузиб, ўзига яқин олиб, бевосита қалби тубидаги туйғуларини фақат унга билдираётгандек туюлади. Муаллиф ўқувчини ўзининг ҳиссиётларига ошно қилади ва уни ўзи билан бирга, барча ҳодисаларда иштирок этишига кенг имкон яратгандай бўлади.

Шунинг учун ҳам мазкур асар ўқувчилар қалбида эҳтиром уйғотган.





Бўлимга Ғафур Ғулом асос солган

Ҳабиб Сиддик

ҲАЖВИЯЛАР

Мустақил фикр

Корхонамизда шов-шув гаплар пайдо бўлди: юқоридан нуфузли комиссия келаётган эмиш. Ходимларнинг мустақил фикрларини ўрганиш зарур бўлиб қолибди. Дастлаб мустақил фикрларимизни ёзма равишда тақдим қилар эканмиз. Иккинчи босқичда шу фикрларимизни исботлаш учун ҳар биримиз минбарга чиқиб ваъз айтар эмишмиз.

Эшитиб хурсанд бўлиб кетдим. Бизнинг фикримиз билан ҳам қизиқадиганлар бор экан-ку. Ўша куниниёқ кабинетнинг эшигини бекитиб олиб мустақил фикрларимни қоғозга тиркадим. Ўқиб кўриб ўзим ҳам яйраб кетдим: унча-мунча комиссиянинг оғзи очилиб қоладиган бўлди-ёв. Корхонамиздаги аҳволни таҳлил қилиб астар-аврасини очиб ташладим. Ҳаммаси зўр чиқди. Бироқ, бунақа гапларни томдан тараша тушгандек кўққисдан айтиб балога қолмасмикинман?.. Шунақа мулоҳазалар билан иш кунининг охирида бўлим бошлиғимизнинг хонасига аста мўралладим. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, мустақил фикрларим жойланган папкани қўлтиққа маҳкам қисганча кириб бордим. У ҳам мустақил фикрларини ёзаётганмиди, билмадим, столи устидаги қоғозларни шошибгина йиғиштириб тортмага солиб қўйди.

– Фикрларингиз чакки эмас, – деди у ёзган фикрларим билан танишиб чиққач, ўйланиброк, – Лекин сал «рандалаш» керакмизкин. Ахир, ўзбекона риоя, андиша деган гаплар бор, ука!

Унинг айтганини қилиб мустақил фикрларимни анча силлиқладим. Чунки, ёши улуғ, тажрибали одам, бир нимани билмаса гапирмайди-да.

Кечкурун уйда мустақил фикрларим ҳақида мақтаниб кўйиб балога қолдим.

– Эсингиз жойидами? – деди хотиним ҳайратланиб. – Сизга ким қўйишти, бунақа катта кетишни. Нима бўлганда ҳам корхонада ғимирлаб юриб бола-чақа боқяпсиз. Сиз тинчгина индамай юраверинг. Нима қиласиз бошингизни ари уясига тиқиб?..

– Иложи йўқ, аяси. Мустақил фикр айтиш мажбурий экан. Кетидан аттестация ҳам ўтказилади, ўша фикрларингиз баҳоланади дейишяпти.

– Ана кўрдингизми, унда тем более эҳтиёт бўлиш керак экан. Уйнашмагин арбоб билан дейдилар-ку!..

Ана шундай «маликаи дилозор» мустақил фикрларим қанақа бўлиши кераклиги ҳақида маслаҳатларини тўкиб солди. Унинг нурмъно кўрсатмаларига амал қилиб ёзганларимни жиддий таҳрир қилиб чиқдим.

Эртасига ишхонага саҳарлаб етиб келдим. Касаба уюшма кўмитаси раисининг хонасидан қандайдир овоз эшигиларди. Астагина кирсам у киши одатига хилоф равишда дўшисини ечиб, бўйинбоғ тақиб, қўлида бир варақ қоғоз билан тошопнанинг олдида турибди. Мени кўриб шошиб қоғозни тахлаб чўнтагига солиб қўйди, ўнгайсизланиб тепакал бошига уринибгина қолган дўшисини кўндирди. Чамаси, мустақил фикрларини айтишни кўзгуга қараб машқ қилаётган экан, шекилли. Бечоранинг аҳволини кўриб шундақа комиссияни ўлаб топганларни ҳам бўралатиб сўкиб юборай дедим. Умри давомида мустақил фикр деган нарсани тушида ҳам кўрмаган айрим бечоралар ўзларини қийнаб, чиранавериб юрак хуружига ёки руҳий хасталикка чалиниб кетмаса деб кўрқаманда. Ахир баъзи масъул одамлар учун мустақил фикрлар билан ишлаш симдорнинг устида лангарсиз юришдан ҳам виҳималироқ-ку!..

Коридорда режалаштириш бўлими бошлиги мени бир четга тортди.

– Бошбух иккаламизниям мустақил фикрларимизни ёзиб беринг. Бизда унақа ишларга вақт қаёқда.

– Майлику-я, лекин сизларнинг фикрингизни мен қаёқдан биламан?

– Э-э, қизикмисиз, ака ... Ҳалиги ашула бор-ку: сизнинг айвон бизнинг айвон эмасму деган. Фикрлар ҳам шунақароқ-да. Хўп деяверинг, чорак якунида мукофотни нақд қиламиз.

«Саломнинг бўлмаса икки ямлаб бир ютар эдим» дегандай, мукофот ҳақида гапи бўлмаса бу нусхага борадиган томонини кўрсатиб қўярдим-а. Бироқ «эрийман» деб турган одамни ранжитиб қўйсак хуржунимизга зиён бўлмасин дея рози бўлдим.

Лекин аввал ўзимникини бир ёқлик қилиб олай-чи. Шу мақсадда фикрларимни бошлиқ муовинига кўрсатиб олмоқчи бўлдим. Ҳойнаҳой хурсанд бўлиб кетса керак деб ўйловдим.

– Ўзингиз ёздингизми?.. Мустақил фикрларни-я? – деди у таажжубланиброк. – Бизнинг корхонадаги одамларга бунақа нотаниш атамаларни тушунтириш учун махсус идорадан вақил чақиртириб маслаҳатлар тапқил қилишга тўғри келармикин деб ўйловдим.

Ана шундан кейин муовин қулёзмамни ўқир экан, «ие, ие» деб қўйди-ю, дами ичига тушиб кетди.

– Ҳа, майли, – деб қўйди у охири чайналибгина. – Лекин, яна бир ўйлаб, кўриб чиқинг, ука. Тўғри гапириб тукқанингга ёқмайсан, деган гаплар бор-ку, ахир!

Фикрларимни қайтадан элақдан ўтказиб, яна бир бошдан ёзиб чиқдим. Айрим раҳбарларнинг қўполлиги ва манмансираганлиги ҳақидаги гапларни талабчанлик ва жиддийлик деб ўзгартирдим. Корхонамизда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик урчиб кетгани ҳақидаги

далилларни ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик деб изоҳладим. Ҳисобчининг девонхонадаги эри йўқ хотин билан дон олишиб юриши тўғрисидаги фикрларни бева-бечораларга муруват кўрсатишга тенглаштириб қўя қолдим. Хўжалик мудирининг давлат мулкани талон-тарож қилиши ҳақидаги молоҳазаларни оилапарварлик, рўзгорни бут қилиш учун елиб-югуриш тарзида таърифлашлар билан алмашди. Бунга қаршилик кўрсатиши мумкин бўлган коровул-поровулларни бошлаб таъқид қилиб ташладим.

Шунга ўхшаш тузатишлардан кейин ёзганларим рисоладагидай бўп қолди, шекилли. Лекин, барибир таомилга кўра бирров биринчи муовиннинг олдидан ўтиб қўйганим маъқулдир. Маслаҳатли тўй тарқамас дейдилар-ку.

У киши одатдагидек эринмасдан кўзойнагини тақиб, қизил ручкаси билан қўлёзмамни ўқувчининг ёзма ишини текшираётган муаллимдек тузатиб чиқди. Охирги мустақил фикрларим ҳам пати юлинган товукдек бўлиб қолди. Аввалига сал ранжигандек бўлдим. Кейин ўзимни босдим. Чунки, бу одам бежиз мана шу курсида ўтирмайди. Оқу қоранинг фарқига боради, қорхонанинг пасту баландини билади. Шуларни ўйлаб қўлимни кўксимга қўйиб миннатдорчилик билдирдим.

– Буларни сал энақага келтиргач, – деди биринчи муовин чиқишга чоғланаётганимда, – бирров ўзларининг олдидаги ўтиб қўйинг. Ҳар қалай, ёшсиз, ўсадиган кадрсиз.

Кутилмаган бу гаплардан кўнглим тоғдек кўтарилди. Котибага эртага шоколад олиб беришни ваъда қилиб мустақил фикрларимни компьютердан чиқартириб олдим.

– Шоколадни иккита олиб келаверинг, – деди котиба сузилиброқ. – Шеф кўргандан кейин бунингизни яна қайтадан тузатиб чиқарамиз. Ҳамманикини шунақа қилаянимиз.

Шундагина эътибор бердим. Қабулхонада анчагина одам тўпланиб қолибди. Ҳойнаҳой мустақил фикрларини тасдиқлатиб олиш учун навбат кутишаётгандир-да. Ҳузурларидан чиққач, кадрлар бўлимига ҳам бош суқиб ўтиш керакмикин. Ҳар қалай мустақил фикрларимизга муҳр ҳам бостириб олсак ишончлироқ бўладими дейман-да.

Ҳомий қидиряман

Аслида туман газетида кўшимизнинг қўйи эгиз қўзилагани ҳақидаги хабарим босилиб чиққандаёқ анча машҳур бўлиб кетганман. Кейинчалик бир нечга тенг-тўшларимизнинг тугилган кунларида, тўйларда шеърлар ўқиб кишлоғимиз одамлари орасида оғизга тушдим. Ҳатто битта шеърим вилоят газетида ҳам босилган. Ўшанда роса қизик бўлган-да. Айтсам куласиз. Сарлавҳасини ўзгартириб юборишибди. Сатрларимни ҳам андак таҳрир қилишган экан. Ўқидим. Таниш гапларга ўхшайди, лекин, қаерда кўрувдимкикин?.. Ие, хаёлим қурсин, тагида тахаллусим турибди-ку!.. Шеър меники эканлигини билгач, хурсандчиликдан дўппимни осмонга отганман. Ана шунда кўнгилда китоб чиқарсам деган орзу пайдо бўлди. Аммо бунинг учун ҳомий топишим керак эканлигини анча кеч билдим.

Шеърларимни мактабимиз директорининг котибасига машинкалатиб, китоб чиқарадиганлар мени кўрганда шошиб қолишмасмикин деган ҳадик билан, ўзимни сал сиқроқ тутиб, наشريётга кириб бордим.

Салом-алик ва қисқагина танишувдан кейин бу ердаги жавонларда, столларда, ҳатто полда ҳам тахланиб, чанг босиб ётган папкаларни кўриб ҳайратга тушдим. Ҳаммаси бўлғуси китобларнинг қўлёзмаси эмиш. Туламим ана шундай чанг босиб ёгмаслиги учун оддимда битта йўл бор экан: у ҳам бўлса бирорта бели бақувватроқ ҳомий топиш.

– Асаринг билан ишимиз йўқ. Ҳомий топсанг бўлди. Бадий савияси учун масъулиятни ҳам олмаймиз. Босиб бериш биздан, – деди хусусий нашриёт директори. – Ҳомийларни топиш бўйича эса ижодий изланиб ишлашинг керак-да, жигар. Кеча газитда битта шоирни мактаб ёзишибди. Изланишлари ўз самарасини берди: энди у мухлислардан кўра ҳомийларни осонроқ топишга деб. Бир амаллаб қиғини топасан-да энди. Бекордан бекорга ким ҳам сенга бир нарса беради. Бирорта бели йўғоннинг этагига ёпишиб, енгидан кириб ёқасидан чиқасан.

Ана шундан кейин белни боғлаб ҳаракатга тушдим. Ҳомий деганлари ҳам осонгина топилавермас экан. Борган жойларимда мендек шоирнинг ташрифидан ортиқча ҳаяжонга тушиб қолишмасин деган фикр билан ўзимни сиқроқ тутишга ҳаракат қиляпман. Камтарлик яхши-да. Туманимизнинг катта шоирларидан бириман деб юрган бўлсам ҳам ҳар борган жойимда ўзимни таништиришга тўғри келди. Танишувдан кейин эса бўлғуси ҳомийларимга ижод намуналаридан ўқиб ташлайвердим. Ким билан гаплашаётганини билиб кўйишсин-да. Шеърларимни тинглаб баъзиси «ў-хў» деб юборди, бошқаси индамай жилмайиб башарамга қараб бош чайқаб кўйди. Ҳатто, «Оллоҳ сабр-қаноат берсин, бу ҳам бир кўргилик-да», дейдиганлар ҳам бўлди. Шунга қарамасдан, астойдил излаган албатта топади, деган гапга амал қилиб, ҳомий излаш бўйича ҳаракатимни бўшаптирмадим.

Бўрдоқчилик базасидаги амакимга таклифим маъқул тушмади.

– Ҳомийинг нимаси? – деди сал анқайиброқ. – Э-э, испосўр деганида-а?.. Хўш, қанча пул керак ... Уч юз минг?!. Ие, ҳазиллашма-е, жиян. Қўй, бунақа гапларни. Сенинг шеърингдан менинг буқаларим семириб қолмайди. Улар китобингни ўқишмайди, мен ҳам... Бундан ташқари сенга ким қўйибди китоб чиқаришни. Кўрпанга қараб оёқ узат. Ўзи аҳволинг нимаю! Ундан кўра, аввало, рўзгорингни бут қип қўй. Бечора хотининг ҳам ҳомий қидириб кетиб қолмасин тагин.

Аъзойи баданимдан тер чиқиб кетди.

– Хафа бўлма, жиян, – деб мени юпатган бўлди амаким. – Бу аҳволга тушган фақат сен эмас. Ана биттаси сипирларни сунъий урчитиш бўйича оммабоп китоб ёзган экан, ҳомийлик қиласиз деб тахирлик қиляпти. Ёрдам беролмаяпман.

Ана шундан кейин тоғамга умид боғлаб кўрдим. У киши қассобларнинг қаттаси. Мана, ҳайрият, китоб чиқаришнинг ҳамма харажатини бўлмаса ҳам бир қисмини кўтарадиган бўп турибди. Лекин огоҳлантириб қўйди:

– Китобингни шаполоқдек қилиб бостирмагин-да. Катта парматда босишсин. Жа-а бўлмаса гўшт ўраб сотворамиз. Ана ундан кейин китобинг ҳам, ничоғинг ҳам мой остида бўлади. Пиस्ताпурушлар билан гаплашиб

кўриш керак. Улар ҳам анчадан бўён ҳар хил китоб ёзадургонлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб туришади.

– Китобимда хўжалигингиз одамларнинг образини яратганман. Хомийлик қилмайсизми? – дедим ўзимиз яшайдиган ҳудуддаги ширкат хўжалигининг раисига.

– Биласанми, ука, бу масалада ҳисобчимиз билан бир гаплашиб кўришинг керак.

Ҳисобчига учрашдим.

– Китобингни бизи хўжалик ҳақида дейсанми?.. Материалларни ким берган?.. Ўша фактлардан фойдаланганинг учун кассамизга пул тўлашинг керак. Ҳозир ҳисоблаб бераман...

Ҳисобчи кўзойнагини тақиб чўтини яқинроқ сурувди, секин сирғалиб қочиб қолдим.

– Ҳали унга хомийлик, ҳали бунга хайрия, деб хўжаликларга кўрсатма беравериш ҳам ноқулай бўляпти, – деди туман ҳокими муовини. – Бизда пахтачилик бўйича ихтисослашган хўжалик бор ... боғдорчилик, чорвачилик бўйича ҳам бор. Қани энди, хомийлик бўйича ҳам ихтисослашган хўжалик бўлса-ю, бошқаларга сарғайиб ўтирмасанг. Ахир, ўзларига енг бўлолмаётганлар бошқага ёка бўлармиди?.. Ўзи бу кетимда дунё иккига – хомийлар ва хомийгалабларга бўлиниб қолмаса деб кўрқаман.

– Озгина кеч қолибсан-да. Биз яқинда битта китоб чоп этишга хомийлик қилдик, – деб афсусланди яна бир танишим. – Илмий-оммабоп асар эмиш. Номиям зўр: «Пашшанинг горизонтал учишининг сув омбори тўғони мустаҳкамлигига таъсири» деган.

– Қанақа пашшанинг? Хира пашшанингми? – дедим энсам қотиб.

– Қаёқдан биладан? Худди мен ўқиб кўргандай сўрайсан-а?.. Ҳа дарвоқе, ўша олим кеча яна кўнгирик қилибди. Йўқ эканман, қотибам билан гаплашибди. Энди тўғоннинг мустаҳкамлигига чивиннинг таъсири ҳақида китоб ёзаётган эмиш.

Ҳафсалам пир бўлиб юрганимда яна биттасини тавсия этишди. Бу ёғини сўрасангиз бунисининг гаплари ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди:

– Хомий ҳам ҳар хил бўлади. Мен назарий хомийлик қилишим, маслаҳат беришим мумкин. Кейин даромаднинг қанча фоизи менга тегишини айтиб қуйсанг бўлди. Масалан, газли сув дўкони очсанг бўлади. Дарчанинг тагида ўтириб «танга, санга, манга, пул, гул, тул» деб қофиялаб шеърингни тўқиб ўтираверасан. Э-э, бу ерга не-не одамлар келмайди. Ойнаванд хонада ўтирганинг учун ҳам башаранг ҳаммага таниш бўп кетади. Анча-мунча шеърларингдан ўқиб ўтирсанг шу ернинг ўзидаёқ машҳур бўп кетишинг ҳеч гап эмас. Айтишларича, Ўрисиянинг катта шаҳарларида шоирлар йўл бўйида ўтириб шеър ўқиб ҳам анча-мунча пул ишлаб олишармиш. Бахтинг чопиб каттарок шоирлар келиб қолса кўзга ташланиб қолишинг ҳам ҳеч гап эмас. Бошланишга ўша дўконни тебратиб турасан. Ишинг юришиб кетса миллиардхонами, яна қанақадир хона қип қўйсак китопингни чиқими чўт бўлмай қолади.

Хомий қидириб югуравериш суробим тортилиб қолди. Шухрат пиллапояларидан юқори томон ўрмалашнинг ягона йўли хомий топиш ва китоб чиқариш экан – чидамасдан иложим йўқ. Бахтим очилиб кетиб

китобим чиқиб қолса барча таниш-билишларга тарқатиб чиқаман, деб турибман. Бизникидан борган совчиларни мулзам қилиб қуруқ қайтарган Маҳмуд найновнинг кизи Сухсуройнинг эри Холмат сўтакка ҳам тагдор дастхат билан бигтасини бераман. Хотинига олиб бориб кўрсатади-да. Ана ўшада бечора билмасдан ноз қилиб қўйиб, мендай машхур шоирнинг хотини бўлмай қолганига афсусланиб, пахмоқ сочини чангаллаб, бир умр армон билан ўтса керак.

Чиқмаган жондан умид деб ҳаракатимни давом эттиряпман. Ўзиям энди ишим юришиб кетадигандай бўп турибди.

– Майли розиман. Фақат мени ҳам китобга сўаптир қиласан, генералини бўламиз. – деди ҳомийликка навбатдаги номзод.

– Генерал эмас, гонорар – қалам хақи дегани.

– Шапалоқдек китобига фалон минг сўм генерал олишади дейишади-ку.

– Унчалик эмас. Бундан ташқари сиз умрингизда ҳеч нарса ёзмаган бўлсангиз.

– Нега ёзмай? Ёзганман. Қолаверса, ўша китоби чиққанларингни ҳаммаси ҳам ўзи ёзмаган. Бир жойда эълон ёзиб қўйишганмиш: «Ҳаммуаллифлар гуруҳига муаллиф керак» деб.

– Майли, – дедим охири бошқа йўл қолмаганигига ишонч ҳосил қилиб. – Сизни ўзингиз айтгандай «сўаптир» қиламан. Тахаллус ҳам топиб қўйдим.

– Қандай?

Айтдим. Маъқул тушди. Шундан бери ўша бошлиқнинг кетидан чопаман. Тахаллусини эшигганда ийиб кетармикин деган умидда эшигини аста чертиб ичкари кираман-у, қўлимни кўксимга қўйиб дейман:

– Ассалому алайкў-ўм, Мавлоно Ҳомий!..

Ана... Ҳомий ҳазратлари жилмайиб қарши олдилар. Энди куёш бир томондан чиқадиганга ўхшаб турибди. Дўконларни кузатиб тураверинг... Пештахтада Мавлоно Ҳомий ва Сур Робнинг «Шиллиққуртнинг парвози» китобига кўзингиз тушиб қолса керак.

Андижон



ШИФОНИНГ МИНГ БИР ҚИРРАСИ

«Назарбек» сиҳатгоҳида дам олувчиларга, таниш ва қадрдон бўлиб қолган Шавкат Эшонхўжаев умрининг 80 баҳорини қаршилаётган бўлсада, ҳамон, тетик, дам олувчилар ва маҳалладошлари дарду ўйлари билан овора...

Шавкат аканинг отаси Жўра бобо ҳозирги Занги ота туманида хўжалик раиси бўлиб ишлаган. Кўпга бош, жиддий, ишбилармон ва маърифатпарвар киши эди. Раислик даврида мактаб қурдирган.

Шавкат ака оиланинг кенжа – бешинчи фарзанди эди. Болаликдан шифокор бўлишни орзу қилди ва ниятига етди ҳам.

– Ўқишдан кейин ТошМИ да дерматолог бўлиб ординатуранинг ўтадим, ассисентлик ҳам қилдим, – дейди Шавкат ака у вақтларни эслаб. – Кейин кимдир мен ҳақимда Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси бошлиғи Азиз Қодировга айтибди. У киши мени чақириб, ишга таклиф қилди. Рози бўлдим.

Шавкат ака дастлаб Марказий темир йўл поликлиникасида ишлади, кейин Ўзбекистон темир йўлларида соғлиқни сақлаш хизматида ишга ўтди ва пухта иш юритиши, ташкилотчилиги сабаб, 1983 йилда бу хизматга бошлиқ бўлди. Раҳбар-шифокор сифатида бу ловозимда ишлаган 20 йиллик меҳнати фаолиятида тиббиёт тараққиётига катта ҳисса қўшди. Айниқса, темирйўлчилар учун сиҳатгоҳлар ва шифохоналар қурилишида бош-қош бўлди. Темирйўлчиларнинг дам олишлари ва даволанишлари учун Швейцария ва Германия давлатларидаги каби ажойиб лойиҳа асосида қурилган «Назарбек» сиҳатгоҳининг бунёд этилиши соҳада катта воқеа бўлди. Ўша йиллари кўпга бекатларда темирйўлчилар учун янги шифохона ва поликлиникалар қўрилди. Буларда Шавкат аканинг ҳиссаси катта бўлди.

Шавкат Эшонхўжаевнинг қилган меҳнатлари қадр топди. Унга ҳукуматимиз томонидан

1984 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берилди. Орадан ўн йил ўтгач, Қорақалпоғистон Республикасида темир йўл тизимидаги тиббиёт муассасаларини ривожлантиришдаги хизматлари учун «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони билан тақдирланди. Кейинчалик унинг темир йўлдаги хизматларини инобатга олиниб «Фахрий темирйўлчи» унвони берилди.

1984 йилда унинг ташаббуси билан Сергелида Ўзбекистон темир йўлларига қарашли махсус тиббиёт билим юрти очилди. Чунки ўша йиллари темир йўл тизими учун ҳар йили Москвадан 120 нафар тиббиёт ҳамшираси олинар эди. Шундан кейин бу «аънана» барҳам топди.

1999 йилида Шавкат ака нафақа ёшига етгач, «Назарбек» сиҳатгоҳига бош шифокор бўлиб ўтди. Унинг тажрибалари бу ерда ҳам қўл келди. 2003 йилда сиҳатгоҳнинг 100 ўринли янги корпуси қурилиб, ишга туширилди.

Ҳаётининг ўзи бир китоб бўлган бу кишининг характерида кўп ажойиб томонларни учратасиз. Шавкат ака аввало, ўз қишлоғи – Назарбекни жуда

қадрлайди. Шунинг учун у Тошкентда 40 йилдан ортиқ турли нуфузли лавозимларда ишласа ҳам бирор марта шаҳардан уй-жой қилишга қизиқмади.

У ўз қишлоғидек ерни – деҳқончиликни севади. Юрт мустақилликка юз тутгач, 50 гектар ер олиб деҳқончилик қила бошлади. Чорвага меҳри баландлигидан шахий чорвачилик фермасини очди. Унинг бу тадбиркорлиги самарасида ҳамқишлоқларидан 15 киши доимий иш билан таъминланди.

Шавкат ака деҳқончилик ва чорвадан кўрган даромадлари ҳисобидан маҳалла йўлларини асфальт қилдирди, носос қўйиб сув чиқарди, газ, электр келтирди. Даласидаги пайкаллар четига минглаб тераклар экди, мевали дарахт кўчатлари ўтказиб боғлар яратди. Унинг бу эзгу ишларидан назарбекликлар хурсанд.

Буларни кўргач, Жўра бобони эсладим. Дарҳақиқат, ота ишларини давом эттирган одам кам бўлмайди. Шавкат аканинг ҳозир ҳам асосий иш жойи «Назарбек» сиҳитгоҳидир. Бу ерга дам олиш ва ўз соғлиқларини тиклашга келувчи темирйўлчиларнинг дарди-ўйи билан яшаш унинг вужудига сингиб кетган...

